Уз2
М 24

УРОД МАНСУР

ЖУДОЛИК ДИЁРИ



Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgarigi berilmalar miqdori______________

МУРОД МАНСУР

ЖУДОЛИК ДИЁРИ

Роман

Учинчи китоб

РУШДИ ҲИДОЯТ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ 2006

М – 25

Мусаввир
ХУРШИД ЗИЯХОНОВ

Масъул муҳаррир
ТОҲИР МАЛИК

Мурод Мансур. «Жудолик диёри» Роман. Учинчи китоб. — Т.: «Шарқ», 2006. — 304 бет.

«Жудолик диёри» асарида утган аср урталарида халкимиз бошига тушган оғир жудоликлар, синовлар, узбек халкининг буюк бардоши, энг машаккатли дамларда ҳам узлигини сақлаб кола олгани самимият билан тасвирланган. Шу боис асар китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Ёзувчи тақдир тақозоси билан сарҳад ортида қолган Султонмурод, Баҳриддин ва Марғубабегим каби қаҳрамонларининг ватан ва дийдор соғинчлари билан тўла кейинги ҳаётларини асарнинг учинчи китобида ўша самимият, ўша тиниқлик ила тасвирлайди. У азиз китобхонларимизга манзур булади, деб ўйлаймиз.

ББК.84.(5Ў)

TOSHKENT SHAHAR «BILIM» AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI
№ 2020/4-49

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006 й.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

... Сен ватан соғинчи нима биларчисан, Чаман? Ватан соғинчини ватандан ҳижрат этганлардан сўра! У соғинч ўртаб келганда ҳамма нарса бир томон, ватан ҳам бир томон бўлиб қолувини, унинг ҳаволаридан бир бора нафас олмоқ, сувларидан бир қултумгина ичмоқ жаҳондаги жамики нарсалардан азизроқ бўлиб кўринувини сен қайдан билардинг, дўстим?!

Майли, элим мени қувғинди деб атасин, халқим сиғинди деб билсин, мен ўзимни улар билан эту тирноқдек деб биларман!

СУЛТОНМУРОД

(«Сарҳад ошган мактублари»дан)

Муқаддима

«ИБРОҲИМ МАҚОМИ»ДАГИ ВАТАНЖУДО...

Сиз дарсхонамда хеч бўлмагансиз. Ўзим ҳам у ерга ҳаммадан қизғониб, ёмон кўз, ёмон назарлардан беркитиб бир нарсалар битадиган пайтларим кираман холос. Ўзи тордан-тор, битта каравоту устол зўрға сиғади. Аммо дунёда ундан осуда, ундан кенг жойнинг ўзи йўқ менга.

Ёлғиз дераза тагига ўтирволсам хеч ким, хеч нарса чалғита олмайди мени. Қолаверса, ҳаммаёққа парда тутиб ташлаганман. Хатто қибла тарафдаги меҳробсимон дераза ўрнидан тортиб, бу ёқдаги токчага довур оқ-оппоқ парда тортиблик. Ўша «меҳроб» тарафдагисини хар замонда бир соғиниб, кўргим келиб очмасам, рўпарадагисига кўпдан қўл урганим йўқ. У ерда кишибилмас токчамиз бўлиб, унда нима сақланишини хатто Саида билмайди. Кеннойимга шипшиб қўймасин деб... айтмаганман. Қибла тарафдаги парда ортида эса, узоқ шариф диёрдан келтирилган бошқа нарса бор. Ўзиям қиблага ярашадиган. Тўғриров, дунёдаги энг муборак шаҳар — Маккада олиниб, Тур-

киядами — қаерда қулоч етмас шилдироқ қоғозга босилган бир сурат... Табаррукки, қуяверасиз. Ранглари ҳам тиниқдан тиниқ, нурлидан нурли, ўзи шундай нозик-адо қилиб олинганки, соатлаб термулиб туймаслик мумкин.

Ана ўша суратдан бир қарашдаёқ кишини ром этиб қуядиган, осмонларга алоқадор бир илоҳий нур, файзи футуҳ ёғиладики, бу адоқсиз нур қайдан келяпти, дарҳол ажратиш маҳолдан маҳол.

Ҳар қандай кўҳлик нарса ҳам бир кўришли. Нари борса, икки-уч кўзни қувнатиб, сўнг оҳори тукиладиқолади. Айниқса, у сурат бўлса. Аммо бу қанча вақт кечмасин, неча қайталаб кўрманг — ҳеч-ҳеч эскирмайди. Қайтага ҳар гал янгариб-жилоланиб, нимаси билан дир сизни ром этаверади, этаверади. Сир-асрори ҳам шунда. Балки ойим қиблаи муаззама деганларича бордир?..

Бундай нарсаларнинг Ҳижоз томонлардан кела бошлаши, аввало, Худонинг инояти. Бўлмаса, уларга етишиш қайда эдию, уйларимиз турига илиш қайда эди!.. Биз шу ёшга кириб, Каъбанинг тасвири туширилган жойнамоз-гиламчаларни ҳам кўрмаган эдик. Шариф диёрнинг таърифи оналаримиз оғизларидан оғизга ўтиб келарди, холос. Мана энди ўша қўл етмас диёр тасвирлари...

Дарвоқе, мен ўша ёдгор нарсани қандай қўлга киритганим ҳақда айтмоқчи эдим, узр.

Жумалардан бирида «Қозиработ» жомесига борсам, китоб растаси ёнида бир туп одам пастак ўтдевор устига ёйиб қўйилган рангин суратлардан кўз узиша олмай турибди.

Улар шундай тиниқ ҳам нозик-адо эдики, бир қарашда суратми, мўйқаламда ишлаб, сўнг чоп этилганми — ажратиб бўлмасди. Сўраб билдик, шариф шаҳарнинг суратлари экан. У томонларда сурат олишу чоп этиш шу қадар ривожланиб, фарангилардан-да ўзиб кетишибди.

Чиндан-да, пиёз пўстидек нозик шилдироқ қоғозлардаги суратлар ғаройиб даражада тиниқ эди. Нури ҳам бир бўлакча, қараган саринг дил ёмишаб, бир сир босиб келаверарди. Балки ҳамма гап ўша сирдадир. Унинг тагига етганг келадию, етолмайсан.

Кунгил узиб хам кетолмайсан. Шунақа оҳанрабоси бор...

Мени нима сир босди, десам, ёнимдаги қариялар хам аллақандай ҳалим тортиб, мутаассирланиб қолибдилар. Қайбирлари кузларида ёш, елкаларига ташлаган белбоғларининг учини кишибилмас мижжаларига босиб-босиб, олмоқдалар. Қайбирлари эса, у муборак тасвирларни силаб-сийпаб, юз-кузларига суртмоққа тушган эдилар. Шунчалик табаррук...

Аввалига илғамабман, шунақа сувратлардан яна биттаси... рупарадаги темир панжарага илиб қуйилган экан.

Ана буниси — ҳаммасидан зур эди! Қарагандаёқ киши чиппа ёпишадиган эди. Айниқса, урталаги «Қора уй», унинг ортида осмонларга довур туташган қуш минора, пастда — тавоф майдонига энди кира бошлаган оқ эҳромли кишилар — шунақа жонли, табиий эдиларки, бир қарашдаёқ михланиб қолмоқ мумкин эди. Беихтиёр яқинроқ бордиму тагидан жилолмай қолдим. Ажойиб! Шу эканми, Аллоҳнинг уйи — Каъбатуллоҳ деганлари?!. Мен узимни унинг тагида тургандек ҳис этар, жиндек ҳаракат этсам — уша оқ эҳромли умрачиларга қушилиб кетадигандек эдим, тавба.

Устига ажойиб каъбапуш ёпилган «Қора уй» шунақа бир нуқтадан сувратга олинган эдики, (балки мен ўша нуқтага яқин ерда тургандирман!) узимни тавоф майдонига тушиб қолгандек ҳис этар эдим. Гуё чақирсам овозим оқ эҳромли кишиларга етадигандек эди. Қолаверса, Каъбатуллоҳ осмонидан устимга бир раҳмат нурими, нима ёғилиб, аллақандай сир босиб келмоқда... Мен шунча газетада ишлаб, жаҳонни неча айланган машҳур сувратларни куриб хам ҳеч бу ҳолга тушмаган эдим. Жону жаҳонимни бунчалик қамрамаган эди ҳеч бири!

Бу эса ром этганди-куйганди! Наинки ром этганди, мен узимни унинг бир булагидек ҳис этмоқдайдим. Ҳатто анави Аллоҳнинг меҳмонларидан бирига айланиб қолгим келмоқдайди...

Чиндан ажойиб эди «Қора уй» деганлари. Ўзи оддий қора тошдан-у, аммо шундай сервиқор, осмонларга алоқадорки... Ҳатто тепасидан айланиб сузиб

утаётиб, тухтаб қолгандек анави оқ-оппоқ пағa булутлар ҳам бу уй, бу майдонга алоқаси бордек эдилар. Ҳар тарафдан роҳатбахш бир нурлар ёғилаётгандек. Айникса, фаришталардек оқ-оппоқ эҳромли кишилар — Аллоҳ меҳмонларининг тавоф майдонига кириб келишларини кургандаёқ одам бир орзиқиб тушар, ушаларнинг сафида булиб қолгиси келаверарди. Нега шундай, сири-асрори нимада — ҳеч тушуниб булмасди.

Сувратчиси тушмагур шунча нарсани бир йула қандай қамраб олибди, бу мутаносибликни қандай топибди — ақл бовар қилмасди. Балки қай нуқтадан олмасин, бундан кам чиқмас, файзи-футуҳи шундай булаверар? Ахир уни Каъбатуллоҳ деб қуйибдилар?! У ягона-ку бу жаҳон айвонида!

Ана энди топгандек эдим сир-асрорини: мени ром этган нарса — уша файзи-футуҳ эди!

Ҳозир — шу туришимда ҳам қаердалигимни унутиб, тавоф майдонига тушиб боргудек бир ҳолатда, Каъбатуллоҳу унинг осмонидан ёғилаётган файзи-футуҳнинг асири булиб турар эдим.

Калитини топсанг, қолгани уз-узидан маълум булиб бораверади экан, ҳозир мен сувратчининг сирини ҳам билиб қолгандек эдим. Ана у — қаердан олибди экан! Тавоф чизиғига яқин бир ерда оқ эҳромли қора қул (уни қора оёқларидан занжилигини билмоқ мумкин эди!) саждага бош уриб ётар, Каъбатуллоҳ эса, худди уша ерга яқин жойдан — саждадан бош кутара туриб (!) олингандек эди! (Балки сувратчиси тушмагур уни шу кук чизиққа тиз букиб туриб, анави саждадаги қора қулнинг ортидан — унинг куз нигоҳи ила олгандир?)

Нима булганда ҳам унда мумин нигоҳи, Аллоҳга топинадиган кишининг назари бор эди. Уша назар билан Каъбатуллоҳга қараган киши уни бор буй-басти ила курмоғи, осмонларга алоқадорлигини туймоғи ва бир умрга куз қорачуқларига жолаб олмоғи мумкин эди. Унинг бутун жозибаси ҳам, сир-асрори ҳам шунда эди!

Ана, нимага тавофчиларга қушилиб кетгим келаётган экан!

Ана, нимага «Қора уй»нинг сим-сиёҳ ёпинчиғию унинг пештоққа ухшатиб тилла суви берилган арабий

ёзувлари — Каломуллоҳ оятларидан кўз узолмаётган эканман!

Қолаверса, Каъбанинг «Иброҳим мақоми»га қараган тилла эшигию унинг ортидаги ҳарамнинг оқ миноралариға қўшилиб, осмон ўзи бир оламга айланган эди. Ҳай-ҳай, қаранг, ўша мовий оламдан сузиб келиб, улкан алифдек осмон тоқига кўтарилган қўш минора ўртасида тўхтаган ғавға булутлар миноралар билан қўшилиб, рамзий ёзув шаклига кирган эдиларда, бир санти ҳам жилмай туриб қолган эдилар. Бу ҳам камдек, ўша оқ жужун булутлардан роҳатбахш бир нур ёғилар, ўша нарса менга-да таъсир этаётгандек эди.

Сувратчи тушмагурлар ана шундай нарсани сувратга муҳрлаб, кейин Туркиядами, қасрда пиёз пўстидан-да юпқа шилдироқ қоғозларга босиб, бизнинг диёрларга жўнатибдиларми? Валлоҳ-валлоҳ, мўъжизадан қаери кам?!.

Шу ҳолда қанча турдим, билмайман. Бир маҳал кўзимни ўша жужун булутлардан узиб, пастда — «Иброҳим мақоми»да тўхтаб, намозга қўл боғлаган ёлғиз ҳожига қарадиму... ундан-да ғаройиб ҳолга тушдим. Ҳожининг юз бичимими, қоматими (ишқилиб аллақаери!) жуда таниш кўриниб кетиб, бошим гир айланишга бошлади. Билмайман, назаримдами ё аслида ҳам айланармиди... яхши ҳам темир панжара бор экан, ушлаб қолдим. «Бу қандай синоат ё тасодиф?» дердим ўзимга ўзим. Балки азбаройи соғинганимдан ҳар битта одам у бўлиб кўринмоқдадир?

Бир қадам тисарилиб, яна ҳам яхшироқ тикилсам — айни ўзи, акам! Ё қодир Аллоҳ! Шунақаси ҳам бўлади эканми?!

«Иброҳим мақоми»га келганда Каъбага юзланиб, қўл боғлаганча тек қотган (нега тек қотади, намозми, Қуръонми ўқиётган!) оқ эҳромли киши шунчалар кўзга яқин ҳам таниш эдики, беихтиёр:

— Воҳ, унинг ўзи-ку! — деб юборибман.

Чиндан ҳам бу қандайин марҳамат? Сарҳад ошолмай, қай диёрларда саргардон кезган бир ватанжудони Аллоҳ ўз уйига меҳмон этиб чақириб олса? Ёрлақаса! Оталари етолмаган бир ерга етиб турса? Буни қандай тушунмоқ керак?.. Балки у ҳам эмас, бошқа

натанжудодир?.. Аллоҳ чақириғига «лаббайка ва саъдайка» айтиб борган оддий ҳожидир?..

Лекин у ким бўлганда ҳам бир топиб, сўнг йўқотган жигаргўшамизга икки томчи сувдек ўхшаб кетмоқда, унга алоқадор кўп тарихларни ёдга тушириб, бошим ўзимга хуш ёқадурган тарзда айланиб-айланиб бормоқда эди.

Шундан кейин ҳам бу суратни сотиб олмайинми?! Аэизлаб уйимизнинг тўри — қибласига илиб қўймайинми?!

Яқинроқ келинг, ҳижрат тарихининг бир гўзал — ҳам аламли, ҳам фараҳли қиссасини Сизга илиндим. Сизга Аллоҳдан сабр ва муҳаббат, ўзимга ростгўйлик тилаб,

Мақсуд Мирзо.

«Жудолик диёри»нинг аввалги
китобларидан таниш қиссагўй укангиз.

Дарвоқе, хонамда ёлғиз шу суратгина эмас, бу тарихга алоқадор яна бир талай нарсалар ҳам бор. Шулардан бири — акамнинг «диёрдагиларга хатлари»дир.

Уни Чаман акам Тангритоғ томонлардами, қайдан топиб, бир осори-атиқашунос таниши орқали бериб юборибди. Неча вақтдан бери электр ҳисобгич ортидаги кишибилмас токча-тортмачамизда турибди, устидан парда тортиғлиқ.

Ҳали эгаларига кўрсатмаганман. Келинойимга шипшиб қўйишларидан қочиб, шундай асраб келяпман. У мушфиқанинг эса, дарди ўзига етарли. Қолаверса, ўша хатларнинг орқасида яна бир нарса — эгаси чиқмаган бир шода марварид ҳам бор. Бу нарсаларнинг ўзига яраша тарихи борки, уни бир кун келиб очмай иложим йўқ. Ҳамонки, бу тарихни сизга илинган эканман, келинг, яхшиси, уни ўша «диёрдагиларга аталган хатлар»дан бошлай қолай.

Усиз бу жудолик тарихи Сизга ҳам, келгуси авлодларга ҳам қоронғи бўлиб қолмасин. Уни миридан сиригача қадар нозик илғаб бормоғингизни ва давомини илҳақлик ила кутмоғингизни табиатнинг нозик жойларидан сўраб қоламан.

Аллоҳ уни барчамизга чиройли этсин. Омин.

Биринчи бўлим

САРҲАД ОШГАН МАКТУБЛАР

1. Қиёматли биродарим Чаманга

«Оҳ, Чаман, Чаман!

Биз қандайин ҳам шошқалоқ яратилган эканмиз?! Ҳатто Яратган эгам — Аллоҳга таваккул қилмоқни ҳам ўрнига қўя олмаймиз[1].

Ҳамма сабабларини жой-жойига қўйгандек эдик гўё... «Ҳозиқ турам» ҳам лашкар олдига чиқиб, Ҳайитгоҳга йиғилган етти яшардан етмиш яшаргача ҳалойиққа Турамдан кам ваъз айтмаган эдилар! Одамлар неча бор қалқиб, такбир айтишга тушган, ваъз охирида эса, «Ўлсак — шаҳид, ютсак — ғозиймиз!» дея ўша ерданоқ жангга отланган эдилар! Бунақа якдиллик, бунақа жонфидоликни дунё дунё бўлиб кўрмагандир, Чаман.

Аммо биз пистапўчоқдан кема ясамоқчи бўлган эканмиз!

Чиндан ҳам қачон ёлғон ростнинг ўрнини босибди?! Пуч туқнинг ўрнига ўтибди?! Риё Аллоҳга хуш ёқибди?!

Биз Турам қайтдилар деб, шунча лашкар, шунча халқнинг кўзини боғлаб, у кишининг сояи чеҳрадошларини ўртага чиқариб қўйиб, ғалабага эришмоқчи бўлибмиз! Халқ ишонганда ҳам... Аллоҳ кўриб туриб эди-ку! Наҳот шуни назардан қочирдик?! Рост имдод билан Аллоҳдан нусрат тилаш ўрнига биз кимни аврамоқчи бўлдик? Ёғийними? Аммо аввало Аллоҳни алдаётганимизни нега ўйламадик? Ҳаммадан бурун шундан қўрқмоқ лозим эмасмиди?!

---

[1] Хатлар сиёҳқаламда, этик қунжида юрган эски бир чизиқ дафтарнинг бетларига йўл-йўлакай шоша-пиша ёзилган, кўп ҳолларда тиззага қўйиб битилгани, қўл совуқда қовушмай қола бошлагани аниқ кўриниб турарди. Аммо ўзи равон-ёниқ эди. (Муаллиф).

Ана шунақа, Чаман! Дунё ростлик устига қурилганини кўп ҳолларда унутиб қуямиз-да, армону пушаймонлар ёғига қоврулиб ётаверамиз кейин. Қачон одам буламиз, босиқ-вазмин тортамиз экан, Аллоҳ шариатини маҳкам тутадиган қавмга айланамиз экан?! Шариатда эса, ҳар нарса уз номи ила атаб қуйилган: Ёлғон — ҳеч қачон ростнинг ўрнини босмаган. Риё билан киши кўкармаган. Ҳамма нарса ростлик асосига қурилган ва тўғрилик энг биринчи фазилат саналган кишилик жамиятида ёлғоннинг боғи ҳеч қачон кукармаган! Унинг меваси ҳамиша мағлубият булган, заҳар-заққум булган. Бу мана шу дунёдагиси. Охиратдагисини-ку қуявер.

Ана шунақа, киши шошқалоқ булмаса, чин саркарда қолиб, соясига эргашадими?! Биз ҳам Турам қолиб, у кишининг сояи чеҳрадошларига эргашиб, дориломон бир диёр қурмоқчи булибмиз. Ёғийларимизни суриб ташлаб, етим қолган салтанатни тикламоқчи булибмиз.

Ният улуғ булса-да, бундай сохтакорлик кетидан нусрат келмаслигини англаб етмабмиз. Уруш ҳийладир, деган гапларга учибмиз-у, ёғий қолиб, узимизни алдаб қуйибмиз! Балки Турам рози булмасалар, бизнинг қаеримиз кам у кишидан, деб ўйлагандирмиз? Ўзимизга бино қуйиб юборгандирмиз?..

Аллоҳга суянгулик иймонимиз қандай — ўйлаб кўрмабмиз ҳам, Чаман. Ана энди мағлубият аламини тотиб, мушкул бир аҳволда жанг майдонидан тузиб-чекиниб, қул етмас тоғларга бош олиб кетарканмиз, ёнимизда сен камлик қилиб турибсан. Чаман. Сенинг йўқлигинг — хабар бериб ҳам чақиртириб ололмаслигимиз — шундай билиняптики...

Узр, ошна. сендан бемаслаҳат шундай ишлар булиб кетди. Бу ишни сендан сир тутишни маслаҳат берганлар энди бетимга қарай олмаётирлар. Мен уларни ҳам айблай олмайман. Бу балки тақдир ёзуғи — пешонамизда боридирки, мағлубият аламини тотиб, бошни асрамоқ учун ҳам бу довон йўлига тушгандирмиз. Қиёматли ошнам, сендан гина йўқ. Жиндек хабар топсанг, ёлини куйдирсанг дунёнинг нариги чеккасидан етиб келгувчи Асрор девдек, етиб келардинг а, ўша хабарсиз қолгансан. Хабар бермаган —

биз ўзимиз айбдор. Бир хато — шунчалар қимматга тушди. Лашкар тўзигандан тўзиб, ким йитди, ким қолди — билмасмиз. Омон қолганлар бир-биримизни қора тортиб, ёлгизоёқ сўқмоқлардан Музтоққа паноҳ тортиб бормоқдамиз. Тақдирнинг ҳазилими, нима бу, бир вақт омон қолганларга назар солсак, ҳов ўша сарҳад ошган саккиз биродар — ким соғ, ким — бир бирини ортмоқлаб, жанггоҳдан тирик чиқибмиз. Оҳ, Чаман, бундан — бу қаро кўргиликдан, жанг майдонида сўнгги қатра қонимиз қолгунча савашиб, лошимиз ўша ҳарб майдонида қолгани авло эди! Жилла қурса, шаҳидлар қаторида кетардик!

Энди чи, киммиз?

Тоза ниятларни бой берган, лашкарни ҳалокатга етаклаган калтабинлар биз эмасми?

Узр, қўлим муз қотиб, хатларим хунук, сўзларим қовушимсиз чиқаётган бўлса. Орқадагиларнинг етиб олишларини кута туриб, тиззамда битаётирман уни. Бу ер шунчалар совуқ, изгиринки, қогоз намлаб, уни ёзиб улгуриш маҳол. Сиёҳқалам етгунча қогоз юзидаги нам яхлаб улгуряпти. юқорида нима қиларканмиз бу совуқда? Худо тўзим берсин ишқилиб...

Мен ҳалигача бир нарсага тушуна олмаётирман: феълимизга қараб нусрат юз ўгирса-ўгиргандир, Чаман. Аммо Тангри нимамизга бизга шафқат-марҳамат қилди, жанггоҳдан бундайин тирик чиқарди? Зиммамизга яна қандайин юмуш-имтиҳонларини юклаганки, бир-биримизни ортмоқлаган ҳолда кўриб турибмиз ўзимизни? Қайси амалимиз эвазига ёгий ўқидан паноҳ берди?

Балки бу бизга аталмиш жазодир? Ёхуд гуноҳимизни ювмоққа бир имкон — бир муҳлатмики, бундан ўша майдонда қолганимиз яхшироқ эди. Нега келиб-келиб биз — ўша Турамни қайтариб олиб келмоққа отланиб, сарҳад ошган саккиз биродар бу қиргинбаротдан омон чиқиб турибмиз? Бунинг сир-асрори нимада? Аллоҳ биз қусурли бандаларига қусуримизнинг касрини билдириб қўймоқ учунгина шундай қилдими, тирик қолдирдими? Тўгри, ким ярадор, ким қанчалар ҳолдан тойган, дунё кўзига қоронги бир тарзда тўпланиб турибмиз. Калта ўйлаган бир ишимизнинг аччиқ мевасини татиб турибмиз. Лекин ба-

рибир омон қолганимиз галати — у ё бир мўъжиза, ё Аллоҳнинг карами. Балки Аллоҳ ибрат учун ҳам бизни дийдор кўрсатиб қўйгандир? Ростдан ҳам биз бир биримизнинг юзимизга қарай олмасдик. Гўё мана, ёл гоннинг умри қаергача етди, демоқчи бўлардигу, ай толмасдик.

Бу дунёда кимдан нимани сир тутмоқни ҳам бил моқ керак экан, Чаман. Азму қароримизни ҳаммадан сир тутсак ҳам... сендан яширмаслигимиз керак эди. Сен менинг бу дунёда энг ишонимли дўстим эдинг, орқадошим эдинг. Сенга бир учини чиқарганимда ҳам... қайтарган бўлардинг бу фалокатдан. Соя — соя-да: бўй-баст, юз-чеҳра, овоз ўхшагани билан қалб-чи, шижоат, иймон-чи, деган бўлар эдинг. Ҳамма Тўрам бўлаверибдими! Халойиқни оёққа турғазиб, ёгийни енгаверибдими?! Амаллари Аллоҳга хуш келаверибди ми, деган бўлар эдинг. Сен ҳақсан. Қани эди ҳамма миз ҳам у кишидек Аллоҳга таваккул қила билсак, Пайғамбар йўлларини ушлай билсак.

Ушлай олмаймиз, ожизлигимиз шунда. Сен бўлсанг, бизни бу сохта шижоатлардан қайтарган бўлардинг. Ёким довюрак деб аталишга учдикми? Шундай ном лар кўзимизни кўр, қулоғимизни кар қилиб қўйганми ди ё? Шуларни ўйласам, юрагим орқага тортиб тор тиб кетади, симиллаблар кетади. Чаман. Ахир тонг ла Маҳшарда Аллоҳнинг ҳузурига қай юз билан бо рардик унда? Тагинам Аллоҳ охират шармисорлиги дан асрабди, Чаман. Ниятга қарабди. Ният эса, дориломон бир диёр қурмоқ эди...

Илк қуналғадаёқ (қуналғаки, улкан қоя тагидаги супрадек супачада — хатни ҳам шу ерда давом эт тиряпман!) нафас ростлар эканмиз, Элчин ботур нинг устози Қори аканинг насиҳатлари бошқаларга билмадим у, менга қандай ёқиб тушганини бир эшит санг эди.

— Тагинам Аллоҳнинг карами кенг. Қайси бир амалларимизга у бизни қон ва оташ дарёсидан омон чиқарибди. Бу ёгига синови осон кечмас. Энди маҳ кам бўлинглар, ўзига таваккул қилинглар, — деди лар у киши.

Қори ака бизни хушёр бўлишга чақиряптилар де сам, орқасидан сўраб қолдилар:

— Биласизми, қиёмат куни биринчи булиб, Аллоҳнинг ҳузурига кимлар чақирилгай?

— Савол-жавобгами? — дедик ҳайратга тушиб.

Шундай, ҳамманинг Аллоҳ ҳузурига бориши бор. Лекин биринчи чақирилиб, биринчи сураладиганлар...

— Билмасак...

— Биринчи булиб шаҳид чақирилади экан. У олиб келиниб, Аллоҳ берган неъматлар танитилгач: «Булар ила нима қилдинг?» деб суралади экан...

— Йуғ-е, деб юборибман мен..

— Ҳа, ҳа, «Сенинг йулингда жанг қилдим ва шаҳид булдим», — дейди экан у.

— «Ёлғон айтдинг, сен шижоатли деб аталиш учун жанг қилдинг. Шундоқ дейилди ҳам», — дейди экан ул Зот. Сунг фаришталарга амр этилиб, у юзтубан судратилганча жаҳаннамга итқитилар экан...

Юрак орқага тортиб, «воҳ» деб юборибмиз. Ахир биз ҳам шу ҳолга тушувимизга бир баҳя қолган экан ку, Чаман!

Худо курсатмасин, агар шу жангда шаҳид кетганимизда нима булар экан?! Аллоҳ Узи асрабди!

— Ана, нимага учиб, нимага дучор булай деган эканмиз?!

Думини гажак қилиб олганча югурғилаб бораётган чаённи курганда киши қай аҳволга тушади?! Ҳозир этларим орасига ана ушандек бир жимирлов югурган эди, Чаман. Улим эса, яхшиям ёғий уқига учиб кетмабмиз, дер эдим, Аллоҳга шукрлар айтар дим. Бу ёғи жон фойдага қолган, эндиям охиратни уйламаслик мумкин эмасди.

Чаман, биродарим, Аллоҳ менга иккита дуст ато этган булса, ушанинг биттаси сенсан. У агар битта булса, уша ҳам узингсан!

Бу диёрларда мен бир ривоят эшитдим: Аллоҳ қиёмат куни одам боласидан меҳрни кутариб, узига қайтариб олиб қуяди экан. Ана уша қиёматда ҳар ким узи билан узи овора булиб қолади экан. Ота болага, бола отага қарамас, қиз онани, она қизини «танимас» экан. Шафқат йуқолади экан. Раҳм марҳамат деган нарсалар уртадан кутарилади экан. Ана

ўша дамда бир қориндан талашиб тушган Ҳасан Хусанлар, Фотима-Зуҳралар бир-бирларидан қоча дилар экан, савобимдан сўраб қолмасин деб. Бир пайса савоб анқонинг уруғига айланиб, уни тиланиб юриб ҳам топиб бўлмай қолади экан.

Ана шундай кунда бир пайсагина савоби етмай қолган бир банда зир югуриб қеши ақраболарини из лаб юрса, ҳеч ким қайрилиб қарамасмиш. Жигарига борса, жигари юз буриб кетармиш. Бир умрли ёр бирюдарларига борса, улар ўзлари кимдан сўрашлари ни билмай турадилар экан. Ниҳояти бир пайса савоб топилмаса я! Жаннатдан қандай умид узсин? У би рон таниш излаб яна югурғилаб кетибдию хомушдан хомуш туриб қолган бир биродарини учратиб:

— Эй азиз биродар, у дунёдаги яқинлигимиз ҳаққи, ёрдам қил. Бир пайсагина савоб етмай дўзахга ту шадиган бўлиб турибман. Ҳеч ким раҳм қилмаётир, — дея ўтина кетибди.

Шунда ҳалиги таниш:

— Сен бир пайсани тополмаётган бўлсанг, у ҳу, менга йўл бўлсин экан, — дебди ва кутилмаганда валломатлиги тутиб: — Мени бор йўғи бир пайсаги на савобим бор экан, ол, шу билан ишинг битса, — деб юборибди...

Ана шу тобда буни кўриб турган Аллоҳ субҳа наҳу ва таоло:

— Эй ёлғиз бир пайса савобини биродарига илин ган бандам, қайт, — деб чақиради экан-да: — биро даринг қўлидан тут-да, иккингиз жаннатга кирин гиз, — деб марҳамат қилади экан...

Сен менинг ана шундай биродаримсан, Чаман, Ор қадошимсан. Ҳеч кимда раҳм-шафқат қолмаган кез да ҳам сенга ишонмоқ мумкин! Мен қачонлардир қил ган бир яхшилигим эвазига — ҳув ўша Зокир-говни чирюқпоя қилиб кетганимизда ўтказиб қўйишгани, почча қутқариб олгани борганларида айтган сўзим, сенсиз чиқмаганим учун — шунча яхшиликлар қил динг. Аллақачон қамалиб кетадиган мендек одамни қай диёрларга чиқариб-қутқариб юрибсан. Кафил турмагил — кафансиз кетасан, десалар-да, ўз бил ганингдан қолмай келасан. Жаҳон валломатлари дўстга садоқатни сендан ўргансинлар.

Агар сен бўлмасанг, кафил турмасанг, қадамим бу диёрларга тегиши, бу жиҳодларда юришим даргумон эди. Юргизиб қўйишмасди: аллақачон қуёш бетини кўрмайдиган жойларга тиқиб ташлашар эди, валлоҳи аълам. Сен бўлмасанг бизни бу ҳалоскорлар сафига қўшиб қўярмидилар! Тангритоғга йўлатармидилар! Ниятимизни билишсаёқ, пешонамиздан отардилар.

Сен чиндан қиёматли дўстсанки, бу ёқда бизни асрадинг, у ёқда аҳли аёлимни қанотинг остига олиб ўтирибсан. Бу яхшиликларингни қиёматга довур қайтара оламанми экан? Қайтара олмасам рози бўлиб қўясан, оғина. Ёлғиз Аллоҳдан ўтинчим шуки, бу силаи раҳмларинг ажрини Ўзи минг баробар қилиб қайтарсин. Бу дунёда юз кўриштирмаса... йўқ-йўқ, фаришталар омин демай туриб, Аллоҳдан бир ўтинчим бор: у бизни жилла қурса, бир бор кўриштирсин, дийдорингни шунчалар соғинганман! Қолаверса, дунё кезиб сендайин бир садоқатли дўст топмадим...

Чаман, тақдир ёзуғида нималар бор, билмасмиз. Агар қайта кўришолмасак деб ушбу мактубларни сенга атаб қўноқ бўлган манзилларимизда қолдиришни ният қилдим. Дўстим, уни ўзинг билган услубда — ҳов ўша улуғ жиҳодчи Заки Валидийнинг тан соқчиси Хорис раҳматли ўйлаб топганидек қилиб, шишага солиб, қўноқ бўлган жойларимизнинг қибла тарафига кўмиш ва харитага туширишни ниятидаман. Уларни биз намоз ўқиган жойларнинг меҳроби четидан топгайсан. Харитани сенга етказгайлар.

Дуоларида эслагувчиларимизни Аллоҳ Ўз ҳифзу ҳимоясида асрасин. Яратганнинг Ўзи дастимизни узун, ниятларимизни пок қилсин.

Биродаринг Султонмурод.
Улкан қон тағидаги
илк қўналға».

* * *

Ўша шиша топилдиқдан чиққан бошқа найча-хатчада шундай битиклар бор эди: (Уни ҳам ўз ҳолича юқоридаги хатга илова қиламиз).

«...Субҳаналлоҳи! Не кунларга қола бошладик? Олдинда яна не кўргиликлар бор экан?

Тик оёқда тура оладиганлар Қори акага иқтидо қилиб, шомнинг фарзини ўқиб олгунимизча шундай воқеа содир бўлса-я!..

Ўша маршал Тўрамнинг сояи чеҳрадошлари (ҳа ҳа. ўша хос табиблари), бўй баст. суврат. шакл шамойилда бир туки кам бўлмаган. ваъз айтганда у кушидек илҳомланиб жўшиб кетгувчи ва ўзини Тўрам деб кўрсата билгувчи киши — Қўшоқ тўрам бир пасда айниб қолса я. У ётган ерида ҳар битгамиз нинг отимизни атаб чақирар. бошларини тўлгаб алаҳ лар эди.

— Ботур, Тўрамнинг розиликларини олмабми эдик? У киши нега индамайдилар?.. Нега жимдан жим турибдилар? Қайтингиз ҳузурларига. Рози ри золик тилангиз. Биздан рози бўлсунлар, — деб тўлго нади. Пешонасини маржон маржон тер қоплаган, ўзи ҳар биримизга бир илинж ла термулади. Аммо биз қани туролсак, намозни бузолмаймиз. унга ҳам ёр дам беролмаймиз.

Алаҳлаяпти десам, жон халпида васият қилаёт ган экан.

— Аллоҳ ўзи кечирсин. — дерди Қўшоқ тўрам ютақа ютақа, — мен сизларни қай йўлга бошлаб қўйдим? Нега бировнинг ўрнига ўтдим? Айтинг, Қори ака, менинг ҳолим... тонгла Маҳшарда не кечгай?

Қори ака икки ёнга салом бера. унинг ёнига ошиқ қан эдилар. Қўшоқ тўрамнинг бошларини тиззала рига олиб, юзларини силаб, пешоналаридан ўпдилар:

— Нега кечирмасин. Қўшоқ тўрам. Ахир ният қандай эди! Аллоҳ ризолигини истаб ўртага чиққан эдингиз ку. Ният — жиҳод эдими, ахир?

— Дарвоқе, ният шу эди, пок эди ку... Ўзингга шукр, лаа илаҳа иллаллоҳу...

Унинг мижжаларидан икки томчи ёш юмалаб бо риб. Қори аканинг тўни баригами, қаерга сингиб йўқолди ҳам, у энгаҳ ташлаб, боши бир ёнга бурил ди қолди ҳам. Қўшоқ тўрам жон таслим қила ол май турган экан, кўз ўнгимизда шом асносида узул ди қўйди. Кун қон йўқотган эди, бояқиш, у ёнига торта олмади. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, у киши Ҳозиқ тўрамнинг сояи чеҳрадошлари бўлибгина қол май, хос табиблари ҳам эди. майитни машъала

TOSHKENT SHAHAR

ёруғида шаҳид кавмида энгил-боши ила тупроққа бердик. [illegible] қони ҳам Аллоҳ ҳузурига тиризиб боиқин, илоҳим.

Биродарлар, Музтоғни кўтарилаверишда учрагувчи биринчи қоя [illegible]даги қабрни — мужоҳид қабри деб билгайсизлар. Аллоҳ қабрдаги савол-жавобларини осон қилган бўлсин, илоҳим. Эртаги навбат кимники, ҳеч ким билмас. Қай биримиз кўкка даҳанини тираб турган у довонга ета оламиз, қай биримиз ета олмасмиз — ёлғиз Аллоҳ билади.

Довон ошолсак — ғолиб деб, ошолмасак — шаҳид деб билгайсизлар.

— Умид дорам, денг. Шояд Тангрим бароад ё раб деса, — дедилар Қори ака.

У киши энди бизнинг йўлбошчи имомимиз бўлиб қолган эдилар».

Хатнинг сўнггида: *«Шунақа гаплар, Чаман. Ойтура онамизга салом айт. Дуоларида эслагувчиларимга ҳам дуои саломларимни етказ. Хайрли кеч»* деган жумлалар бор эди.

2. Умидим навдаси, жон укам, пакана пари

«Бугун сўнгги диёрдошим, ўзимизнинг ўша Қанғлидан бирга чиқиб, шу кунга қадар ёнимдан жилмаган қурдошимдан жудо бўлиб турибман, Мақсуд. Тойир акангдан айрилиб қолдик. Навбат уники экан. Аллоҳ уни-да ҳузурига чорлаб олди!

Мен унга берган ваъдаларимнинг ўндан бирини ҳам адо этолмай қолдим, Мақсуд!

У бу дунёдан мангуга кетаётиб (қара я, бир жароҳат тоғдек йигитни қулатса-я!), мен билан розиризолик тилашар экан. Аллоҳ ўзи кечирсин, бу осмон, бу тоғлар устимга қулашиб қуласалар рози эдим. Дунё кўзимга тордан тор, ҳунукдан ҳунук, олчиқдан-олчоқ кўриниб кетмоқда эди.

— Барзанимни бир кўрсам эди, хутталон отига бир бор минсам эди, — дея ўтинар экан, жон қушим бўғзимга келган эди, Мақсуд.

Сенгина биласан, у от жинниси эди. Барзанга ишқи тушиб, не кўчаларга кирмаб эди. Мен сенга бундан ҳа-ҳарра зўр отлар топиб бергайман. Биз [illegible]

№
TIBBIYOT KOLLEJI
AXBOROT-RESURS MARKAZI
INV №

оҳудан ҳам узадиган, чарчоқ нималигини билмайдиган, бошқа отлар қирқ чақирим йўл босганда, юз чақиримни кўрдим демайдиган хуттал отларидан олиб бераман, деб бу диёрга бошлаган эдим. Тўйларингда ўзим куёв-навкаринг бўлай, деб ваъдалар қилгандим. Ҳеч бирига улгурмадим. У эса, рози-ризолик тиларди, Мақсуд. Энди мен бу жаҳонга қандай сиғай, Мақсуд?!

Илгари беклар бунақа кезда: «тик туриб эрдим — қаддим букилди! Ўлтириб эрдим — бошим хам бўлди. Ерга узала тушиб эрдим — бовурим эзилди! Аллоҳим. Ўзинг сабр бер — чиройли сабр бер», деб бўзлар эканлар. Мен нима ҳам дея олардим?!

Мен уни от баҳонасида Аллоҳ рози бўладиган йўлларга бошлаб эдим-ку. Ўн гулидан бир гули очилмай, гўшангаларга куёв бўлмай туриб, қайга чақириб олмоқда Аллоҳим уни?! Биродарим Тойир аканг учқур отларга ишқи тушган бир бўзбола эди, аммо суянса суянгулик чин биродар эди. Бундайлар билан тоғни уриб, талқон этмоқ мумкин эди. Улар билан дориломон бир диёр қурмоқ мумкин эди, Мақсуд. Менга муҳаббати, мен ишонган нарсаларга эътиқоди бўлакча эди! Мен учун деса, ўтга кирарди, тегирмонга тушиб да бутун чиқарди, Мақсуд! Топ-чи, энди бундайин биродарни! Раҳматлини эсласам, Қори ака айтган бир ривоят ёдимга тушиб кетаверади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида Бани Ҳанифа қабиласидан Мусайлама отлиғ бир киши чиқиб, пайғамбарлик даъвосини қила бошлаганида У зот уни залолатдан қайтариш учун мактуб билан чопар жўнатибдилар экан.

Чопар Тойир акангга ўхшаб, ишонимли йигитлардан экан. Болалигидаёқ У зотга байъат бериб боғланганича ажралмай келади экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун деса жонини нисор қилиб юборадиган саҳобалар хилидан экан ўзи ҳам. Ҳабиб ибн Зайд деган ўша йигит қир, адир ошиб, Нажд тепаликларига етиб борибди-да, Расули Акрамнинг мактубларини Мусайламага топширибди.

Пайғамбарлик даъвоси билан чиққан кимса хатни ўқиб, сап-сариқ юзлари заҳил тортиб, газариб кетибди. Аламдан ўзини қаерга қўярини билмай, заҳарини одамларига сочиб:

— Бу тирранчани кишанлаб ташланг! — деб буюриб, ўзи кўшкига кириб кетибди.

Эртасига жамоатини жам қилиб, чопарни чорлабди.

— Хўш, — дебди сўроқни бошлаб, — Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси эканига гувоҳлик бера оласанми?

— Албатта, — деб бийрон жавоб қилибди чопар. — Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Росулуҳу, — деб шаҳодат келтирибди у.

— Мен Аллоҳнинг элчиси эканимга-чи? — дебди Мусайлама.

— Ким? — дебди чопар кутилмаганда кафтини қулоғига тутиб. — Биласанми, менинг қулоғим сал оғирроқ. Нима деганингни...

Масхараомуз бу гапдан Мусайламанинг тепа сочи тикка бўлиб:

Жаллод, кес! — дея унинг баданидан бир бўлак кесиб олишга амр этибди.

Жаллод шай экан, чопарнинг ўнг этидан қилич ила бир бўлак кесиб олиб, ерга отибди.

Мусайлама саволини такрорлабди:

— Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси эканига гувоҳлик берасан, шундайми?

— Албатта, у киши Расулуллоҳдирлар, — дебди чопар.

— Мен-чи, мен кимман — Аллоҳнинг элчиси бўлмай? — дебди у яна.

— Айтдим ку, — дебди чопар қулоғига ишора этиб, — нима деганингни тушуниб бўлмаяпти.

Мусайлама баттар жазавага тушиб, қичқирибди:

— Жаллод, эсини танитадиган қилиб кес!

Қиличи кескир жаллод чопарнинг яна бир парча этини узиб олиб, ерга итқитибди. Қон шариллаб оқа бошлабди. Лекин элчи ҳамон қилт этмай турди экан. Одамлар унинг саботидан даҳшатга тушибдилар.

Мусайлама саволини такрорлашни қўймас, чопар сўзидан қайтмас, жаллод эса, ҳар гал қилич ила қиймалар экан, чопар:

— Ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Росулуҳу! — деб иймон келтиради экан.

Ҳеч қанча ўтмай чопар иккига бўлиниб қолибди: ярми булакларга бўлиниб ерда ётар, ярми эса қип қизил қонига беланиб тик турар, ўзи эса, ўша-ўша — ёлғиз Расулуллоҳга (У зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин!) содиқлигини такрорлар экан.

Кичкина болалигида Расулуллоҳга (У зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар бўлсин) байъат берган ўша саҳоба — йигит ёшида шундай эътиқод кўрсатиб, вафо намунасини намоён қилган экан, Мақсуд. Ана сенга мўминлик! Тойир аканг ҳам шулар тоифасидан эди, Мақсуд. Унинг бошига ҳам ўша иш тушса, бу ҳам сўзидан қайтмас эди! Аллоҳим уни жаннатда Буроқ отлари билан сийлаб, Ўзи хурсанд этсин, илоҳим. Етмади Тойир у дориломон кунларга. Етгаймиканмиз биз? Биздан чиқмади ҳалоскор. Қачон чин ҳалоскорини юборгай экан, Аллоҳим? Турамдек бўла билмадик биз!

Тойир ёш кетди, аммо бу дунёдан охиратини топиб кетди! Уникидагиларга бу хабарни етказиб қўй, Мақсуд. Шу юмуш ҳам сенинг зиммангда қолди, укагинам. Бузлашмасин. Тойир аканг шаҳид қавмида тўғри жаннатга кетди.

«Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун» — ҳаммамиз Уникимиз ва Унга қайтгувчимиз. Ўзи ёрлақасин.

Қачон ва қандай қайтарини билмаган аканг
Султонмуроддан деб билгайсан.

Азиз холалариму тоғаларимга, кеннойинг ва ҳамма бизни таниганларга дуо дегайсан. Мени ёддан чиқармайдиганларни Аллоҳ ўзи паноҳида асрасин. Ва саломун аллал мурсалин, валҳамдулиллаҳи роббил аламийн.

Иккинчи манзилдаги муз қабр боши».

3. Биз киммиз, Чаман, на шаҳид ўлмаган, на ғозий бўлмаган? (Ёхуд кўтос суяклари қолган жойнинг қибла тарафидан топилган хат)

«Ҳаво айниб, қор аралаш ёмғир шивалашга, юқоридан муз нафаси ура бошлашга тушган бир паллада... қараки, Аллоҳ бизни ёрлақади. Еғуликлар тугаб, сил-

ла қурий бошлаган кезда Худо тоғдек ризқ етказди. Тупидан ажраган бир оқсоқ қўтос учрадики, «ҳай ҳай»лашиб қувиб чалғитиб, оёқларини арқонга матаб, йиқитиб олдик. Кейин терисини шилиб, бир олам гўшт ғамлабмиз. Ҳайҳотдек суякларигина қолди йиртқичларга ризқ бўлиб...

Шунисига ҳам шукр. Аллоҳ ҳадеб олавермайди экан, беради ҳам экан! Олдинда осмон ила бўйлашган музли тоғлар, қорли довон турар эди, ҳолимизни кўриб, ўзи марҳамат этди. Курган сари, қараган сари эт жунжикиб, ваҳм босади: қандай ошиб ўтгаймиз экан деб бу муз тоғдан? Ютаман дерди бу муз, совуқ...

Мадор бўлсин деб ўтда жиндек гўшт қовуришяпти. Ҳиддан бош айланиб, ичаклар ачишяпти, шундай очқабмиз экан!

Мен эса, шу ҳолимга сенга йўлакай хат битяпман, Чаман. Айт, энди биз киммиз? На шаҳид кетдик, на ғозий бўлдик? Энди қай диёрга ҳам бош олиб боргаймиз?! Нусрат нега биздан юз ўгиряпти? Неча юз йилларки, мўминларнинг иши шундай орқага кетиб, қўли паст тушиб бормоқда? Ҳикмати нима — ҳеч ўйлаб кўрганмисан, Чаман? Нимани унутганмиз? Ҳатто Турамдек зот ҳам чин нусратни қўлда тутиб қола олмадилар? Нега? Хатолик қаерда?.. Амалимиздами, ниятимиздами? Ё иймонимиз сустми, нимада? Нега забунмиз, мазлуммиз, иши орқага кетган миллатлардан бўлиб қолмоқдамиз? Бу қолоқлик нимадан, мутаассиблигимизданми ва ё бошқа сабабдан? Ҳар нарсага ақлинг етгувчи, аммо игнагга ютиб, чивинга ҳам сир олдирмовчи сен билмасанг, ким билгай? Сулаймон қори акадан сўраганимча йўқ, мавриди ҳам келмади. Аммо дарди-дунёмни зимистон этиб ётган бу саволлардан қани фориғ бўлолсам?! Қани бир дардкаш тополсам!..

Ҳатто Заки Валидийдек бир зот, Анвар пошою Мадаминбеклар бошини қовуштиролмаган, нусрат йўлига олиб чиқа олмаган бу халқни энди ҳеч ким уйғота олмагайми?

Тараққиётдан ортда қолувимизга... кемалар чиқиб, денгиз йўллари очилиб, мусулмон олами катта карвон йўлларидан четда мунғайиб қолганигина сабабми? Тараққиётга иштиёқ, илмга ташналик чи,

журъат-чи, бир дин — бир миллат туйгуси-чи, иттифоқлик чи? Аллоҳ буюрганидек, жилла қурса, рози буладиганидек даражадами?

Чаман, узинг айт. Хато, кемтиклик қаерда? Нега сидқ ила қилган ниятy жиҳодларимиз ҳам кутилган мевани бермаяпти? Нусратга етишолмаяпмиз? Сен бошқирдлар элида тузилган «Жоннисорлар» тарихию тақдирини яхши биласан. Шарқий Туркистонда зафар устига зафар қучиб юриб, охийри таназзулга юз тутиб, боши берк кучага кириб қолган «Фийсабилиллоҳ»чилар ҳақида эшитгансан. Хатто имом Шомилдек зотлар ёлгизланиб қолганини ҳам яхши биласан. Бу маглубиятларнинг ҳикмати нимада? Бу жиҳод, жоннисорликлар дилимизнинг туб-тубидан эмаслигиданмасми? Биз ҳар ерда, ҳар нарсада Аллоҳ розилигини истовчилар, изловчилар эмас, довқур, ботур деб аталиш учун узимизни утга чуққа урувчиларга айланиб қолмаганмизэми? Ахир жиҳод «фийсабилиллоҳ» ёзувли алоҳида кураш кийимлари кийишдами, узимизни куз-куз қилиш, мутаассибларча улимга отилишдами? Билмадим, Чаман, балки мен янглишаётгандирман, воқеаларнинг ҳикматига етолмаётгандирман. Балки Аллоҳ бу миллат қайгусини елкасига даст оладирган бир зотни ҳали юбормагандир. Унгача узимизни унглашимиз керакдир. Ушанда нусрат келиб, натижа юз курсатир балки. Ҳозир чи, қани уша натижа, дориломон бир ҳаёт? Маглубиятлар алами юрак-багримизни уртаб, адой-тамом этдику. Бу ҳолатдан, бу маглубиятлардан қачон хулоса чиқарамиз экан?! Сендан бошқа кимдан ҳам сурай бу дардларимни? Ё қодир Аллоҳ, узинг тузим бер бу довонлардан ошиб утмогимизда.

Султонмуроддан деб билгайсан.

Маҳфузамга, бизникиларга дуои саломларимни етказгайсан. Қиёматли биродаринг.

Учинчи манзилгоҳ».

4. Сайраб учган Уларқуш қай балолардан хабар берар, Чаман?

«Чаман, дустим. Бизга Аллоҳдан мадад тила. Сабр-бардош тила. Қай бир тилсимли диёрга, музлар улкасига кириб қолган эканмизки, бу диёрнинг

нимасига берухсат тегиниб қуйган эканмизки, бизни бу бало тутди, Чаман?!

Ҳолимизга йиғлагувчи қани, бўзлагувчи қани? [1]

Тик туриб эдим, оёқларимдан мадор кетиб, ултириб қолдим! Сапчиб тушган отим зорли кишнаб, қай бир ерга довур суриб-сургаб кетди! Жилови қулимда экан, ажраб кетолмади. Кетолмадию тухтаган ерида камига оёқларини кериб, шов-шов бушаниб юборди, жонивор...

Шерикларим ҳам шу аҳволда эдилар. Қори ака зўр бериб калима келтирар эдилар, қуллари от сагрисидан тушмас эди. Элчин қани, қаерда қолди десам, мосонсираб, турган ерида серрайиб қопти? Орқадаги лардан куз узмайди. Субҳаналлоҳ! Куз унгимда Ботурнинг сочи оппоқ оқариб тушди! Қасира-қусир ила қалдириб тепадан упирилиб тушаётган оқ бало эса, тугри шерикларимизнинг устига тушиб келарди!

Чаман, бундай бало — кучкини сену биз — одам боласи кўрмаганмиз! Куз очиб-юмгунча фурсат ичида орқада ҳеч вақо қолмаган эди, биродарларимиз йуқ эдилар... Бир йула уч киши, уч мужоҳидни кучки ютган эди, э, воҳ!..

«Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун» [2].

Инсоннинг куни битса — шу экан. Сафарда, диёридан узоқда, деб утирмаскан. Аллоҳ уларни бу дунё машаққатларидан фориғ этиб, бир лаҳзадаёқ даргоҳига чорлаб ола қолган, куз юмиб очгунча фурсат ичида орқамизда оқ мозортепа пайдо булган қуйган эди.

Саккиз нафар эдик, довоннинг ярмига етмай беш биродаримиздан ажраб, етим бутадек қолиб утирибмиз...

Ҳолимизга ким йиғлайдию ким бузлайди, Чаман?

Эртага узимизнинг ҳолимиз не кечгай? Албатта, билгувчи ёлгиз Аллоҳ, аммо буни айтгувчи қанию, далда бергувчи қани?!

Осмон бояги боягидек, уша хатаркуш учиб утган вақтдагидек мусаффодан мусаффо эди. Кун эса ча-

---

[1] Бу хат кейинги мактуб билан бирга довончи тош қальасининг меҳробн тагидан чиқди. Афтидан оқ мозор ёнига кумиш иложи булмаган (Чаманми, кимнингдир изоҳи).

[2] Ҳаммамиз Аллоҳникимиз ва Унга қайтгучимиз. (Оят таржимаси).

рақлагандан чарақлар, атрофдаги муз кулларy, бошида тош-тугун кутарган муз қоялару, ҳар икки ёндаги муз тоғларгача офтоб нурида партирагандан партирар эдилар. Музлар эримасалар да, жимгина «ёнардилар»...

Аммо қулим қалам ушлашга кела қолмайди. Совуқ ургандек тунг қотган...

Уша Уларқуш музқозиқдек осмон устунлари — музтоғлар ёқалаб сайраб учиб утган чоғда ҳеч бир хатардан дарак йуқ эди. Кукда бир тола ҳам булут куринмасди, тавба. От туёқларининг тийгониб, тақаларининг тарақлаши, узларининг пишқираб, сесканиб бош силкишларини демаса, жимжитликни бузгучи ҳеч нарса йуқ эди. Ҳатто гувлаган шамол жиб қуймасди...

Орадан бир соатлар утиб, орқа ёнбошимиздаги баланд тоғларнинг теппасида баногоҳ осмон қарсиллаб ёрилгандек бир мудҳиш овоз эшитилдию... тоғлар парчаланиб тушаётгандек бир қиёмат кунди! Қарасам, чуққидан кучган катта муз йулида учраган жами муз-тошлару қорларни суриб, пастга тушиб келмоқда, ваҳимаси оламни бузгудек!.. Отлар жон ҳалтида кишнаб юборган, Қори ака калима келтирар, Элчин ботурнинг сочи бир дақиқада оқариб кетган эди! Орқадагилар қочишга-да улгурмай кучки тагида қолган эдилар, Чаман.

Ҳолимиз шунчалик экан ку, дунё низомини тузамиз деб юрибмиз, Чаман?! Бу дунёда адолат топамиз, адолат урнатамиз, деб юрибмиз! Ўзимизни ким санаб кетибмиз?! Ундан кура, бу ишларимиз Аллоҳга хуш келадими-йуқми, шуни уйласак-чи! Аллоҳ ёрлақамаси, ниҳоятни хатокор бир банда эканимизни уйласак-чи! Қори ака ҳақлар: Аллоҳ розилигини истаб қилинмаган ҳар битта ишнинг охири кесикдир, нойдир! Ниятини унглаб олмаган банда хатокордир! Охиратини уйламаган киши бу дунёсини ҳам, у дунёсини ҳам бой берган кимсадир! Узни унглаш энг катта жиҳоддир! Шу лаҳза, шу паллада мен энг тугри йулни куриб тургандекман, Чаман! Сироти мустақим деганлари шу булса керак.

Аллоҳдан бизга мадад тила, Чаман.

Қиёматли оғананг Султонмурод.

Кўчкитепани кўрганингда унинг тагида мангуга қолган сафдошларимиз ҳаққига бир калима Қуръон тиловат этиб қўйгайсан, ошна».

5. Нусрат сўраб дуо эт, Маҳфузам

«Маҳфузам, ёлғиз ўзинг менинг чин нажот фариштамдирсан.

Бир бўлса, сенинг дуои илтижоларинг Ҳаққа етиб, Унинг раҳмат-марҳамати билан бу довонга етиб турибмиз; бир бўлса, тақдири азалда Аллоҳимнинг лавҳул Маҳфузга ёзмиши шундай — бошқаси бекор.

Булутлар билан ўпишган бу муз-довонга етмак, айтишга осон. Унга ё вафодор отнинг ёлига ёпишибгина чиқиб олмоқ мумкин, ё музлик пасайган кезлари етмоқ мумкин. Ха, жоним, бу муз довон ўсиб-улғайиб, эриб-пасайиб туради. Шунда ҳам муз зиналардан уловсиз чиқишга йўл бўлсин!

Довончининг тош уйига етиб бир пиёла қайноқ чой ичиш ҳар кимга ҳам насиб этсин-чи! Биз беш биродаримизни муз қабру кўчкига бериб, чиқиб келдик бу ерга, Маҳфузам. Энди ўшалар учун ҳам яшашимиз керак, ўшалар орзу қилган, курашган дориломон кунлар учун бу фойдага қолган жонни аямаслигимиз керак. Аллоҳ ҳам рози бўладиган йўл шу, рафиқам. Яна нимани марҳамат қилади, Ўзи биладир.

Дунёнинг бир учидаги, қачондир Бобуршоҳ сафдошларию Ёқуббек лашкарларининг оёғи етган бу жой — бу довон шунақа Худо қарғаган жой эканми, деб ўйласак, ғалати хабарчилари бор гўша экан у, жамилам. Биз қозиқтоғлардан қулаган кўчкидан эсхонамиз чиқиб, тийғона тийғона йўлда давом этарканмиз, довондан юк-уловлари билан атак-чечак тушиб келаётган кичик бир карвонга учраб эдик. Бу диёрларнинг дахлсиз тижоратчилари бўлсалар керак, омонлашиб-хушлашиб ўтиб кетиб эдилар. Беш соат ўтмай ўша карвондагилар ҳолдан тойган бир аҳволда қайтиб келиб қолдилар.

Худо уларни бир асрабдимиш: Уфорли сойликда қиёмат бир бурон туриб, кўз очирмаётганмиш.

Шунда биз тепамиздан сайраб ўтган ўша Уларқушни эсладик. Довончи айтди. Бу қуш хабарчи қуш

эмиш. Музтогнинг буюк қозиқтоглари устида уйго наётган хатар — буронддан хабар бериб, сайраб, жар солиб утади экан! Шундан уч-турт соат утиб, Уфорли сойда росмана қорбурон авжга минар эмиш. Биз бу қуш не хатардан хабар берди, кучкиданми, деб ултирибмиз.

Биз-ку осон қутулибмиз, Маҳфуза. Аллоҳ асрабди. Лекин орқамиздан тушган ёгийни... ҳа, ҳа, Маҳфуза, кечагина нусрат топган ёгий лашкари уша галабага қониқмай муминларга довоннинг бу ёгида ҳам қиёмат азобини тоттирмоқчи булиб келаётган экан, Аллоҳнинг газаби тутибди-қуйибди.

Эшитяпсанми, Маҳфуз, Аллоҳ одил! У ҳамиша мазлумлар тарафида! Тожирлар уз кузлари билан курибдилар: бутун бошли лашкар жон олгучи совугу буронга учраб, қор остида қолганмиш. У ер-бу ерда отларнинг боши куринади холосмиш, улар ҳам муз қотганмиш...

— Субҳаналлоҳ! Кувонишингни ҳам билмайсан, ачинишингни ҳам, — деб сапчиб кетди Элчин ботур. (Ҳа, ҳа, уша кучки вақтида бир дамда сочи оппоқ оқариб тушган биродаримиз!) — Кеча нусрат бериб, бугун газабига дучор этса!.. Ҳикмати не бунинг? — дерди у.

Ҳаммамизнинг ичимизда энг камгап, энг хокисор Қори ака (чивиндек жони билан бу кураш-суқишлар да қандай юрибди экан бу одам?) бир огиз суз билан унинг ҳикматини айтиб қуяқолдилар:

— Ҳамма гап шундаки, чин нусрат олдинда. У муминларга аталгандир. Қолгани синов.

Эшитяпсанми, Маҳфуз, ана, Аллоҳнинг адолати қандай! Чин нусрат биз тарафда экан, барибир. Қолган барча машаққатлар, маглубияту йуқотишлар синаб-тоблантириш, иймонни чархлаш, кишини узининг суйган бандалари сафига қушиш учун экан!

Нега ҳам суникайлик энди?! Нега ҳам ниятлардан тонайлик, қайтайлик энди?! Нега ҳам энди ҳар нафас, ҳар қадамда Аллоҳга топинмайлик, сигинмайлик?! Қулимизни баланд этадиган ҳам, паст этади ган ҳам Узи экан-ку!

Ҳали боягина қай бир мамлакат, қай бир диёрга бош олиб кетдик, бу маглуб бошимиз қаерга ҳам

сиғди экан, деб келмоқда эдик. Бу хабарни эшитиб хам бўлган бошларимиз тик бўлди! Билакларимизу оёқларимизга мадор кирди! Ҳаммасидан дилимиз рав шан тортган эди. Қараки, Аллоҳ биз билан экан!

Энди ҳалиги ҳикматни — нусрат алал-оқибат биз тарафда эканию қолган барчаси Аллоҳнинг синови эканини ҳар битта мўмин биродаримиз дилига жо қилмак биздан лозим эмасми?! Ана шу Аллоҳ биздан рози бўладиган ишдир, Маҳфузам. Ҳали шундай си лаи раҳм жамиятлари тузайликки, ҳар қандай мў мин — у хоҳи қора, хоҳи сариқ. бизга суяна олсин. шу жамиятимиздан ҳимоя топа олсин. Адолат шундадир. Унинг пок саболари, ҳали қараб турасан, уша бизнинг она диёрларимизгача етиб боргай. иншаал лоҳ. Фақат саҳарлардги дуоларингда бизга нусрат тилисанг, бас, жамилам. Уша мен боргандаги ваъда ларни унутмагайсан.

Султонмуродинг.

Довончининг Ёқуббек давлатманд давридан қолган «тош қасри»да ҳийла туриб, жануб вилоятларга тушмоқ ниятидамиз. Дуода бўл, токи Тангри таоло бояги олий ҳам покиза ниятларимизни ўзимизга йўлдош этсин. Омин».

6. Аччиқ бир қамчи ёхуд у қамчида не хикмат кўрмоқдасан, Чаман?

«Чаман, сенинг ҳам кўзингга бу дунё тордан тор кўриниб кетганми ҳеч? Ўшанда нима қилгансан? Биламан, сен энсангни қашлаганча, секин жилмая бош лар эдинг. Буни кўриб рақибларинг талвасага ту шиб қолардилар. Ким — бу тарз мулойим тортиб кетувингдан, ким — мана ҳозир қоплондек ташланиб қолувингдан ҳайиқиб. тисарилиб кетардилар.

Мен чи, мен қай алпозга тушардим. кузатганмисан ҳеч? Ўзим эслаб, эслай олмадим. (Балки алам аччиғи қуймаётгандир).

Ўша Бўзсув бўйларидаги қарорғоҳимизга аскар ташлаб, ўраб олмоқчи бўлганларида ҳам, она диёри миз Каттабоғни ташлаб чиқишга мажбур бўлган чоғларимда ҳам дунё кўзларимга бунчалар тор кўрин маган. Балки энди у диёрга сиғдирмасликларини анг

лаб етганимдан шундай бўлгандир. Балки у пайтлар эрта бириси кун қайтиб борарнмга ишонганимдан — жимгина чиқиб кетгандирман.

Саккиз ботур — саккиз довқур сарҳад ошиб, аж даҳо комига кириб бориб, Турамни олиб кетмоққа кўндира олмаган кезимизда ҳам шунга яқин бир ҳолга тушиб, вужудимни бир нарса оташдек ўртаб ёндир ган эди. Лекин алами бу қадар ўтмаган эди, Чаман.

Турамнинг соғи чеҳрадошлари — сохта турам бошчилигида жангга кириб, ёғийдан зарба еб, тўзи ган чоғимизда ҳам, ҳатто Музтоққа ўрлаб бора ту риб, орқадаги сафдошларимизни кўчки ютиб кетиб, музтоғлар аро уч киши ёлғиздан ёлғиз қолган кезла римизда ҳам дунё бундан тор, бевафодан бевафо кўринмаган эди, Чаман.

Чаман, одамга алам қиларкан. Сен бу дунё ҳаёти ни гўзал қиламан деб, адолатли этаман деб, жонинг ни Жабборга берганинг сари у сени топтайди, ҳали у, ҳали бу ёнингдан аччиқ қамчиларини ёғдиради, савалайди. Нима бу? Дунё шундай қурилган кўҳна дорми ё? На адолат бор, на одил қози! Ё биз кетма кет мағлуб бўлавериб, тўзигандан тўзиб, бу диёр ларга ҳам сиға олмаётганимизданми, ё мусофирлик бизга панд бераётирми? Ундай десам, Қори аканинг пандлари қаён кетди? «Биз Аллоҳга шукр айтиб, бу диёрга жон фидо этсак арзийди. Ансорлардек қучоғи ни очиб, кутиб олган бунақа қавм, бунақа юртни яна қаердан ҳам топгаймиз?! У чиндан ҳам Мадинаи сонийдир», деб эдилар у киши. Биз довон ошиб етиб келган вилоят кишилари чиндан шундай: битта ма йизни қирққа бўлишадиган, муҳожир деса, жонини бериб юборадиган, қуда қудағайини ҳам шунчалик эъзозламас!

Лекин ўзинг билган сиёсат, ўша сиёсатнинг иско вучлари бу ерга ҳам етиб келиб, ҳаром тумшуқлари ни тиқмаган жой қолмабди, Чаман. Чақув, ғийбат уруғини сепиб, у кулинғни бу кўзингга ёв этмаган кунлари қолмади, Чаман. Шундай шароитда қози бўлиб ўртага тушиб кўр-чи, мазлумнинг тарафини олиб кўр-чи! Нусрат алал оқибат биз тарафда эка нини кишилар онги, қалбига сингдира ол-чи! Исбот лай ол-чи! Ҳар битта мўмин суяна оладиган, ҳимоя

топадиган сиҳаи раҳм жамиятингни тузиб кур-чи! Қалбингни тур-турида асраган-ардоқлаган орзуларингни амалга ошириб кур-чи, ўзингни қаерда кўрар экансан!

Аммо улар шоҳида юрсалар биз баргида юролмаймизми деб тоғлар оралигидаги бу вилоятда шу ерлик мард ботурлар билан муҳожирларнинг биродарлик жамиятини тузган эдик. Улар қулни қулга бериб, қиёматли дуст тутинган, қай бирларининг бошига мушкул тушса, бошқалари ёрдамга келиши ҳақида, лозим булса, жон фидо этиб, қутқаруви тўғрисида қасамёд этган эдилар. Худди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидагидек бир биродарлик вужудга келаётиб эди. Бу ишларнинг бошида Қори акам, Элчин ботур — учовимиз туриб эдик. Буни бир йилга довур ҳам билишолмай ҳукумат исковучлари ахийри орамизга сотқин тиқишди. Аъзоларимиз бирин-сирин қамалиб, режаларимиз барбод була бошлади. Сотқинни топмоқ, қамалганларни қутқармоқ лозим эди. Шошилинч, аммо қалтис режа тузиб, зобитлару турма назоратчилари — марказдан келган текширувчилар қиёфасида биродарларимиз ётган қамоқхоналарга кириб бордик-да, сохта буйруқ қоғозлари билан иш кура кетдик. Сиримиз очилиб қолса, ё қаршилик булса, ут очиб ёриб чиқишга ҳам тайёр эдик. Аммо довқурни Аллоҳ ҳам қуллайди экан, Чаман, омадимиз чопиб, унта биродаримизни шунаққиб қутқариб олдик.

Аммо бу ёғига ҳам қадамимиз назоратда — ҳар куча бошию этагига исковучлар экиб ташланган — «турт куз»лаб кузатар эдилар. Сотқинни эса, аниқлай олмаётган эдик. Шу ташвишлар устига, Чаман, мен учун кимлиги ўзингга аён. Мафҳузам бўй етмиш хонадондан (ҳа, ҳа, уша уларнинг қишга мева сақланадиган ертулаларида қирқ кун жон сақлаб, билмам кимнинг бахтига Худо бир қайтиб берган қурғонларидан) ҳеч кутмаганда одам келиб қолди. Уни бир куришдаёқ танидим. Чаман, У раҳматли қайнотамиз Мирзахужа ҳожимнинг куп садоқатли қароллари — эшик оғаси Алимат қозоқ эди. Қай пуштида дир қолоқ уруғлари билан туташиб кетиб, икки гапининг бирида «ҳов-ҳов»лаб, «ой бой»лаб қолидиган

бу кепчик юзли одамни танимаслик мумкин эмас эди, Чаман. Садоқатни қараки, излаб-излаб, суриштира суриштира топиб кепти. Шу келишида Муэтоғни ҳам ошиб ўтибди. Мен бу довондан қандай ўтаман, деб қайтиб ҳам кетмабди.

Кудайга шукр, ўзизи кўрдим. Эшанайимнинг аманатларини ала келдум, — дейди.

— Қандай омонат? Ёхуд саломми? Ўзларининг тан-жонлари соғ-омонми?

— Қудай раҳматига олган бўлсун. Бандалиқни бажа этдилар-ғўй.

— Ё Аллоҳ, у кишини ҳамми?.. «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун», — дея олдим юзимга фотиҳа тортиб. Эшик оғаси ҳайрат-ла боқди:

— Не дегайсиз, куяв турам?

Мен қайтардим:

— Биз ҳаммамиз Аллоҳникимиз ва Унинг даргоҳи га қайтиб боргаймиз. Худо раҳмат қилсин.

— Ҳа, ҳа, раҳмат этсун. Кўп марҳаматли эду лар Эшанайум. Шу кишининг васиятлари ила келиб жатурман, билсангиз.

— Васият? — деб юборибман. Ҳойнаҳой, куёвим га билдирсангиз, у қизим бояқиш Маҳфузага етка зармиди, қора кийиб аза очса, бир калима Қуръон тиловат қилсаям ҳарна савоб да, деб ўйлаганмилар онаизор. Мен шу хаёлда эдим, аммо...

— Аманат-ғўй... Айбга буюрмагайсиз.

— Айби нимаси, — дея олдим мен. Эшик оғаси эса қўйнидан оқ шохи рўмолга ўралган бир нарсани олиб, кафтида тутиб турар, мен уни олишни ҳам, олмасимни ҳам билмасдим. Олай десам, сарҳад йўли мен учун берк. Олмай десам, қайнонамнинг омонати, жондан азиз Маҳфузамга аталган. Олдим. Шоҳи рўмол ичида майиндан майин шилдиришидан, сиқим га сиғиб-сиғмасидан марваридми, нимадир эди.

— Ачиб кўринг, куяв турам, — деди элчи, — қиёматда бу қул, бу кўзлар да гуваҳлиққа ўтгай.

— Дарвоқе, — деб очдиму нимани кўрдим, Ча ман. Кафтимда ҳар шодаси нозик-адо тилла ипларга тақилиб, кейин барчаси қўш боғичга жамланган оп поқ марварид турар эди. Мен уни тилла ипию ҳал қали тилла боғичларидан, тўғрироғи, ҳилолмонанд

тақинчоғидан таниб турар эдим. Улар биринчи кўрга нимдагидек — янги туққан қизғиш ойдек ярқирар эдилар.

Эшонойимиз нимадир бўлиб, унутилиб қолдирилган ўша ёдгор тақинчоқни жигарпораларига етказмоқни васият этардилар.

Элчини бир кеча меҳмон этиб, совға-саломлар билан жўнатдим-у, лекин ўзимга келолмасдим. Бу нима, Аллоҳнинг яна бир синовими ё диёрга юз бурмоқ керакми — била олмасдим. Ундай десам, мен у диёрга энди қандай сиғгайман, ватанда бир беватанга айланмасманми, нинтларим-чи, не бўлгай — ҳеч бир тўхтамга келолмасдим.

Бу ёқда эса, жамият ташвишларию бизни деб қўлга олинмиш, турмаларга тиқилмиш жонисор ошналаримизни қутқармоқ билан боғлиқ юмушлар ётар, буни десам, омонат, омонатни десам, улар қолиб кетмоқда эдилар.

Ана шундай ичга қил сиғмайдиган кунларнинг бирида Оқсу гузаридаги дуконимда қиблага қараб, фаромуш ўлтирар эдим. Нега фаромуш? Тилимда «Алҳамдулиллаҳиллазию» кўз олдимда қаршимдаги сойлик эмас, Бузсув тепаликлари бир-бирига ястаниб ётар эдилар. Негадир ўша қаророҳимизга лолақизғалдоқдек бўлиб, осмондан ҳов бирдагидек ёғий ёғилиб тушиб келар эди. Ўнгимми, ҳонфим, деб турсам... елкам аралаш бўйнимга илондек ёпишиб, аччиқ қамчи тушса дегин!.. Ўгирилиб қарасам, шаҳар қозиси! Аёнлари билан қаршимда савлат тўкиб турибди. Ҳаммалари отлиқ — от устида. Биз сингари пиёда дукондорлару харидорлар эса, барчалари икки букилиб таъзимга эгилишганча қолишган. Кўзим қозининг билагидаги қамчига тушиб, феълим айниб айниб кела бошлади. Чаман, ҳеч кимга айтмасам ҳам сенга айтаман. Нега биз бундай миллатмиз? Устимизга тун ёпиб, тагимизга от берсалар, айниб қоламиз? Ўз миллатимизга паст назар билан боқиб, ўша от берганлар билан оғиз-бурун ўпишиб кетамиз? Шу ҳам ўз миллатдошим, диндошим, тепишиб катта бўлганим, бир имом ортида туриб намоз ўқийдиган сафдошим демаймиз? Ҳамма билан ўз туғишганимиздек

соғинишиб кўришолмаймиз? Бизга қандай дард тек кин, нуқс урганки. ичимиз кирланиб кетган, Чаман? Қачон одам бўламиз биз ҳам? Қачон бирига тикон кирса, бошқамизнинг ҳам жонимиз баробар ачийди? Муминлар бир-бирларига бирордардирлар, деган гап қайда қолди?! Ё саодат асри энди қайтмагаймi, ундай замон келмагаймi?

Эсиз, ҳатто биз ила биродар тутинган кишилар ҳам миқ этолмасдилар. Эвоҳки, ошна, биз писта пўчоқдан кема ясамоқчи эканмизми?.. Мен ана шундай ўксик бир ҳолатда эдимми, ё қамчи тушган ер бўйним ҳали ҳам ловуллаб ёнардими, қозига терс қарадим.

— Ха, ботур йигит. Сизга алоҳида такаллуф лозимму?

Менга бу қочириқ қамчидан-да ўтиб тушган эди. Устига устак атрофдан пичирлаб шивирлашарди:

— Эгил-эгил. Букилиб да таъзим эт, қутулгай сан.

Аммо мен тўнимни тескари кийиб улгурган эдим, Чаман. Ўзинг биласан, энди мени эпақага солиб бўлмасди.

Ажаб?! Таъзимни сўраб оладурлармi бу диёр ларда? — дедим.

— Ўҳу, ўзига етгунча-ку бу?! — деди қози атрофидагиларга маъноли боқиб. Кўриб турибман, аёнлари имосига шайлар. Кўз учирсаю оёгимни ерга тек киздмай олиб кетсалар. Уларга шу керак шекилли. Бу ёқда эса, қўшни тожирлар пичирлашиб ўтинишадур: «Узр сўраб қўяқолинг, ўглим...»

Аммо мен (ноҳақ қамчини унутганимча йўқ) шай тонга ҳай беролмай турибман:

— Узрни мен эмас, у кишим сўрашлари лозимдур!

Биламан, тилим аччиқ. Лекин бу тил ҳақдан сўзлар эди.

Қози жаноблари шунча халойиқ ичида ўзини ўнгай сиз сезиб, ўша таъзимдаги халойиқ томон алангла ди. Афтидан у муминлардан нажот кутмоқда эди:

— Астағфируллоҳиллази, таъзим қачондан бери... уятлу саналмиш?

Меники тутган эди:

— Қачондан берли қамчи таъзиму таъзир қуроли бўлиб қолмиш? Қамчини шунинг учун тўқирлармиқ бу юртда?

Биламан, мен уларни чаёндек чақиб-чақиб олмоқ-да эдим. Қозию шаҳар аёнлари ўзларини оқлашга сўз тополмасдилар. Ўртага оқсоқоллардан кимдир тушмаса бўлмайдирган бир вазият вужудга келмоқда эди. Мен эсам, тилимни тийгим келмай борар, шу билан ҳамма аламларимни бир йўла олгимми, нима қилгим келар эди:

— Муҳожирларга ҳамиша қучоғини очиб келган бу диёр, бу юртда наҳот энди қамчи кўтариб, таъзир бермоқни расм этсалар?

— Наузанбиллоҳ! Сиз ҳақсиз, бутам. Бошқа сўзга тилим айланмас, — кутилмаганда қозикалон отдан тушиб, азза-базза қўлини кўксига босиб кела бошлади. Билагидаги ўша қамчи эса, кафтига ёпишган қўнғир илондек тўлғонар эди. Чаман. У кела-тиззаларимни қучмоққа ҳозирлигини кўриб, кескин тисарилиб, терс ўгирилдим.

— Қўйинг. Энди бари кеч!..

У тўхтаб қолди. Нажот кутиб атрофдагиларгами, кимга аланглар эди. Ўртага қариялар тушиб, яраштирмоқ ниятида елкаю кўракларимни силамоққа тушдилар. Аммо бари кўзимга хунукдан хунук кўриниб кетмоқда эди. Менинг ўксук кўнглим нимани истарди — ўзим билмасдим. Насиҳатлар қулоғимга кирмас, кирса ҳам ўша доғлиқ кўнглимга малҳам бўлолмас эди.

— Йўқ, тақсирлар. Беҳуда овора бўлгайсиз, — дедим бош тебраб. — Тун елкага тишланиб бўлди! Қамчининг ҳаққи эса, қиёматга қолди, қози поччa. Хайр.

Ана шундай бўлиб қолди. Чаман. Бир қамчига шунча аччиқ, шунча жаҳлми, демайсан, ошна. Ўртада гурурми, нимадир ётарди. Балки Худонинг хоҳлаши шундай бўлгандир. Қори ака ҳам қароримни маъқул топдилар. Ўрнимизга (жамият тарқаганича йўқ, Чаман. У ҳали кўп яшайди!) ишончли йигитларни қолдириб, ўша Музтоғдан ошгандаги сафдошларим ила яна бўлак диёрга бош олиб кетадиган бўлдик. Буни ҳижрат деб атайсанми, сафар деб санайсанми, ўзинг биласан, Чаман.

Сенинг изнингсиз шундай ишлар қилиб қўйдик, оша. Қийин-қийин — сенга қийин бўлди. Жабр-жабр — сенга жабр бўлди. Сен энди бизни қидириб топмоғинг, биз учун жавоб бермоғинг керак. Сен бизга шунча яхшиликлар қилганда, аждаҳо комидан қутқариб, қилча ёмонлик соғинмаганингда биз бундайин ишлар қилиб қўйдик. Узр, оша, кетмасак бўлмасди у диёрдан. Кейин узингга қийин бўларди, сен ҳам қутқара олмасдинг у қора аждар домидан. Сенга умрбод ташвиш орттириб юраман шекилли. Чаман. Чекингга шундай ўртоқ тушган экан, инжимайсан, оғайни. Ёлғиз қолганингда Тангри азза ва жаллага ўтиниб дуо қилгилки, кўришмоқни қиёматга қолдирмасин.

Омон бўл. Сен ишонган тоғлардан ҳам бир кун кийиклар солланиб-солланиб чиққайлар, иншаллоҳ. Хайр. Султонмуродинг.

(У диёрдан топилган охирги хат эди бу, қолганлари бошқа диёрлардан йиғиб келинган эди[1].)

7. Ким кимга илҳақ бу жаҳон айвонида?

Менга шундай бикинимиздаги даланинг энг баланд жойидан бир парчагина ер теккан. Дам олиш кунлари ўша ерда куйманиб ётаман. Куйманишки, дунё ташвишларидан жиндек бўлса-да, чалғиб, бош оғриқларни унутиб, одамга ўхшаб қайтаман. Айниқса, роса жазирамаларда офтобдан қочиб, пастак чайлачам тагига чиқиб олсам борми, унинг соясию ғир-ғир шабадасини ҳеч нарсага алишмайдиган бир ҳолга тушаман. Чинданам инсонга ортиқ нима керак, бу жаҳон айвонида? Пойингдаги бутун атроф-жавониб офтоб селига кўмилиб, живирлагандан жинирлаб ётса-да, сен ўзингга лойиқ соя топиб, қуруқ ерга секин чўзилсангда, кафтга бош қўйиб, оёқ чалиштирганча, оламни унутсанг. Ўзинг айт, болаликда қолиб кетган бир фароғатни топгандек шу чалқанча ётишингни яна бирон нарсага алишиб бўладимикан?!

---

[1] «Дарвоке, еттинчи мактуб ҳеч ердан чиқмади. У кимга аталган ва нима ҳақда бўлса экан — билолмадим. Чаман акам ҳеч кимга ишонмай жўнатмадими экан? Балки. Энди хатларни кўя туриб, ўз диёримиз воқеаларига кўчсак ҳам бўлар. Мақсуд мирзо»

Камига чайла устига чирмашган жандуқлару печак гуллар анвойи гуллаб, уруғ боғлашга киришган, чайла устини кўк ёпинчиғи ила ўраётган бўлсалар. Саратон живирига тўлган осмон унинг ортидан кўриниб-кўринмаса.

Камига тепангдаги ёлғиз терак барглари шабадада кумуш капалаклардек шовуллаб, тагидан бир ариқ сув шалоплаб оқиб ётса.

Яна камига дала бошиданми, қаердан гуркираган райҳон ҳидларини «уғирлаб» бир майин шабода чайла тагидан ғир-ғир ўтаверса, тинмаса... Ўша еллар олиб қочган райҳон ҳидларининг сочилиб-тўкилгани ҳам сенга етаверса... Унинг гаштига нима етсин, бу жаҳон айвонида?

Ана шунда ҳамма нарсани унутасан-да, фақат ўзинг илҳақ нарсаларгина қолади...

Чайланинг қуруқ шохига чиқиб олган бошмалдоқдек кўк бешиктерватдан (у ҳам чайла соясида ором оляпти!) кўз узмай ётарканман, пастданми — қаердан машинанинг «бибип»лаб чақирган овозими, нима эшитилгандек бўлаверарди. Яна бир болакай: «Амаку-у, Мақсуд амаку»лаб чақирар, овози элас-элас келар эди. Эринибгина бош кўтарсам, даланинг ҳов пастида майсаранг бир «Жигули» турибди. Ким бўлса экан? Эгаси ҳали тушмаган, аммо чақираётган болакай эса, эгат ўртасидаги йўлдан чопиб келар, қўлига олволган дўпписини силкилаб чарчамас эди.

— Амаку-у, Сизну чақиришопту... Амаку-у, қаердасиз?

«Ким? Ёдгортойми?! Нима бўпти?!» деб дик этиб туриб олман!

Ҳалигина: «Қани эди, шу тобда азиз кишиларингдан бирортаси қидириб келсаю, манави сояда бир тўйиб отамлашсак...» деб кўнглим кетмаб эдими, тавба. Нима бу? Ниятга яраша деганлари шумикан?

Эгат ўртасидаги йўлга қараб юрмасимдан ўша майсаранг машинадан жуда ҳам таниш одам тушиб, юрагим ҳаприкиб кетди! Ие, жаҳонгашта акагинамкинг ўзларими?! Бундай оқ кепкани ундан бўлак ким ҳам кияркан?! Ўша жаҳонгашта кийсин-да! Бир кетганча бадар кетадиган ўша изқувар кийсин-да! Акажонимнинг дайди ошнаси-ку! Қандай хабарлар билан қай-

тибди экан у Шерлок Холмс? Жаҳондаги гадойтопмас барча об-ҳаво истансаларининг тентирок кезувчиси, тиниб-тинчимас Чаман акамиз-ку!

— Э-э, Хизрни йўкласам бўлмас эканми?! Тушимми, ўнгимми?! – дея канот чиқариб пастга югурган жойимда у ҳам бир тўлғониб қад ростладию қучоқ очганча ушаёқданоқ эмраниб кела бошлади. Аммо кошки эшитсам, қандай эркалаб, нима номлар билан атаётганини! Оғзидан қандай сўз, муждалар учаётганини! Фақат у ҳам мендан баттар соғиниб югуриб келар, узоқ кўришмаган кишиларгина шундай талпинмоқлари, бир-бирларини соғинмоқлари мумкин эди.

Қолаверса, у жондан азиз акажонимни излаб кетган эди, уни излай-излай бир ерларга етган эди! Қандай дараклар билан келди экан энди?..

Даланинг ўртасида бир-биримизга етиб бордик. Етиб бордигу чирмашганча колдик. Офтоб селига тўлган даланинг қоқ ўртасида туриб колганимизга ҳам, ташлама ариқ бўйида тизза бўйи ўсиб уруғ боғлашга тушган ўтларни босиб-янчаётганимизни ҳам унутиб, гир айланардик. Кучоғимиздан қуйиб юбормасдик. Қуйиб юбормасдигу қучиб ҳам, ялаб-юлқашиб ҳам туймасдик.

— Бор экансиз-ку, шунчалар ҳам бедарак кетадими одам?.. — дердим мен.

— Келдим-келдим. Узоқиб кетган бўлсам, узр, соғинтириб куйган бўлсам, кечирасан, пакана пари. Шунақа бўлиб қолди, чўзилиб кетди сафарларимиз. Фақат айбга буюрмайсан, сўкмайсан, пакана пари, – деб ўтинарди у.

— Нега, Чаман акажон, соғинганимиздан, кутавериб кўзларимиз тешилганидан айтаман-да, — дердим мен.

Эшитдим барини, эшитдим. Мингдан-минг раҳмат сенга, пакана пари. Йўқлигимни билинтирмабсан. Ҳаммасига ўзинг гиргиттон, ўзинг балогардон бўлибсан! Тоғдек ҳимоячилари бўлиб ўтирибсан! Табибларга бориб эм-дориларини топдирибсан! Касалхоналардан олиб чиқибсан! Ёлғиз колдирмабсан. Чин укалик қилибсан, Максуд! — дея, алқаб бир ерларга етарди.

Қуракларимни силаб, бағридан бўшатмасди. Мен ҳам бу сўзлардан эригандан-эриб борардим. Ҳамма

қийналганларим — барча югур-югурларнинг, ўлиб-тирилганларимнинг қийноғи, алами тарқаб борарди. Гўё биров эмас, Чаман акамнинг ўзи уни кўксимдан сидириб олиб ташламоқда эди, қушдай енгил тортиб бормоқдайдим.

Кейин ўзи кучоғида даст кўтариб, ерга қўяркан, елкамга қоқиб:

— Оббо, пакана пари-ей, шунақа ҳеч ким топмас жойларга чиқиб олиб, ғир-ғир шабадалар билан тиллашиб ётибман дегин? Даламиз бор, бу дунё ғурбатларидан ёзилиб кетадиган жойимиз бор, дегин? Юр, юр, ўша чайлангга чиқайлук. Бирпасгина бўлса ҳам дунё ташвишларидан узилиб, ариқ бўйларида ўтирайлук. Ғуборлардан тозаланайлук,— деб қистай кетди.— Бундай жойлар ҳам ғанимат.

Ёдгор эса, бу гапни эшитганданоқ отланиб қолган, ўрта йўлга тушиб олиб, ҳали у оёғида, ҳали бунисида ўйноқлаб борар, йўлакай ғумайларнингу бошоқ тортган бедана ўтларнинг бошини юлиб-отар эди. Ҳали ариққа етсин, балиқ бўлиб сувдан чиқмай қолади шекилли! У ўзи билан ўзи андармон экан, биз эса сурашиб-исташиб, чайла тагига чиқиб бордик. Чайлаки, бир неча тол ходаларини эгиб-боғлаб, тол истакларию чўплари билан ишкомдек ёпиб, камига икки ёнидан жандиғу чирмовиқ гулларни чиқариб юборган эдим. Ариқдаги сувнинг айқириб оқишию унинг бўйидаги ёлғиз ёш теракнинг бийдек даланинг кўк ўртасида кумуш укпардек «шилдираши»ни демасангиз, айтарлик жойи йўқдек. Аммо Чаман акам ҳали ариқдаги сувда юзларини пишиб-пишиб чайиб, ҳали эгат бошидаги қаркираб ўсган жамбилу райҳонлар оралаб, ҳидларини гуркиратиб тинчий қолмасди:

— Оҳ-оҳ, жаннатнинг бир булаги-ку! Ҳар тарафдан ором ёғилиб ётибди-ку, — дерди.

Чайланинг тагига кириб эса:

— Ана шабадаю мана шабада! Бунақа жойни яна қаердан топасан?! — деб туриб қолди. — Вой, сен — пакана пари, шунақа ғир-ғир шабадаларнинг йўлини топиб чайла қурганмисан? Фақат аврама, зўр деҳқонлар ҳам бундай жойни тополмайдилар-ку, — дерди у.

— Нега аврайин, менга ўзи шундай баланд — кўкча ер тушиб қопти, — дедим иймaниб. Ўзим эсам уни

утказгани жой тополмай, қуруқ шолча устига нима ёзаримни билмас эдим: Чаман акамдек одам озиб-ёзиб бир келиб қолганида... тагига солишга битта кўрпачам бўлмаса-я!..

— Буям бўлса, сенинг бахтинг. Ўзи омади чопган йигитсан-да, накана пари. Хамма ҳам сендек бўла олсин-чи, сидқидил бўла олсин-чи...

— Қани, қаерга ҳам ўтқаздим? Ёки манави бир қучоқ печакни тўшаб бера қолай, — деб уринардим мен.

У кўнмади.

— Қўй, тегма, қўзичоқларнинг ризқига. Одам ўтирса емай қўяқоладилар. Ундан кўра, мана бу ерга чўкиб, оёқларни узатиб юборамиз-да, даланинг эрка шамолларига юз тутамиз. Қара, ердан ҳам оёқларга хуш ёқиб, муз чиқяпти! Кўпдан одамга ўхшаб, бунақа жойларда ёнбошламаганмиз. Ернинг тафтини туймаганмиз. Қўй, накана пари, одамни бу бахтдан бенасиб этма, — деб туриб, кутилмаганда у қўлини дуога очди. — Қани, омин, сени ҳам кишти-корингга Аллоҳ барака берсин. Яна кўп йиллар шу ерлар, шу элларнинг файзидан бебаҳра этмасин.

Далага келиб, ялангоёқ тупроқ кечиб, ариқларда чўмилиб, дарахтларга осилиб юрган Ёлғортойнинг бўйи анча тик тортиб қолган, ҳозир ҳам ўйинқароқлигига бориб, ариқнинг у бетидан бу бетига сакрар, ниначими — нимадир тутишга андармон эди. (Ҳали ариққа туғон бўлиб, ўзидан ошиб ўтган сувлар шаршарасига беш кетишга тушсин, офтобга чиқиб ётиб, яна ўзини сувга отишга тушсин, тўхтатиб бўпсиз! Бу ердан кетгиси ҳам келмай қолиши аниқ).

Биз эса, бундан фойдаланиб, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўраб, кўнгил овлашга тушиб кетганмиз. Муломаматларимиз чўзилгани сари дил ҳаприқади. Ниятга кўча олмай ҳалакман. Бир чеккаси ўзи соғ-омон қайтганидан бошим осмонда, кўнглим хотиржам тортиб бораётган бўлса-да, муддаога кўчишга бир интиқ-бир интиқманки, қани мавриди кела қолса. Ўзи ҳам одамни қийнамай муродга кўча қолса бўларди.

Бунга сари ичимга «нима, шунча юриб, изини тополмабдими, нега жим, гапни айлантиради» деган шубҳаю гумонлар оралайди. Ўзимни эса тилим айланма-

япти, ирим қилиб, оғиз очолмаяпман. Ниҳоят, у қай бир юртларнинг жазирама офтобида куйиб корайган юзларини ишқаб, бошидан (ўша айвончаси силлиқ елиму узи латтадан тикилган) оқ кепкасини олиб, чайла бағазига иларкан:

— Айтмоқчи, анув осори-атиқашунос учрадими? Мен йўлдан сенга бир нарсалар бериб юбориб эдим? — деди негадир бетимга қарамай.

Юрагим така-пука булиб келиб, шув этди! Сездимки, ундан ортиқ бир нарса топмабди. Топса, айтардику! Айтиб, суюнчи оларди-ку!.. Наҳот акам?..

Йўқ, тишни тишга босмоқ керак! Халитдан ёмон фол олишга нима ҳожат? Акам буладию беиз-бедарак кетадими?! У ёлғиз уз бошини ўйлаганлардан булса эканки, қурқсам?!.

— Берди-берди, келтириб берди, у омонат хатларни асраб қўйибман, хеч кимга курсатмай.

— Баракалла, яхши қипсан, ҳали мавридимас, — деб у менга миннатдор қараб қўйди.

— Ҳали яралар битмаган, кўтара олмайди, дейсиз-да? — дедим ичим ачишиб.

— Ҳар нарсанинг давоси вақт, тура турсин, — деди у узатиб юборган оёқларини негадир тинимсиз силаб-сийпаганча.

Бу гапдан ичим узулиб, ўзимни беҳол сездим: боякиш, кешпойим, яна қанча кутади экан? Сабри етадимикан? Шу хаёлларим ўзимга хам ўтиришмай ич-ичимдан бир норозилик уйғониб келмоқда, ўзимни ўзим ёмон кўриб кетмоқда эдим: Айтса айта қолмайдими, нима булганини? Одамни бунча хат қилмай!

У суюб тикилди:

— Сенга минг раҳмат. Ўз жигарларингдан хам аъло кўриб, хизматлар қилибсан. Жужуғинию ўзини кўз қорачуғингдек асраб ўтирибсан. У дунё-бу дунё унутмайдиган бир иш қилибсан.

— Кимга? — дедим бир хижолатларга ботиб.

— Уларга-да, кимга буларди. Аканг учун, мен учун.

— Қилсам кимга қилман, бегонами? — дедим ўпкам тўлиб кела бошлаб.

— Аллоҳ рози буладиган ишни айтиб қўйган яхшида, — деди у.

Бир менинг қулимдан нимаям келарди?! Сиз шу раҳматларингизни бошқа бир кишига айтсангиз ярашарди, — дедим чинига кўчиб.

Чаман акам илкис қаради. Бу нигоҳ ичимнинг туб-тубларига қалар сингиб боргудек эди.

— Чин гап ҳам шу. Агар Турам тақсир ёрдам бермасалар, паноҳларига олмасалар, бир менинг қулимдан нима ҳам келарди...

— Чиндан ўша киши-я? Тангритоғда давлат қуриб, кейин биз... бизникилар ўғирлаб келган, уй қамоғида ўтирган зот-а? — деди ҳайратланиб.

Яширадиган хеч нарса қолмаган эди:

— Ха, ўша — акамни биладиган, унинг номини тилдан қуймайдиган киши.

— Биламан, — деди у яна тиззаларини силай бошлаб. — Аканг ҳам у кишига кўп эътиқод қўйган эди. Буюрсалароқ, осмондаги юлдузни узиб оладиганлардан эди. Йўллари айри тушдию ниятларига етолмадилар.

— Нима, акам?.. деб юбордим юрагим хунук бир қалқиб.

— Ха, у диёрдан чиқиб кетганича, хеч ерда куним тополмаётир. Тарих ниятидан қайтмаган бунақа дарбадарни қайтиб кўрмагайдир...

Чайла тагида шабада бир дамгина тўхтаб, олам тандирга айлангандек, қизиблар кетдим. Бу хабардан ё нафасим ичимга тушиб кетган, ё бир булса, юрагим урмай қолган эди! Бетоқатланиб, чуқур бир тин олиб эдим, шуни кутиб тургандек, Аллоҳ ҳам ушлаб турган елларини қўйиб юбордию кўксимга аввалгидек бир енгиллик кириб, одам ҳолига қайтдим. Ўзига шукр. Бу ғир-ғир шабадаларини бирпасгина қўйиб юбормай ушлаб турса, нима қилардим, ҳолим нима кечарди?! Яхшиям қўйиб юборди, марҳаматини дариғ тутмади. Акамга ҳам шундай марҳаматини аямаса, нима қилади экан? Сарҳадларни очиб юборса, нима қилади экан? Ё бирон бошқа атагани борми унга?

— Шунинг учун ҳам ҳийла кечикдим. У кўчиб ўтган диёрдан топганларим эса, ёлғиз шу битиклар бўлди. У ёғи қаерга кетиб, қаерда куним топгани маълум эмас, — деяр эди Чаман акам. Мен эсам, буни

англаб тургандекман-у, қўлидаги ўроғлиқ нарса — яна хатларми, нима эканини фаҳмлаб етолмасдим...

У ёқда эса иккала қўлчаси ила туғон қозиғигами, нимагадир ёпишиб олган Ёдгортой зўр бериб сувни шалоплатар, оламга сиғмай яйрар эди. Бу ёқда эса, биз ўз ғамимиз ўзимизга етиб, бир-биримизга тикилишиб ўлтирибмиз: ғир-ғир эсган шабадалар ҳам ўша ғамларимизни кўтариб кетолмаётгандек. Шу ҳолда яна қанча ўтирамиз — ўзимиз билмасдик.

8. Чироғбонига зор гўша ёхуд булбуллар чаҳчаҳлаган бир чорбоғ

Бекободнинг Ширин шаҳрига икки кунлик сафар билан кетган эдим. Сафар ҳам шошилинчроқ эди. Эртасига тушларга яқин қайтиб келсам, мени кимдир сўраб, камига келиши ила қўнғироқ қилсин, дея тайинлай-тайинлай телефон нумерини қолдирибди.

Рақамидан танимадим-у, лекин ичим ҳаприқиши қолмасди. Худди бирон қариндошимиз тўсатдан оламдан ўтгану мен жанозасига ета олмай қоладигандек эдим. Ахийри сабрим чидамай, берилган нумерни терсам... Олим акам!

— Э, менинг мирзо холаваччам, қаерларда юрибсан? Бунча сафаринг кўп экан, юришларинг кўп экан сенинг?! Насибанг қўшилган экан, тезда етиб кел. Ҳамма холаларимизу тоғалар йиғилишиб ўтиришибди. Битта сен йўқсан.

— Тинчликми, ўзи? Қаерга етиб бораман, қандай йиғин? — дедим, бу гўша қаерда эканини ақлимга сиғдиролмай.

— Қаерга бўларди, пакана пари. Бизнинг янги ҳовлига-да... — Кейин «дарвоқе сен билмайсан-а», деб тушунтира кетди. — Бир таксига ўтир, кетса мирзодан кетибди. Аммо бу йиғиндан қолма. Кейин афсус қиласан. Қариндошларни битта қолдирмай айтиб келганман. Кутаман-а?!

Шуни айтадилар-да, насиб қилса келар Шому Ироқдан деб. Ўзим ҳам Каттабоғу Яккабоғлар бузилиб, ҳар ерга тўзиб кетган қариндошларимни соғинган эдим. Қолаверса, ишли одам — бошқа пайтда бориб кўргани вақт тополмайсан, вақтинг бўлса, бошқа ташвишлар-

дан ортиб етолмайсан. Шунақа йиғинларда дийдорларига туймасанг, қачон туясан! Холалару тоғалар ҳам қариб қолишди, ҳаммалари ғанимат. Дуоларини олиб қолганга, хизматларини қилганга нима етсин! Ундан ташқари бу акам тушмагур миқ этмай юриб, исини ҳам чиқармай қаердан ҳовли-жой қилибди экан? Нега қаватимизга боравермай, сойлик-тепалик демай Бузсув буйидан жой қилибди экан? Нияти нима? Суққабош одам иссиғи бор, совуғи бор, ҳовли-жой қилмоқчи экан, бир оғиз айтмайдими, қаватимизга яқин жойдан топмаймизми?

— Ўзинг биласан, Боғободнинг таги билан утган йул бор-ку, хозир автобус қатнаётган? Омон қолган лагерларнинг пастида полковникларнинг боғларини курганмисан? Ўшатта тушасан. Нақ Бузсув буйида. Қайнамага етмасдан, — деб тушунтирди акам.

У ерда қандай буш жой бор экан, иморат солса буладиган, хеч ақлим бовар қилмас эди. Шунча утиб, курмаган эканман-да?! Мен Бузсув ёқасидан жой қилган полковникларнинг мевали-мевасиз дарахтлар ураб, чакалак булиб кетган боғларини билар эдим-у, лекин кечалари лагерларга кино кургани шунча девор ошиб борганимиз билан, у боғларга юрак ютиб кирган эмасдик. У гилосзор, ёнғоқзорли чакалакларда кеча-кундуз булбуллар чаҳ-чаҳлаб ётса-да, бирортамиз икки қават шох-деворларни ошиб утмаганмиз. Симга боғлиқ занжирларини судраб, акиллаб берадиган итларига юрак ютиб яқинлашиб булади эканми?! Шоҳдан кирган бола тугул қуёну мушукларни ғажиб ташлайдиган у итлар ҳали ҳам бор булса керак. Олим акам келиб-келиб, ушаларнинг қаватидан жой қилибдими? Ҳукуматга хизматлари эвазига беришибдимикан ё сотиб олдимикан?

Мен шу хаёллар билан асрга яқин айтилган жойга етиб борар эканман, унинг қаватимиздан чиқиб, бошқа ерда жой қилганига ҳеч тушуна олмасдим. Кейинги пайтларда унинг камнамо-камгап, худди ичимдагини топ қабилидаги одамлар сирасидан булиб қолгани шундан эканми ё?..

Боғободнинг пасти билан тушган уша айланма йулни демаса, у атрофда янги ҳовли-жою қурилиш ғишининг узи куринмас, Олим акам қайси жойни тушунтирибди

экан, тусмоллай-тусмоллай, йул ёкалаб борар эканман, уша машҳур полковникларнинг боғ-ховлиларига етиб қолган жойимда янги қуш дарвоза билан якка тавақа эшик куринди. У ёғи ҳам, бу ёғи ҳам ғиштин девор эди. Шунақа расамади билан терилиб уралганки, қанақа идора экан, дейсиз.

Мен кимдан, нима деб сураримни билмай тараддудда эканман, шу маҳал ҳалиги эшикдан хайр-хушлашиб тиш кавлаган қариялар чиқа бошладилар. Улар қай бирлари алқаб, қай бирлари кекириб, дуо қилиб чиқишмоқда эди. Шу ер эканми, камина эҳсондан кечикибтиларми, дея яқин борарими ҳам, бормасимни ҳам билмай, иккиланиб турарканман, кузатиб чиққанлар орасида поччанию Қулдош тоғамларни куриб қадамимни тезлатдим. Қариялар саломимга алик олиб, гурунг берганча йулни кесиб утиб кетдилар. Афтидан улар масжидгами — қаёққа шошар, олдинда бораётган оқ салла, сидирға халатли ланжибашара имомдан ортда қолмасликка тиришар эдилар.

Танидим, бу уша қироати ширали, аммо бидирлаб гапирганидан нима деяётганини илғаб олиш қийин булган тарашадек озғин домла эди. Бизникилар Чувон ота масжидининг бу домласини — нимасига ихлос қуйишган — ис чиққан йиғинга канда қилмай айтишади, тушуна олмасдим. Балки қироати учундир — Қуръонни ҳурматидан. Яна ким билади. Шу тоб поччанинг кузлари менга тушиб қолди.

— Ие-ие, Мақсудхужа, узингмисан? Кенқопсанку. Кир-кир, болам. Холаларинг сурайвериб бир ерга етишаётувди. Етиб келганинг куп яхши бупти, куп яхши бупти. Хой, Олим, қанисан, жигаргушангга қара, орқамизда қоладиган жиянларингга қара, — деб алқай кетдилар. Мен ҳижолатларга ботиб, бориб куриша бошладим.

— Узр, хизматчилик, топиб келгунчаям вақт утиб кетипти.

— Ҳечқиси йуқ, ҳечқиси йуқ. Масжид қавми чиққани билан ҳамма қариндошлар шутта — ичкарида. Ҳеч ким тарқагани йуқ, кира қол, — дедилар Қулдош тоғам узларига ярашадиган бир тарзда, уша-уша лаб четида суйиб, илжайиб турганча. Ҳаммадан Олим акамнинг боши осмонда эди:

— Ана, ана, қандай ярашиб турибди келганинг. Аввалроқ айтмайсанми, сафарим бор деб, булар кўзимни очиришмаётган эди. Келиб юзимни бир ёруғ эттинг, оқлаб юбординг барча ғиналарниям. Ўзинг зўрсан, мирзоларнинг мирзоси, менинг чин холаваччам. Акагинамнинг суйган пакана париси, бағримни тўлатдинг,— дея бағрига босиб, ичкарига етаклай кетди.

Мен ҳеч кутмагандим. Унинг бунчалар яйраб кетишини, боши осмонга етиб алқашини. Ким туфайлидир мени бунчалар ерў кўкка ишонмаслигини. Ёки булар ҳаммаси йўлига — мулозамат учунми? Ундай десам, киприклари намланиб, аҳёна-аҳёна кўзига ёш келган, овози ҳам бир тарз ўзгариб, сўзлари бўғзига тиқилиб бораётир... У ҳам одам экан-ку ўзимиз қатори. Жигарчиликни биларкан-ку. Қадри энди ўтибдими акамнинг? У акамни эслаб кўнгли бузилиб кетганини мен энди кўриб турушим эди...

Иккита бир хилда қилиб, ёнма-ён қурилган, локи қотмаган қўш дарвозанинг беригисидан ҳовлига кириб бордик. Қарангки, дарвоза иккита бўлгани билан ҳали ўртадан девор олинмаган, ҳовли жуда кенг, пастдаги боғ-ишкомлар узун кетган, йўлкалар бир расамадли, мева туплари ундан-да режали, акам боғ ҳовли олибдими, янги ҳовли-жой қилибдими, бир қарашда билиш қийин эди. Шу кенг ҳовли-боғнинг бир тарафида кунга қаратиб солинган қўш қаватли, айвонлари кенг-кенг, ёғоч зиналари бир чиройли, пештоқи ажаб ўймакорли нақшлар билан нақшланган, айвон панжаралари ундан қолишмаган, ўзи ихчам-у, кўкракдор оқ бино кўринар, унинг қаршисида — азим дарахтларга кўмилган боғ ичида ҳам унга қаратиб солинган худди ўшандек бошқа бир оқ бино кўзга ташланар эди. Гўё бири бошқасининг улкан ойнасувдаги акси-сувратидек одамни лол қолдирар эди.

— Жур, жур, мана бу ёққа жур. Аввал азиз холажонларимиз, тоғаларимиз билан омонлашиб ол. Сени кўриб кўнгиллари жойига тушсин. Сурайвериб ҳам холи-жонимга қўйишмади. Кўрсатиб ўзимни оқлаб олай, жур.

У мени ўнг қўл томондаги ўша азиз холажонларимнинг таниш шовур-шувур овозлари келаётган оқ

уй томон бошлади. Ҳовлида патнису идиш-товоқ кўтарган аёллару хизматчилар кўринар, мен қай гўшага келиб қолганимни билмай гангиб қолганимдан қай бирлари ким эканликларини саломларига алик олибгина танимоқда эдим. Қолаверса, салқин болалайдиган бу ҳовлида аллақандай овлоқ боғлар, чақалакларнинг ҳавосини туяётган, ариқлардаги шилдирабу ўйноқлаб оқаётган сув қаердан кириб, қаёққа чиқиб кетаётганини ҳали англаб етмаган бўлсам-да, унинг саришталигими — нимаси, ёққандан-ёқиб тушмоқда эди. Қачон экилгани номаълум, аммо ерни хоҳлаб қолиб, тоза бўй талашиб ўсган қади ноклар тагига тушган иморат шунча кўкракдорлиги билан ҳеч қисиниб қолмаган, қайтага узукка кўз қўйгандек ярашиб турар эди. Ишкомлар ортиданми, қай тарафдандир катта сув салқинига қўшилиб, ёввойи ялпизу сув ўтларининг омухта ҳиди келар эди. Мен уни танигандек эдим, бу салқинлигу болаликдан таниш бўйлар кўксимга мойдек оқиб кирмоқда эдилар. Ўзимни Бўзсув бўйларида тургандек ҳис қила бошлаган эдим. Олим акам чиндан полковниклар қаватидан жой олибдими? Унда бу боғ, анави ишкомлар сув бўйига қадар тушиб боради, десанг-чи. Ҳали пастда аллақанча тепалару сойлар, чакалакзорлар бор, десанг-чи. Балки сават ташлайдиган, балиқ тутадиган жойлари ҳам бордир? Бу орада биз панжарали айвон ўртасидаги ковшандоздан ўтиб, икки ён тарафдаги болохонага олиб чиқадиган ёғоч зиналарни ортда қолдириб, ичкари кириб борган, олтмиш чоғли одам сиғса мумкин бўлган зол остонасига етган эдик. Паркет полли бу йўлак-ковшандознинг икки тарафида яна безоғлиқ меҳмонхоналар кўринар, у ерда ким бор, ҳалиги чиқиб бораётган чоллар қаерда кутилди экан, дафъатан ажратиш мушкул эди.

— Кел, кел, шу золга ўтавер, Усмон тоғангу Норхўжа поччалар шу ерда ўтиришибди. Ис, ана холаларимиз ҳам чиқишибди. Ҳаммалари билан шу ерда кўриша қоладиган бўлибсан. Хола, қаранг, мен кимни бошлаб келяпман. Қочқоқ ўғлингизни обкелтирмагунча қўймадим, қаранг, — деб Олим акам бир яйраб, бир керилиб кириб бораркан, хурсандлигини яширмас, очилиб-сочилиб кетган эди.

Кенг-кенг, кўпқават деразалари орқа боғга қаратиб очиб юборилган зол ойналари кўплигиданми, ё деворлари ганчкор, камига худди театр золларидагидек ўрталарига тошойналар қўйиб зеб берилганиданми, уй ичи яна ҳам кенгайиб кетгандек эди. Нариги тарафда ҳам худди шундай зол бордек, у ерда ҳам одамлар ўтиришгандек таассурот туғдираверар эди. Олим акам бекорга дунё кезмаган экан, уйини хон қасрию саройларидан қолишмайдиган қилиб безаттирган эди. Булар учун ёлғиз диднинг ўзи камлик қилар, ҳавас-иштиёқнинг ўзи ҳам етмас, жуда катта маблағ ҳам керак эди. Нима бало, анув йили янги «Волва»ни лойлаб, ҳаммасини шу ерга урибдимикан?

Мен кўришишни катталардан бошлаган эдим. Энг тўрда қачондир улоқда лат еган, ёзсалар йиға олмай, туришга қийналадиган оёқларини хонтахта тагига чўзиб юборганча, қуша-қуша кўк духоба ёстиқларга ботиб, Усмон тоғам ўтирар, ёнларида тиз букиб, чўккалаганча дароздан-дароз Норхўжа почча чой қуйиб, гурунг берар эдилар. Улар ўлгудек чистончи-ҳазилвон бўлганларидан ҳозир ҳам аллақайси тоғамиз бировга яхшилик қиламан деб, қовун туширб қўйганларини кула-кула ҳикоя этар эдилар. Мени кўриб, почча узун қўлларини чўздилар:

— Ие, ана, гап ўғриси ҳам келқопти-ку. Саломхон, буниз биз ўтиб кетгандан кейин ҳам мана шу воқеаларни эслаб, китоб ёзиб юрмаса эди, денг. Одамни кимларга шарманда этиб. Биздики, беғараз, жиян, ёзиб юрмайсиз-а?

— Нима, ёмонми, почча, — деб кулдилар Усмон тоғам юмшоқдан-юмшоқ, худди куйлагандек эшитиладиган бир товушда. — Шунақа дали-гули одамлар ҳам ўтган экан-да, деб эслаб юришади.

Почча кулимни қўйиб юбормай бош чайқадилар:

— Эслагани яхши-ю, шайтони зўр экан деб тушунмасалар бўлгани.

Пишиллаб-харсиллаб кириб келаётган Нусрат почча билан Қулдош тоғам бу гапдан яйраб кулишди.

— Шойтониз ҳам бордир — ўзидек? — дедилар Нусрат почча тегишиб. — Унга ўзиз бас келмасангиз, унақа-бунақа одамни тентиратиб қўяр-е. Қаердан илаштиргансиз уни?

Тоғаларим у холаларим қайси бир воқеани эслаб, барчалари кулишди.

— Чақалакнинг шайтони-да. Касрники бўларди,— деб куйдилар катта холам, — одам жой танламай ётиб қолавурса, шу-да.

Яна кулишди. Шу асно почча менинг қулимни куйиб юбориб эдилар, бошқалар билан ҳам куришиб чиқа бошладим. Тоғаларим дуо қилиб, холаларим эса, елкаларимга қоқиб, куракларимни силаб курищишди. Кейин утириб менинг ҳаққимга, Султонмурод акам, Олим акамларнинг, барча орқада қоладиганларнинг ҳаққига дуо қилишди. Ҳаммалари бир оғиздан «Илой, шуларга тўзим бергин, иттифоқлик ато этгин, орқамиздан чироғимизни ёқиб ўтиришсин, туп қуйиб палак ёзишсин» деб, дуолар қилишди. Кейин «Мана бу сенинг насибанг, ол, ол, мунтазир қилма» деб шўрваю манти олиб келишди.

— Мантини Маҳфуз кеннойинг қилди. Ҳар галгидек бир ўхшабди, бир ухшабди. Ол, болам, хамири пиёзни пустидан юпқа тортиб кетипти, ол, — деб ойим қисталдилар.

— Барака топсин, кўп пазанда экан, бу тоғлик келинимиз, — деб алқадилар Мубор холам.

— Қуйинг, опа, ҳамма мақтасаям сиз мақтаманг, кўзиз тегади, — дедилар Ҳилой холам, у киши хафа бўладилар демай ҳам.

— Ҳа, мен шунчаки, Ҳидой. Суйганимдан, — дедилар холам ширин жилмайиб. У кишининг бир кўзларига жиндек оқ тушган, бошқасида эса, хол бор — ана уша ёмон, астойдил қарасалар отни йиқитадилар, дейишарди. Мубор холам кириб кела бошласалар ойимгилар келинларга ҳай-ҳайлаб, ширин талпинадиган булиб қолган чақалоқларини дарров яширишга тушишар, соғиб турган, янги бўшанган сигирларини курсатмай қуя қолишар эди. Негаки, уша сигирга холамнинг кўзлари тушди дегунча у эмчагига кўл урдирмай, тепиб ташлайдиган булиб қолар, ҳар ювош сигирлари ҳам жин урарди-қоларди.

— Сизни суйганиз бор бўлсин, — деб туғиллаб куйдилар Хабира холам. — Ўзини куйгани етмайдими, эри кололмай касрларда юрибди-ку.

— Аллоҳ ҳафиз. Эшон поччамни қанча алғов-далғовлардан асраган, ўғлини ҳам асрар, — деб қўйдилар Мубор холам.

У кишининг бу гапларни заррача оғир олмай, чой ҳўплаганча жилмайиб ўтиришлари бир ғалати эди. Инсон шунчалар ҳам кенгфеъл-кенгюрак бўла олар эканми — ҳеч тушуна олмасдим. Шу тоб тошойналарда акс этиб турган «қушни зол»да қўлидаги ликопчада бир нима кўтариб келаётган, ўша ҳусндан эмас, бошқа нарсадан Худо қисган Маҳфуз келинойимни кўриб, ичимда бир нарса чирт узилгандек тек қолдим. Ўзимга келганимда чиндан ҳам у ҳеч нарсадан бехабар қўлидаги ликопчада икки сих қийма кабоб кўтарганча мен томон келар, тоғалару холаларим жим қолишган, Мубор холам эса, Худога минг катла шукр — назарларини олиб қочиб, хижолатли жилмайганча, кафтлари ила дастурхон попугини силаб-тўғрилар эдилар. Шунгаям шукр, аяганларига шукр. Кимсан Эшон поччанинг зурриётига тегишли экан, бахтида қарисин, деб ўтирганларига шукр.

— Олинг, Мақсудхўжа. Сизга илиниб, янги қуюб беришди.

— Раҳмат.

У бўш чойнакларни олиб чиқди ҳам, холаларим бояги сукутни бузиша олмасди. Ниҳоят:

— Яхши олиб келибсиз, Саломхон. Шунақа қўшилиб тургин, ёлғизлигини, ғамларини унутади, — дедилар Хабира холам.

— Қаватингизга олиб келиб, ундан ҳам яхши қилибсиз, опа. Ҳимоячиси йўқ дея олмайди биров, — дедилар кенжа тоғам.

— Савоб ҳам керак-ку, — дедилар Усмон тоғам. — Энди манави жиянимизнинг бошини иккита қилиб қўйсак — Аллоҳ ҳам биздан рози буларди. Шундай ҳовли-жойларни бекорга қурмагандир. Олдингиси унақа чиққан бўлса, эндигиси оқ ювиб-оқ тараб ўтирар. Нима дейсиз, Нусратхўжа?

Олим акам қай бир юмуш билан ташқари чиққан, шундан фойдаланиб булар шу ҳақда гап очган, ҳовли тўйи — эҳсон бахона уни оилали қилиб қўйиш ғамига тушган кўринар эдилар.

— Умид билан ҳовли-жой қипти, бош қўшсак, йўқ

демас, — дедилар почча, — Қолаверса, уй битипти, бу ёнига оёқ-қулли бир аҳли аёл топиш биздан лозим.

— Лозим-лозим. Шариатда никоҳ нимага буюрилган? Вақт-бемаҳал маза-бемаза йўллардан тийилишга буюрилган, — дедилар Норхўжа почча ўша-ўша чўккалаб — қувдоқдек ўтирганча.

Нусрат почча бу гапга негадир мийиқларида кулдилар-у, ҳарқалай куёв номлари бор, холаларим олдида тилларига келганидан тийилдилар.

— Бордир, ахир, уруғимизда биронта ўлига моси? — дедилар Усмон тоғам аяга кўз қирларини ташлаб куйиб ва ҳам юмшоқ жилмайганча.

Шу жилмайишларида «Сизлар топасизлар ундайини» деган мазмун бор эди. Холаларим «разм солиб кўрайлик-чи, ока», дегандек бир-бирларига маъноли қарашди-ю, очиқ бир нарса дейишмади. Шу тоб (ўша мақташган мантидан бир тишлаган эдим, у ғирчча мойга пишган, зиралари тобида, есанг ҳам ейдиган, емасанг ҳам ейдиган эди) Қўлдош тоғам томоқ қирдилар:

— Излашга нима ҳожат? Энидан чиққанини этагига солиб қўяқолайлик. Юрадими бу бу ёқда сўққабош, у у ёқда бевадек?

— Ким? — дедилар ойим илкис бош кўтариб. У киши биринчи бўлиб тоғамнинг ниятларини пайқаб қолган ва ҳам норози қараб турар эдилар.

Юрагим шиғ этди, оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолди. Ноҳат кеннойимни айтмоқдалар?

— Ким буларди, ҳозирги келиниз-да, опа.

Шундай катта зол га пашша учса билинадиган жимлик чўккан эди. Ойим, тоғамдан шунча яхшиликлар кўриб, олдиларида ҳам, орқаларидан ҳам алқаб юрадиган ойимнинг туслари ўзгариб кеттан, қўллари курпача четини чангаллаганча қолган эди. Ниҳоят у кишига жон битди, жон битиб кафтлари билан юзларини силадилару тоғамдан юз бурдилар. Сезиб турибман. У киши «Уялинг, Қўлдошхўжа! Опамизнинг ўғли Султонмурод ўлгани кетган эмас-ку!» демоқчи бўлар эдилар-у, тиллари айлана қолмасди. У киши — шунча тўғрисўз, гап келганда ҳеч кимни аямайдиган одам — ҳозир жим қолган, ирим қилибми, дилларидагини тилларига чиқармай турар эдилар.

Ойимнинг ўринларига Ойпошшо холам жавоб қилдилар:

— Биламиз, Қулдошхўжа, сиз яхши ниятда, савоб булармикан деб, айтаяпсиз бу гапни. Лекин бедарак кетгани — қайтмайди деганимасдир?

— Мен ҳам бир нарсани биларман, опа? Шу ҳукумат турадиган бўлса, Султонмуродизни икки дунёда ҳам бу ёқларга йўлатмас...

Мен адо бўлган эдим: оғзимдагию бўғзимдагини қандай ютдим, дастурхонга қандай фотиҳа ўқиб турдим — билмасдим. Ўзимга келганимда косамни кўтариб, секин золдан чиқиб борардим. Кўз олдимда эса, аллақандай туман, чала ёниб тутаётган самовар тутунидек бир нарса туриб қолган, негадир кўзим эмас, ичим ачишиб борар эди. Чиқишим-ла Ёдгор кўриб, чопиб келдию ўзини отиб, белимдан қучиб олди:

— Вой, амакужон! Келубму эдингиз? Мен кўрмабман.

Қўлимдаги коса тушиб кетай деб... зўрға ушлаб қолдим. Буни кўриб, кеннойим ёлғизтойини қайтарган бўлдилар:

— Вой, ўғлум, кўзиз қаёқда? Эслу боллар амакусига шунақа ёпишадуларму? — У киши қўлимдан косани олдилару менинг бир аҳволдалигимни кўриб, шошиб қолдилар: «Вой, Мақсудхўжа, тинчлукму, ўзиз чиқдизму»лаб шивирлар, атрофимда айланиб ўргилар эканлар, мен «тинчлик-тинчлик» дердим-у, ич-ичимдан босиб келиб, кўксимни ачиштириб-ачиштириб утаётган оташ-аламни ичимга култ-култ ютганча турарканман, «йўқ-йўқ, ўзим» дея ёлғонлашга тушган эдим:

— Ичкарида буғилиб кетдим, у ёқларга ҳам бир ўтай-чи, — деб ишком томонларга юра бошладим.

— Ундай бўлса, майлун-а, бора қолунг, бир чиройлу жойлар экан. Пастда каттакон сув оқуб ётипту. Олуб бор, Ёдгор. Қайтишда маймунжон теруб келасизлар, — дедилар гапимга чиппа-чин ишониб.

Яхшиям ижикилаб сўрамадилар, сўраганларида ўлган эдим. Нима дея олар эдим?! Сизни шу чиройли жойларнинг эгаси қилишмоқчи! Акамни қайтмайдига, қайтолмайдига чиқариб, сизни шу уйларнинг хожасига бўлишяпти! Ўзларига охиратда тегадиган савобни ўйлаб, икки қовушмайдиган бошни... қовуштиришяп-

ти! Бировни дузахга отиш хисобига... узларига жаннатдан жой хозирлашяпти. Ана, менинг кандай тоғаларим бор, дермидим?!. Нахот шу ишлар Худога хам хуш келса? Шариатда шарм йук, деганлари шудир балки?.. Ичимни уша нарса тирнагандан тирнаб, тирнаганда хам энг нозик жойларини уртаб бормокда эди.

Бундан кура, хеч ким билмас бир овлокларга кочиб кетганларим маъкул эди, кочганда хам уша ерларда украб-украб бушанмагунча... бушанмоғим, кутулмоғим мушкул эди. Хозир хам ишкомлар ёкалаб тушган сукмоклан ушандай овлок-сойликка тушиб бораётган булсам-да, украб-украб бушаш олмасдим. Барча аламларимни ютмокка мажбур эдим, миқ этолмасдим. Олдинда — гох у оёғида, гох бу оёғида сакраб-уйноклаб Ёдгортой борар, мен унинг кунглига караб салкин болалайдиган чакалакзорлар оша чимзор сойликка, ундан булоклари катта сувга кушиладиган «култик»-даги гала-гала митти баликларни кургани эргашиб келар эдим. Кошки шу чакалаклар, маймунжонлар тутиб кетган шох-деворлар кунглимга сиғса! Биронтасига кайрилиб караётган булсам, улсин агар! Аммо катта сувни — жонажон Бузсувни куришим ила, унинг намхуш еллари куксимга урилиши ила зора чалғисам, зора унутсам, деб келяпман. Лекин унутиб булармикан бу алам, бу хурликларни?

Етти ёт-бегоналар уйнинг туридан жой бериб, бировнинг ахли аёли экан деб, ураб-чирмаб саклаганда узимизникиларни нима жин урди? Кенойим бояқишнинг уларга нима оғирлиги тушиб колдики, кутулмокчи булиб колишибди? Яна узларини мехрибон-панохгуй курсатиб, энидан чикканини этагига солмокчи булишаётгани-чи! Улсин агар, шу Аллох рози буладирган иш булса!

Олим акам-чи, нима дейди? Шу ниятда тоғаларимну холаларимни ховли туйига чакириб, бир ерга туплабдими? Куринг, кандай жойлар килдим, энди бошимни иккита килиб куйсангиз — савобга коласиз, демокчими? Нияти узи нима? Унда анув рупарадаги ховли-жой-чи, узиникига ухшатиб, хеч нарсадан кисмай, камитмай курган иккинчи кошона-чи? Кимга аталган? Зарурмиди, нияти шундай экан?

Ишкомлар тугаб, чимзор сойликка туша бошлади-гу эллик метрча пастда Бузсув кўриниб, унинг нам-хуш ели димоққа урилди. Хаёлим акамнинг қароргоҳини излаб юрган кезларимизга кўчган эди ва шу баробар кўзим Бузсувнинг нариги бетидаги жарга ту-шиб, хушим учди: наҳот биз ўша машҳур жар рўпа-расида турибмиз? У бу ерга шунақа яқин эканми? Унга Поччанинг боғлари тагидаги йўлдан тушиб бо-рилмасмиди? Катта ясситепанинг нақ устига чиқво-либ, томоша қилмаганмидик — жазирамага ташлаб қўйилган Парпи ўғрини?..

Гап шундаки, нақ рўпарамиздаги катта бир тепа... қоқ ярмидан ўпирилиб тушгану... ярим йўлда бир мўъжиза бўлиб, илиниб қолган, унинг устидаги ёлғиз қора тол шу ҳолича кўклаб ётар эди. Тепанинг сурил-май қолган қисмидаги ёлғиз туп дарахт эса, ҳов ўша биз кўрган тепадагидек шаққос қуриб қолган эди. Кўз олдимга нима келиб кетибди! Гўё у ўша қуриган да-рахтнинг ўзи эдию... қўлтиғидан арқонга боғлаб паст-даги супага ташлаб қўйилган Парпи... толга айланиб қолгандек эди. Мен неча йилдан кейин ҳов ўшандаги-га ўхшаш бир манзарани кўриб турар эдим.

Фақат бунинг ҳикмати нима — ўйлаб ўйимнинг тагига етолмасдим. Шундай бир ерда бадар йўқолган Олим акам мана неча йиллардан кейин омон-эсон қай-тиб келиб, ўша жойларга яқин ердан ҳовли-жой қилиб, ватан тутаётгани жуда-жуда ғалати эди. Худди ўша жойда адолат учун курашиб, ўз диёридан жудо бўлган бошқа бир акам эса, ўша чиқиб кетганича бадар ке-тиб борарди... Ана сизга адолат! Ажаб адолат! Ким қилган қайси хизматлари эвазига ажри-мукофотини шу дунёдаёқ олиб турса-ю, ким топганидан ҳам айри-либ, қувғинди бўлиб юрса...

Бу вақт чимзорнинг пастигача тушиб борган Ёдгор сув қўлтиқ бўлиб кирган жой тепасида турволиб, зўр бериб имлаб чақирар, овозини чиқарсаёқ, митти ба-лиқчалар сув тагига уриб кетадигандек, қўл силкила-гандан-силкилар эди.

— Ҳа, той бола, нима кўрдинг? Саватми? — де-дим жойимдан жилгим келмай.

— Йўқ-йўқ, балиқлар галасу. Қаранг, қочуб, яна қайтуб чиқоптулар, — деди у ҳовлиқиб.

— Тоза сувни ким хоҳламайди?! Улар ҳам ўйнаб чиқишган-да, — дедим секин. Кейин ўзим ҳам у митти баликларнинг гоҳ ҳуркиб қочишларию яна секин қайтиб чиқишларини тасаввур этиб, жим қолдим.

Шу митти балиқлар ҳам ўзлари туғилган тоза диёрларини тарк этгилари, ҳеч нарсага алишгилари келмайди, қайтиб-қайтиб келаверадилар. Одамлар-чи, нега қайтолмасканлар? Ҳатто Султон акамдек ботурлар ҳам ўз диёрларига ўтолмасалар? Бу қандай адолат бўлди? Е бу дунё бошқача қурилганми? Бешикдан қабрғача энг азиз нарсаларингдан айрилиб-ажраб бораверасанми? Ҳамма йўқотганларинг топганингга арзиса, хуп-хуп-а, арзимаса-чи? У қандай адолат бўлди?..

Шу тоб ёнгинамдаги чакалак ичида — маймунжонлар ўраб кетган шохдевор ортидами, қизил тоғолчалару кўксултонлар орасидами — ишқилиб соя болалаб ётган бир ерда булбул чаҳчаҳлаб юбориб, сокиндан-сокин оқиб ётган катта сув устилаб, унинг жаранги тарала кетдию бунга нариги қирғоқдан акс-садоси қўшилиб, ариқ бўйига секин ўтира қолдим. Субҳаналлоҳ! Биз ўзи жаннатларда ҳам топилмайдиган қандай бир жойга келиб қолганмиз? Олим акам тагларидан анҳор-анҳор сувлар оқиб, булбуллар чаҳчаҳлаб ётган бу жойни қандай топдию, нега бир жуфт қилиб, оқ уй-оқ кошоналар қурди? Фақат ўзи ва манави Ёдгортою кеннойимлар учун десам, ҳовли-жой нега иккита? Иккинчи кошона кимга аталган?

Мен бу нарсаларнинг беҳуда эмаслигига тушуниб етаётгандек бўлардим-у, унинг сидқидиллигига ҳеч ишона олмасдим. Сидқидил бўлса, тоғам ҳалиги гапни нега очдилар? Ўзидан бир имдод бўлганки, у киши оғиз соляптилар...

Булбул эса, тиним билмай чаҳчаҳлар, у жонивор бўзлаяптими, куйлаяптими, ажратиш мушкулдан-мушкул эди. Қолаверса, қани нариги қирғоқдан бошқа бирортаси унга жўр бўла қолса... — қўшилмасди.

9. Осмон никоҳини ким ҳам буза олгай?

Мен ўша бир оғиз сўздан бутун тинчимни йўқотган эдим, бояги ҳайрату ҳаловатдан асар ҳам қолмаган эди. Энди ўша бир-бирига қаратиб, (гўё бири

бошқасининг ойинадаги аксидек!..) қурилган икки қаср — икки кошона — кошоналигини йўқотиб, дасти узун бир кимсанинг бачкана уринишларига ўхшаб қолган эди. Ундан олхўриранг «Волва»нинг ўзи четан эшик олдида оврупонинг йилт-янги ўйинчоғимисол тургани авлороқ эмасмиди! (Бу эса, уни лойлаб, қайсибир полковникдан қолган шу жойни олиб, манави «чиранма ғоз, ҳунаринг оз» иморатларига чаплабди!)

Қандай боғларидан айрилиб, тўрт сотихгина жойга тиқилиб ўтирган тоғалариму холаларим учун бу балки «тагларидан анҳор-анҳор сувлар оқиб ўтгувчи жаннат боғлари»дан ҳеч ери кам эмасдир. Лекин менга энди қилча таъсир этмаётган эди. «...Ҳаммаси ўша ниятда олинган, шу ниятда солинган эканми? Ака укадан кутгани... шумиди ҳали?! Энди бу эшиклардан Султонмурод акам эмас, елкасига тўнини ташлаб у чиқадими?! Кеннойим... унингмас, бунинг хизматларини қилиб, болаларини оқ ювиб-оқ тарайдими? У ҳаёт, бунчалар аччиқсан, таҳирдан таҳирсан! Имм!..»

Бу ёқда эса, Ёдгор ҳоли-жонимга қўймай қистар, турмаганимга унамасди. Ниҳоят, туриб сой адоғига тушиб бора бошладик. Аммо Ёдгорнинг (қайтиб чиқиб) учиб-қўнишига, пастда кўрганларидан бу қадар ҳайратланишига ҳеч тушуна олмасдим. Тавба, катта сувни энди кўришими?! Умри бино бўлиб энди кўраётгандек бир ерга етади. Таърифини келтиролмай ҳали ўт босган ариқ ичларига, ҳали сувларга тушиб кетади, яна сакраб-ҳакачоқлаб йўлга чиқиб олади-ю, давом этади...

Аммо мен қани энди уни тушуналиган бир аҳволда бўлсам! Қайда! Ичимга чироқ ёқса, ёримайди. Шу тонгда ўзини тутиши, ижиклашларидан бир ғашим келянтики: нимасига хурсанд бўлади бу бола?! Етим бошини силаётганларигами?.. Эртага падари ўрнига бир «падар»лик... бўлаётганигами? Бу эҳсон, бу ҳовли тўйи баҳона орқаворотдан нима ишлар бўлаётганини биладими ўзи? Бўйи бўйимизга етиб қолганида унинг орзуҳавасини ўйлаш ўрнига «бошини силагувчи бир қўл» излаб қолишибдими унга? Шундай топиладиган савоб, ўлсин агар савоб деб аталса! Бировни бу дунёда

курган ситамлари, аламлари ҳам булса, яна шу дунёнинг дузахига отиб, узларига жаннат боғчаларидан бир жой ҳозирламоқчилармиˀ? Худо ҳам анойи эканда! Куриб тургандир?!

Қолаверса, осмон никоҳини бузиш осон эканми? Шунча қув-қув, талотупларда узулмаган никоҳ ришталари энди узуладими? Узулди деганимиз Марғу кенойимникимиди? Охири нима булиб чиқди? Бунинг ҳам Худо бир белгилагани бордир, ошиқинмаса?..

Чақалак жарлик ёқасида тугаб, уртадаги сойликдан сув буйига тушиб борардик. Пастдан ҳов бир вақтлар Бузсувдан сават қараб юрган кезимиздагидек, сув утлари билан балиқ ҳидларига ялпиз буйлари қушилиб, омухта булиб кетган «катта сув ҳиди» келиб турар, уша, шу ерга келганда бурилатуриб оқмай тухтаб қолгандек катта сув бетида эса, баланд осмону тик упирилган жарлар... бир ажойиб акс(ланиб, куринар эдилар. Бунга сари қирғоқлардаги толлар бир пакана тортиб кетганларки, уларнинг тагига тушибгина булар ҳам росмана тарвақайлаган қари толлар эканини, тагидан соя аримай, жимлик дегани шу ерларда болалашини курмоқ мумкин. Биз сойга тушиб борганимиз сари қултиқ-қирғоқдаги қамишлар ҳам буй чузиб, росмана қамишзорга айланиб борардилар.

— Вуй, уни қаранг, амаку, қамишлар нима чиқаруб, туғ боғлабдулар?! — Ёдгор овози дуриллаб, раста була бошлаган булса-да, болалиги қолмай, уша ёққа чопди.

Чиндан ҳам у пупанаклар — тепасига туғ боғлаган пайзаларга ухшаб, бодраб кетган эдилар.

— Узаман деб яқин бориб юрма, эҳтиёт бул, — деб тергаган булдим. Лекин қани у қайтса.

— Битта олай? Теппага отамиз, роса учаду, — деди у ялиниб.

— Майли, ол. Лекин эҳтиёт бул, илонлари булади қамишзорнинг.

— Қирғоқда туриб оламан, эҳтиёт буламан.

У кетди, мен эсам, тол тагидаги чимзорга тушиб, (жонивор, мол тегмаганидан қурпа булиб кетибди!) аста ёнбошладим. Чиндан сукунат болалайдиган жой-

лар эди. Хатто шундай катта сув ҳам шу ерга келганда — қайрилиш бўлгани учунми, тўхтаб қолгандек, қилт этмас эди.

Аммо ҳов нариги тик ўпирилган қирғоқда ин қурган кўк каптарлару яна аллақандай қушлар ғур-ғурлабми, ўз тилларида чулдираб ётишибди. Пастидан эса ға-ғоқлаган, париллагану патиллаган товушлар эшитилиб қолади. Сув ўртасида балиқ сакраб, балиқчи қуш чив-чивлаганича учиб ўтди. Кейин ўша қирғоқ томон бошини тик кўтарганча илонми, болачасими сузиб кета бошлаб, тепадаги қайси бир чакалакда булбул сайраб юборди. Чиндан ҳам тагларидан катта сувлар айланиб ўтгувчи жаннат боғчаларидан қаери кам?

Аммо бу жойлар қачон кимга буюрибди? Илгари шу юрт учун, унинг мустақиллиги учун бош тикиб чиққан йигитларни қирган, ватандан қувиб чиқарган аллақандай генераллару полковниклар ҳузурини кўриб, давру даврон сурган эмасмидилар, энди Олим акамга буюради эканми? У ҳам шулар учун юртма-юрт кезмаганида, аллақанча хизматлар қилиб, хориж мошинларини миниб қайтмаганида бу жойни қўлга кирита олармиди? Қолаверса, осонгина бериб қўйишармиди? Хизмати борки, индаша олмаган, тилларини тишлаб қолавуришган. Ана энди бу эса, сарук-сурук хотиню болаларидан қутулиб олиб, ким билан даврон сурмоқчи?! Уялмагани бунинг?! Яна кишибилмас ҳовли тўйлари ўтказиб юрибди. Бутун холалару тоғаларимни бошоёқ сарупо-суруполар билан сийлаб, оғзиларини мойлаб, қайси ниятига эришмоқчи? Киши кўзига суққабош етим, хокисоргина бир инсондир. Лекин асли ким?.. Ҳеч кимга эл бўлмас ўша шуртумшуқ бугун ким бўлганини, қўли қаергача етишини кўрсатмоқчими?! Майли, кўрсатсин, лекин бундай эмас-да! Номардлик ҳисобигамас-да!

Белингда кучинг, қўлингда қувватинг борида қай юртларни кезиб юриб эдинг?! Энди сочингга оқ оралаб, белингдан мадор кетганида қавминг керак бўлиб қолдими? Уларга оқибат кўрсатиб, эҳсонлар қилиб, дуоларини олгинг келиб қолдими?.. Мен уни юрт соғинчида келган, отасининг васиятларига кўра бир бош-

мана, бир ватан тикиб, чироқларини ёқиб ўтирмоқчи, деб юрибман. Ҳар хил бегона юрт, бегона кўчаларда тентирай-тентирай ахийри кўзи очилибди, ўзинникиларни, ўз урф-одати, дини-диёнатини соғиниб, фитрати очилиб қайтибди, деб юрибман. Бу эса, мана, нима ниятда экан! Султонмурод акам — ўз акаси умрбод бу диёрларга қадам босолмаслигини, босса нима бўлишини билади-да! Қолаверса, қайтиб кўрсаки, ойдай жувон ёлғиз ёдгори билан тоқ ўтяпти. Машинани сотибоқ шу жойларга ҳаракат қилган экан-да?!

Менга алам қиларди: мен билан шунча юриб, Сутчи амакиникига қатнаб, миқ этмаган инсон, шу уй-режаларни тузиб юрган эканми?! Қувлигини, тилёғлама эканини билардим. Лекин бунчалик ичдан пишган қув эканини билмас эканман! Билиб туриб оғиз очмаган. Очса, чақиб олишим мумкин эди-да. Айтардим ҳам! Сиз Султонмурод акамга илгаритдан ҳасад қилиб келгансиз. Ҳозирги ачинишларингиз бир пул! Шунчаки тил учида, холос. Аслида унингдек бўлолмаганингиздан ҳалигача ич-ичингиздан куясиз! Куйганингиздан ичларингизгача қорайиб кетган. Куйиб берса, уни отгани ўқингиз йўқ! Сиз бу аҳволингизда отангизнинг васиятларини ҳам икки дунёда адо этолмайсиз. Негаки эртага Султонмурод акам қайтиб келса, қаерга қочишни ҳам билмай қоласиз!

Ахир инсон, бир қориндан талашиб тушган киши ўз биродарига шундоқ хиёнат этуви, унинг никоҳидаги аёлни ўз ҳасмига айлантирмоғи мумкинми? Уят, андеша қаерда қолдики, осмон никоҳини кимларнинг қўли билан бузмоқчисиз? Кўриб қўйинг, мана, сиз — кимсиз!..

Нариги қирғоқдан биров чақирарди:

— Ҳой, фалончи... чиқа қолунгларув...

Аммо овоз келаётган қирғоқда ҳеч зоғ кўринмас, тик жардаги кўккаптарлар эса, инлари ёнида учиб-қўниб, бозор қилишар эди.

Беихтиёр тепамга қараб, сойлик бошидаги ишком алоҳида кеннойимни кўриб, ҳозирги хаёлларимдан ўзим уялиб кетдим. У қарғашойи атлас кўйлагининг барлари ҳилпираганча, бир қўли ила бошидаги рўмолини тутиб, бизни чақириб турар, бел нимчасию рўмолию

куйлагига қадар (нега шунақа ўхшатдим, ўзим билолмайман!) азадор жувонларникидек қорайиб кўринар эди.

Қамишнайза пуфанаклар ҳам қолиб кетди. Ёдгор айтганидек, осмонга ҳам отиб кўрмадик, нариги қирғоққа ким ошарга ҳам улоқтирмадик. Торт-торт, юр-юр билан бир-биримизни қистаб тепага чиқиб борсак, ҳақиқатан ҳам қариндошлар кетиш ҳаракатига тушиб қолишибди.

Мен Олим акам билан ўлганимни кунидан, тишимни оқини кўрсатиб хайрлашар эканман, у менинг нега бунчалик тунд эканимни пайқай қолмас, зўр бериб, вақт топиб етиб келганимдан хурсандлигини айтиб чарчамас эди.

— Шунақа келиб тур. Узулишиб кетмайлук. Ижод уйидан қаери кам?!. Бир чеккаси сизларни деб олганман. Илгариги жойларимизни қўмсаб қолсангиз келасизлар деганман. Келасан-а, узоқиб кетмайсан-а? — дерди.

Нима бу, тилёғламаликми? Ё мен бахона кенноййимга мулозаматларими, тушуна олмасдим.

— Холамларни эса, олиб қоляпман. Бир кечадан ётиб кетишсин, арвох хотира. Фақат, хафа бўлмайсан...

«Шунақами, ойи? Сиз ҳам шу тўқиган турга илиниб бўлдингизми?» дегандек қарадим.

Ойим мени бир қарашдаёқ тушунар эдилар. Ҳозир ҳам тушундилару бир четга чақирдилар. Овозларини пастлатиб:

— Ҳа, намунча? — дедилар, — Ҳалитдан тўмтайиб олсан?! Ўзингни бос, катталар бир нима деганда жи-им турилади.

— Ўша катталар нима қилишяпти? Ўзлари жаннат-жаннат дейишадию, бировни қаерга отишмоқчи? — деб юбордим. — Бир кун акам эшигимиздан кириб келса, нима деган одам бўласизлар?

— Келсин, илоҳим, — дедилар ойим менинг ўтимга сув сепиб, — қўшгани билан ўзи қўша қарисин. Лекин сен гапнинг охирини эшитмай нега қизишасан? Ҳали Нусрат почча диний идорага борсинлар, уламою фузалодан фатво сўраб кўрсинлар... Худо розилигисиз бу ишга ким бош қўшаркан?!

— Ҳар қандай фатво ҳам Худо розилиги бўлаверибдими? — дедим турсайиб.

Ойим менга ёмон қарадилар.

— Болам, — дедилар лаблари учиб ҳам аллақандай гезариб. — Сен шариатга тил теккизма. Ёшлик қиласан ҳали. Биз ўша билан тирикмиз, ўша билан Худонинг олдига бормоқчимиз.

Мен индай олмай қолгандим.

Қолаверса, ҳамма-ҳамма билан, кеннойим рози бўлармидилар шу ишга?..

10. Фатво ёхуд кимки нажот ҳалқасини тутибди

Ёзарлар хонасида эдим.

Тирсагимни силаганча ичимдан қуйилиб келаётганларни Гулсум опойга пешма-пеш айтиб-ёздираётган эдим. Опой ҳам «автомат!» Машинкага қарабам қуймай шатиллатиб ёзиб ётар, ўнтала бармоғи-ла керакли тугмачаларни қандай топяпти, ақл бовар қилмас эди. Ана маҳорату ана кўзнинг пишиб кетиши. Қолаверса, илҳом келса, шу экан. Мен ҳам тилим бурро тортиб, у кишидан ўзсам-ўзардимки, орқада қолмасдим.

Кимдир кирди:

— Ҳов, тезотар мирзо! Инсоф ҳам керак-да одамга! Бир инсон қанчадан бери кутяпти-я!

Ким? — дедим ёқинқирамай.

— Ким бўларди, келган одам-да.

Ўлди мақола ҳам! Илҳом-ку учиб кетган, каллада ҳеч вақо қолмаган эди!

— Кутмай кетсин, шунақа пайтда келадими?! — дедим тўнғиллаб ва истамайгина йиғиштирина бошладим.

— Ибй сизни! Кутса — кутсин иди. Зўр чиқаятувди. Эсиз, — деди опой ачиниб. — Улашни айтинг инди.

— Буларга нима! Буларга навбат керак, дедим ўша-ўша тўнғиллаб.

— Навбат нимаси, қаранг аввал, кутавериб эзилиблар кетди-ку, — деди ҳамхонам ўзини оқлаб.

Чиқсам, чиндан ҳам кутяпти экан. Яна ким денг, Олим акам! Тоқати тоқ бўлиб кетганидан зинага чиқ-

волиб босиб-босиб чекяптикан, кўриб қўлидагини иткита, мен томон юрди.

— Ол-а, ушақдамидинг, мирзо. Сени ҳам тутар кун боракан-ку! Шунақа қисталанг ерда ишлайсанми? Бундай хотиржамроқ жой қуриганми?

— Газетачилик, ака! Мирзоларга қачон осон бўлган?! — деб мен ҳам тегишдим. (Уни қанчадан бери яниб юришимни ҳам, ўшандан бери кўрарга кўзим, отарга ўқим йўқлигини ҳам унутган эдим. Биров сени излаб келадию гина-кудуратларинг қолалими!) Бориб қўлини олмоқчи эдим, у қучоғини очиб, бағрига босганча (қаердалигини ҳам унутиб!) «пийпалай» кетди: минг йил кўришмаган одамдек ҳали бағрига тортиб, белимдан кўтариб-кўтариб қўяди, ҳали ўпиб, ялаб-юлқайди!

Ҳалитдан қай гўрда жиндек отиб ола қолибди, ҳиди гуркираб келиб турибди. Нима воқеа бўла қолибдики, яна бунақа нарсаларни оғизга олибди? «Етар, шунча гуноҳга ботганларим. Энди ҳалқумимдан фақат ҳалол нарса ўтади!» деб катта кетган эди-ку. Нечук!»

Хонага бошласам — ичган, ноқулай, бошламасам, меҳмон деган номи бор. Ҳардамхаёлланиб:

— Келинг, қай шамоллар учириб?.. Ҳари синдириб юборса кам-ку, — дедим.

— Қўй, кетдик-кетдик. Иложини қилсанг, бирон соатга жавоб ол. Гадойтопмас бирон ерга бориб, бир отамлашмасам, ёрилиб кетаман, Худо ҳаққи. Буптими? Мен пастда тураман, хўп?

Мақола-мақолада қолди, иш ишда. Мудиримдан жавоб сўраб чиқиб эдим, Олим акам битта машина тўхтатиб турибди.

— Қаёққа? — дедим ҳайрон қолиб.

— Қаёққа бўларди, айтдим-ку, бирон баҳаворроқ жой топмасанг ёрилиб кетай деяпман. Хўш, қаёққа борамиз? Кейин ўзим опкелиб қўяман, қўрқма. Чин сўзим.

Ола, тоза одамига учрабман-ку. Дарди бир оламку бунинг. Оғзидан сўз эмас, дуд чиқяпти. Яна нима воқеа рўй бера қолибди?

— Машинани нима кераги бор? Анави ерда хилватдан-хилват «Кўк гумбаз» деган жой бор. Ғир-ғир шабадаси билан. Пиёда-яёв ўта қоламиз, — дедим.

Кунмади:

— Тухтатдикми, ташлаб угади. Сазаси улмасин бунинг ҳам, утир.

Сездим: шофердан ҳам бурун унинг сазаси ўлмаслиги керак. Булмаса, жиндек оттан одам — хафа бўлиб қолиши тайин.

Ўтирдик, ғир этиб айлантириб утиб, ташлаб кетди. Шарбатли сув чақириб, бир чеккага қўндик. Ҳақиқатда ғир-ғир шабада эсиб турар, аллақаердан кабоб ҳиди анқиб-анқиб келар эди. Чойхона томондан шекилли.

— Овқатланиб ола қол, тушлик ҳам қиласан-ку, барибир, — деб турттадан кабоб, ош чақирди.

— Мезбон ким узи? — дедим мен гинам қузиб.

У тиззамга уриб, уткизиб қуйди:

— Сен биздек булгунча ҳали куп ковун пишиғи бор. Иззатингда тур, мирзо деган номинг бор.

У десам, бу дейди, бу десам у, кунмади иш қилиб.

Жим овқатлана бошладик. Афтидан куриниб турибди: нимадир руй берган. Ўша нарса ичида ғалаён қилиб ётибди-ю, узини босипти. Шунда юзи бўртиб, қулоқларигача қизил тортиб кетадию, гап очақолмайди. Ё уша гапни менга айтолмаяпти, ё маврид кутяпти.

Ахийри:

— Булди, — деди олдидаги сихлару талинкаларни нари суриб, — Ўзи яхши жой экан-у, лекин кабобни қотирмабди. Мен ургамчикка бундан яхши пиширaман.

— Гушт жонивор яхши булса, яп-янги булса — маҳорат керагамас, — деб қуйдим унинг кунгли учун. Лекин кабобнинг туз-намагию таъми жойида эди. Олим акамнинг уни нишхурдга чиқариши бошқа нарсадан эди, чоғи. У ахир мен билан кабоб еб отамлашгани келибдими! Ҳаво етмай пишиллашию мишиллашидан, юраги сиқилиб кетаётгани аниқ.

— Нима булди? — дедим кук чойдан унга ҳам, узимга ҳам қуйиб.

Ўша нимадир ичига сиғдиролмай кукрагини столга бериб, уни икки чеккасидан тутганча росмана маст одамдек утирган Олим акам қаддини ростлаб, бирдан

ўзини орқага ташлади ва афтимга афтодаҳол ҳам аламли тикилди:

— Йўқ, мирзо, аввал сен айт! Сенам мени шундай пасткаш одам деб ҳисоблайсанми? Шу ниятда қайтиб келибмидим мен? Ўша жойларни шу ниятда олиб, шу ниятда қурибманми? Мен бир марта адашиб, номим қора бўлган одам — қоралигимча қоларканман-да? Йўқ. Мен бу ниятда келмагандим, мирзо?! Мени ким деб ўйлашибди у тоғаларинг? Мен ҳам бир одамдек, солиҳ бир фарзанддек отамнинг чироғини ёқиб ўтиргани, жигарларимнинг бошини қовуштиргани келсам, улар нима деб ўйлашибди? Ким деб ўйлашибди?! Мен мурувват ё бошпана излаб келибманми? Киндик қоним тўкилган ерни соғиниб, уни ватан тутиб ўтиргани келсам, ким деб, нима деб тушунишибди! Сиғсам ҳамма ерга ҳам сиғиб кетаверардим. Лекин одам ўзиникилар ичидагина, киндик қони томган, ота-боболари ўтган ердагина бир ҳаловат топиб ўтирмоғи мумкин-ку! Мен ўз урф-одатларимизни соғиниб келган эдим. Отам топинган нарсага мен ҳам топинсам, улар қибла тутган жойни мен ҳам қибла тутсам дегандим. Тоғаларинг тўғри тушунишмабди, мирзо. Мен улардан ундай оқибат кутиб келмаганман. Мендан бир оғиз сўрамай-нетмай, нима ишларни бошлаб юришибди?!

Кутилмаганда стол устига унинг муштими, нима келиб тушиб, пиёлалару тарелкалар сакраб кетдилар. Мен биттасини зўрға илиб олиб қолдим, нак полга тушиб чил-чил бўлар эди. Аммо у буни сезиб-сезмади ҳам. Ўша қизиганча давом эта кетди:

— Ўзинг ўйла, мирзо, энди мен ким деган одам бўлдим, эшитган қулоққа?! Қолаверса, улар, у жабрдийдалар нима деб ўйлашяпти экан? Ўзларининг кўргиликлари, шу кунгача кўрганлари кам эканми? Энди бу иснод ҳам бор эканми уларга, менга? Нимага эшитиб ҳам индамадинг сен? Сендан лозим эмасмиди, қайтариб ташлаш? Ким айтади сени ўқиган, оқ-қорани тушунган деб?! Акам олдида бир марта юзим шувут бўлгани етмасканми? Яна юзиқоралик учун келибманми мен? Шунақа, ука, пичоқни аввал ўзинга уриб кўриш керак-да, оғримаса, бошқага уриш керак. Ҳар нарсага ақллари етган тоғамиз шунга келганда

оқсабдимя? Тавба! Холам-чи, ойинглар-чи, индамадиларми? Ҳар нарсадан адолатни устун қуядиган ойинг ғиқ этмаганларига ҳайронман. Етимнинг бошини шунаққиб силарканларми? Бировларни иснодга қолдириш эвазига-я?! Мен ҳам одамман-ку. Менда ҳам ҳамият, деган нарса бордир. Уят, ор-номусни йиғиштириб ташламагандирман жуда. Сўққабош қайтган бўлсам, менга ҳам Худонинг ёзгани бордир, атагани бордир! Тил бормайди ҳатто айтишга! Мен қайниман-ку, ахир! Ўртада акам турибди-ку, ахир. Мен кимга деб олибман бу ҳовли-жойларни! Кимга деб қурибман — агар акам қайтиб келмайдиган бўлса?! Отам-чи? Аканг билан топиш, деб васият қилган отам гўрларида тикка турмайдиларми шундан кейин?! Қиёматда, ўша тонгла Маҳшарда мен у кишининг юзларига қай кўз билан қарайман? Нима деб рўбарў бўламан?! Шуни ўйлашадими булар?

Ростини айтсам, мен ҳеч кутмагандим. Ҳар нарсани кутсам-кутгандирман, лекин Олим акам шундай гаплар билан келади деб, ҳеч ўйламагандим. Хаёлимнинг бир чеккасидан ўтиб ҳам қўймаганди бу. Ўзимнинг анави кунги алам-аччиқларим, ёниб — дамим ичимда кетганларим эсимга тушиб, ўзим уялиблар кетдим. Мен уни бу ишдан хабардор деб не хаёлларга бориб эдим! Уни эса, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган экан! Қараб туриб, сўйиб кетдим. Ўтирган еримда эгилиб, елкалари аралаш бошидан қучиб олдиму қўйиб юбормай, қулоқ юмшоғи остиларини, бўйниларини искаб-искалаб кетдим:

— Олим ака, акажон! — дейман-у, у ёғини айтолмаяпман. Бўғзимга келиб туриб қолган қайноқ йиғими, нима айтишга қўймаяпти. Овозим ҳам гоҳ ичимга тушиб кетиб, гоҳ вулқондек отилиб чиқадию ҳеч тушунтира олмайман. Фақат қайтариб қўймаяпман:

— Бор экансиз-ку, Олим ака! Фақат биз гумроҳларни кечирсангиз, бас! Сиз ҳақингизда бошқа хаёлларга бориб юрганларни... кечиролсангиз кечириб қўйинг, — деб қаттиқроқ тармашаман, бош-кўзларидан ўпаман.

Бизни кўрганлар нима деб ўйлаяпти, деган андишага-да бориб қўймасдим.

— Фақат менга ишонсангиз, бир гапни айтай, — дедим ахийри.

— Нима дейсан? — деди қаддини кўтариб. Мен қўлларимни тортиб, жойимга чўкдим. Лекин чин гапим: қайтиб қочиб олгим, ҳеч кимдан уялмай юзларидан ўпиб-ўпиб олгим бор, юрагимда борини тўкиб солгим бор. «Сиз Султонмурод акамнинг чин укаси — туғишгани экансиз. Энди билдим» дегим келяпти, айтолмаяпман. Айтишга йигитлик ғуруриммн, нималир қўймаяпти. Йўқ, қўймаяптимас, бу гаплар ўзи шундоқ ҳам аён, тушунарли-ку. Яхшиси, кўзларингдан, юзларингдан ўқиб олаверсин, деяпти калламнинг ич-ичида ўтириб олган бир митта чол. Биламан, у мен ўзим. Айтолмайдиган гапларимни у гоҳо ана шундай ўзимга шипшиб туради. Ҳозир ҳам кўнглимдагини айтолмадим. Бунинг ўрнига ҳам:

— Сиз кўпам қайғурманг, — дедим секин.

— Нега? — деди у ҳайрон қолиб.

— Аввало, унчалик уялишга ўрин йўқ. Бу гаплардан келнойим бехабарлар. Қолаверса...

— Нима, қолаверса? — деди у билагимни синдириб юборгудек чангаллаб.

Мен унинг кифтларини силаб тинчлантиришга уриндим:

— Қолаверса, почча уламодан фатво бўлмагунча ким бу ишга бош қўшади, деганмишлар.

— Ола, ҳали шунгача боришибдими? — деди у юзию феъли ўзгариб.

Ўртага шунақа сукунат чўкиб, у миқ этмай қолдики, мен унинг бундай ўтирувидан қўрқиблар кетдим. Йўқ, у ўзида бир куч топиб, бошини секин кўтарди. Афтимга қаттиқ тикилиб:

— Нима дейишибди... ўша шариат пешволари?.. — деди аччиқ устида.

— Билмасам, — дедим менинг ҳам кўнглимга бир совуқ ғулғула оралаб. — Ўшандан бери у кишини кўрганимча йўқ.

— Тур, кетдик, — деди у даблурустдан кўзюла бошлаб. — Кетдик-кетдик, шу бугуноқ бир ёқли қилиб келамиз. Ким кўтарса, кўтарсин бу иснодни, мен кўтаролмайман!..

У йулакай ошхона хизматчисига ҳакини тутқазиб, зинадан тушаверди. Кейин катта йул ёқасига чикиб, машина тутмоққа бошлади. Бормай кур-чи, иоилож эргашдим. Ўлганни кети шаҳид, деганлари шу булса керак! Етиб боргунимизча ҳам миқ этмаса-я. Нақ юракларим ёрилаёзди. Шариатда шарм борми, йул берса, нима булади, деб юрагим пукиллагандан-пукиллардн.

Борсак, почча ҳовлидаги кафтдек ёғоч сурычаларида кузойнак тутиб, китоб куриб утирган эканлар. Биз холаваччаларини куриб, бошлари кукка етганча, иикиллаб урииларидан тура бошладилар-да, кейин қаддиларини ростлаб:

— Оҳ-оҳ, Олим, узгинангмисан? Худо сени етказганини кара! Қани, чин валломат сузингни айт! Ўйнаб берсанми, ё суюнчини каттасини олиб келасанми? Мен фатво топтириб қуйдим, — десалар борми, Олим акам демаганлар даричахонадан уголмаёқ тахта булиб қолди. У на поччага қараб юра олар, на бир оғиз бир нарса дея олар эди: юзи қув оқариб кетибди! Куриб, узим ҳам куркиб кетдим.

— Чиндан шариат, — дердим-у, у ёғини айтолмасдим.

— Ҳа, довқур? Сени ким айтади, элнои поччамнинг кенжалари деб? Шуни ҳам билмайсанми узинг?

Хуб поччамиз борлар-да. Биров не аҳволдаю у киши кикир-кикир куладилар. Бош чайқаб-чайқаб, тирқираб чиққан кузёшларини арта-арта, қайта бошдан куладилар.

Ахийри:

— Ҳай, жиян-а, жиян, мен буламан-ку, сени утга отиб, оловида исинаманми? Сен сурасанг-чи аввал фатвони. Уни қай гурдан топганимни! Муфтий жанобларидан сураб келдим-ку, ахир. Оддий уламодан олсам, қурқсанг ярашарди. Эшит, у қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам, — дедилар у киши дона-дона қилиб, — агар киши ҳижрат қилиб кетиб, орқасида аҳли аёли қолган булса, никоҳидаги эрини... неча йил деймн, туқсон йил кутса жоиз экан. Демак, осмон никоҳини ҳеч ким бузолмагай. Муфтий тақсир айттиларки, ким бул фатвони тутибди, нажот ҳалқасини

тутибди, Аллох рози булсин, дедилар. Эй сен, кичкина Махмудхужа, бориб кеннойингдан суюнчини олавер. Уларнинг Султонмурод жиянимиз билан никохлари хали-вери бузилмагай, — дедилар. Шунда олам бир ёришиб, чарогон булиб кетганини сездим-у, лекин у нимадан эди, билолмаганимча колдим. Олим акам эса, кузда ёш ила почча томон кучок очиб борарди.

11. Туткин

Ишдан кайтсам, ойим айвонда карши олдилар. (У кишининг оёклари огрийди. Бир вактлар лат еган жойи энди билиняпти. Ховлига тушишдан кура, айвонга эмаклаб чикиб, утириб оладилар-да, уша тиззаларидан пастини силаганча узун хаёлга бериладилар. Биз узун хаёл деб уйласак, у зикр экан. Энди тушуняпмиз).

Мен салом бердим. У киши алик олиб, хол сураган булдилар:

— Яхши келдингми, болам. — Шу аснода оёкларини силашдан хам тухтадилар, сездим огриётганини менга билдиргилари йук.

— Рахмат, — дедим ботинкам ипини еча бошлаб, «нима, анави кунги мой колдирмадими огрикни», деб сурашга ийманиб турган жойимда... ойим кайтариб сурадилар.

— Машиналар купайиб колганми, ё халиям ушауша — икки соатда бир келадими?

— Нима эди, ойи? — деб бош кутариб юзларига карасам, менга ачиниб, тикилиб турибдилар. Она — она-да. Галати булиб кетдим. Тездан холатимни унглашга шошилдим. — Эй ойижон-а, хар куни боравергандан кейин одамга урганиш булиб кетади, билинмайди.

— Шунака-ку, якинрокдан бирон иш топсанг буलармиди?

Хайрон колдим.

— Нега, ойи?

— Ризкни берадиган — Худойим. Узингни уттачуккa уравермасанг хам козонимиз кайнамай колмас. Кийналиб кетдинг.

— Мен-а? — мен у кишининг нима демоқчи эканликларига ҳамон тушуна олмасдим. — У ерга одамлар етолмайди-ку, ойи, — дедим ниҳоят. Ўзим айвон остонасига ўтирганча қолган эдим.

— Энди айтаман-да, — дедилар у киши кўзларини тушириб ва яна оёқларини бир қур силаб қўйиб. — Бизам ғанимат. Кундузлари кўргим келади, сен эса, — у кишининг кўзлари намланиб, бир ғалати йилтиради, — бугунгисини айтмаса, кон кораяр ҳам дарагинг бўлмас, вақт икки хуфтонга етар ҳам жужур машинанг ташлаб кета қолмас. Шнкка тикилган одамга қийин-да, болам.

Тушундиму ғалати бўлиб кетдим. Илгариги галлардагидек «отдексиз, ойи, Николайнинг ёғини еганлар билан пахта ёғи еганлар баравармн» деб ҳазилга олиб кета олмадим. Ичим увишиб қолганини кўриб... ойимнинг ўзлари гапни бошқа мавзуга буриб юбора қолдилар.

— Ҳа, айтмоқчи, акангнинг анув шаҳарлик ўртоғи келувди. Тутинган ошнаси-чи, ўша.

— Чаман акамн?

— Ҳа, буларнинг ўша суянган тоғи.

Тушундим, аммо ичим баттар ҳаприқиб борар эди:

— Тинчликми, нима дейди?

— Булар йўқ эди, тикувчишикига кетишиб эди, — дедилар ойим қўрқма, деган каби. — Бирпас Ёдгор билан ўтирди. Кейин кетди.

— Хеч нарсадан хеч нарса йўғ-а?

— Нега, тўйга айтиб кетти сени. Боринглар, деди.

— Тўй? Қанақа тўй? — Мен хеч нарсага тушуна олмасдим.

— Қанақа тўй буларди, ўзи уйланаётганмиш, — нимасига тушунмадинг дегандай қарадилар ойим.

Менинг кўз ўнгимдан эса, ўша кошандози муъжаз хонадаги оқ рух каравотда ўтириб қолган оқ-оппоқ кампир кетмасди: ниҳоят орзусига етибди-да у киши? Уйлантибди-да? Яна бошқа нарсаям кўз олдимга айланиб-айланиб келаверар эди: ўша Ёдгор билан чиққанимиз — болохонадаги улар турган жой, унинг деразаси, деразасидан кўринган ишкомлар, Қалковуз суви, унинг бўйидаги қатор толлар, қолаверса, ўгирилгач

деворда кўрганим — ғаройиб сурат — бир қарасанг кеннойим, бир қарасанг акам ва яна бир қарасанг у — Чаман акам бўлиб кўрингувчи нарса ёдимга тушиб кетган эди.

Нича бўлса ҳам кут...мадими?

Кимни? — Ойим тушунмадилар.

Менинг эса, номини айтишга тилим айланмас, не хаёлларга бориб гуноҳга ботаётганимни ўйлар, ўйлаган сарим юзиму қулоқларим ости ёниб борар эди.

— Ўша, неча йил паноҳида асраб келган кишиси — кеннойимларни-да? Уларни ҳам айттани келибдими, ахир?

— Ҳа-а, — дедилар ойим энди тушиниб, — айтди, «булар ҳам боришсин. Ойим бошлари кўкка етади», деди. «Ўзлари билган жой», деди.

Менинг кўнглим худди чанқоғи қонган одамникидек хотиржам тортиб қолган эди-ю, ўзим бояги хаёлларимдан энди ич-ичимдан уялиб бормоқда эдим.

— Ёдгорни-чи, олиб борармиканмиз? — дедим бошқа гап тополмай. Мен атрофга аланглаб, уни излардим, лекин ҳеч ерда кўрина қолмасди.

— Вой, ҳамма қолиб, уни обормай бўларканми? Ичкиб бир ерга етган экан, кўриб пақ ёпишиб олдику. Кейин сенга бир нималар ёзиб ташлаб кетди. Нима десам, Ёдгоринг таклуфнома, шунақаси расм бўлибту, дейди. Мана. — У киши омонатни нимчаларининг ён чўнтакчасидан олиб узатдилар.

Расмана таклифнома, орқасида чумоли изиданам майда битик-хат. Ўқишга тутиндим:

«Мақсуд, укажон. Биз ҳам озод қуш эдик! Ота-она орзуси бизни ҳам тутқун этди! На қилайлук, бор экан тақдирида, деганларидек... кундик. Тўрва халта бўйнига тушди, укажон. Энди биз ҳам ҳамма қатори яшамакчимиз. Эплай биламизми-йўқми, уни ёлғиз Аллоҳ билгай.

Боргин, акангни кўргандек бўламан, Чаман».

«Воҳ, шундай одам ахир синибдими?!» деб юбордиму ўз хаёлимдан ўзим қўрқиб кетдим. Кетидан келадигани... чиндан қўрққувлик эди: Ахир нега синмаётган эди?!

Бошқа дегани бормиди ё?

Ким эди у?..

Нимани кутар эди?

Ё бирон қасам ичган жойи бормидики, уйланолмаса?

Қачон уйланмоқчи эди?

Акамни қайтариб олиб келибми, тинчибми?

Энди-чи, нойложликдан, онасининг — ўша беш кунлиги борми-йўқ, оқ-оппоқ бўлиб ўтирган онаизорнинг сўзини ташлай олмай уйланмоқдами?

Унда нега ичи ёниб кетяпти? Дуди осмонга чиқиб, нега озод қуш эдик, тутқун бўлдик, демоқда?

Кимни деб буйдоқ ўтмоқда эди?

Бу саволларга қани эди бирон жавоб тополсам...

Тўй ҳам бир чиройли ўтди. Расм-русуми жойида бўлди. Қудалар ҳам рози кетди.

Биз ҳаммамиз тушиб бордик. Ёдгордан кеннойимгача. Ўз хеш-ақрабоаримизникидагидек «камиқдан бел боғлаб» хизмат қилдик. Айниқса, ойимлар билан опа-сингилдек топишиб қолган Ойтўра бувининг жи кетди. Бир дуо қилдилар, бир дуо қилдилар. Дуолари даргоҳида қабул бўлган бўлсин. Шу билан бу хонадонга хотиржамлигу халоват иниб, Чаман акамнинг узун-узун кетишлари орқада қолиб, туп қўйиб палак ёзадиган пайти келгани рост бўлсин. Аллоҳ унинг кўнглига бу келган изли-қутли келинга муҳаббат, яқинларига меҳр солсин. Дуо яхши нарса, ҳаммамизнинг кўнглимизни ийлаб-ийитиб янада яқин қилиб қўйган эди. Гўё узулмайдиган риштлар билан боғлаб ташлагандек эди.

Ҳатто Чаман акам ҳам сипо тортиб қолган, уятчан куёвтўралардек қизарибгина, тортинибгина қараб қўйишини айтмаса, Ойтўра бувининг гапларига сўз қўшолмай ер чизиб ўлтирар эди. У турвахалта бўйнига тушганидан хурсанд эканини ҳам, хомуш эканини ҳам билиб бўлмас, мен уни ичида жон-жон деб турганини ташига чиқаролмаётган куёвларга ҳам ўхшатолмасдим. У кўпроқ турга тушиб қолганини сездирмасликка уринаётган каби эди. Балки менга шундай туйилгандир.

Ҳарқалай, у биз билан хайрлашаркан, келганимиздан боши кўкка етганини қайта-қайта айтиб, қўлини кўксидан узмаса-да, яна нимадандир жуда-жуда хи-

жолат эди. У гуё энди илгариги суянган тоғимиз ишонган боғимиз эмасди, энди унинг уз оиласи, ташвишлари бор эди, узидан ортиб, бизга мурувват кила олмас, паноҳига ҳам ола билмас, акам ҳакда ундан хушхабарлар хам кута олмасдик. Чунки энди у узоқ командировкаларига чиқа олмас, аканг ҳақда хабарлар бор, зора ўзини курсам деб, зудлик билан жунаб кета олмас эди. Унинг буйнига оила аталмиш буйинтурук тушган, Калковуз буйидаги шу ҳовлига ипсиз боғланган эди. Чаман акамдек озод қуш бу турга қандай илина колди, ҳеч аклим етмасди. Сабаби — мен сизга айтсам, анчага довур маълум булмай қолди. Бу уртада ёз утди, куз кетди, қиш чиқай деганда шахардан хабар келди. Ойтура буви невара курибдилар. «Муборак булсин»га ойим билан кеннойим тушиб чиқишди.

Шундан икки ҳафталар утгандими, ишхонага қунғироқ булиб колди. Олсам — Чаман акам: боши осмонда:

— Ўзингмисан, пакана пари? Ука деган ҳам шунақа буладими? Хабарам олай демайсан, табриклай ҳам демайсан? Э, баракалла!

— Муборак булсин, уғилчалар! — дедим хижолатларга ботиб.

— Муборак ҳам гапми, хари синдириш керак! Аканг қарағай шу кунни кутиб улиб бўлди, кукраклари тешилиб кетди-ку. Бу ёғи озодлик, яна хурлик-ку, Мақсуд. Эшитяпсанми?

Мен эсовсираб қолган эдим!

«Қизиқ-ку! Шу кунни кутиб ётган эканми?! Келиншошша билан (тавба, нега келиншошша булсин! Келинойи-ку!) аҳднома шундай эканми?» Чиндан у қандай рози булибди экан? Бунинг юришларига, бедарак тентираб кетишларига! Бекорга у қариқизни, «укий-укий шаҳар олиб бера олмаган», онасига шаҳар олиб беролса ҳам узига бахтдан тахт яратолмаган уша олимани хотинликка олмаган экан-да. Жиндек шунга ухшаш гаплар қулоғимга чалингани бор эди. Гуё «Битта кучқордек уғил туғиб берсанг, бас, ойимнинг армонлари ушалсин. Кейин ушанга андармон булиб утираверасизлар қайнона-келин...» деганмиш, тавба.

Вох! Шундай булса, яна яхши-ку! Акамнинг чопари, кимларнинг «суянган тоғию ишонган боғи» улмаган экан-ку! Истеъфога чиқмаган экан-ку соқчи фаришта! Юрагига балли-ей, бир йилга чидаб утирибдия! Энди тентираса, қаёққа борар экин? Акамни излаб қай диёрларга утаркин? Қай сарҳадлардан ошиб, қай шаҳарлардан уни суроқларкин? Йуқотган изини қай саҳролардан изларкин? Бирон мужда топганми ё таваккалчини ишини Худо унглар деб, отланиб колдими? Рухсат беришмаса, қаёққа боради?

— Тушайми, қаердасиз? — дедим ютақиб.

— Туш-туш. Олиб кетгани келдим-да сени. Ичларим тошиб кетди-ку, пакана пари. Сенга ёрилмасам кимга ёриламан? Бул, йиғиштир иш-пишингни. Бир кун сенсиз ҳам чиқар уша хеч кимга кераксиз газетинг...

Ол-а, шу ерга келганда оширворди-ку. Одамнинг ҳамиятига тегиб кетади ҳам демайди-я. Худди бир вақтлардаги салти-свой Чарли чапанидек нималар деяпти?! Шунча одам кур булиб чиқарган газетни нима демоқда? Рости, гапи энди менга паша қилмоқда, ичимда аламми, бир нима ғимирлашга тушган эди. Чиндан ҳам хеч кимга кераксизми? Кимнинг гапини гапиряпти? Ҳамма-ҳамма билан, у шундай деб турса-я... Аламданми, нимадан тилим танглайимга ёпишиб қолгандек эди гуё!..

— Ҳа, даминг чиқмай қолди, бирон юмушинг... — деди у сал юмшаб.

Мен ҳам уни аядим. Ахир кимсан акамнинг қиёматли ошнаси. Бошқа биров булганида эшитадиганини эшитиб оларди. Ҳақимни қуймасдим балки... Лекин бу акамнинг туғишгандан аъло ошнаси. У келади-ку, мен чиқмайманми? Бир арзимас гапига зарда қилиба?! От тепкисини от кутаради-да.

— Йуқ, чиқаяпман, юмуш-пумуш борми! Ҳаммаси сиздан айлансин, — дедим.

— Бу бошқа гап, пакана пари. Узингга етари йуқ. Булақол, — деб шоширди.

Йулакай пальтомни эгнимга ила-ила кубанкамни қулга олганча зинадан пастга ошиқдим.

Ункамни қулпиқлаб дегандек тушиб борсам, тушдан аввалги йилт этган эшакуллдирар офтобда жиндек

эриб, яна қатир-қутур яхламоққа бошлаган йўлкада Чаман акам бетоқат бориб-келмоқда. У мени кўриб чекиб турган сигаретини қорга итқитиб, ўзи менга қучоқ очгудек юрди.

— Э, бормисан, Каттабоғнинг гули! Ошнагинамнинг пакана пари укагинаси! Сўраб келмасам, ўзинг борай ҳам демайсан?! Оқибат шу бўлдими?

— Узр, узр. Эшитибам ўтолмадим. Муборак бўлсин, янги меҳмонлар? Оти нима бўлда, полвоннинг оти? — дедим гиналарни унуттиришга уриниб.

— Ўғилчаними? — деди у қучоғидан қўйиб юбормай. Ундан ҳозиргина чеккан сигаретининг ҳиди гуркираб келар, ўзи эса мени ялаб-юлқашга тайёр эди. — Олма олмадан нари тушганми, аммо мен эҳтимат қўйиб, ошнамнинг номини бердим. Адашига ўхшаб, ботур бўлсин, ундан-ам узоққа борсин. У столмаган орзуларга ҳеч қурса булар етсин деб, шундай қўйдик. Қалай, сенга ёқдими?

— Султонмурод дебми? — дедим ҳайрату шодлигимни ичимга сиғдиролмай.

— Ҳа, тўлиғича қўйдим. Ирим қилиб эмас, ният қилиб! — Кейин кутилмаганда қулоғимга энгашиб шивирлади, — Билиб қўй! Ҳар иш ниятга боғлиқ. Пайғамбаримиздан шундай ҳадис бормиш.

— Раҳмат, унутмаганингизга... — деёлдим ичим аллатовур ачишиб кела бошлаб.

— Унутиш? — деди у икки елкамдан чангаллаб тутиб турганича, кўзимдан кўзини узмай. — Қаёқдаги гапни гапиряпсан сен?! Уни унутсам, Чаман отимни бошқа қўярман! Усиз мен кимман? — деди мени силкилаб, кейин маҳкам ўзига тортди-да, қучди. — Қўй бу гапларни ҳозир: ярамга туз сепма. Ундан кўра кетдик. Ўғилни ювамиз бирон ерда. Бир отамлашиб, эзилишайлик.

Миямга қачондир, кимдандир эшитганларим урилиб, бош чайқадим:

— Отамлашсак отамлашайлиг-у, лекин ювмайлик. Чилласи чиқмаган болага яхшимас. Юк тушади, дейдилар ойим. Ундан кўра, бирон холироқ, иссиқ жой топайлик, — дедим ийманибгина.

Чаман акам дабдурустдан елкамга қўлини ташлаб, қоқди:

— Ўлма. Шундай кунда танчадан зўри борми? Юр, уйга кетдик. Бозиллаган танчада бир битимиз тўкилсин.

— Бу бошқа гап. Шўрвани солиб қўйиб, эзилинганга нима етсин, — дедим. Ичимда эса, нимадир ғурмишлагандан-ғурмишлаб, нимани илиниб келибдикан, деб турибман-у, сўрай олмаяпман. Чаман акам бўладию беҳудадан-беҳудага сўроқлаб келадими? Балки, аввалги сафарларида топган хатларидан қолгани бўлса, ўшани ҳам бермоқчидир?..

У ихчам, узун қора чарм пальто кийган, бошида ҳам чарм кепка, ҳатто қўлқопи юмшоқ — тоза чармдан эди. У шу туришида қора машиналарда юрадиган амалдор вазирлардан бир туки кам эмасди. Мен уни бирон баландроқ вазифага тайинлашибдими, хизмат машинаси ҳам ҳозир келиб қолса эҳтимол, деб ўйлаб қолган эдим.

Ундай десам, бозиллаган танча ҳақидаги гапи қизиқ... Ё қабулу мажлислардан безиб, ёриларга мендек бир яқин суҳбатдош истаб қолдимикан?

Ҳукуматнинг қора машинаси ҳам келмади, унинг орқа ўриндиғига ҳам ўтирмадик. Нечта бинойи таксиларни ўтказиб юбориб, кепкасининг мойи чиққан бир киракашнинг машинасини тўхтатди-да, савдолашмай ҳам олд ўриндиққа чўкди. Кейин ярим ўгирилиб ўтириб олиб, гап бера кетди. Ё роса ичи қизиб, тўкилолмай юрган экан, ё мени топиб олиб, гап халтаси очилиб кетган эди. Фақат мен бир нарсага ҳайронман: бир йил бурун ўйланиб сипогина куёвга айланган Чаман ака қани? Гўё у бир думалаб, яна аввалги ўз ҳолига қайтиб улгурган, бир гапириб ўн кулар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган саргузашту тепа тегмаган ҳангомаларни қалаштириб, ичимни узиб борар эди.

Яхшиям мой босган кепкасини бостириб олган анув сариқмошак шофер бизнинг тилимизга тушунмайди. Тушунса, шу вақтгача қайбир ариққа машинани солворган бўлармиди. Шунда ҳам ҳар шарақлаган кулгимизга худди бир нарса тушунгандек илжайиб қараб қўймоқда.

Калковуз кўпригидан ўтиб, сув ёқалаб ўша остонаси тагига ўн одам зўрға кўтаргудек катта харсангтош

ётқизилган эшикка етганимизда акам шофернинг тиззасига иккита қизил ўн сўмлик ташлаб, елкасига қоқди:

— Раҳмат, сариқ-суруқ — ўзимизнинг уруғ, ука. Топганинг ош бўлсин.

Сариқмошак ҳам валломат экан:

— Ўзларига-да, раҳмат, шеф, — дея кишибилмас битта ўн сўмликни тушаётган акамнинг чўнтагига қистириб юборди. Назари тўқлигини кўринг буни... деб ўйлайдиму... шу заҳоти ўзимни омиларнинг омиси, ҳар битта келгиндидан фазилат излагучи гулларнинг биттаси ҳисоблаб — ўз-ўзимдан ижирғаниб кетдим. Шунаққиб, ўзимизни паст ола-ола ким бўлиб қолмоқдамиз?! Султонмурод акамдек одам ҳеч замонда шундай ҳайратга тушармиди?! Чамаи акам у сариқмошакка беҳуда иккита ўн сўмлик ташлаб тушдими? Гўё ма, шунга келганмисан, хизмат ҳақингни ол-да, қорангни ўчир, демоқчимасми? У ҳам анойимас (жилла қурса, мен кўраман-ку валломатлигини!) ўша хорижда ҳам қадрланадиган ўн сўмликнинг биттасини қайтариб, қистириб юборди. Шунақа «ўқсиз жанг» аллазамондан бери давом этаётганини мана ҳозир англаб-кўриб тургандек эдим мен. Булар ҳам ташларидан сездирмагалар-да, ичларидан бўш келмасдилар. Эртабириси кун ким ғолиб келади, буни ёлғиз Аллоҳ билади.

Яъни ким Аллоҳга яқин бўлса, ўша ютади. Ғурури, ори, номусини, демакки, дини-диёнатини қайтариб олади. Ҳозирча хуфёна жанг кетяпти. Рости, бундай «номаъқул» фикрлар меҳмон бўлиб келаётганидан баъзан қўрқиб-қўрқиб кетсам, баъзан акамга ўхшаб бораётганимдан хурсанд бўлиб кетаман...

Тушдик. Кириб боряпмиз ишкомлару кўмилган ток занглари оппоқ қор тагида қолиб, яна ҳам кенгайиб кетган ҳайҳотдек ҳовли-боғнинг япаски ғишт ётқизилган йўлкаси билан ўша тепадаги узун ҳам болохонали уйлар томон. Биз бу ердан ўзимиз учун азиз одамларни топганмиз бир вақтлар. Оғир кунда улар шу ерда жон сақлашган. Ёдгортойимиз эса, шу ерда туғилиб, дунё юзини кўрган. Ҳов анави шохлари ҳар томонга салом бериб эгилиб қолган толлар остидаги кўҳна ҳовуз бўйларида чопқиллаб юриб, катта бўлган.

Кечалари эса, (ҳозир деразасига бўзми — нима тутилган) ҳов анави болохонали уйда ётиб, тушларида кимларни кўрган. Шу боис ҳам бу ҳовли, бу уйлар менга азиздан-азиз. Анави чеккадаги бир уй, бир даҳлизда Ёдгорнинг ўрнигаям (мен Ёдгорман деб!) бувасининг юртига бориб келган, улардан совға-саломлару муждалар олиб келган Саритою уни асраб олган онаси Асал опа туради. Бунисига бўлса, келин тушган. Ёнгинасида (ҳов ўша болохонага чиқадиган ёғоч зина ёнида) бу хонадоннинг нури иймони бўлиб, Ойтўра буви ўтирибдилар. Ҳозир қаерга кирамиз экан? Қаерга кирганимизда ҳам аввал буниши зиёрат қилиб қўйиш қарз ҳам фарз. Дуоларини олиш лозимдан-лозим. Қолаверса, янги меҳмонли бўлишган. Муборакбод этиб, курманасини у кишига бермоқ лозим. Урф шундай, ирими шундай. Амакисига ўхшаб, мирзо йигит бўлсин, бизаниям тарихларимизни ёзсин, деб дуо қилсалар, бошим кўкка етмайдими?..

— Қаранг, ойи, мен кимни бошлаб келдим. Ошнагинамнинг туғишгандан аъло холаваччаси. Танукли мирзо... Анави куни меҳмонлар шуларникидан келишиб эди-да. Энди бу кишининг оналари бизга ҳам хола ҳисобланадилар-да, шундайми, ойижон?

— Вой, онайиз айлансин. Ким келяпти десам, сизмидиз ҳали? Келинг-келинг, қадамларингизга ҳасанот. Тутинганларни туғишгандан аъло этган Аллоҳимдан ўргилай, келинг, — деб бир ерга ета кетдилар.

Қўлларидаги қариганда топган неваралари — йўргакдаги болани ёнгиналарига ётқизиб, ўтирган жойларида мен билан кўришишга чоғланарканлар, бу кўп қадим уйлар янги меҳмон кўришиб, аввалгидан ҳам чароғон бўлиб кетгандек эди. Чиндан келиннинг қадами қутлуғ кепти бу хонадонга. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, деразалардан офтобда ярқираган қорнинг оппоқ нурлари тўкилибми, уй ичи чароғон тортиб кетган. Илгариги заҳ-моғор ҳидларам йўқ. Токча қозиқларидаги охорли сочиқларданми ва ё бешик бошига илинган қалампирмунчоқ шодасиданми, таниш ифорлару бўйлар тараларди. Унга норасида бола иси, янги келин бўйлари, Ойтўра бувининг ширин мулозаматлари қўшилиб, уй эмас, жаннатга кириб қолгандек

бўлмоқда эдим. Бошим ҳам енгил-енгил айланиб келмоқда эди гўё. Мен бош эгиб бориб, оқ рух каравот ёнига тиззалаганча Ойтўра бувининг момиқ бағирларида қолдим. У кишидан эса бояги бўйлардан ҳам азизроқ бир бўй — ҳалим тортиб қариган тақводор зотлардан келадиган бир тур ифор ҳидлар анқиб, худди жаннатдан тушган деб аталувчи анжир тагига келиб қолгандек эдим.

У киши эса, момиқдан юмшоқ кафтлари билан бошиму куракларимни силаб, шивирлар эдилар:

— Эслаб кепсиз, илой, бизнинг неваралрга ҳам сизнинг йўлингизни берсин. Юртда азизу мукаррам қилсин Ўзи, — кетидан қўлларини очиб, дуо қилиб қўйдилар, — Ва соллалоҳу таоло ала хойри холқиҳи Муҳаммадин ва ала алиҳи асҳабиҳи ажмайин. Бироҳматика йа архамар роҳимийн.

Беихтиёр биз ҳам қўл очиб дуога қўшилдиг-у, аммо бу Пайғамбаримиз шаънларига саловат эканини, шусиз осмон эшиклари очилмаслигини хов талай йиллардан кейингина англаб етдик. Улар билган нарсаларни билишимизга неча қовун пишиғи бор бўлса-да, бу дуолар бизга мойдек ёқиб тушмоқда эди.

Кейин Ойтўра буви бошлари кўкка етиб, сўраша кетдилар:

— Ойиз Саломхон омон-эсонмилар, келинпошшам қалайлар? Бир-биридан ширин жужуқ қизлариз бормиш — бой экансиз, катта бўлишяптими? Ўғилчангиз юриб кетганмиш, ило-ой, Аллоҳ бахтини берсин. Гушангаларга куёв бўлсин.

Шу асно йўргакдаги чақалоқ гувраниб, бошини дам у, дам бу томонга бурганча искалана бошлаб эди, буви унинг тилидан ҳам ғаниб қўлларига олдиларда, бошини тикка қилдилар:

— Вой, амакужон, ассалому алайкум, бу ёқда биз ҳам бормиз, гўшангаларга куёв бўладиган. Хуш кепсиз, адажонимизнинг азизлари. Чилламиз чиқиб қолди бизаниям, одам танийдиган бўп қоламиз ҳадемай.

Мен ийиб кетиб, ўрнимдан тура бошладиму қуйин чўнтагимдан бешта қизил ўн сўмлик олиб, акамнинг митти адаши бўлмиш болакай йўргагининг ипак боғичига қистирдим.

— Ваалайкум, ваалайкум. Катта йигит бўлсинлар. Отларига яраша ишлар қилиб, ҳамманинг дуосини олиб юрсинлар. Биз етолмаган жойларга етсинлар, — дедиму ўзим нимагадир тўлиқиб келиб, кўзларим намланди.

Бу ёқда аҳли аёли, ўғли қолиб, ўзи қайтар йўлини тополмаган акам ёдимга тушиб кетган эди. Ва негадир «Чаман акам шу ўғлининг отини бундай қўймай турса бўлармиди... шу билан қайтар йўли тамом беркилмасмиди?» деган ўйлар кечиб, ичимни тирнай бошлаган ҳам эдилар. Исломда ирим йўқ бўлса-да, негадир мен ўзимни босолмасдим. Ич-ичимдан ғурмишлаб келаётган бир ғашликни қуварга ҳам ярамасдим.

Қарангки, қайтиб ўтираримни ҳам, чиқишга изн сўраримни ҳам билмасдим. Яхши ҳам Чаман акам бор экан, у ҳолимни тушуниб, орага тушди.

— Ойи, бизга рухсат берсангиз, нариги танчали уйга жой қилдириб эдик. Ўрик ўтинининг оловида танчани бир бозиллатиб ўтирмоқчимиз.

— Яхши ўйлабсизлар. Оёқни ҳозирдан асраш лозим. Кейин мендек, манавундай кунга қолиб ўтирмайсизлар. Бораверинг, бахайр...

Манзиратлар билан чиқдик. Бирон ёққа кетишган шекилли, Асал опа ҳам, унинг асранди ўғилчаси кемшиктой ҳам кўринмас, фақат ташландиқ ховуз томондаги ошхонадан енгил дуду тутун ўрлаб, оловнинг чарсиллагани эшитилар, ишкомлар орасию ҳовлидаги қор кўрпасига қараб бўлмас, у офтобда минг-миллиард марвариду инжуларга айланиб ярқирар, қамашган кўзни қаёққа оларни билмасдик.

Биз ўн бир тусин (болор)ли, локланган тоқилари қора жигарранг тусга кириб кетган, гир айланасига дорпечу гулпечлар тутилган, агир упаю қовуздоғу бешик анжомларининг бўйларига кўшилиб, қаламфирмунчоқми, гўдак исими, нимадир ўтириб қолган келинлик уйига кириб қолгандик, тепадаги дераза тагида кўрпа ёпилган танча ҳам кўринар эди.

Чаман акам эсси ғиштдан терилган ханик ёнидаги ковшандозда кунжли нозик ботинкасини еча туриб, тегишди:

— Мана шу бизнинг тутқунхонамиз. Худо хоҳласа, шу ғурбатхонага тушганимизга ҳам бир йил бўляп-

ти. Келаси хафталарга Султонтойнинг чиллари чикса, туртта чолни чакириб, ис чикариб юборсак, карабсизки, уй туткунидан хам озодмиз-да. Келишув шундай булган. Кейин турт томонимиз кибла, хохлаган ёғимизга канот ёзиб уча оламиз. Озодлик!..

— Кимдан? — деб юборибман беихтиёр.

— Кимдан буларди, — деб ишшайди у намат устига утиб, — бу тарз бир тупкага камалиб утиришлардан. Рузғор ивир-чивирию хамма катори юришлардан. Бемаксад, бемурод умргузаронликдан. Туйдим хаммасидан. Колаверса, пакана пари, энди сенга ёрилсам булади, бошда чакириб олишганида шартлашув шундай булган. Уйланасан, уғилми-киз курасан, чиллаги чикади, сунг озодсан, унгача буйнишда буйинтурук — утиравурасан. Сен буларнинг орзу-хавасини кондир — кейин тўрт томонинг кибла, борганча бориб, келганча кел. Об-хаво истансангдаги вазифалар сенсиз хам адо этиб турилади. Дунёни туфон босиб кетмас, кут, деб шу турт девор ичига тикишган эди. Мана, биз шартни адо этдик. Той боланинг чиллалари чикяпти, келинлошша кўллари косов, сочлари супурги, буларнинг истакларини адо этиб турибди. Колаверса, кемшиктой эр етиб колди. Демак, бу хонадон эркаксиз эмас. Аканг карағай иссиғ элларга караб учса, булавуради. Рам-рам, рам-тарарам... — деб айлана туриб, кош кокиб, кўз учириб, карс баладбанга уйинга тушиб кетса, буладими?

Мен тахта булиб колаёзган эдим. Уни табрикларимни хам, кучиб оларимни хам билмасдим. Вахолангки, арзирди. Шуни айтадилар-да, хар нарса ниятга боғлик деб. Ният соф булса, ким ниятига етмагай?!

12. Хуш кол энди, жамилам...

(Тангритоғдан узга диёрлардан топилган мактублар жумласидан).

«Аллох сенга сабр бериб, Ўз паноҳида асрасин. Сени унга топширдим. Ўзини сенга вакил этдим. Тушун, жамилам, шундай ишлар булиб кетди! Хам-

ма сиғган Тангритоққа бизлар сиғмай қолдик. Кунглум ҳарқалай тинч эди сизлардан. Шундай довон ошиб, сарҳаддан утсам етадиган жойда эдим. Жилла қурса, соғиниблар кетсам, уша довонга чиқиб тушмоғим, сизлар паноҳ топган она диёр ҳаволаридан туйиб-туйиб нафас олмоғим, у азиз юрт насимларига юзларимни тутиб, соатлаб утирмоғим мумкин эди. Барчасини Худойим куп курди. Тангритоғни ташлаб чиқдик. Қори акам айтадилар: Ҳазрат Алидан сурашган экан: агар Осмон камонга айланиб, Ер унинг ипию одамлар уртасидаги можаролар камон уқига айланса лар, Камончи эса, буюк Аллоҳнинг узи булса, нишонга айланган бебахтлар қаёққа қочгайлар деб. Шунда у киши: Албатта, Аллоҳ томонга қочиб, жон сақлаш мумкин, деб жавоб қилган эканлар. Шунга ухшаб, биз ҳам Унинг паноҳига қочмоқни афзал курдик. Шояд Каъбатуллоҳ томонлардан нажот топсак. Ана шу умидда ҳижратни ихтиёр этдик. Бунда ёлғиз Аллоҳ розилигидан булак ниятимиз йуқ, Маҳфузам.

Тугри, Маҳфуз, Каъба йули осонмас. Унга етмоқ душвордан душвор. Айниқса, биздек дарбадарлар учун мушкулдан-мушкул бир сафар. Етгунча не диёрларда қандай заҳматлар чекармиз, қанча сарҳадлардан қандай ошармиз — билмасмиз. Олдинда Аллоҳнинг яна қандай имтиҳону синоатлари бор, не кургиликларга учрармиз, билмасмиз. Билмасак-да, Камончи томон қочмоқни, уни паноҳ тортиб бормоқни лозим курдик.

Маҳфуз, «биз кузингизга куринмадикми?» деб упкалашга ҳақлисан. Йиғлаб сиқташга, сочларингни ёйиб, юзингни ёстиқларга буркаб йиғлашга ҳақлисан.

Майли, кимсасиз уйларга қамалиб олиб, туйиб-туйиб, хун хун булиб йиғла, кузёшларингга эрк бер. Бусиз ҳам эзилган юраккинангни бушат. Аммо тақдирингни қарғаб тилга ола курма. Булар ҳаммаси — мен бу ёқларда қолиб, сен ота юртда орқадошингни кутиб юрмоғинг, аёл бошинг ила ватанда ватансиз қолмоғинг — барча-барчаси Аллоҳнинг ёзмиши — хоҳлашидир. Унинг синови — имтиҳонидир. Ҳар иккимизга ҳам шундайдир. Негаки бу дунёда Аллоҳнинг хоҳишидан ташқари на бир ел эсар, на бир кун кечар. Қалам ёзишдан тухтаган, сиёҳи битган! Бар-

наси ёзилиб бўлган! Бу ёзмишни ўзгартирувчи Аллоҳдан бўлак Зот йўқдир. Хоҳласагина Ўзи ўнглагай. Шунинг учун ҳам, жамилам, гуноҳга ботиб, ёзмишимиздан нолиб, тақдирни қарғаб ўтирма. Барчасига кўн. Дунёда Аллоҳнинг ёзмишига кўнган кишидан ҳам оқилроқ одам бўлмагай. Ана шундай кишигина банда саналгай. Кўниб, Аллоҳнинг розилигини тополгай.

Сен (узр, аввал сизлар эдим, энди азбаройи ўзимга яқин олиб сенлаётирман. Чунки осмон никоҳи ўқилган ёлгиз рафиқамсан. Мен сендан тонмасман. Ҳар қанча узоқ кетмай, унутмасман), ҳа, сен ўзинг оқила сан, барча барчасини вақт ўтиб тушуниб олгайсан. Бу жаҳон айвонида Аллоҳнинг ихтиёри, иродасидин ташқари ҳеч нарса содир бўлмаслигини англаб етгайсан. Тушун, биз бир биримиздан қанча олисларда бўлсак да, ўртада қанча тоғ, қанча дарёлар ётса да, барибир ёлгиз бир Зот паноҳидамиз. Унинг Ўзи яратган Ер устию Осмон остидамиз, ундан чиқиб кетмаганмиз. Қолаверса, унинг хуш кўрган динидамиз. Ўзи паноҳида асрагай бизни. Шунинг учун мен сендан хотиржамман. Ўзига топшириб қўйганман сени! Ҳеч бир кимса сени ул Зотдек асрай олмас! Фақат сен буни тушунсанг, бас. Ўзингни унга топширсанг, ҳасбияллоҳу неъмал вакил[1], дея таваккул қилсанг, бас. Ўзи асрагай. Ана шунда, билки, қалбингга ҳам буюк бир хотиржамлик ингайки, унинг олдида бу дунёнинг барча ташвишлари ҳечга айлангай! Ўзинг эса, менинг гўзал амалли, саботли маҳбубамга айланиб қолгайсан.

Бу бир таскин эмас, жамилам. Ривоят ё эртак ҳам эмас. Бу ҳақиқатдир. Ўзини билган, Аллоҳни таниган, уни ҳеч бир нарсага алмаштирмаган, ёлгиз Аллоҳга таваккул қилган мўминларнинг буюк эътиқодидир. Лаа илаҳа иллаллоҳу[2] — ана шудир! Шунга суян — шундан паноҳ топгайсан.

Барча ишлар ниятга боғлиқ, демишлар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам. Биз жиҳодни дилга тугиб, уша сарҳад ошиб борган кезимизда зоҳиран ниятга етмаган эсак-да, ботинан Аллоҳ

---

[1] Ўзингни вакил қилдим, демоқ. *(Муаллиф).*
[2] Ўздан ўзга илоҳ йўқ, деб иймон келтирмоқ. *(Муаллиф).*

ризолигини топган эканмизки, буюк Аллоҳ ўша кеча нинг ўзидаёқ мени ажри мукофоти ила сийлаган, сенинг руҳсорингга етказган эди! Энди имоним ко милки, ўша сафарда бизга сарҳад йўлларини очиб уни бехатар қилиб қўйган ҳам унинг Ўзидир. Турам ни ишни қайта бошидан бошлаб, зафар топмоққа кўнгилларини чоптирмаган ҳам ким бўларди?! Ўзи дир! Фақат менинг сенинг қайси феълимизу амали миз Унга хуш келмишки, бизни шу баҳона топиш тирди, бир кеча меҳмон этди бир биримизга. Шунга ҳам беадад шукрлар бўлсин. Топиштирмаса, бошқа кўриштирмаса, нима қилар эдик?! Ва бунинг ҳикма тини ҳов кейин англаб етармиз балки.

Сен ғам ема. Ҳаммасини буюк Аллоҳ ўзи чокини чокига тўғрилаб, уйлагай. Иймоним комилки, ўша учрашув беиз кетмагай. Ундан ёдгор қилиб бир тир ноқми, нима бергайки, алал оқибат ўшал фарзанди миз туфайли ўртадаги ришталаримиз узулмай қол гай, қачондир бизни топиштиргай. Бўлмаса, нега кўриштирди, учраштирди, агар қайтиб топиштир маса?! Менинг умидим шундан ва ёлғиз Ёдгоримдан. Қай юртлару бегона элларда дарбадар кезмай, аф ғон чекиб ҳиндудек қорайиай бу ният, бу умиддан тонмасман, сизларни унутмасман.

Майли, йиғла-сиқта, тишингни тишингга бос, аммо Тангримиз азза ва жаллага шукрни унутма. У иноятга кимлар етди, кимлар етмади?! Ахир Маҳ фуз, қаердасан, бил. Ўз ота юртингда, холаларимиз қаватида ўтирибсан. Биздек дарбадар кезсанг, нима қилардинг?! Ношукр бўлма. Қанчалар у диёрнинг бир ҳовуч сувига зор, тупроғига зор. Яқинларини тушла рида кўради, холос. Сен уларнинг қаватида ўтириб сан-ку.

Биламан, кучи кўз ёшидан бўлакка етмаган бир аёлсан, бир келинчаксан. Лекин мени десанг, қаерда бўлса, омон бўлсин десанг, йиғламагайсан. Унинг ўрни га ҳам ўзингга сабр тилагайсан. **Ўйла, Махфузам, бу дунёда шунчаки яшашдан не фойда? Агар ўз нафсингга қарши жиҳод қила билмасанг?! Бу дунё нинг хою ҳавасларидан устун туролмасанг?! Қола верса, нимага яшаб юрибмиз, агар Аллоҳнинг рози лигини тополмасак?! Шундан бошқа тонгла Маҳ-**

шарда катта тарозуга қўядиган нимамиз бор?! Агар шу розиликни топсак, билки, у қирқ йил бирга яшаганимиздан аълороқдир!

Куй. кузёшларингга ҳам раҳминг келсин. Умидим бор. Буюк Аллоҳ бизни шундай қолдирмагай, бу жудоликлар кетидан висол келса, ажабмас. Сени, Ёдгоримни бир бор курмай кетсам — кузим очиқ кетмасми?

Кут. Саҳарларда ёлгиз Ўзига илтижо қилки, бизни қайта куриштирсин, топиштирсин.

Хуш қол энди, жамилам. Мен сенга сабру сабот тиларман.

Султонмуродинг
Пешовар».

13. Чин соқчим, қиёматли биродарим — Чарли-Чаманимга

«Оҳ, биродарим, бу дунёга келиб топган яккаёлгиз содиқ дўстгинам, Чаман! Қадим Эскижувалигим! Ҳорисим, соқчи фариштам, Заки Валидийдек суянганим, ишонганим!

Узр, минг бор, узр! Йулларимиз айро тушганига. Мен сендан берухсат, бемаслаҳат бу йулни — ҳижратни ихтиёр этиб қуйдим. Ватанга сигмаганларга Аллоҳим Ўзи ҳижрат йулини очгай экан. Мен бу йулнинг биринчи йуловчиси ҳам, охиргиси ҳам эмасман! Тақдирга шукрона айтмогим лозим.

Йуқ, мен қасамни бузмоқчи эмасман ва бузганимча ҳам йуқ. Сенга берган сузим-суз, унга хиёнат этганимча йуқ! Фақат шундай булиб қолди. Барча можарою мушкулотлар Камончи томонга қочиб, жон сақламоқдан булак йул қолдирмадилар. Ҳамма йуллар беркилиб, шу биргина йул — Аллоҳ паноҳига қочмоқ гина қолган эди, Чаман.

Мен сени огир кунга қолдирдим, узр. Бунинг учун сени тинч қуймаслар. Бир қават этингни шилиб олсалар да мумкин. Лекин сен эпини топасан, деб уйлайман. Не огир ҳоллардан қутулиб чиқмагансан, ахир. Бир чорасини топарсан. Ахир сендай чапдаст бу дунёда иккита булса, биттаси узингдирсан. Бал

ки сен ҳам уша Камончи паноҳига қочиб қутилар-сан?

Чаман, тушун! Сен учун ҳамиша вазифалар уз йулига, бир баҳона булган холос. Сени менга минг ишончлув соқчи этиб тайинлашмасин, минг ҳисобу ҳисоботлар талаб этиб келишмасин, сен ҳамиша мени бало-қазолардан асрагувчи соқчи фаришта булиб келгансан. Шуни олий вазифа, ният, мақсад деб бил-гансан. Шу билан Аллоҳ розилигини топмоқни иста-гансан. Булмаса, аллақачон мени маҳв этиб юборар эдилар. Ёхуд ер ости музхоналаригами, қамоқхона ларигами тиқиб ташлаган булардилар. Сен эса, мени уларга ким курсатиб, қай сарҳадлардан ошириб, қай жанггоҳларга олиб чиқиб юрибсан! Ва биз «тонни-риқ ила от минган» мужоҳидлар сафига қушилиб турибмиз! Сен ниятн ёлгиз Аллоҳгагина аён булган улуг уйинчисан! Сен Пайгамбаримиз Муҳаммад сол-лаллоҳу алайҳи васаллам уруш — узига хос фириб беришдир, деб марҳамат қилганларидек, устомонлик билан бизни қутқарган, мужоҳидлар сафига қушган кишисан. Аллоҳ рози булсин, яхшиликларинг учун! Фақат мен сенинг бу яхшиликларингга арзирли ях шилик қилиб улгурмадим. Қайтага сени огир аҳволга солиб, Тангритогдан чиқиб кетдим. Изимни йуқотиб кетдим. Сенга жабр қилиб кетганимни, Чаман, энди англаб турибман. Лекин энди кеч, орқага қайтишга имкон ҳам, йул ҳам йуқ. Уҳ, ошна, Аллоҳнинг хоҳ лаши балки шундай булгандир. Мен барча-барчасини ҳозир тарозуга солиб, ким ҳақ ноҳақлигини аниқлашга ожизман. Фақат Буюк Камончи — Аллоҳнинг пано-ҳига қочиб тугри қилганимни биламан, холос. Қори акам айтдилар: Пайгамбаримиз соллалоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрати Алига: «Эй Али, агар бутун олам сенга душман булса ҳам ҳеч андиша қилмагил рост сузлашдан, омонатни асрашдан, жувонмардликдан» деб насият қилмишлар. Шу боис мен ҳам сенга рост сузни айтдим, токи мени қасамга хиёнат этди, деб уйламагайсан ва бундан кейинги қадамларингни би-либ босиб, узингни касу нокаслардан асрагайсан.

Оҳ, Чаман, Чаман, биласанми, бизнинг фожиамиз нимада? Сарҳад ошмаганимизда, дунё курмаганимиз-

да. Киндик қонимиз тўкилган жойнигина ватан ҳисоблаб юришимизда. Ундан ажрасак, ўзимизни энг бахтсиз киши санашимизда. Ваҳоланки, Аллоҳ бизга бутун ер юзини намозгоҳ қилиб бериб қўймиш. Ва унга бизни вақтинча нигоҳбон этиб тайинламиш. Ана шу имтиҳон диёридаки, биз барча мўминларнинг дарди билан яшай билмас эканмиз, қандоқ ҳам бутун ер юзини саждагоҳ ватан тута олгаймиз. Мангу ватанимиз жаннатга эриша олгаймиз?! Бусиз Аллоҳ розилигини топиб бўлгайми?! (Яна биз ўзимизни мужоҳид санаб юрибмиз!)

Чаман, хатнинг шу жойига келганда ўқишдан тўхтагил да, волидан Ойтўра буви олдиларига чиқ. Чиқ-да, (дарвоқе, биз учун азиз у кишига кўпдан-кўп дуои саломларимни етказгайсан. Аллоҳ у кишини сизларнинг бахтингиз учун ҳам ўз ҳифзу ҳимоясида асрасин. Яна кўп йиллар шу хонадоннинг дуогўй онахони бўлиб ўтирсинлар!) караватлари тепасидаги жилдда осиглиқ турмуш ўша Каломуллоҳни очиб, биз ватанжудолар ҳақида келмиш бир оятни — Нисо сурасининг 100 оятини топиб ўқиб беришларини илтижо эт. Шунда кўнглинг жойига тушиб, барча ғилу ғашликларни, аламларни унутиб, ҳеч замон туймаган бир хотиржамликни туйгайсан, ўртоқ.

Қайтиб чиқдингми, энди эшит. Ўша Қуръони Каримни биринчи бўлиб бизнинг тилимизга ўгирмиш зот (у киши ҳам ватанжудо — бу ёқларга ҳижрат қилмиш кўп табаррук киши эмишлар) — ана ўша киши ҳижрат оятини бундай шарҳламишлар: «Кишики, Худо ризоси учун азиз ватанларин, маҳбуб хонадонларин ва хеш-ақроболарин ташлаб, аларнинг ҳажрларига сабр қилурлар ва азият оламига ўзларини олурлар, Жаноб Парвардигор аларга ватанларидан яхши ватан ва биродарларидан меҳрибон биродарлар ва иззатларидан зиёда иззат ва ризқларидан ортиқ ризқ ато қилур. Ва бу — дунёдаги ажрларидур, охиратдаги даража ва савобларини баён қилиб бўлмас. Агар андин хабардор бўлинса эрди, ҳижрат қилолмагон бечоралар ҳам ҳар нечук кулфатлар ва азият кўрсалар ҳам албатта, ҳижрат қилур эрдилар».

У киши биздан анча олдин бу томонларга ҳижрат этиб, шу даражаларга етмишлар. Ишон, биз

ҳам Аллоҳга шу тариқа таваккул қилган кишилар изидан бу диёрларга уларни қора тортиб келганмиз. Ҳар қанча азиятлар бўлса, чидамоққа бел боғлаганмиз. Худо хоҳласа, у тарафларда адо этолмаган (адо этишга қўйишмаган!) вазифамиз — барча мўминларнинг дарди билан яшаш орзумизга шу ерда етсак, шояд! Шояд, ўз ватани, яқинлари, қавму қариндошларидан ажраб азият оламига юз тутган ватанжудолар дардига малҳам бўла олсак, уларни бебақо дунёнинг турфа адолатсизликларидан ҳимоя эта олсак. Жилла қурса, улар суяна оладиган бир «ватанжудолар жамияти» тузсак эди. Лоақал ўз йўлини йўқотган, адашган, мушкул кунга, вазиятга тушганларга эш бўла олсак эди, Аллоҳ розилигини топармидик?! Тақдирни қараки, ўз юртига сиғмаган буюк бобокалонимиз Бобур Мирзо ватан тутиб, салтанат қурган диёрларга биз ғарибларни-да қадами етди. Ул зот бир ҳовуч ишонган биродарлари ила салтанат қурган бўлсалар биз сиғинди ватанжудоларни ҳимоя эта оладиган, силаи раҳм кўрсатадиган жамият туза олмасмизми? Лоақал ўзимиз учун, Аллоҳ розилиги учун! У жамият салтанат даъвосини қилмас, лекин собиқ мужоҳидларни-да хўрлатиб қўймас.

Ёдингда тут. Ўша Ўринбургдан чўл ошиб, неча қум тақирликларни ортда қолдириб, Макка сафарига чиқмиш улуғ тутқун Худоёрхон қадами етган жойларга етиб келмишбиз. Ва у сув кемасига тушиб, Жиддага отланган бандаргоҳдан иш топмишбиз. Ишимиз чинакам қора иш — кемалару қаюқларнинг тагини сақич-қорамой билан мумлашдир. Аммо шундай ишни тополмаган дарбадарлар ҳам қанча. Аллоҳга минг шукрларки, бизни ишлик этти, бошпаналик этти. У ёғига ҳам Худо ўзи Ҳаллоқдур. Иш қилиб ниятимизни ўзимизга ҳамроҳ этсин, ҳидоятини дариғ тутмасин.

Чаман, жон биродарим, Аллоҳ ўзингга тўзим берсин, у диёрда мен учун азиз кимлар қолгани ёлгиз ўзингга маълум. Ними демоқчилигим ҳам ўзингга аён. Уларни сенга, сени эса, Худога топширдим. У ожизаларимдан ўзинг хабардор бўлгайсан. Аллоҳ Ўзи паноҳига олсин. Агар ўтга тушсанг, Ўзи Намруднинг

унини совуқ қилиб, Иброҳимни асраганидек асрасин. Агар тегирмонга солсалар эса, яна Ўзи бутун чиқарсин. Чунки сен биз мазлумларга кераксан. Дуоларим ижобат бўлмогини Аллоҳдан сўраб,

Султонмурод биродаринг. Бомбей».

14. Яна бир умрли асрордошим Чаманга

«Ҳов, асрордошим-сирдошим, Чаман! Сенга ёлгон, Худога чин — Аллоҳ бизни ёрлақади! Шундай бир дарбадарликда биз мазлумларни қўллади-я! Чиндан унинг Ўзи «Хува аъла кулли шайин қодир»дир. «Хувар Роҳманур Роҳийм»дир! Мазлумларнинг гамини егувчи «Ва хувал азизул ҳакийм»дир.

Фақат ниятни тўгрилаб, ёлгиз Ўзига таваккул қилсанг бас экан, суянсанг бас экан! Қўллагувчи, етказгувчи Ўзи экан!

Ким ўйлабди, денгиз бўйи бандаргоҳида, киши назарига илмас бир юмушни бажарувчилар — шу ишдан рўшноликка чиқамиз деб?! Ким ҳам хаёлига келтирибди, қорақурумга беланиб мум эритувчи ва кемалар тагини сақичловчи биздек келгиндилар ярим йилга қолмай ўзимизни ўнглаб оламиз деб! Ўнглаб олибгина қолмай мушкул кунга тушиб қолган ватан гадоларни қўллагувчи кишиларга айланамиз деб!

Аввалбошдан ниятимиз Аллоҳга хуш келганини кўр!

Кел, яхшиси, бир бошдан айтай. Бундай воқеа — Аллоҳнинг инояти деймизми, синови ёхуд мўъжизаси деймизми, ўтган асрда биз томонларда ҳам содир бўлгани қачондир қулогимга чалингандек... Ҳозир кимдан эшитганимни аниқ эслай олмаётирман. Аммо Аллоҳнинг қудратини кўрки, ўзимиз ўшандек ҳолга тушган эдик. Бўлмаса, ҳеч ким назарга илмас бу бандаргоҳда кимлар ишлаб кетмаган, бу қиргоқни қанча сувлар ювиб ўтмаган. Ўшанда очилмаган хум... бир тўлқин келиши билан очилиб турибди! Ҳар куни ўтадиган оёқ тагимиздан чиқиб турибди! Қумдан кавлаб олсак, ичи тўла хазина! Яхши ҳам Қори ака бор эканлар:

— Эсингизни йиғинг, йигитлар. Ҳеч кимга буюрмаган бу хазина бизга ҳам буюрмас. Унинг ўз эгаси

бор, — дедилар ҳайратимизга сув сепиб, — агар эгасини топиб ишлатмасак, ажри ҳам буюрмас. Бу ё синов, ё фитнадир. Ҳозирча ундан нари турмоқ лозим. Ўйланг, нега биздан олдин ўтган шунча кишиларга кўринмай туриб, бизга кўринди? Мана шунинг сирига етмоқ керак...

Яхшиям қайтарган эканлар, хазина эгаларини Аллоҳнинг ўзи кўрсатди. Қори ака Қуръон очиб, ҳикмат қидирган эдилар, «Аллоҳга қарзи ҳасана беринглар!» ояти чиқди.

— Дарвоқе, ботур, аввалбошда ният нима эди?! Ватанжудоларга қайишмоқ, уларнинг бошини силамоқмиди?! Аллоҳ ана шунга яраша етказибди. Бу уша жамият учунгина ҳалолдир! — деб фатво бердилар.

Уни қара! Мўминнинг, мазлумнинг нияти хуш келса, Аллоҳдек Зот қум тагида ким билсин, неча замонлар ётган хазинани бир тўлқин юбориб очиб қўяди экан! «Кун» дептию устини очиб қўя қолибди! Ана шундай қилиб дегин. Чаман, етарли жамғармаси бор жамиятга эга бўлиб турибмиз. Кеча қора бир гулоҳ эдик, ҳеч ким назарига илмаган! Бугун ватандан узоқда ўзимизникиларга мурувват кўрсата олгувчи дасти узун кишиларга айланиб қолган эдик. Ана, Аллоҳнинг ниятга қараб беришию ҳақ ваъдаси!

Аллоҳ розилиги учун азиз ватанларию маҳбуб хонадонларини, хешу ақробаларини ташлаб чиққан кишиларга ваъдаси эса, ватанларидан яхши бир ватан, биродарларидан меҳрибон биродарлар, иззатларидан аъло иззат, ризқларидан ортиқ ризқ ва бу шу дунёдагиси эди! Қараки, ҳалиги хазина уша ваъдаларнинг дебочаси экан! Қуръонни туркийга ўгириб шарҳ этган Олтинхон тўрам таъвиллари рост чиқди.

Алҳамдулиллаҳиллази, кўнгли ўксик, қадди букик келгиндилар эдик, Ўзи қўллаб, дасти узун, бағри кенг мурувватпешаларга айлантирди. Ишқилиб Ўзи адаштирмасин, сиротим мустақим йўлларидан тойдирмасин, уша улуғ ниятимизни ўзимизга ҳамроҳ этсин. Ҳижрат диёрида мушкул кунга тушиб қолган кишиларни дараклаб топувимизда, қўллаб оёққа турғизиб қўювимизда Ўзи мададкор бўлсин.

Чаман, ўйлача. биз бу ишни шуҳрат учун ё бирон норасмий ҳукумат ёхуд салтанат илинжидамас. Аллоҳ розилиги учун бошладик. Мададимиз беғараз дир. Ҳижрат диёрида ёлғиз Аллоҳга суяниб яшамоқ, умргузаронлик қилмоқ учундир. Унга тирноқча ҳам риё аралашишини истамасмиз.

Албатта, ҳижрат диёрининг ҳам ўзига яраша азиятлари, аччиқ-чучуклари, имтиҳонлари бор. Аммо унга сабр қилмоқ — Аллоҳ розилигини топмоқ билан баробарлиги бизга катта саодатдир. Қолаверса, ҳижратдагиларнинг биродарлигига асос солмоқ худди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам замонлари даги муҳожирлар билан ансорлар биродарлигига ўхшаб ўхшаб кетмоқда. Қани эди бу ҳам худди ушан дек Аллоҳга хуш келгувчи амаллар сирасига кирса...

Бизни таниган азизларимизга саломимизни етказгайсан. Дуода бўлсинлар. Валлоҳи аълам биссавоб.

Бомбейи азимдан Пешоварга қайтган
Султонмуроддан деб билгайсан, дўстим».

15. Тушларимга киргувчи ул азизам — Маҳфузага

«Маҳфузам, негадир кейинги пайтларда тушларимдан аримай қолдинглар. Яна бир вақтда — кеча нинг учдан бири қолган кезда, Қори ака айни тунги намозга туриб, кулбамизнинг бир четида ибодатга тушган чоғларида кирасизлар. Нима бўлди экан сизларга? Шу уйқум учганича — Қори ака намозу дуою илтижоларини тугатиб, бомдодга азон чақиргунла рига қадар кўзим илинмас. Азондан эса, енгил тор тиб тургайман. Унгача Қори акани хижолат этмай деб қилт этолмасман.

Бугун ҳам ўша таниш ҳовлида — Саломхон холамгиларнинг ҳовлиларида кўрдим. Анҳордан сув олиб келиб, лапа урганча ҳовлига шакароб бериб, бир чиройли сув сепиб юрибсизлар. Бир ширинтой болакай эса ўша уйнинг таниш зинасида оёғини осилтириб ўйнаб ўтирибди. Сепилган сув сачраб-сачрамай, елкасини қисиб бир чиройли нари сурилади ва қиқир қирқир кулишда давом этади. Хазиллашгиси келча-

ган сизларни-да, ҳазиллашишга ундайди. Тагида қолган жиндек сувни сепмоқчидек бўлиб бир ҳаракат этган эдингиз, пақир юқори кўтарилиб кетиб, тагидаги сув ҳар иккалангиз устингиздан ёмғир-ёғалоқ бўлиб сочилиб кетдию бўлди томоша!.. Ҳар иккингиз ҳам бундан шод, яйраб-яшнаб кулардингиз.

Мен эсам, ўша қари қора тол тагидаги супа четида ийиб турганмишман...

Тавба, бу нимаси? Нимадан имдод бермоқдасизлар? Сизларни соғинганимданми ё кўнглимга хотиржамлик индириш учун кирмоқдасизларми тушларимга? Сув, албатта, ёруғлик, сизлар Аллоҳ раҳмати остида юрганингизга бир ишора. Лекин узоқнинг иши қийин экан, билай десам, билолмасман, кўрай десам — кўролмасман. Ишқилиб, Ўзи паноҳида асраётган бўлсин.

Маҳфуза, ҳарна қилса, ота диёрдасиз, шукр қилинглар. У диёрга етолмаганлар қанча. Ўртамизга тушган айрилиқ ҳам беҳикмат эмасдир. Мен сарҳаддан ўтиб, сизлар ўта олмай қолганингизда, нима бўлардик? Худо кўрсатмасин, қайтиб кўришармидик ёки? Бу ҳолда жилла қурса, Ўзи паноҳида асраяпти-ку, Аллоҳим. Бу ёғини ҳам Ўзи осон этар, ахир. Шундай қолдирмас!

Азизам, бу айрилиқнинг ҳикмати шундаки, у Сизни бизникиларга етказмоқчи экан, етказибди, шу йўл билан Аллоҳ азза ва жалла Ўз ҳифзи ҳимоясига олмоқчи экан, олибди деб, тушунмоқ керак. Бу ёғини ҳам Ўзи чиройли этсин. Ахир ожизларнинг ҳимоячиси У бўлмай, ким бўлсин!

Маҳфузам, ўзинг оқиласан. Кўп нарсаларни бир оғиз сўздан англаб олгайсан. Ўйла, бу дунёда биздан ҳам баттар айрилиғу жудоликларда қолганлар қанча. Ўшалардан эса, бундан оғирроқ, мушкулроқ синовларини раво кўрса, нима қилардик? Шунисига ҳам шукр, буларнинг ҳаммасини Аллоҳнинг ёзмиши деб, имтиҳони деб қабул қилавермоқ керак. Нолисак Аллоҳга хуш келмас. Шу маънода биздан бир қанча кўп кўйлак йиртган устозимиз Қори аканинг бошларига тушган кўргиликлар олдида бу ҳолвадир.

У киши яқинларидан айрилиб, бу томонларга иккинчи ҳижрат этишлари экан. Мен буни Элчин ботурдан эшитиб, лол қолдим. Улар диёрларидан қувилиб, Тангритоғни қора тортиб келаётиб бир тоғ қишлоғига киришса, уша ернинг узига тўқ, ор-номусли бир кишисини нотаниш элларга бадарға этиша ётган экан. Аёллар пиқ-пиқ йиғлашар, болалар кеча узлари уйнаб кулган уйларидан умид узолмай мултираб туришар экан. Шу кез соқолларига оқ оралаган покиза кийимли бир қария улардан ажраб чиқиб:

— Хой, яхшилар, кукрагида ёли бор киши борми орангизда, бир дам тўхтанг. Жилла қурса, сизлар раҳм этинг, — деб кела бошлабди. — Биз у ёт элларга борармиз ҳам, ёт қавмлар ичида қолармиз ҳам. Чидармиз Аллоҳнинг бу синов кургиликларига. Лекин манави бўй етган қизимизга раҳмингиз келсин. У ахир бировнинг хасми, сизга ухшаган бир мусулмоннинг хасми. Мен уни узим билан ола кетиб, эртага нима қиламан? Кимга бериб, кимга узатаман? У қай бегона тупроқда туп қуйиб, палак ёзади? Кура била туриб, бир маъсумани дузах утига отаманми? Утинаман сизлардан, олиб қолинг. Бир муминнинг уйини гуллатсин. Бировларга хасм булганидан, иймонидан айрилганидан кура, олиб қолинг, узидан кунайсин, илоҳим. Жилла қурса, орқамиздан дуо юбориб тургувчи бир зурриётимиз қолсин бу диёрларда ҳам...

Қарашса, буйи етиб-етмаган, ой деса дегудек, кун деса кундан равшан юзлик бир моҳичеҳра. Қори ака юраклари жиз этиб, отдан тушибдилар-да, қизни йигитдек кийинтириб, ортларига мингаштирганча, дуо олиб йулда давом этибдилар. Тангритоғга етишгач, бир коса ширин сув ила никоҳ уқитиб, бир мурувватпеша одамнинг кулбасида яшай бошлабдилар. Аммо Аллоҳ қизни ҳусида беназир этгани билан умрдан қисган экан. Фарзанд куратуриб, бу оламдан куз юмибди. Қори ака ёлғиз ёдгор чақалоқ билан қолибдилар. Сунг яна буйинга улимни олиб, сарҳад ошиб утиб, зурриётларини ишончлув кишиларга қолдириб қайтибдилар. Шу-шу биз билан эканлар. Ушандан бери у тирноқларидан на хабар бор, на хат. Тирик булса, фалон ёшга етди, мактабга қатнаёт-

гандир, деб қўядилар у, аммо маҳзун тортиб йиғлаганларини билмаймиз. Фақат кечалари жойнамоз устида соатлаб ўтиришлари бор, Аллоҳга тавалло қилишлари бор. Ўша ёлғиз зурриётлари камолини сўраб, дуо илтижодан чарчамаслар.

Қори аканинг ўрнида бошқа одам аллақачон тоб ташлаб, йиқилиб қоларди. Лекин у киши Аллоҳга таваккул қилиб, ёлғиз тирноқларини унинг паноҳига топшириб қўйиптилар. Ана саботу ана матонат! Ана Аллоҳга таваккул! Шу боис, биз ҳам ёлғизмасбиз, Маҳфуз. Жилла қурса, менинг Едгорим ёнида сен борсан, сенга суянади у тирноғимиз, бизнинг да вомчимиз! Шунга-да шукр қилмоқ керак, яхши кунларга умид тутмоқ керак. Шояд, ўша митти зурриётимиз бизнинг ўртамизда узилмас бир ришта бўлиб қолса. Шояд, у биз хижронзодаларни, диёридан жудо бўлган, айрилиқ ичра қолиб, азият оламида тентираганларни бир кун келиб топиштиришга сабаб бўлса.

Иншааллоҳ, дегилки, қолган барчасини Аллоҳ Ўзи ўнглагай. Шу боис, сенга талоқ сўзини йўллашга тилим бормас! Сени барча мушкулу мушкулотлардан шу бир оғиз сўз ила қутултириш, йўлингни очиб қўйиш мендан лозим бўлса-да, мен у сўзни ҳеч қачон тилга олмасман. Олган куним менинг ўлганимдир, Султон номимдан тонганимдир! Дунёда сизлар бор экансиз, мен рўшнолик учун, сизларга етишмоқ учун курашавергайман. Аллоҳдан ўтиниб-ўтиниб сўрайвергайман. Албатта, Унинг Ўзи истаса, тақдиримизни ҳам ўнглагай. Илоҳо, Ўзи бу ўткинчи дунёда ҳеч кимни Ўзидан ўзгага муҳтож этмасин.

Кўзларингда биллурий ёш кўрмоқдаман. Илоҳо, у Аллоҳимга ҳам хуш келсин.

Султонмуродинг. (Пешовар)».

16. Жигарбардим, сўнгсиз дардим Олимга

«Укагинам, Олим!

Мен сени энди қайлардан сўроқлаб, кимлардан дараклатарман?! Орамизда қанча тоғ-довонлар, қанча тошқин сой-дарёлар ётибди. Неча қават сарҳадлар тушмиш ўртамизга. Эсиз, ҳеч ким йўламаган ишлар

бўлиб кетди. Аллоҳ ризқимизни шу ёқларга сочган экан, у диёрларни энди тушда кўрмоқ ҳам душвор.

Эсиз, нега аввалда парво қилмадим, тергамадим, суриштирмадим, ортга ташладим? Аядимми, адаш йўлларга кириб қолганингга ишонмадимми? Бизнинг зот, бизнинг палакдан ундай одамлар чиқмаслигига ишониб, яккама якка гаплашмоқни ортга сурдимми, ишқилиб биз кутмаган ишлар бўлиб кетди: диёрдан бош олиб кетмоқ лозим бўлиб қолди, ука. Сени топиш, топиб Аллоҳ рози бўладирган йўлларга бошлаш лозим бўлганида эса, ҳаммаси кеч эди. Қолаверса, изингни тополмадим.

Айб менда. Мен ака эдим, битта бўлса ҳам кўпроқ кўйлак йиртган эдим, сени қайириш, қайтариш мендан лозим эди. Шайтанат йўлига кириб қолганингга ишонмай, доғда қолдим. Дардим ичимда. Энди ҳеч кимга айтолмасман, нарёғи йўқ. Сен йўқолган диёрга етиб-етолмасман, топиб-тополмасман.

Дарагингни билиб бергувчи бир киши бор эди, ундан ҳам айро тушди йўлимиз. Фақат умид Аллоҳдан. Ўзи сенга ҳидоят берсин. Юзиқароликлардан Ўзи асрасин.

Олим, бу хатни сенга қай тарзда етказишни ҳам ҳали билмасман. Лекин ичимдагиларни сенга очиқ ёриқ айтмасам бўлмас. Ахир мен ёлғиз туғишқонингман. Бир қориндан талашиб тушганмиз. Мен қайғурмасам, ким қайғургай? Ўзим қай диёрлардаман у, кечагида тушларимга кириб юрибсан. Ёлгиз ўзинг мас, ёнингда камар тақиб, наган осган яна кимлардир ҳам бор. Падарибузрукворимиз олдиларига келмишсизлар. Биласанми, сен салом берсанг ҳам у зот ўгирилиб қарамаётганмишлар.

Охийри шерикларинг сени ёлгиз ташлаб кетишди ҳамки, раҳматли отам — падарибузрукворимиз юзингга қарамай тасбеҳ ўгиришда давом этавердилар. Сен қаршиларига тиз букиб, қўл қовуштирган эдинг, у киши ўгирилиб олдилар. Сен яна уша томонга ўтиб эдинг, у киши яна бу томонга юз буриб олдилар, тавба. Кейин сен нима қиларингни билмай тек туриб қолдингу... мен ҳам уйғониб кетдим. Турсам, қора терга тушиб кетибман. Юрагим ҳам шундай бежоки...

Нега бу тахлит тушларимга кириб юрибсан, бошингга не мушкулу мушкулотлар тушди, отам нега норозилар — билолмай гарангман.

Отам бетингга ҳам қарамаётганларини тушуниш мумкиндир — гурларида ҳам тинч эмаслар. Лекин сен-чи, сен нобакор нега оёқлари тагига ётиб булса ҳам узр сурамаяпсан, саломимга алик олмаяптилар деб турсайиб турибсан?! Хеч замонда угил отадан аччиқланадими, гина-кудуратларга борадими? Узрингни айтиб, дуоларини олмайсанми, йулинг очилиб кетмайдими?!.

Ва бехос шу туш менга нимани эслатиб юборди дегин. Қори ака узун саргардон йулларимизда мадад булсин деб айтиб берганлари бир тарихни — Пайгамбаримиз (У зотга Аллоҳнинг саломи булсин) замонларидан огиздан-огизга, китобдан-китобга утиб келаётган бир воқеани эсга солиб юборди.

Эшит, сенга ухшамиш бир киши билан ҳам шундай воқеа содир булган экан. Бу тарихни у саҳоба уз огзи билан ҳикоя этган. Туқима деб уйлама. У замонларда фақат рост сузлаганлар. Ёлгон аралаштиришни хаёлларига-да келтирмаганлар. Негаки Аллоҳдан қурққанлар. Иймонлари шу даражада зиёда булган.

Бу ёгини Қори акадан эшитганимча қогозга туширдим. Кам-кустини Аллоҳ кечирсин. Ўша Ваҳший ибн Харб отли қора қул узининг машъум ва машҳур найзаси туфайли топган лаънату ҳидояти ҳақда асрлар қаъридан бизга шундай хабар қолдирган. У саҳобаларнинг чин тарихларидан жой олмиш. Тингла.

«Мен Қурайш зодагонларидан Жубайр ибн Мутъимнинг қули эдим, — дейди у. — Бадр жангида Ҳамза ибн Абдулмутталиб Жубайрнинг амакиси Туаймани улдирди. Шундан кейин ҳожам қаттиқ қайгу чекди ва қотилни улдириб, амакисининг қасосини олишга қасам ичди.

Қушин Ухуд жангига отланганида ҳожам мени чақирди:

— Эй Абу Дасама, қулликдан озод булишни истайсанми? — деди у.

Мен сурадим:

— Ха, лекин қандай қилиб?

Мен сени озод қиламан, — деди у.

— Қандай шарт билан? — деб сўрадим.

— Амаким Туайма ибн Адий қасоси учун Муҳаммаднинг амакиси Хамза ибн Абдулмутталибни ўлдирсанг — озодсан.

— Ким бунга кафолат беради? — дедим.

— Хохлаган кишинг. Истасанг ҳамма одамларни гувоҳ қиламан.

— Яхши. Мен розиман, — дедим.

Мен ҳақиқий ҳабаш эдим, ҳабашларнинг найза отиш санъатини тоза эгаллаган эдим. Отган найзам хато кетмасди.

Шундан сўнг найзамни олиб, қўшинга қўшилдим. Мен қўшиннинг дум қисмида аёллар билан ёнма-ён борардим. Улар жангчиларни рағбатлантириб боришар эди.

Ухудга етгач, Хамзани қидиришга тушдим. У баҳодирлар одатига кўра, кучли рақибларни ўзига чорлаш учун пешонасига туяқуш пати тақиб олганди. Худди кулранг туядек ўкириб, қиличини ўнгу сўлга сермаб жанг қиларди.

Мен Хамзанинг яқинлашишини пойлаб бир дарахт орқасида яшириниб турардим. Шунда Сибоъ ибн Абдулузза исмли қурайш чавандози ёнимдан ўтиб:

— Ҳей, Хамза, яккама-якка олишасанми? — деб қичқирди. Хамза:

— Бу ёққа кел, мушриквачча, бу ёққа, — деди.

Икки паҳлавоннинг олишуви узоққа чўзилмади. Хамза бир қилич силташ билан рақибининг калласини сапчадай узиб ташлади. У гурсиллаб йиқилди. Шунда ниҳоятда қулай пайт келди ва мен найзамни кўтариб, хезланиб турдим-да, бор кучим билан унга иткитдим. Найза Хамзанинг қорнидан кириб, орқасидан тешиб чиқди. У менга қараб бир-икки қадам ташлади, сўнг ерга қулади. У ўлганига аниқ ишонч ҳосил қилгач бориб найзамни суғуриб олдим-да, орқамга қайтдим.

Шундай қилиб, мен ҳур одамга айландим. Муҳаммаднинг иши ривож топиб, мусулмонлар сони ошгани сайин менинг қалбимдаги ташвиш ҳам кучайиб борарди. Ахийри бутунлай ғам қайғуга тушиб қолдим.

Муҳаммад қушин билан келиб, Маккани фатҳ этганида Тоиф тарафга қочиб кетдим. Уша ерда омонлик топаманми, деб уйлаб эдим. Бироқ улар ҳам Исломга мойиллик билдириб, Муҳаммадга вакиллар жунатишди. Шунда тарвузум қултиғимдан тушиб, дунё кузимга тор куриниб кетди. Узимча ё Шомга, ё Яманга кетсамми, деб уйлай бошладим.

Шунда менга раҳми келган одамлардан бири:

— Худо ҳаққи, ҳой, Ваҳший, Муҳаммад унинг динига кириб, ҳақ шаҳодатини айтган одамларнинг бирортасини ҳам улдирмайди, — деди.

Буни эшитиб мен Ясрибга, Муҳаммаднинг ҳузурига йул олдим. Суриштирсам, масжидда экан. Қурқа писа олдига кирдим. Тугри тепасига бориб:

— Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳу, — дедим.

У шаҳодат калимасини эшитиб, бошини кутарди. Менга кузи тушиб, таниди. Танидию юзини угириб олди. Тескари қараганича:

— Сен Ваҳшиймисан? — деди.

— Ҳа, ё Расулуллоҳ, — дедим.

— Ўтир, Хамзани қандай улдирганингни гапириб бер, — дедилар у киши.

Мен утириб, булган воқеани оқизмай-томизмай сузлаб бердим. Ҳикоям охирига етгач, у киши яна юзларини угириб олдилар ва:

— Туркинг қурсин, эй Ваҳший. Бор, кузимга куринма. Бугундан кейин сени курмайин, — дедилар.

Ўша кундан бошлаб мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нигоҳларидан қочадиган булдим. Саҳобалар у кишининг олдиларига утиришса, мен орқаларидан жой олардим. Пайғамбар алайҳиссалом то Парвардигорларининг ҳузурига кетгунларича мени курмадилар.

Мен Исломга кириш аввалги гуноҳларни кечириб юборишини билсам да, қилиб қуйган машъум ишимдан қаттиқ хижолат чекиб юрар, уни ювиб ташлайдиган фурсат келишини кузим турт булиб кутардим.

Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан кейин Мусайлама каззобнинг қавми муртадлик йулини тутди. Абу Бакр унга қарши уруш қилиб, Бани Ҳанифа

ни Аллоҳнинг динига қайтариш учун қўшин туза бошлади. Шунда ўзимга ўзим:

— Худо ҳаққи, мана, сен учун қулай фурсат келди, эй Ваҳший. Фойдаланиб қол, — дедим.

Сўнг лашкар сафида жиҳодга жўнадим. Ўзим билан ўша машҳур найзани — шаҳидлар саййиди Ҳамза ибн Абдулмутталибни қатл этган найзани олволган эдим. Ё Мусайламани ўлдиришга, ё шаҳид бўлишга қасам ичдим.

Мусулмонлар Аллоҳнинг душманларини суриб бориб, «ўлим боғи»га тиқиб қўйишди. Мен каззобни қидира бошладим ва уни қўлида қилич тутиб турган ҳолда кўрдим. Қарасам бир ансорий худди менга ўхшаб, уни ўлдириш учун пайт пойлаяпти. Мен қулай имкониятга эга бўлганимда найзамни олиб, бир икки ҳезландим да, сўнг куч билан Мусайламага улоқтирдим. Найзам аниқ нишонга санчилди. Мен найза отган пайтимда боғги ансорий беркинган жойидан сапчиб чиқиб, Мусайламани чопиб ташлади. Қайси биримиз уни ўлдирдик — Аллоҳ билади. Агар мен ўлдирган бўлсам, Муҳаммаддан кейинги энг яхши одамни ҳам, энг ёмон одамни ҳам ўзим қатл қилган бўламан...»

Мана шу тарих. Энди бу ёғини ўзинг тушуниб олавер, Олим. Агар отам тушимга кирмасалар эди, сени кўриб юзларини ўгириб олавермасалар эди, мен бу тарихни сенга ёзиб, йўллаб ўтирмасдим ҳам балки.

Танангга ўйлаб кўр, ким эдинг, қайси кўчаларда юрибсан? Кимларнинг зурриёти эканингни наҳот унутиб қўйдинг? Отамиз — ул зот, худди Пайғамбар алайҳиссаломдек сендан юз ўгиряптилар. Туркингни кўришни истамаяптилар, ука. Бу қандай исноддлигини биласанми ўзинг? Кимларнинг гапига учиб у кўчаларда юрибсан? Ва охийри ким бўлмоқчисан? Ҳозир ку, майли, бу фоний дунё ҳам ўтар, эрта бириси кун — тонгла Маҳшарда қай юз билан отамизга кўринасан? Қуруму ис босган қора юз билан Парвардигорга рўбару бўлмоқчимисан?

Ҳали да кеч эмас. Бекорга отам хафаҳол ўтир

ганлари йўқ. Тирик бўлсаларки, топ-да, оёқларини ўп, узр сўра, десам.

Ота рози - Худо рози, деган гап бор. Ота розилигини топиш иложи йўқ экан, нега энди тавба эшигини қоқмаслигинг керак?! Нега ёлғиз Унинг Ўзига тавба тазарруълар билан ҳидоят сўрамаслигинг, саждага бош урмаслигинг керак? Қачонгача гўддайиб ўтмоқчисан? Эгил, укам. Азбаройи жоним ачиганидаги ёзмоқдаман бу гапларни. Ҳали бу хат қўлингга тегадими йўқми, қалбингни ларзага солади ми йўқми, у шайтон кучасидан қайтасанми йўқми, билмасман, Олим. Аммо танангга ўйла, ўша Ваҳшийлар тавба эшигини қоқиб, ҳидоят топганида, сен — отамизнинг покиза палагидан бўлган бир зурриёт нечук инсофга келолмасанг?

Илоҳим, мен адашаётган бўлай.

Илоҳим, ичимдаги ҳадиклар бари ёлгон бўлиб чиқсин.

Илоҳим, ўйларим беҳуда, тушларим шайтоний бўлиб чиқа қолсин.

Илоҳим, сен сироти мустақим йўлини топиб олган бўлгину мен бехабар қолган бўлай.

Аллоҳ барчамизни Ўз паноҳида асрасин. Омин.

Аканг Султонмуроддан
деб билгайсан.
Калкутта».

17. Умидим эртаси, бир бўлса, ушалмаган мурод-максудларга етгувчи укам Максудга

«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила бошладим.

Биз тирикмиз, Мақсуд. Ёғий бизни тузитиб, Музтоғга қувиб солган бўлса да, Аллоҳнинг мадади ила биз омон қолдик. Ёғийнинг ўзи эса, лак-лак лашкари билан Тангри юборган бало қорининг остида қолди. Қараки, нусрат лак-лак қўшинга эмас, уч бирдек мужоҳидга насиб этди.

Шундан кейин ҳам Аллоҳга ҳамд айтмайликми! Ўзи кўрсатган йўлдан кетмайликми?!

Шундан кейин ҳам ёлғиз Ўзига таваккул қилмайликми?! Ўзининг паноҳига қочмайликми?!

Мақсуд, биз ташлаб чиққан она диёр оҳанрабо дек ўзига қанчалар чорламасин, у ёқда сиз азиз туғишганларимиз кўзларингиз тўрт бўлиб, йўлларимизга қанча кўз тутманглар, ҳижратни ихтиёр этдик. Бир яхши кунда қайтмоқ учун ҳам ҳозирча Аллоҳ паноҳига қочдик. Чунки сарҳад ортидаги можаролар га оловга урилган парвоналардек урилолмасдик биз. Тушуниб туриб, кўриб туриб, ўзимизни ўтга таш лолмасдик биз.

У можароларга мусулмон нигоҳи билан ҳам қара моқ лозим экан. Аллоҳ ҳам кўр-кўрона қурбонни эмас, ҳижратни хуш кўргайкан. Ҳижрат этгувчиларга ўз диёрларидан чандон яхшироқ диёрлар, ризқлар, исломий ҳаёт ато этгайкан.

Шундай, укам. Биз беному нишон кетганимиз ҳам йўқ, бегона элу элатлар ичра саркон-саргардон қолганимиз ҳам йўқ. Биз диёрига сиғмаган, унинг эртасини кутиб, Аллоҳга дуо-илтижода юрган минглар нинг биримиз. Кеча шундай эди, бугун эса, ўша минглар нинг ҳимоячиси бўлиш зиммамизга тушиб турибди, Мақсуд. Ҳар иш ниятга боғлиқ экан, Мақсуд. Бўлмаса, ким ўйлабди, бу юртларга келиб, ҳов ўша Каттабоғдагидек бир иш қиламиз, адолатсизликка уч раганларни ҳимоя этиб, адолатни ўрнига қўямиз деб!

Ҳаммадан ҳам бу ерда лозим экан бундай жами ят, ватанжудоларни ҳимояга оладиган, мурувват кўрсатадиган бир қўл. Ниятимиз ватандан узоқда мушкул кунга тушиб қолган, синган, ҳимоячисини йўқотган, қул бўлишга келган дарбадар ғариблар нинг бошини силайдиган, ҳимоя этадиган жамият тузиш эди, шунга муваффақ бўлдик.

Бу ерда ҳам ўзини тутиб олган, ҳамиятини йўқотмаган бойларимиз, тижоратчиларимиз анчагина. Ватан деса, муҳожир деса, моли туғул жонини бериб юборадиганлар бор. Ватан доғида куйганлар айниқса тез топишар, тез бирлашар эканлар. Уларнинг муҳаббатлари туганмас бўлади экан. Жамия тимиз ана шундай қўли очиқ, бағри очиқ, эҳсонли кишилар, сидқидил Аллоҳ деганлар, савоб қидирган лар ҳисобига шуҳрат топди. Ғарибларнинг, ватанжудоларнинг чин ҳимоячисига айланди, Мақсуд. Сен ҳатто тасаввур эта олмайсан, Мақсуд, биз атиги

икки-уч йилда топган жамғармамизни. Бир ёқдан сарфлаб бораверамиз, бир ёқдан эҳсонлар оқиб келаверади. Жойига тушириб улгурсак, бас. Мурувват қилиб улгурсак, бас.

Қолаверса, бандаргоҳда Аллоҳ етказгани жуда жуда асқотяпти.

Эҳсон билан мол камаймаганини, қайтага дунёга барака кириб кетганини шу ерда кўрдим, Мақсуд. Бу ҳаммаси ҳалоллик туфайли эди, бу маблағларни Аллоҳга хуш келадиган йўлларга сарфлаётганимиздан эди.

Мен сенга бир воқеани айтай. Наманганнинг кўп табаррук ери — Косонсойдан ҳижрат қилиб келиб қолган бир йигит (кўрсанг ўзбек демайсан. ўзи озгин, найновдан найнов, бунинг устига юзи сап-сариқ, кўзлари кўкиш одам) жамиятимизга ёрдам сўраб келди. Қипчоқ бўлиб қипчоқ эмас, Қўқонни Бувайдаси томонлардаги «онг-кенг»ловчи кўккўзу қотма сариқ ўзбекларга ўхшаб кетади. Шу одам кейин билсам, гирт етим экан. Ўша ўттизинчи йилларнинг «қоч қоч»ида отасига эргашиб Амударёни кечиб ўтиб қолганлардан экан. У пайтда оқ-қорани таниб улгурмаган бола ҳеч қанча ўтмай имом отасидан ажраб, етим қопти. Кимларнинг эшигида битлаб сиркалаб хизматини қилиб, бўй етибди. Меҳнаткашлиги қўл келиб, ўлмай қолибди. Эсини танибдики, арава миниб, юк таширкан. Шуни орқасида ичкуёв бўпти, бола чақа қилибди. Лекин фалокат оёқ остида эмас ми, бир кун келиб, ёмон кунига яраб турган от арава бошига балою мусибат келтирибди. Катта йўлда машинадан ҳуркиб қочган от арава йўл четида бораётган ҳинду қизини уриб, суриб кетибди.

Ана фалокату мана фалокат. Ўзи истамаган, кутмаган тарзда бир одамнинг қотилига айланиб қолибди. От-арава кетгани майли, ўзи хун ҳаққини тўламаса, қамалиш арафасида эмиш. Бу ёқда яна жужабирдай оиласи чирқираб қолаётгани чи! Ўз ватанидиёрида бўлса-ку, қавм-қариндоши ёнига кирар, маҳалла кўй ўртага тушарди. Бу бегона юрт, бегона элда ким ўртага тушади?!

Қори ака билан мусибат тушган хонадонга кўнгил сўраб бордик. Қуръон тиловат қилиб, лутф кўргаздик.

Инсон — инсон-да. Кунгли жиндек эриди. Узига ухшаш бир заҳматкашни кечирса-да, хун ҳақидан кечолмади. Қолаверса, шариатда кечса афзал дегани билан хун ҳақини сураганнинг айби йуқ. Билмай одам улдириб қуйган кишининг узи каффоротига олтмиш кун руза тутиши жоиз булса-да, суралган хун ҳақини унинг қавми уч йил бадалида йиғиб бериши лозим экан.

Ҳижрат туфайли бу юртга келиб қолган йигитни биз уз қавмимиз ҳисоблаб, хун ҳақини тулаб қуймоқни зиммамизга олдик ва биринчи галда учдан бирини етказиб бердик. У катта пул эди — юзта туянинг ҳақи. Аввалига қолганини ҳам берсак, газнамиз қуриб қоладигандек куриниб эди, лекин кейин жамиятга келиб, маслаҳатлашиб куриб, хун ҳақининг иккинчи булагини ҳам етказиб беришни лозим топдик. Бошқа дин кишиларининг куз унгида шариатимизнинг шармию шарафини сақлагимиз келди. Маблағни олиб бордик ҳам. Ана шунда курсанг, Мақсуд, биз ҳеч кутмаган воқеа содир булди.

Оила бошлиғи мусибатзада ота хун ҳақини ола туриб ҳунграб йиғлаб юборди. У умри бино булиб бунча бойликни курмаган да деб уйлаган эдик. Йуқ, у кулбасига кириб кетиб, қайтиб чиқди-да, бизнинг этагимизни упа кетди. Зурға турғизиб олдик.

— Бу қандай дин эканки, адолати шунчалар тукис булса?! Бир ғарибга шунчалар мурувват курсатилса! У ахир икки дунёда бунча маблағ тополмасди ку, сизлар булмасангиз! Сизларнинг шу жамиятингиз, шу динингиз булмаса! Марҳамат қилиб, менга динингиз калимасини ургатинг. Шаҳодат келтирай. Мен у динга кирмоқчиман. Барча динлардан афзал курдим динингизни! — деб турибди.

Ана шундай, Мақсуд! Шариатимиз бағрикенглиги туфайли ким озодликка, ким ҳидоятга эришиб турибди!

Шундан кейин ҳам бу йулга жонлар нисор булмасинми?!

Шундан кейин ҳам бу жамиятнинг ишини олға бостирмайликми?!

Каерда булса да, ажрни Аллоҳ тула беравергай ку!

Мақсуд, ўрни келди, сўрай. Бизни қарорғоҳларга нима бўлган, тушларимдан кетмай қолди? У тепалар сурилиб, жарлар тўлиб, Бўзсув сакраб ўтса бўлгудек бир анҳорга айланиб қолганмиш. Ишкомлар эса, қайда қолди, кўринмайди?

Ҳадеб кўзимга боши хумдек, ўзи чиллашир бир ғаройиб одам кўринади. Нарпи омонми ҳалига довур? Марғубанинг акаси қайтган деган гапларнинг бир учи бизга да етиб келди, ўзи қаерда ҳозир? Катта боғда белида белбоғи бор йигитлар борми ўзи? Бизникиларни хўрлатиб қўйишмас, ахир? Қолаверса, Аллоҳ ҳафиз. Ўзи асрагай! Буни шунчаки сўрадим. Ахир сен борсан-ку. Ҳамма қолиб, сен мен учун азиз кишиларни ёлғизлатиб қўярмидинг! Сендан умидим катта. От босмаган жойларни той босади, ахир. Омон бўл!

Узоқдаги дуогўй аканг Султонмурод езди. Бомбей».

18. Тўрам чорловлари

«Мақсуд, ул Мадинаи мунаввара тарафлардан бизга хушхабар етди. Ким-ким, ушал Олтинхон тўрамдан, ҳижратдаги сарғардон юртдошларимиз сўрови билан Қуръони азимушшонни туркий тилимизга ўгирган буюк зотдан муждаю саломлар етиб келди.

Ул зот:

Эй муҳожир, ётма ғофил, саъй қил, бедор бўл,

Ўз кўнгил дунёдин эмди, толиби дийдор бўл,

дебдурлар ва камига:

Ҳамжиҳатлик, бинобарин, бирлашишлик
бизларга фарз,
Жонлантиринг бирликни сиз, сирлашишлик
бизларга фарз,

деб ёзибдурлар.

Бу кишининг кўп табаррук дастхатларини биз қўлма қўл, кўзга тўтиё қилиб суртиб, ўқиб чиқдик.

Қуръони Каримни сув қилиб ичган кишининг насиҳатлари ота васиятидек азиз ва табаррук эди. Ўқиб тўймас эдик, кўздаги нам ва ёшларни артиб адо қила олмасдик, Мақсуд.

У киши жамиятимиз ишини табриклаб, «жаҳон аро тариқдек сочилмиш ватанжудолар бошини бирлаштиришнинг дебочаси булибдир бу саъй ҳаракатингиз. Аллоҳ ажрини тулиқ қилиб берсун, илоҳим. Илтижс шулким, келинг, биродарлар, уни қувватлантирайлук, жамият шаҳобчаларини афғону туркия томонларда-да тузайлук, токи у гариблар куксига иксиру[1] малҳам булсин» дебдилар.

Мақсуд, мен бу хурсандчиликни куксимга сиғдиролмайин у хатти-насиҳатнинг бир чимдимини сенга-да илиндим. Узинг уқи, у наинки насиҳат, дурри гавҳардур. Бутун миллатга тегишли васиятдур.

«Биродарлар, бу беш кунлик дунё, инсоф қилайлук, уйлаб курайлук, шоҳ ҳам утади, гадо ҳам утади. Қувғинда юрган ҳам утади, даврон сурган ҳам утади. Силаи раҳм зарур, етимни, мусофирни, муҳожирнинг бошини силамак, мушкул кунга қолганнинг мушкулини осон қилмакдан улуг савоб йуқдур. Бу ватанжудолар ичида, мусулмонлар орасида зоҳиран бойимиз ҳам бор, камбағалимиз ҳам бор. Аммо ниятимиз битта, иймонимизни сақлаш учун бу диёрларга ҳижрат этганмиз. Нега қулламайлук, нега бир жон-бир тан булмайлук?! Расулуллоҳ марҳамат қилдиларки: «Ҳаргиз мусулмонни камбағал деманглар. Шу Ислом давлати етиб ошиб қолади. Икки дунёда шу неъмат етади», дедилар. Ҳақиқат шундоқ. Улгандан кейин қайта тирилиш бор-у, кейин улиш йуқ. Жаннатга кирсангиз ҳам мана бунча миллион йил, мана бунча миллиард йил турасиз, холос, деган гап йуқ. «Холидина фиҳа абадо» деб айтади Аллоҳ таоло Қуръонда. Бу «абадо» (абадий)! Ҳеч буни фалон йил деган ери йуқ. Худо сақласин, жаҳаннамнинг йиллари ҳам шундай. Аммо жанобп Расулуллоҳ Аллоҳга арз қиладилар: «Менинг умматимнинг биттаси жаҳаннамда қолса ҳам жаннатга кирмайман» деб!

Бу Ислом неъматига шукр қилиш ҳар битта мумин, муминага фарз. Дейлик, дастурхонда ултириб паловларни еймиз, ҳар турли мева-чеваларни еймиз. Худонинг берган неъматларининг ҳаммасига ало

---

[1] Иликсир — малхам

ҳида шукр айтиш лозим. Аммо у неъматни Аллоҳ таоло раҳмонлик сифати билан кофирга ҳам берган, муминга ҳам берган. Раҳмонлик сифати дунёда тамоми маҳлуқларга меҳрибончилик қилиб, ризқини фаровон қилишини билдиради.

Раҳмлик сифати чи, раҳмлик исмининг барокатичи, қайси? Бу Аллоҳнинг энг катта лутф-эҳсоники, уни қиёматга қолдирган. Нега? Бу дунёда оз есак ҳам утиб кетамиз, куп есак ҳам утиб кетамиз. Мардикор ишласак ҳам утиб кетамиз, чоракор ишласак ҳам ўтиб кетамиз. Масалан, ҳар куни битта қуй есак ҳам утиб кетамиз.

Бунинг эътибори йуқ. У ерга борганда — қиёматда нажот топадиган ер йуқ. Ота болага қарамайди, бола отага. Аллоҳ таоло раҳмни ана шу ерда хос муминларгагина қилади. Буни Аллоҳ қиёматга боқий қилган, бизнинг насибамиз.

Силаи раҳм деган гап бор. Яъни катта-кичикка, бола чақага, ҳатто ҳайвонларга раҳм қилиш. Ана шу раҳмни Аллоҳ Ўз раҳмлик исмидан олиб, юзга тақсим қилган. Туқсон туққизини Узига олиб қолиб, бир қисмини тамомий халқига ва маҳлуқига тақсим қилган. Биродарлар, Аллоҳ таоло қиёмат куни ана шу раҳмни бу маҳлуқларидан олиб, Ўзиникини яна юзта қилиб қуяди экан. Бизда бир-биримизга марҳамат қилиш, шафқат қилиш, раҳм қилиш йуқ булиб қолади экан. Ота болага, бола отага боқмас экан. Бунда қиёматнинг шиддатию Аллоҳ таолонинг қаҳҳорлик сифати бор. Шу ҳолатда бизнинг Пайғамбаримиздан бошқа тамомий пайғамбарлар «воҳ нафси, воҳ нафси», деб қолар эканлар қиёмат шиддатининг оғирлигидан. «Воҳ нафси», яъни уз жонимни қутқарсам, бас, дегани. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, «Воҳ уммато, воҳ уммато» дер эканлар.

Шу раҳматан лил оламин Пайғамбаримизга уммат қилган Парвардигорга миллионлар, миллиардлар шукр. Алҳамдулиллаҳи лакал ҳамд. Алҳамдулиллаҳи лакал шукр. Алҳамдулиллаҳи аъло дини ислом. Алҳамдулиллаҳи аъло неъмати ислом. Бошларини саждага қуйиб, дилларига келганича Аллоҳдан сурар эканлар. У киши дунёдан дод деб утдилар, яна қиёматда

бизларнинг нажотимизни Худодан сўраб, дод дер эканлар. Аллоҳ: «Ё Ҳабиб, бошингни кўтар, нима десанг, тилагингни бердим», демагунча бошларини саждадан кўтармас эканлар.

Аллоҳ бизни ана шундоқ Пайғамбарга уммат қилган. Қани бизда ҳиммат бўлсаки, шу Пайғамбаримизга ҳар куни минг бор саловат айтсак, ақаллиси юз бор саловат айтсак! Эсимизга келадими? Инсоф қилайлук, биродарлар. Ана шунда дуоларимиз ҳам даргоҳида қабул бўларди, амалларимиз ҳам Аллоҳ азза ва жаллага хуш келарди.

Ана бу жамиятингиз, ватанжудолар ҳолидан хабар олиб, уларнинг дардига малҳам қўяётганингиз — чиндан Аллоҳ рози бўладирган ишлардан бўлибди. Биз ҳам қўшилдук бу саъй кўшишга.

Юрагида ўти, Аллоҳга иймони бор, кўксида ватан муҳаббати сўнмаган барча муҳожирларга ет казгаймиз. Ватанжудоларга силаи раҳм этайлук, диёрларидан жудо бўлганларнинг кўнгилларини овлаб, бошларини қовуштирайлук. Токи бир жон бир тан бўлиб, ватандан яхшироқ ватан, ризқларидан кенгроқ ризқлар берган Аллоҳ таолога бандачиликни ўрнига қўяйлук. Жудо бўлган диёримизда қолган хешларимизу аҳли аёлларимизга, фарзандларимизга омонлигу эрк сўрайлук. Дуоларимизни ўзи ижобат этсун.

Аллоҳ таоло барчамизга тавфиқ, ҳидоят ато этсун».

Сизларни билмадим, Мақсуд, биз бу хатни ўқиб, тўйиб-тўйиб йиғладик. Сизларнинг эртангизни сўраб, хайрли дуолар қилдик. Илоҳим, дийдорни қиёматга қолдирмасин.

Султонмурод. Бомбей».

19. Ҳидоят йўли кимга насиб эттай, билармисан, Мақсуд?!

(Тангритоғдан ўзга диёрда топилган мактубларнинг ҳозирча сўнгтиси)

«Жондан азиз ўл маъво — тушларимдан аримас диёр — Тошканди азимнинг Каттабоғу Яккабоғларида хешу ақраболаримиз бағрида Улуғхўжабойлар

авлодининг эрка ҳам умидли навдаси бўлиб, мирзоси бўлиб юрган укажоним, Мақсуд!

Мен — бир дарбадар аканг, сенга ёрилмай — кимга ёрилай?! Бизни кимлар қочқин деб атар, буваларининг азиз хилхонаси туриб, хешу ақраболари умргузаронлик қилаётган диёр туриб, ҳатто осмон никоҳи ўқилмиш жуфти ҳалолини қолдириб, қайларга кетмиш дер. Орқамиздан ғийбатлар этишар. Кимлар эса, энди у оёқ етгунча кетди, қайтар йўллари берк, ўзига ўзи қилди. Сиғмасмиди шу Каттабоғга — жимгина юрса? Нима излайдир — дориломон бир юртми, ё салтанат, деб ўйларлар.

Дориломон юрт қайдаю салтанат қайда?! Биз бор йўғи иймонни асрамоқ ғамида ҳижратни ихтиёр этганмиз. Дунё можароларидан қўл силтаб, Камончининг паноҳига қочганмиз. Буни улар қайдан ҳам тушунсинлар, Мақсуд! Тушунсанг бир сен, бир Чаман тушунишларинг, яна Нусрат поччаю Турамгина англамоқлари мумкин. Қолганлар билмоқлари душвор.

Мақсуд, менинг ортимдан ғийбату маломат тошларини отаётганларга парво қилма. Жондан азиз холажонлариму тоғажонларимга ҳам, келинойингга ҳам айтиб қўй. Мен у диёрдан этак силкиб чиқиб кетган киши эмасман. Мен забун бир кимсадек яшашни истамадим, холос. Шу боис у диёрларга сиғмадим. Йўқ-йўқ, ўзим сиғсам ҳам дардларим, армонларим сиғмади. Дориломон кунларни яқинлаштиришга ёлғизлик қилдик биз. Қолаверса, Аллоҳ ризқу насибамизни бу ёқларга сочган экан — шу ёқларга йўллади, келдик. Паноҳига олганидан сизлар қувонмоғингиз, мен эса, тоабад шукроналар айтмоғим лозим. Ўзи чақирганки, тақдир этганки, бу ерларда соғ-омон юрибмиз. Ўзига ҳазор минг ҳамду санолар бўлсинки, бу мусофир диёрда ҳам қўлимизни баланд, сўзимизни устун қилиб қўйибди. Жамият ишини олға бостириб, биз ватанжудоларни азизу мукаррам этиб қўйибди. Аллоҳ розилиги йўлида ҳижрат этганларга ватанларидан яхшироқ бир ватан, ризқларидан кенгроқ бир ризқ бераман, деган ваъдасининг устидан чиқиб турибди!

Ундан ташқари, Мақсуд, сен яхши хабарларни эшит. Олтинхон турам ҳаж мавсумига яқин бизни у

мунаввар ва мукаррам замин — Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам[1] ўтган диёрга чорламоқдалар. Турк диёрида жамиятингизни шўъбасини очиб, бир йўла ҳаж қилиб кетасиз, дебдилар. Аллоҳга шукрларки, унинг розилигини топиш йўлидаги жиндек саъй ҳаракатимиз шундай тақдирланяпти.

Сен билсанг эди, тасаввур этсанг эди, мен бу мактубни битиб, бу хушхабарни сенга илинмоқдаману кўзим жиққа ёшга тўлиб, хат қаторини-да кўрмай қолмоқдаман. Агар унга бирон томчи ёш тегиб, хатларим чаплашган эса, маъзур тутгайсан.

Лекин қалбимда офтоб чарақлаб ётипти! Нурафшон бўлиб ётипти! Ҳеч ерга сиғмагудек! Бизни муборакбод эт, Мақсуд, ҳидоят йўлига чиқаётганимиз, муборак ҳаж сафари арафасида турганимиз билан. Бунга кимлар етдию, кимлар етмади. Келиб-келиб биз ватанжудоларга насиб этибди у. Биз йиғламай, ким йиғласин, Мақсуд!

Шу онда қараки, нималар хаёлдан кетмаяпти!

Бу ҳам бўлса, «Эй одам боласи, сен мен томон бир қадам ташлагил, мен югуриб борай[2]», деган Аллоҳнинг марҳаматидир, карамидир. Ҳаммани ҳам у Ўз уйи — Каъбатуллоҳига чорласин чи!

Шу тонда Мақсуд, жаннатдек бир гўзал водийда уч қатла тахтга ўтириб ҳам, неча ўн йиллар даври-даврон суриб ҳам чин саодатни тополмаган бир инсон — мардуми Фарғона тақдири хаёлимга келса дегин! Уни сўкиб қанча китоблар битилмади. Айшу ишратдан бўлак нимани ҳам билди, нимани кўрди, қайдан ҳам халқ додига етсин эди, деб ёзмаган ким қолди?

Аммо Аллоҳ келиб-келиб шу инсонга ҳидоят берса! Уринбургдек Худо қарғаган бир ерда уй қамоғига маҳкум этилган собиқ хон тоат-ибодатлари кам кўриниб, тунлари таҳажжуд ўқишга бошласаю ногоҳ бир кеча улуғ ниятни дилга тугиб, тонг оттирса! Ва чўлга овга чиққан киши қанлида Устюртдек улуғ бир тақирни отда кесиб ўтиб, Қизилқуму Қорақумдек чўлларни орқада қолдириб, афғон диёрига, ундан

---

[1] У зотга Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин (*Муаллиф*).
[2] Қудсий ҳадис (*Муаллиф*).

эса Пешоварга етиб келса. Амудан ўтарда қароқчиларга учраб, бор буд-шудидан ажрасаю нияттдан кеч маса! Аллоҳга таваккул қилиб йўлида давом этаверса... Ундай кишини ким деб атамоқ керак?! Ботур дебми, мужоҳид дебми? Ёхуд ҳидоят топган оддий бир инсон — мўмин дебми?

Ҳарқалай, бу дунё ҳою ҳавасларидан этак силкий олган, ёлгиз тўғри йўл — Аллоҳга қуллик қилмоқ, ундан бошқа барчаси ўткинчи, сароб, охири вой эка нини англаб етган кишигина шундай жасоратга бел боғлай олмоғи мумкин. Шоҳона уй қамоғидан кўра жондан кечиб, лоши чўлларда қолиб кетмоғидан-да қўрқмай, Каъба йўлига чиқмоғи мумкин.

Тақдирни қараки, Мақсуд, биз ҳам энди ўша киши ўтган йўллар билан ҳаж сафарига отланмоқда эдик. Тангритоғдан чиқиб, афғон диёри билан Пешоварга келиб, ундан Бомбейга етган эдик. Энди шунақаси денгиз билан кемада кетиб, Жиддага етмоқчимиз.

Қараки, тахтию бахти тортиб олинган, аҳли аёлию хеш-ақроболаридан, диёридан айириб, уй қамоғига тиқилган хоннинг иймонини тортиб ололмаган эканлар. Хўрликларга сабр, билиб-билмай қилган гуноҳларга тавбаю истиғфорлар, тинимсиз зикру шукр, қараки, ҳидоят эшигини очмиш. Тавба эшигидан ҳидо ят йўлига чиқилади, дегани шудир балки?!

Мен Худоёрхоннинг ана шу сўнгги жасоратига ҳамиша беш кетар эдим. Қараки, юз йилдан сўнг у ўтган йўллар билан ҳаж азиматига отланмоқдаман. Аллоҳдан ёлғиз тилагим, ўша ватанжудо инсонлар дек Аллоҳ розилигини тополсам эди!

Фақат ёлғиз ўтинчим, диёримни, йўлларимга кўзи тўрт бўлиб кутганларим — сизларни бир кўрсам... бир кўрсатса, армоним қолмасди.

Ўсиз кўзим очиқ кетмаса деб қўрқаман, Мақсуд!

Айт, холаларимга, кеннойингга дуоларидан қўймасинлар. Шояд, Аллоҳ ўзи қўлласа, қайтар йўлларимизни очиб берса!. Ёдгоримни ўпиб қўй. Отанг ти рик, Худо хоҳласа, Аллоҳ юз кўриштиргай дегин.

Соғинган Султонмуродингиз.
Бомбей».

Иккинчи бўлим

ЭЛЧИГА ЎЛИМ ЙЎҚ, МУЖОҲИДГА ТАРАФ

1. Узокиб кетган элчи

Эрталабдан кўзим учар, бармоқларимни ўпиб, қабоқларимга суртиб ҳам тўхтата олмасдим.

Мана, нимага экан!

Ишхонамга кириб ўтирганимдан телефон жиринглай кетди. Олмай бўладими, олдим:

— Лаббай?

Симнинг нариги ёғидан биров ширин ўзбакий таккаллумда сўрашар эди:

— Алё, ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.[1]

Лаҳжасидан бу тарафнинг одамига ўхшамасди.

Мен бояқиш дафъатан қандай алик оларимни ҳам билмай қисиндим.

— Ва алайкум...

Симдаги киши жиндек узр, жиндек истиҳола аралаш сўради:

— Мени маъзур тутгайсиз, мирзахонами бу?

Саволи ҳам саломидек хуш такаллумли эди: чиндан бу тарафнинг одами эмас шекилли.

— Йўқ, газетхона бу, — дедим мен ҳам ҳалим тортиб.

— Дарвоқе, газет ёзиб, чоп этарлар, адашмасам.

Қарангки, талаффузи ҳам турк афандиларининикига ўхшаб кетмоқда эди.

— Адашмадингиз, газет чиқарамиз... — дедим.

Ростини айтсам, унинг муомаласи менга ёқиб тушмоқда, овози ҳам аллақандай таниш эди.

---

[1] Сизга Аллоҳдан тинчлик-хотиржамлик, раҳмат ва баракотлар тилайман. *(Муаллиф тарж.)*.

— Аллоҳимга шукр, адаштирмаганига шукр, — деди. Сунг яна боягидек, жиндек узр, жиндек истиҳола аралаш (истиҳоласи ҳам узига ярашиб тушмоқда эди), илтимос эта кетди. — Маъзур тутгайсиз, биродар, хизмат булмаса, биза куп қадрлув танишимиз Мақсудхужа жанобларини чорлатиб версангиз.

Ана холос, ким экан, деб утирибман! Илгари ҳам йуқлаб келган элчимиз эмасми? Ҳар эҳтимолга қарши қайтариб сурадим:

— Шошманг, ким дедингиз?..

— Ким эмас, куп азиз танишимиз, Мақсуд мирзо Маҳмудхужа уғиллари. Борму, шундай чуҳ гузал инсон? Танигайсизму?

— Таниганда қандоқ! — дедим бир ерга етиб. У мени ҳали таниб улгурмаган булса-да, мен уни сузлари, овози, бир гузал узбекона такаллумидан таниб турар эдим. Қиёфаси ҳам куз олдимга кела бошлаган, адашмасам, уша — хов бирда келган хорижлик меҳмонимизга ухшаб-ухшаб кетмоқда эди. — Қидирган одамизни топдим деяверинг, тақсир. Камина узимман, — дедим унинг ҳурмати учун ҳам урнимдан тура бошлаб. (Меҳмон отангдан улуғ. Курмаса ҳам иззатида, туриб гаплашганга нима етсин!..)

— Ана холос, узлари эдиларми? Уятлув иш бултику?! — деди у хижолатларга ботиб.

— Хижолати нимаси, тақсир, Аллоҳим учраштирганини айтинг, — дедим мулозаматга тушиб.

— Бой буласиз экан, Мақсудхужа жаноблари, танумабман, — деб яхшиликка йуйди меҳмон ҳам.

— Аммо мен овозизданоқ таниб туриб эдим, тусмоллаб туриб эдим. Булади-ку шунақа туйғу — бир оғиз сузданоқ таниб олиш... — дедим чинига кучиб.

Меҳмон тақдирининг ёзуғидан шодланди:

— Аллоҳимга шукр, бир қунғироқлаёқ рубару этса-я! Хизрни йуқламайманми! Валлох-валлох, узимман, денг-а?!.

— Узимман-узимман, — деб қушилишиб тасдиқладим.

Меҳмон бунга сари боши осмонга етиб, қайтарар эди:

— Муҳандисликдан ёзарликни авло курган уша битикчи танишимиз-да? Саломпамнинг ёлғизлари,

Бахриддин биродаримизнинг холаваччаси?! Уни қаранг-а...

— Ўша ўзлари билган гап ўғриси, тили гоҳ ширин, гоҳ аччиқ мирзо, — деб ҳазиллашдим.

— Қўйинг, аччиқдан Худованди Каримнинг ўзи асрасин. Дийдор кунида Аллоҳга хуш келадурган сўзлардан сўзлашайлик, — деди меҳмон.

— Унда хуш келибсиз, меҳмон жаноблари. Кўришайлик, — дедим янада яқин олиб.

— Аллоҳимнинг ўзи кўриштирсун. Камина эрталабдан безовта этуб, қўлларини тутмадимми? Юмушларидан қўймадимми? — деб мулозиматланди у.

— Ҳеч-да, ҳеч-да. Сиздек мозор босиб келган меҳмонимизга вақтлар тасаддуқ бўлсин, — дедим ийиб кетганимни яшириб ўтирмай. — Сиз ахир, адашмасам, ҳов бирда ташриф буюрган биродаримиз — элчи жаноблари бўласиз. Азиздан азиз Марғу кеннойимиздан, Бахриддин акамиздан саломлар етказган, топдимми?

— Ах, уни қаранг-а! Танидингиз-а, Мақсудхўжа жаноблари. Фаросатиза балли, хотиралари бутун экан, мирзо жаноблари, — деб тўлиб-тошиб алқашга туша кетди у.

«Хотирадан ҳам бурун калла бутун, мағзлари тўқ. Ахир бекорга сигир боқиб катта бўлибмизми! Қанча қаймоқнинг тусини ўчириб юборганмиз! Ўша қаймоқлар бўлмаса, биздан мирзо чиқармиди, битикчи чиқармиди!» деб тегишгим келди-ю тушунадими-йўқми, деб тилимни тийдим.

Ўрнига «қаерда тўхтадингиз, қандай кўришамиз»-га тушмоқчи эдим, меҳмон сўзни илиб кетди:

— Ўзларига алангали саломлар бўлсин!

— Ўзларигаям, ўзларигаям... Қийналмайин, уринмайин етиб келдингизми? Хабар бериб ҳам қўймабсиз, кутиб олардик,— деб илтифот эта кетдим. Кейингина ичим қуриб, ингиқиб, бу саломлар кимданлигини сўрашга журъат этдим. — Яна ўша диёрлардан сўраймизми? Ўшал азизларимиз олдидан келишингизми? Қалай юришибди, тани-жонлари соғ, азиз бошлари омонми? — деб қулфи-дилим очилиб суриштира кетдим.

— Эсончилик-эсончилик. Азиз холаваччангиз-да, Боңу кеннойингиз-да, кўпдан-кўп дуои саломлар йўллаб қолмишлар. Ҳамма тануган, билган, сураганларга Аллоҳумдан кушойишлар тиламишлар.

— Эслаганларига раҳмат, шу дунёнинг бир чеккасида биз ҳам борлигимизни унутмаганларига раҳмат,— деб туриб, меҳмоннинг ўзидан ҳам кўнгил сўрай кетдим. — Дарвоке, ўзлари бунча узоқиб кетдилар? Элчиликни бўйинга олган киши ҳам одамни шунчалар соғинтирадими? Биз-ку мисоли тушовлаб қўйиб юборилган отлардан фарқимиз йўқ. Ўз даламиздан нари кетолмаймиз. Сарҳад ошиб учиб юрган Сиз эркин қушларга нима бўлди, дарагингиз йўқ?!.

Меҳмон бу сўзлардан ийиб, кўкси ўсиб кулди.

— Эркин-эркин қушлар денг-а?! Оҳ, Сиз мирзо жаноблари, оҳ, сиз сўз заргарлари, гаппи ҳам хўб топасизлар-да! Қани эди, ўшандоқ бўлса! Истаган тарафингга учолсанг, учиб етолсанг.

— Ҳарқалай, биздан кўра истаган учоғингизга мина оласиз-ку.

— Бу фикрингизда-да, жон вор. Жилла қурса бизда тушовлар йўқ, расмиятчилик йўқ. Лекин бу тарафлара йўл топмоқ мушкул. Ҳар кима виза беравермаслар. Аммо Аллоҳ ўзи билгувчи, қачон бу сарҳадларни очворарин Ўзи билгай. Ул зот «Кун» десаёқ бас: барча мушкулотлар барҳам топгай. Ахир эрта-ю кеч Худодан сўраб ётганлар қанча! Дарбадарлар, ватанжудолар қанча! Уларнинг ноласи Аллоҳга етмасми? Етади, ахир, Мақсудхўжа жаноблари.

— Илоҳим етсин. Ўшаларнинг зори етмаса, кимники етади? — дедим тўлиқа бошлаб.

— Аввало, ўшалардан салом, бу куни интизор интизор кутганлардан салом. Баҳриддин акангизнинг илтижоси, омонати бу, — деди меҳмон гап ўзанини шу ёққа буриб.

— Салом етказган ўзларига салламно! — дедим элчи жанобларини алқаб.— Биз ҳам ўша кунларни кутиб ётибмиз-да, интиқдан-интиқ, кўзларимиз тешилиб. Ҳар куни у кўзлар неча қайта ёшланади экан, — дедим аввало кеннойижонимни назарда тутиб. Аммо буни бу одамга айтиб бўладими?! Элчи Баҳриддин

акамизни таниганн билан Султон акамни билармиди, бу тарихларни тушунтириб булармиди?!

— Умид дорам, дейдилар. Шунака, бандасининг иши кутмок, илтижо этмок, ёзмишига кунмок. Хар икки дунё «иййяка наъбуду ва иййяка настаъйин[1]» устига курилмиш, Максудхужа жаноблари, ундан берига кушойиш йук, — деди мехмон тасалли бериб.

— Бизнинг хам ёлгиз зоримиз шу, — дедим мен хам эшилиб. — Шояд, сизнинг бу ташрифингиз уша кушойишларнинг бошланиши булса. — Сунг: — Унибуни куйинг, качон куришамиз, кандай куришамиз? Каерда тухтагансиз, мехмон жаноблари? — деб кистамокка тушдим.

— Шундай рупарангиздаги мусофирхонада тухтамишбиз. Сиза якин деб шу ера кундик, — деди у.

— Уни каранг-а, кул узатса етгудек жойда экансиз-ку!..

— Булмаса, хов бирдагидек театру майдонига тушиб бора берайлук. Топишуб олармиз?

— Топишганда-чи! Хозирок учиб боргайман-ку, — дедим энтикиб.

— Аллох куриштирсун, — деди мехмоним...

Куриштирсин, сураштирсин, азизларимиздан салом келтирган кишининг дийдорига Узи етказсин... Зиналардан учиб тушиб боряпману хов бирда мужда келтирган хорижлик мехмонимизнинг савлатли гавдаси, йирик-йирик кош-кузлари, кенг пешона, лупни юзлари куз олдимдан кетмас эди. Факат муйлабига ок оралаганмиди, йукми, эслай олмаётирман. Аммо чиксамок бир куришда таниб олсам керак...

Шовуллаб ётган фаввора олдига етиб улгурмадим. Унинг шовуллашидан хам бурун узини упиб, этинтузонларини учириб эсаётган шамоли... кишини сескантириб-жунжиктиргудек эди. Хали бахор-да, дарахтлар энди куртак ёзди, ёз келсин, кимга хам ёкмас экан у! Аммо фаввора ёкилган кунда ташриф буюрган мехмон бу гал кандай хушхабарлар билан келибди экан?!

Хаёлим уша ёклаю кузим олма-кесак терар эди.

---

[1] «Сенгагина ибодат киламиз. Сендангина мадад кутамиз». (Оятнинг маъно таржимаси).

Йук, меҳмони тушмагур, қай тарафдан келар экан, бир маҳал:

— Эсонмисиз, Мақсудхўжа жаноблари, — дея елкамга қоқса, чўчиб тушибман.

Ўгирилиб турк афандиларига ўхшаб тусаниб олган ўша басавлат тужжорни кўрдим. У ҳам хориж нусхи урган иссиқ чеҳрасию меҳр тўла кўзларидан бир таниш нурлар ёғилиб, ширингдан-ширин жилмайишга тушган эди. Беихтиёр:

— Субҳаналлоҳ, ўзлари-ку! — деб юборибман.

У ҳам қучоқ очди-ю:

— Сиз ким деб ўйлаб эдингиз?! Тоғ тоғ бирла кўришмас, одам одам бирла учрашгай, деганлари шу-да. Қани, ўшал узоқ юртга ризқи сочилган қариндошларингиз учун-да омонлашиб қуййлик, — дея бағрига тортди. — Уларнинг иссиқ саломларин, соғинчларин шу кўксимиза жойлаб келмишбиз. Аллоҳ шу дамлара етказганига шукр. Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳаналлоҳил азийм[1].

— Воҳ, Содиқхон афандим, ўша-ўшасиз, қилча ўзгармабсиз! — Мен жинкарча бўлмасам-да, басавлат меҳмоннинг қучоғида йўқ бўлиб кетган эдим, биз учун азиз кишилар олдидан келган элчини кучиб тўймасдим.

— Алҳамдулиллаҳ, алҳамдулиллаҳ, яна етказду. Яна дийдор насиб этду. Аллоҳ кўриштирамаи деса, йўлларни-да очиб юборгай экан, тўсиқларни-да, ўзи кўтариб ташлагай экан. Мана, яна келдук, Маҳмудхўжа ўғиллари, — дея бошига кўтаргудек бўлар эди у.

— Қадамларига ҳасанот. Йўлларизни очган, мушкулларимизни осон этган Зотга тасаннолар бўлсин, шукрлар бўлсин! — дедим ўзимни унутиб, унинг хориж бўйларию ифорлари гуркираган бағрига сингиб борар эканман. Шу чоғ кўклам елларининг рашки келгандек эпкин туриб, фаввора зарраларини бошимиз узра сочки эта кетдию «хай-хай»лаб пари жилмоққа, фаввора «ёмғири»дан қочмоққа тушдик. Нари-

---

[1] Айтилиши осон, қиёмат тарозусида оғир, Аллоҳга суюмли икки сўз: «Аллоҳни поклаб ҳамд айтаман, У Ўзи пок ҳам буюкдир». Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

лар эдиг-у, бир-биримизнинг бағримиздан чиқмоқни уйламаг эдик.

Сайрга чиққан кишилар ҳам биздан кўзларини узмай, ҳавас-ла боқар эдилар.

— Ўзларидан сўрасак, эл-овуллар тинч, қовму қариндошлар омонми? Тошкандларга жойлашиб кетдингизми? Марғубону келинимизникидагилар қалай, ўтиришибдир? Баҳриддин биродаримизнинг холаю торажонлари буларнинг дарагин эшитиб, қай куйларга тушишди?

— Дуои жонларини қилиб ўлтиришибди, — дедим узоқдан келиб, — етимларни асраб, дарагини чиқарган Худой ўзи кўриштирмасми? Осмон никоҳини тиклаган Зот дийдорни ҳам қиёматга қолдирмас, деб ўлтиришибди.

— Бу ҳам бўлса, Аллоҳнинг инояти. Фақат биз бандаси шошқалоқмиз, калта ўйлагувчимиз; Аллоҳга таваккул қила билмасмиз. Таваккул қилганни Аллоҳ ниятга етказмай қўймаган. Ўзимиздан қиёс, Баҳриддин ила бир борсак эди, кераклу кишиларни топсак эди, деб ният қилуб эдик, йўлларимиз очилуб, мана, кўришиб турибмиз. Иншааллоҳ, қолган орзуларимизни-да ўзи ушалтиргай.

— Шошманг-шошманг, Баҳриддин акамизни-да ола келганмисиз? Ёлгиз эмасмисиз?! — деб юбордим унинг тирсакларидан тутганча.

Меҳмон бош чайқади:

— Униси орзу. Ҳали сафаримиз осонликча кўчмас, деб, Баҳриддин биродаримизни йўлдан қайтардук. Биласиз, ўртада қанча чиғириқлар бор. Ўзимизга-ўзимиз мушкул сотиб олмайлук, дедук. — Меҳмон боягидек иссиқ жилмайди. — Эллук йилда эл ўзгарур дерлар, зора муносабатлар юмшаб, борди-келдилар, ҳаж йўллари очилиб кетса, Аллоҳимнинг биз ватанжудоларга атагани ҳам вордир, Мақсудхўжа жаноблари?

— Шуни айтинг, шуни айтинг, биздан кўра сизларга аёнроқ, — дедим ичим ёришгандан-ёришиб: ахир дунё кўрган шулар билмаса, ким билади, озодлик еллари қай тарафдан эсаётганини? Темир парда ичига ўралиб ётган биз бечоралар «совет шарофати»дан бўлак нимани ҳам биламиз?

Тик турганча сўрашиб, мулозамат қилаётганимиз бирдан эсимга тушиб, меҳмонни қистай бошладим:

— Юринг, афандим, ишхонага кирайлик, бир пиёла чой қилай, қандин-қаёқдан мозор босиб келгансиз, ахир. Кейин ҳовлига ўтамиз.

— Чой қочмайдир, Мақсудхўжа жаноблари. Лекин ишхонагамас, ишхонани пирхона, дерлар. Қолаверса, — у негадир ийманиб ямланди, — идорангиза кирмаганимиз маъқул, кейин қулоғингизни тинчитмаслар...

«Унда қаёққа ўтдик?» деб туриб, ақлим ярақлаб ёриша кета қолди:

— Шошманг, кўл чўзса етгудек жойда бир оғайнимиз такя очган. Бир соатгина ўтирайлик. Суҳбатизни олай? — дедим қистаб.

— Узоқ эмасми? — деди меҳмоним.

— Шундай пиёда ўтамиз. Беш минутлик йўл.

— Ундай бўлса, бошласунлар, Мақсудхўжа жаноблари. Ўтганимиз бўлсун, ўтирганимиз бўлсун, — деди у ҳам.

Ақлимдан айланай. Ҳикматхўжа ошнамни заб эслаб қолдимми?! Ўзи «бир келмайсизам, ҳамма-ҳаммага топилган бир пиёла чойимиз, сизга ҳам татти кеб қолар» деб қачондан бери гина қилар эди. Биз эса, борсак ҳам «пақир киши панада» дегандек кўринмай қочиб қолардик. Аммо-лекин овқатлари хўб мазали. Ош дейсизми, лўла кабоб дейсизми, яқиндан илиқ шўрваси ҳам чиқибди. Салатлар-ку анвойи. Айниқса, айвондан жой топсангизми, яйраб ўтирасиз. Меҳмонни ўша ерга олиб борганга нима етсин.

Лекин бу гал Ҳикмат эшонга имо қилиб қўйишга тўғри келади. Ҳазилми, меҳмонимиз нақ Пайғамбаримиз (У зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) юртларидан келган.

Эшоннинг ўзи ҳовуз бўйида сув очтираётган экан, кўриб боши осмонга етиб кетди. Бирпасда бахаво айвондан жойлар қилдириб, мулозаматлар ила рисоладагидек кута бошлади. Мен дўстимни таништирган бўлдим:

— Бу киши ҳам ўзимизнинг Каттабоғдан. Тепамасжиддан ўтганда, тегирмонкўча бошида туришарди. Ҳозир у ерларга кўча тушиб кетдимикан, валлоҳи

аълам. — Кейин кулиб қўшиб қўйдим. — Сиз Баҳриддин акамдан Ҳидой хэлалари ҳақда эшитган чиқарсиз. Ана ўша холамизнинг бир ўғиллари сабзи тўғрашда — жаҳон чемпиони. Яқинда Гиннесга ёзиб кетишибди. Мана шу «Мовий гумбаз»да ҳар куни неча кило ош дамлашса, ўшанга лозим сабзини бир ўзлари тўғраб ташлайдилар.

— Вох, чух гузал! Аломат ҳунар экан. Арзийди, арзийди. Гиннесга шундай аломат ишлар ёзилади-да, — деб меҳмон беш кетди. Кейин тулкиланиб сўради. — Ўша кишини бир кўрсатгайсиз. Балки Баҳриддин биродаримизни танирлар?

— Шуни айтинг, — дедим-у, лекин кўрсатишга... иймандим.

Ўзи яримта, устига устак чистончи Раҳим акамиз жиндек отиб олган бўлсалар-чи, уялтириб қўймасмиканлар? Кейин анув хоббилари-чи? Ишдан кейин майдонга чиқиб олиб, хорижлик меҳмонлардан осори-атиқа сифатида чақа-чуқа йиғиб ўтиришлари?!. У кишидек оёқлари калта, ўзи яримта одамни кўрган ким ҳам чўнтак ковламай ўтиб кета оларкан! Шунаққиб, ярим динор, бир доллардан бўлса ҳам оламнинг пули йиғилиб қоладикан. Бир қозон ошнинг сабзисини ёлғиз ўзлари тўғраб ташлаган Раҳим акам эса, ёнларида «тафтбости»га бир чойнак чой — ўзлари гўё хордиқ чиқаргани ҳовуз бўйига чиққанлар — ора-орада «Мовий гумбаз»га ташриф буюрган меҳмонларга таъзим бажо айлаб: «Ош бўлсин, келиб турингларов», деб чорсилари билан елпиниб, хушлашиб ҳам қўядилар.

Хорижликлар у кишининг гапларини қайдан ҳам тушунсин, суветни ҳам тиланчиси бор экан, деб, бешўн доллар ташлаб кетишади. Ташлаб кетишгани майли, баъзилари видеоларига ҳам олиб қўйишади. Охири ўша видеолари чатоқ бўлди. Чет элликлар келганда Раҳим акамни ҳовуз бўйига чиқармай қўйишди.

Аммо у кишида нима гуноҳ? У киши туғма чўлоқ эмаслар. Ойим айтиб ўтирадилар: гунгурсдек бир чиройли бола эди. Ҳамма суйиб қўлига олар, катта бўлса, заб полвон йигит бўладими, деб эркалар экан. Қаёқда! Кимнидир кўзи тегиб, бир куни Қулдош тоғам суйиб, отиб ўйнатаётсалар, қўлларидан тушиб кетиб-

ди... Шу-шу полвон бола яримта булиб қолибдилар. Ҳозир у кишининг бир тиззаларини ушлаб, яримта оёқни судраб босишларини курган одам... ачиниблар кетади...

Аммо Худо барча кучни қулларига берган. У кишининг гап сотиб туриб ҳам сабзи туғрашларини курган одам ёқа ушлайди. Одам эмас, машина, дейсиз.

Меҳмон шу кишини бир куришга иштиёқманд эди. Рости, курсатишга орим келди. Уялдимми, ножуя чистон қилиб қоладилар дедимми, ишқилиб, ёлғонни Худо кечирсин, Ҳикматхужага имо қилиб юбордим. У ҳам тушуниб, кириб кетди-да, қайтиб чиқиб, узр айтди:

— У кишини бир жойга олиб кетишган экан, жиндек юмуш чиқиб қопти. Сизлар баҳузур утира турингилар, келиб қолсалар, айтаман, хуп?

— Эсиз, эсиз, Баҳриддин биродаримизнинг холаваччалари экан, куришсак, биродаримиз куп хурсанд булар эди, — деб ачинди меҳмон.

— Мен сизни ҳали янги маҳалламизга, ундан холалариму тоғаларимникига олиб чиқмоқчиман-ку, шу билан қутулармидиз! — дедим.

Меҳмон ҳам бу манзиратлардан эриб, ростига кучди:

— Қану эди, қану эди! Биз сафар кишиси. Вақт эса тиғиз, — деди елка учириб. — Бугун бу ердамиз, эртага Худо билсин, қай шаҳарнинг қай гушасидамиз. Тужжорнинг умри шундай — учоқлардаю аэропортларда утгай. Бу ера етказганига, сизни куриб, манавиндай баҳаво ҳовуз буйларинда утирганимиза шукр. Аллоҳ узи чевар-да: бизни шундай топиштириб қуйибдир. Шундай дастурхонлар устида учраштириб қуйибдир. Ҳечбири беҳудамас: менинг келувим ҳам, сизни топивум ҳам.

— Илоҳим, илоҳим, — дедим уша ниятларга интиқиб.

Биз «тушланиб» булган, энди чой ичиб, ширин суҳбат қурмоқда эдик. У ҳам уша интиқлигимни сезиб, жилмайди:

— Чиндан ҳам, Мақсудхужа жаноблари, бу гал биза ажиб хизматлар юкланмиш, — деди бетимга иссик-иссик термулиб.

— Хуш, хуш? Биздан нима хизмат? Тортинманг хеч, — дедим кистаб.

— Хизмат шуки, — деди Содиқ афанди аллақандай гулдираб ҳам пишқириб. У баъзан аэбаройи тулкиланиб кетган кезлари ҳаво етмай қолар-да, қаддини бир қадар кутариб керишар ва шу топда овози ҳам аллақандай гулдираб чиқа бошлар эди. Унинг норғуллиги, улкан одамлардек бир ерга сиғмай қолиши шунда яққол сезилиб қолар эди. Мен унинг олдида узимни ушоқдек ҳис эта бошлар эдим, тавба. У ютиниб олиб, давом этди. — Аввалги гал Марғубонуга тегишли хабарларингиздан ку-уп мутаассир булишиб эди. Энди бошқа бир кишига тегишлув юмушлар чиқмиш.

— Хеч қисинманг. Холаваччамиз сурайдилар-у, билиб бермайликми? Айтаверинг, — дедим. Ўзим эса азбаройи интиқиб турибман, кимга тегишли экан, деб...

Меҳмон кутмаганимда мен томон энгашиб, овозини пастлатгали тушди:

— Улар бир биродарларин ожизасин изларлар.

— Изларлар?.. Кимни? — дедим ҳайратга тушиб. Чиндан ҳам бу ғалати хабар эди.

У овозини ундан-да, пастлатди:

— Сарҳад ошиб келмиш... экан...

— Қаердан-қаердан?! — Мен қаерда утирганимизни-да унутиб, овозимни кутариб юборган эдим.

Меҳмон елкамга қоқиб, узига тортди:

— Хай-хай, мирзо жаноблари, деворнинг-да қулоғи вор-а?

— Узр-узр, — дея узимни босиб олишга уриниб, рижога тушдим. — Фақат тушунтириброқ айтсангиз: қаердан келмиш?

— Ким, ушал мушфиқами? — деди у.

Ох, қаердан ҳам шуни айтди?! Мен шу бир оғиз сузданоқ ҳамма гапни англаб етгандек эдим. Куз олдимдан мушфиқа келинойим кетмай қолган, ундан, акамдан булак нарсани уйламай қуйган эдим.

Назаримда, элчи ҳам шундан булак нарса учун келмагандек! Лекин нега очиқ-ёриқ айта қолмаяпти? Нуқул ижикилайди? Илинжини руй-рост айтавермайдими?..

Мен у мушфиқанинг қаердалигиниям, кимлигиниям билиб турибман. Бўлади-ку шундай сезги, аввалдан билдириб турадиган... Шундай экан, ундан бўлак кимни излашарди?!

— Ҳар кишини-да бу дунёда бир орқадоши, қиёматлув дўсти бўлсин экан, Мақсудхўжа жаноблари, — деди меҳмон қаддию овозини ростлаб.

— Хуш-хуш? — дедим ҳисларимни зўрға жиловлаб.

— Мен сиза айтсам, Баҳриддин оғамиз кўздан-да яқун, жигардан-да афзал бир биродарина қаюшиб, ул оғасина яхшилуклар соғинадур. Биз ул ватанжудонинг аҳли аёлин дарагин билмак истарбиз.

— Истармисиз, излармисиз? — дея олдим.

— Униси-да, муниси-да, — деди элчи мамнун илжайиб. — Оғамиз ўз вақтида ул биродариндан тенгсиз яхшиликлар кўрмиш...

Ана уни қаранг!.. Қайтар дунёни кўринг!..

Чиндан ҳам Марғу кеннойимни ким унга етказиб, ким узилган никоҳ риштaларини улабди?! Ўшанинг қайтимини қайтармоқчи бўптими?! Қиёматга қолмасин, дептими?! Эвазига бу ёқларда қолиб кетган кеннойимни дараклатиб, элчи юборибдими? Бўлак нима ҳам бўларди?! Кимни ҳам изларди?! Менинг бутун вужудимга, бармоқларим учидан сочларим тагига довур ширин бир титроқ югуриб улгурган, ўзим бу хабардан осмонларда учиб юрардим. Шундай бўлса-да:

— Сиз у мушфиқанинг кимлигию кимларга тегишли эканини... айтмадиз-ку, — дедим элчига хуш тикилганча.

— Дарвоке, шундайми? Аллоҳимнинг ҳифзу ҳимоясинда бул диёрларда умргузаронлик қилмиш ул мушфиқа... сизга-да бегона бўлмас. Тангритоққами — қаёққа ҳижрат этиб кетмиш қай бир холаваччангизнинг шаръий никоҳидамиш-ку, Мақсудхўжа жаноблари. Салом холамизга келин қавлида бўлғай, топсангиз ўша диёрлардан — Каттабоғу Яккабоғлардан топгайсиз дарагин, дедилар-ку.

— Шуни айтмайсизми боядан бери?! — дея олдим қувончим ичимга сиғмай. Аммо ўзимга қолса, қани,

ҳоли бир ерда бўлсагу шундай ширин хабарлар ила келган элчини қучиб олиб, бағримдан бўшатмасам... — Фақат бир нарса сўрасам майлими, айбга буюрмайсизми? — дердим шивирлагудек бўлиб.

— Сўранг, Мақсудхўжа жаноблари, жоним билан айтай, — дерди у ҳам.

— Ўша дарбадарнинг ўзи-чи? — дедим тилим танглайимга ёпиша бориб. — Ўзи қай элларни ватан тутиб, қай диёрларда тўхтабди?

— Кимни айтасиз? — деди у дабдурустдан англай олмай.

— Ким бўларди, биз учун азиз ўша мужоҳидни айтаман-да... Акамизни айтаман-да.

— Ҳа-а, Баҳриддин оғамизнинг қиёматли ошнаси, ватанжудо холаваччасини айтасиз... — У енгил тин олиб, орқасига суянди. — Икки йил бўлдимикан, валлоҳи аълам, дараги чиққанига...

Қай юрт-диёрлардан сўрармиз? Омонмилар ишқилиб? — дедим ўксим бузила келиб.

— Сиқилманг, кўнгилингиз ҳам бузилмасин, Мақсудхўжа жаноблари. Ўзини хор қилдириб қўймайдиган жигарларингиз вор экан. Аввалда Пешовардами, қаерда эди.

— Ҳозир-чи, ҳозир қаердалар? — дедим титраниб, қоланерса, у манзиллардан келган хатлар рост чиқмоқда эди.

— Бомбейдами, қаерда — бандаргоҳда кўним топмишлар. Кемалару қаюқларни мумлашар эмуш.

— Мумлашар эмуш?!. — Мен билганларим тасдиқ топаётганидан ҳайратга тушиб, қайтариб сўрардим. — Шундай ботур — шундай мужоҳид акамиз-а? Ҳалигача-я?..

— Сиз хурсанд бўлинг, Мақсудхўжа жаноблари, ўша ердан шундай бир юмуш топганларига, ватанжудолар жамияти очганларига.

— Жамият?! — дедим мен орзиқиб, акам ўша ерларда ҳам жим ўролмагани яна тасдиқ топмоқда эди.

— Мушкул кунга қолган ватанжудоларни ҳимояга оладурган, қўллайдурган жамият эмуш. Ниятнинг улуғлигини кўринг, Мақсудхўжа. Ҳар ким ҳам бу ишга бел боғласин-чи! — деди меҳмон мутаассирланиб. —

Шундай ишларга бош қўшадию биз қаюшмайлукми?! Аҳли аёлини топишиб юбормайлукми?

Мен унинг сўзларидан ҳали-ҳануз титраниб бормоқда эдим:

— Сиз уларни илгаридан биладигандай топиб келибсиз-а!.. — деб юбордим.

— Кимни, қай бирларини айтасиз, Мақсудхўжа жаноблари? Мен нимагадир ақлим етмай борадир. Ҳар иккалалари-да Сиза холавачча эмасларми?.. — деди Содиқхон афанди сергак тортиб.

Мен ўзимга келиб, элчимизнинг кўзларига термулдим.

— Албатта, холавачча! Аммо Баҳриддин акамизга Марғу кеннойимни етказган ўша валломат бизга ким бўлишини билсангиз эди!.. — дедиму хушхол энгашиб меҳмоннинг қулоғига шивирладим. — Бизда ҳам биров билиб, биров билмас хабарлар бор: ўша туғишгандан аъло акамизни... Олтинхон тўрам Маккага чорлаётган эмишлар. Ўшанақаси биродариникига кирса ҳам ажабмас.

— Ким, Олтинхон тўрам-а? Маккага-я?.. Вой, Мақсудхўжа жаноблари-ей, зўр экан-ку сизнинг хабарлар ҳам! Биз билмайдиган нарсаларни биласиз экан-ку!.. — деб юбордию у азза-базза туриб, рандадек кафтини елкамга ташлади ва ўзига тортди...

Биз жону жаҳонимиз эриб, бир-биримизнинг бағримизга сингиб борар эдик.

2. Улар кимнинг аҳли аёлию тирноғин излашар?

Уйларнинг сояси тортилиб, офтоб терак бўйидан ошган сари осмон тоқи тиниқлашиб, камига мовийлашиб кенгайиб борар эди. Балки мен сўрига чиқволиб ток таранга тушганимдандир бу. Ишкилиб атрофга суқланиб боқар, ҳали ҳовли ортидаги ўрик шохида чиёв-чиёвлашга тушган саъвага, ҳали қўшнининг тупроқ томи буғотига қўнволиб, тожини ёйиб-йиғиб «ҳукулиш»лаётган попишакхонга анқайишга тушган эдим.

Пастдаги айвонда эса, ойим чордана қуриб ўтирволиб, менга қайси навдани кесиб ташлашу қайсинисини қолдириб, қандай боғлашни ўргатиб турибдилар:

— Йук-йук, унисига тегма. Кузинг каёкда?! Ўша майда бугини шуралаcин-да ҳали. Сенга колса, сатта узум киладиганини кесиб, эркак навдасини колдирмокчимисан? Куй, билмасанг, келиним чикади, — деб тергаб куядилар ора-орада. Бунга сари кулгим кистаб, юзимни четга бураман.

— Нега куласан, у сендан укувлирок. Битта айтгандаёк илиб олади.

Баттар кулгим кистаб, бурнимни елкамга ишкайман: кани, шайтоним куйса...

— Ха, унга нима кипти, сўрига чикмай юрган жойи борми? — дедилар азза-базза жаҳллари кистаб.

— Ҳа, энди... сўрига икки киши чикканидан... бир киши чиккани тузук-да, ойи, — деб унинг оғир-оёклигига шама килган булдим.

— Куякол унда. Кенжа тоғанг тараб бера колар. У кишининг кули теккан навда ҳосил бермай куймаган.

Ола! Мен туриб, тоғамни чакиртириб юрсалар, айтмайдиларми?!.

Азза-базза хафа булган жойимда... дарвоза зулфини шикирлади.

— Хой, ким бор, кутлуғ уйда? Меҳмон кевотти уз оёғи билан.

Овоз таниш, жуда ҳам таниш эди. Ҳассанинг дук-дуки ундан-да таниш эди.

«Келаверинг, почча»лаб нарвондан тушиб борсам, чиндан йулакдан у киши кириб келяптилар. Бирпасда бағримиз тулиб, уйимизга файз кириб кетди.

Дастурхон ёзилиб, чой кирди. Дуолар булиб, холаҳвол сураша кетдик. Кариндошлар сал узокка тушиб, ҳовли-жой килса, шу экан: соғиниб, ичикар даражага етар экан одам. Шунданми, сурашиб-исташиб туймас эдик.

Колаверса, биз истаб бориш урнига, у кишининг йуклаб келганларидан, ихраб-сихраб булса-да, шу ёкда хешларим бор-ку, деб кирганларидан бир — хижолатга ботсак, бир — бошимиз кукка етар эди.

— Борса-келса, окибат узилмайди-да, Саломхон. Оёғимиз остидан шамол утиб турибди, шунисига шукр. Ҳасса нима, бир далда-да, ёттулик килмасин, — дер эдилар у киши пишиллаб. Басавлат одамнинг ёстикка

суялиши ҳам, хонтахтага кўкрак бериб, ҳуриллатиб чой ҳўплашлари ҳам бир бўлакча эди. Суяги йўғон, тоши оғир одамнинг шундан шу ёққа бизни деб келганлари, ҳовлимизга юз бурганлари, айниқса, бизга хуш келмоқда, у кишини ҳар қачонгидан яхши кўриб кетмоқда эдик.

Тоғаларимизникига келиб, босиб ўтиб кета олмадилармикин ё атайин келяптиларми, бунисини била олмай ўтирардик.

— Ҳай, бизнинг тоғ ошиб келган арзанда келинимиз қани, Ёдгормурод қани? Улар кўринишмайди, қаёққа жавоб бергансиз? — деб қолдилар počча очиқ эшикдан ҳовли адоғидаги уйлар томон аланглаб.

Шундагина бир нарсаларнинг учини сезгандек юрагим ҳаприқди: нима гап экан? Шунчаки суриштиряптиларми ё бирон хабар борми, деб юзларига термулдим. Аммо у киши соқолларини тутамлаб-силаганча жавоб кутсалар-кутардиларки, менга қарай қолмас эдилар. Юзларидан бир қувончли нарсани сир тутиб тургандеклар. У нима экан, деб ичим қуриб боряптию... ўзим Баҳриддин акам юборган элчи ҳақда ҳеч кимга миқ этмай юрганимдан (Келишув шундай! Ҳатто кеннойимга, Ёдгорга сўз очганим йўқ! Элчи қаттиқ тайинлаган!) жим қола қолдим. Ҳозир ҳам очмаганим маъқул бу гапни, очсам — ойимлардан балога қоламан. Бошланади сўнг: нимага айтмовдинг? Биз кўрсак бир нарса бўлардими? Шундан шу ёққа одам келадию уйга опкелмайсанми? Анув муштипарларга бир оғиз билдириб қўймайсанми? Шунча кутганда — арзимабдими, дарагини эшитса?.. Ундан кўра, ичимда ётавергани маъқул. Бунақа нарсаларнинг исини чиқариб бўладими!

— Қумлоққа кетишди. Ойтўрахонни кўриб келгани, — дедилар ойим, мен рухсат бердим деган каби на қўшдилар, — У киши ҳам табаррук, дуоларини олиб туришгани маъқул. Бир вақтлар бағриларида ўтиришган.

— Э, шунақами, мен Султонмуродимизнинг тириоғини кўриб кетаманми, девдим. Ҳайитлик беролмаб эдим, бериб кетаманми, деб эдим. Э, аттанг, э, аттанг, — деб қолдилар у киши.

— Шошадиган ериз борми, почча, утира туринг. Келин куксомсанинг харакатига тушган. Кейин узим ош дамлайман, кулбола килиб. Унгача кайтиб хам колишади, — дедим соғинганимни жиндек сездириб.

— Хай, сенинг гапинг хам тузук, каёкка шошаман. Кечкурун обориб куйсанг булди-да, — дедилар халитдан кетиш ғамидан суз очиб.

— Колавурасиз-да, — дедим атай.

— Ху, жиян-а, — дедилар у киши оркаларига суяниб-кулиб. — Сенам каригин — биласан, уз уйинг улан тушагинг эканини. Колаверса, холанг куз юммай чикади.

— Опкелавермабсиз-да, опамларни хам. Ётиб кетардилар, — дедилар ойим.

— Уми, билгани йук. Исини чикармай куя колай девдим топган гапимни...

— Вой, яна калака гап? Ниманинг иси? — деб ховликиб колдилар ойим. — Шу муштипаргинага тегишлими?

— Нима десам, сизга кандай тушунтирсам, — деб почча талмовсирадилар. Афтидан бу гапни хеч кимга очгилари келмай мени излаб келганлар-у, хозир ноилож колган эдилар. — Ўзимам таги-тугига столмай сарангман.

— Нимани, очик-ёрикрок айтаверинг, — дедилар ойим.

— Шу янги имомимиз кечагинда бир гап топиб кепти. Эмишки, хаждан кайтган муфтий таксиримиз бир одамнинг омонатидан суз очганмишлар. Уша коч-коч пайтларда ахли аёли колиб, узи хижрат этиб кетган биров якинлари дарагини сураттанмиш. «Сизда хам бир муштипаргина бор деб эшитамиз, эри сархаддан утолмай колган. Таксиримга балки учраб бокарсиз», дейди. Ушандан бери на еяр-ичаримда, на утирар-турапимда халоват бор. Кошки бизга тегишли булиб чикса деб... — Почча куксиларининг ичи ачишиб бораётган каби уша жойларни силаб, яна оркаларига ястандилар, — Султонмурод хажда нима килади, у ерларга етишга йул булсин, бошка бировдир деб, узимга таскин-тасаллулар берсам-да, тинчий олмаяпман хеч. Худо хохлаб турибдики, бу хабар бизгача етиб келибди. Хохламаса, кайдан хам етарди деб, эрталабдан бу ёкка юрвордим. Нима килай, нима булса,

Худодан кўрдик, деб бир бориб кўрайми, Мақсудхўжа? Ҳарҳолда сен ўқигансан, дунё ишларидан хабаринг бор. Ишонса бўладими шу гапларга... ё ҳаммаси бир уйдирма, тузоқми? Оғримаган бошга ташвиш орттириб олмасмиканмиз?

Мен ялт этиб ойимларга қарасам, у киши қўлларининг юзидаги кўк ипакдайин томирларини силаганча хаёлга толиб қолибдилар. Бир тўхтамга келганларини билиб бўлмайди: шунчалик хаёл олиб қочган.

Почча ҳам бу ҳолни кўриб, совуб қолган чойларини симирарканлар, орқасидан чуқур тин олиб, юзларини ишқаб қўйдилар:

— Сўз очгани ҳам қўрқасан, очмагани ҳам. Айтсанг ҳам — бир бало, айтмасанг ҳам. Бу ҳукумат ис олиб қолса борми... — дедилар у киши хум бошларини маъноли сараклатиб,— ундан кўра, «оч қорним — тинч қулоғим» яхшироқмикан-а?

Мен у кишининг сойларидан ҳам хавфсираётганларини билиб турсам-да, элчи келгани, кетидан бу гапнинг чиқиши ҳеч бекорга ўхшасди. Демак, Султонмурод акам ҳам тинч ўтиргани йўқ: буларни топиб, зиммасидаги шаръий бурч — омонатни ўташ ҳаракатида! Шундай бўлиб чиқадими?.. Ундай десам, Баҳриддин акам жўнатган элчидан хабари йўқ, тақсирга оғиз очиб қўйдимикан?.. Ҳеч тушуниб бўлмасди.

— Чиқмаган жондан умид, ўзимизнинг одам — муфтий экан-ку, — дедим.

— Ҳе, жиян-а, — деб қўл силтадилар почча, — буларнинг ичида ҳам муросаи мадорачиси қанча, хизмат қилиб қўйгани қанча. Яктагу салла бир либос, холос. Жон эса, ширин.

Ичимдан ё қиринди ўтди, ё бошимдан бир олов чиқиб кетди (Балки ҳар иккиси шу бир лаҳзанинг ўзида кечгандир):

— Қандай?! Худодан қўрқмасдан-а?.. — деб юбордим. — Меҳробда чаён ётса, бу ёқдагиларни ҳоли не кечади?

— Астағфируллоҳи ал-азим. Балки биз адашаётгандирмиз, Аллоҳ зоҳирга эмас, ботинга қарайди-ку.

— Унда нимадан қўрқасиз? — дедим қидираётган одам акам эканидан умидимни ўзмай.

Ойим шаша-дока рўмолларини пешоналарига тортиб, учини елкаларидан ошириб ташларканлар, бош тўлғадилар:

— Гумондан имон ҳам қочади. Каъбатуллоҳгаки бориб келган одам... ундай қилолмас. Бораверинг, Аллоҳнинг ёзганидан бўлак нима бўларди? Балки келингина боякишнинг бахти очилай деб тургандир.

— Шуни айтинг. Балки ҳаммаси ростдан ҳам яхшиликкадир.

Мен ич-ичимдан «Қани эди, қора кунлар орқада қолиб, булар ҳам рўшноликка чиқа қолса», деб учиб-қуниб турардим-у, калламнинг бир чеккасидаги шубҳа қўймасди: «Шошма, шунча кўргиликлари камми? Ҳукуматнинг найранги бўлмасин. Ундан кўра, сабр қилиш керак. Ишончли элчи келиб, хатимни кутиб турибди-ку, ахир». Ахийри ўша шубҳа тош босиб, фикримдан қайтдим:

— Аввал билалиганроқ одамга маслаҳат солиш керакмиди?

— Кимга? — дедилар почча сергак тортиб. — Анув ошнасига дейсанми?

Тушундим, Чаман акамни айтаяптилар. Кечаги элчи ҳақида миқ этмадим-у, буни айтиб бўладимикан? Ернинг тагида илон қимирласа, билади-ку, буни билмайдими? Акамнинг қайтиши мумкин бўлса, Чаман акам аллақачон ҳаракатга тушиб қолмасмиди.

Ундан кўра, Тўрамнинг олдиларига ўтмоқ лозим. Ким-ким, у кишидан хайрли бир маслаҳат чиқиши аниқ.

— Истасангиз, Тўрамнинг олдиларига обориб келай. У киши айтган одамизни билсалар керак, — дедим тусмоллаб.

— Дарвоке, сен ҳақсан, — дедилар почча пишиллаб, — ҳақ бўлганда ҳам кўз карра ҳақсан. Бориб секин сўрайлик-чи, бор гапмикан-йўқ гапми? Отланотлан, мен рози.

— Ҳой, почча, келмасиздан-а, — дедилар ойим азза-базза ҳовлиқиб, — келин кўксомсани опкесин, омонлик-сомонлик қилайлик. Худонинг куни биттами? Қолаверса, ўша муштипаргина келсин, Ёдгори келсин. Сизни кўриб, бошлари кўкка етсин. Келмасиздан йўл кўрманг-да, почча.

— Бунти-бунти. Суриштириш мирзога тан. Мен қолдим, — деб иккала қулларини кутарганча чайқалиб қуйдилар у киши.

Бундан мутаассир булиб ҳаммамиз кулдик. Чиндан Нусрат поччанинг қиликлари ўзларига ярашарди, улардан бошқа одам бундай беғараздан-беғараз кулги уйғота олмасди. Хатто Ёдгор ҳам, кеннойим ҳам, кузда ёш билан бу кулгига қушилган булар эдилар. Хозир эса, ким аҳли аёлию ёлғиз тирноғини излашидан бехабар қаерларда юришар, билишса борми, юраклари ёрилар эди.

Чиндан Ойтура бувининг зиёратига кетишдимикан ё Чаман акамдан бирон мужда кутиб? Мен аниқ бир нарса билмасдим.

3. Ўзи пок, дарди дунёси қора бир инсон

Поччани киракаш машинада Бешқайрағочга ташлаб қайтсам, маҳалла зим-зиё, на бирон кучада чироқ бор, на бирон уйда липиллаган ёруғ. Ҳаммаёқ тимтирс, одам зоти куринмайди. Худди алламаҳал булиб кетгандек.

Ваҳоланки, кетаётганимда чироқлар чароқлаб ётиб эди. Қанча вақт булибди экан? Қолаверса, кеннойимгилар шаҳардан қайтишмаган эди.

Шу хаёлда гузарга яқинлашиб қарасам, дукон ёнидаги қоровулхонада бир нарса милтираяпти. Ким экан, бемаҳалда ҳужрага чиққан? Секин бурилдим. Борсам, шахматчи харифларим хонтахта устига мук тушганча дунёни унутиб дона суришяпти. Ёнларида ёғга солинган пилик ожиз чирсиллаб, шахмат устинигина зурға ёритиб турибди. Шу аҳволда:

— Ших, қочсинлар! Ших, ишонган тоғларини берсинлар! Ших, мотга тайёрланавурсинлар! — деб дона суришяпти.

— Эй-й, харифжонлар, бормисизлар, уртанглар тулсин, — деб кириб бордиму утириб қопман.

Неча қул уйнадик, уртада шахмат неча айланди, билмайман. Бир маҳал биров эшикни очиб юбориб:

— Э, баракалла, у ёқда ким нечта туғиб утирибди, бу ёқда буларнинг топган уйинини куринг, — деса,

узимизга келибмиз. Дарвоке, ойим куз юммай утирадилар-ку. Устига-устак, Ёдгорлар ҳам келишмаган эди, деб урнимдан турдим.

Ичим ғурмишлаб, уйга етиб келсам, эшик юзига ёпиқ, қулф тушмабди. Демак, ойим тиқ этган товушга қулоқ тутиб утирибдилар. Киришимдан уришиб беришлари аниқ. Шунинг учун ҳам оёқ учида кириб бориб, деразадаги қулфни ола бошладим. Аммо ичкаридан... қанақадир пиқ-пиқ йиғи товуши келар, товуш ҳам танишдек эди...

— Шунақа, кичигойужон, дардум ичимда. Чироқ ёқса, ёрумайду. Бу бало қайдун ёпушду, қай гуноҳларумга тутду, — деб сиқтарди кеннойим... Қотиб қолман.

— Ҳаммадан яширсангиз ҳам узимга айтавермайсизми? — дедилар ойим.

Кеннойим йиғисини ютолмай, ҳиқиллади:

— Кошки... айтуб булса, кичигойужон.

— Мен кимман, келинпошша? Нега онангиз урнида онадек куравурмайсиз? Бир чеккаси келиним булсангиз, бир чеккаси шу ёқдан кетган кишиларнинг тирноғисиз, чироғисиз, — деб тергай кетдилар ойим. — Аллоҳ оталаризга буюрмаган юртни сизга буюрибди, шукр қилинг. Бировларникимас, бизни бағримизда утирибсиз. Бизга суянмай, кимга суянасиз?! Султонмуродимизнинг тақдирида аҳли аёлию Ёдгорини бизга қолдириб, узи дарбадар кетиши боракан, не қилайлук?! Кунамиз-да Худонинг ёзуғига. Дардизни олай, ундай қилманг. Ҳаммасини ичингизга солаверманг. Анави Ёдгоризни уйланг. Эрта бириси кун уни уйлашингиз, орзу-ҳавасини куришингиз керак. Келин туширсангиз, қулидан бир пиёла чой ичганингизда бу кунлар унут булиб кетади, айланай. Зиммангизга ҳам ота, ҳам она булиш тушибди, ҳали ажрини ҳам курасиз. Тирноғингиз эр етиб қолди, ҳар одамлар борки, тирноққа зор, чироғбошга зор. Ҳеч сиқилманг, Аллоҳнинг ваъдаси бор, мен шукр қилган бандам биланман, деган. Туғрими?

— Раҳмат, кичигойу. Яхшуям сизлар боркансиз.

— Ҳа, бу бошқа гап. Дард берган Аллоҳим шифосини бермасми? Судралиб юрувчи бир илонки, жароҳатига шифо топганда, биз тополмасмизми?

Мен дамим ичимда, ҳамон дераза тагида миқ этмай турар, кетолмас ҳам, қимирлай олмас ҳам эдим.

— Қандай? — дедилар келлойим илинжда.

— Далаю даштдан бир ўтни топиб бориб, ўшангга жароҳатини сурта-сурта, тузалиб кетади экан. Ана ўшани эрмана дер эканлар. Биз ўшанчалик ҳам эмасмизми? Буннинг ҳам бир давоси бордир, келинпошша...

Мен эсовсираб қолган эдим. Кеннойим бечора, томоқларига довур ўраниб юришлари шундан эканми? Бошидан рўмол тушмай, енги узун кўйлаклар кийиб олишлари, билакларини худди яра чиққандек дока билан таңғиб ташлашлари... шундан эканми?! Олим акамникига уйқурарга борганимиздами, қаерда кўриб эдим, худди янги тушган келинлардек рўмолларини томоғлари билан қўшиб ўраб олганларини? Ўшандан бошланган эканми?

Нега ранглари чиқмайди, узун хаёл сурганлари-сурган десам... оқ тушиб, шу дард илашган эканми? Ойтўра бувининг олдига ҳам бекорга тушмаган эканлар-да.

— Ҳамиша шундай қолмас, келинпошша...

Шу маҳал... чироқ бирдан чароқлаб ёниб, ҳаммаёқ чароғон бўлиб кетса... кўзларим қамашиб, тисарилиб кетибман. (Қолаверса, дераза тагида сўз пойлаган кимсадек туришим хунук эди!)

Қулфни ола дарвозахонага қайрилган жойимда ичкаридан ойимнинг овозлари келди:

— Ҳой, ким? Мақсудхўжа, ўзингмисан?

— Мен-мен, келдим...

— Сен келишинг-ла чироқ ёнаркан, воҳлироқ келмайсанми-я, болам?

Мен эшикни қулфлаб, қўлимни чайиб кириб борганимда, улар анча ўзларига келиб қолишган, кеннойим хонтахта устини йиғиштиришга тушган, аллақандай ноқулай ҳолатда одамга қарамасликка тиришар, кўзёшларини артиб улгурган бўлсалар-да, нами билиниб турар эди. Мен ичим зил кетиб, сўрашишга ҳам тилим бормай турарканман, ойим хушимга келтирдилар:

— Ҳа, болам, жа қолиб кетдинг? Ҳоланг яхши эканлармн?

— Сўрай-сўрай бир ерга етишди, дуо деб қолишди.

— Саломат булишсин. Кичкина булсаям битта машина олсанг, «ғувва» обориб-келиб турармидинг. Одам соғинаркан, болам. Ҳа, қани-я, Каттабоғда утирганларимиз? Соғинсак, эшикка тамбани босиб кетаверишларимиз? Алламаҳалгача гаплашиб утириб келишларимиз? Кадри утяпти.

— Энди мен қачон урганардим! Ундан кура, ана, Ёдгорни укитамиз. Урганволса, обориб келаверади.

Бу ғаним чой янгилагани чиқиб бораётган кеннойимга ёқиб, қайрилиб қараб қуйдилар. Кузларида йилт этган ёлқин у кишини янги келган даврларига қайтаргандек эди, тавба. Юзлари ёришиб:

— Ўша кунларга етказсун, илоҳум, — дедилару чиқдилар.

Ойимлар билан қолиб, мен у кишига саволомуз қарадим:

— Тинчликми, ойи, руҳлари тушиб кетибди жуда?

Ойим дамларини чиқармай, эшикка имо қилдилар. Сунг оёқ овозлари узоқиб бориб, ошхонага кириб кетгачгина:

— Боякишга шу етмай туриб эди, — дедилар бош тулғаб. — Нима қиласан, Аллоҳимнинг ёзмиши. Суйганига дарду машаққатни қоплаб беравурадикан.

— Тушунмадим?

— Ҳаммага ҳам берсин-чи, бермайди. Пировун[1] дегани утган экан, додам раҳматли айтиб утирардилар. Ўшанга ҳамма нарсани, мулкниям, дунёниям бериб қуйиб, дардни раво курмаган экан.

— Ёмонми бу? — Мен ҳамон нима демоқчи эканларига тушуна олмай утирардим.

— Бош оғриғи нима деган гап? Ҳатто ушани ҳам бермаган экан.

— Нега?

Берсам, менга илтижо қилиб, топиниб қолади деб, бермаган экан. Дардни ҳам суйган бандасига, амаллари хуш келганига беради. Кеннойингга ҳам ибодатларини мукаммал этсин, деб берган-да, болам, бу нарсани.

— Ўша ҳаммадан яшираётганлари шунчалик қурқинчлими, ойи? дедим утакам ёрилиб. Қолаверса дамим ичимга тушиб, эшикка аланглар эдим.

---

[1] Фиравн демокчилар шекилли. *(Муаллиф)*.

— Аёл кишига хунук-да, болам. Устига-устак, суқсурдек жувон шу оқ балога учраб турса. Ҳамма қатори яйраб-яшнаб юролмаса, бировга кўринолмаса... Султон акангдан тирик жудо бўлгани кам экан. — Ойим чуқур тин олдилар, ичларидан олов ўртаб чиққандек, кетидан боши тўлғаб дедилар. — Нимаям қилади, осмон узоқ, ер қаттиқ...

Менинг ичим баттар тилинди:

— Шунчалик белаво деб ўйлайсизми, ойи?

— Қайтиб, мусаффо бўлиб кетибди, деганини эшитмаганмиз...

Энди ичимни бир ғашлик тирнагандан тирнай бошлаган эди. Ўғли эр етиб қолганида шу ҳам бор эканми? Ичим худди биров тилимлаб, туз сепаётгандек ачишар эди.

— Шаҳарга нимага боришибди экан? Табиб излабми?..

— Чаманни опаси Эски Жувадаги ёймачилардан бир гап топиб келганмиш. Арпаоязда шунақа оқ тушганни бошланишида даволайдиган табиб боракан. Агар хорижга кетиб қолмаган бўлса, ўша даволайдимиш.

— Боришибдими? — дедим умид тутиб.

— Йўқ, биздан бемаслаҳат ўтмабди. Йиғлаб-сиқтаб қайтиб келди. Шунисига ҳам шукр. Бизни қора тортиб, кутиб ўтирибди. Бошқаси бо Худо, дердик чопарди. Бу истиҳола қилди. — Унақа-бунақа нарсага хўрликлари келмайдиган ойим энгашиб олганча кафтларининг орқасидаги оч кўкимтир томирларини силашга тушган эдилар.

Мен қайтариб сўрашга журъат этдим:

— Қандай табиб, дедиз?

Ойим айтгилари келмайинқираб айтдилар:

— Жуҳуд табиб деса, ҳамма биладимиш.

— Улар ўта ақлли халқ, балога ақли етади. Нима бўпти, бораверишi керак, — дедим миямга келганини қайтармай.

Ойим ялт этиб афтимга қарадилар-у, энсалари қотгандек, юз буриб олдилар. Мен ҳеч нарсага тушунмай мовдирадим. Аммо шу тоб эшик очилиб, чой кўтарган кеннойим кўриндилару биз жим қолдик. У киши пиёлаларни чайиб, чой дамлаб келмоқда эдилар.

— Ҳожати йўқ эди, бекор уринибсиз. Керак бўлса, ана, Саидага айтардик, — дедим.

Ойим у кишини алқадилар:

— Барака топинг, ош энди чанқатвотувди. Келин бояқиш, болаларини ухлатаман деб, ўзи ҳам мизғиб кетгандир-да. Майли, тиниқиб ола қолсин.

Мен разм солмайман десам ҳам назарим кеннойимнинг ўша рўмол ўраган жойларига, қулоқ юмшоғи ортию соч тагларига кетиб-кетиб қолмоқда эди. Ўша қулоқ юмшоғининг ёнгинасидаги тангадек нори тепасида (ё тавба, бу неси бўлди!) тухум пучоғигами ўхшаш бир нарсани кўриб, ичларим титраб кетди. Қайдан илаша қолибди бу бало? Ё неча йил сурункасига кўрган азоблари, сиқилишу кутишлари, бедарак кетган акамга етиб-етолмаслигию эртасини билиб-билолмасликлари — барча-барчаси қўшилиб, шу оқ дард бўлиб чиқибдимикан? Акам келмагунча бет-қўлини шундай тутиб боравурадими бу? Унгача давоси йўқми?

Менинг назаримда шундай эди, унгача биронта табиб иш эшолмайдиган, давосини топиб беролмайдигандек эди. Акам келадию у яна бир эт ташлаб, аввалгидек яшнаб кетадими?

Аммо акамни қайси мард топиб кела олади? Топганда ҳам сарҳаддан қандай ўтказади? Қошки бу ҳукумат жим қўйса! Ҳамма-ҳамма билан уни ўтказиб қўядилар эканми? Яшатиб қўядилар эканми?

Нима қилмоқ мумкин? Мен кеннойим учун, акам учун ҳамма нарсага тайёрдек эдим, кўз юмганча қолган эдим. Аммо улар учун ўзни нисор этишнинг бирон-бир йўли кўринмасди. Гўё миям тўнгиб қолгандек ўтирардим.

Бошқа қандай ҳам йўл бор — жуҳуд табибдан бошқа?..

Ичим ўртангандан-ўртаниб борар, ҳеч кимгаю ҳеч ёққа қарай олмасдим. Чой ҳам татимас, ичсамоқ ичимни ёндириб юборадигандек эди гўё. Туриб қўл чайиш баҳонасида ҳовлига тушиб бордим. Бодроқдек бодраб кетган осмон юлдузлари ғашни келтирар даражада яркирар, нимқоронғу кўкдан адашган тун қуши чуллдираб ўтиб борарди. Қаёққа, Худо билсин.

4. Ниятга караб ажр берилса, агар...

Кун чиройли ёйилиб келар, у қушнининг навдалари ғудда-ғудда буртиб ётган гилоси устидан уй пештоқларига сирғалиб тушиб улгурган, мана-ҳозир ўша пештоқлар алангаланиб кетадигандек бир тус олиб борар эди. Куклам офтобининг тиниқлиги шунчалик, нурларининг муллиги шунчалик! Ундан жилла пастдаги равон ойналарига тушиб борсами, қараб булмас ҳам экан-да.

Боядан бери улкан шотут тагида қувалашиб, ҳали томга, ҳали пастга учиб тушиб, тинмаётган майналар ахийри нимадандир ҳадиксираб том ошиб учиб кетдилару дарвозахона йўлагида биров томоқ қириб йуталинди.

— Хов, опа, ким бор?

Овоз танишдан-таниш, тоғамларникига ухшаш эди: куз олдимга у кишининг сассиз жилмайиб кириб келаверишлари тушиб:

— Хозир-хозир, — дея чиқиб боравердим.

Чиқсам, чиндан тоғам, ярим йўлда жилмайинқираб турибдилар, орқаларида девор ушлаб юрадиган кенжа тоғамларнинг култиқларидан олганча дароздан-дароз Яхё акам остона оша пастга тушаяптилар. Тоғамни култиқларидан тутганлари камдай, яна бир қулларида бир шишабонка каймоқ билан иккита иссиқ нон. Мен унинг янги тандирдан узилганини дарвозахонани тутган ҳидиданоқ сезиб, қулларидан олишга ошиқдим.

Яхё акам шунақалар, бизни маҳаллага келиб қолсаларок, бас, ҳаммамизникига бир-бир кириб ўтишлари бор, кирмай кетганларини куриш тугул, эшитмаганмиз.

— Ҳаммангни ичингда Яхё бир бошқача-да! Келдими, бош суқмай кетмайди, оқибатни ундан урганинглар, хой, фалончи, — деб ойим ҳаммани уялтирганлари-уялтирган. Хатто тоғаларимни-да кузларини очирмайдилар, хеч кимни аямайдилар. Бугун қайси тоғ қулаб, нима булақолибдики, тоғам жиян-қайнилари билан бошлашиб келар эдилар. Кенжа тоғам, албатта, узлари йўлдан қушилганлар. (У киши вақт топдилар дегунча, Қуръон уқигани кириб турадилар. «Опа,

сиззи Қуръониз тиниқ, дона-дона, одам зер-забарига адашмайди. Менам шунақа босмасидан топтирсам эди», деб қуядилар).

Мен улар билан куришиб-исташиб, ойимларнинг уйларига бошлаб кирдим. Кеннойим култиқларидан олиб, у киши туришга унналаётган эдилар, тоғаларим қуйишмади.

— Ҳой-ҳой, опа, сиздан лозимми шу, узиззи урин-тириб? Мана, биз кириб булдик-ку. Ҳалиям булса, ултиринг.

Аммо ойим уз билгиларидан қолмай, бош тулғардилар:

— Мани қуяверинглар. Эр кишининг уз ҳурмати бор. Туриб сурашганга нима етсин. Момо Ҳаввони ҳам Аллоҳим эр кишининг қай еридан яратибди. Жилла қурса, кукрак баравар турай.

Кейин сизсираб, алоҳида бир илтифотлар ила елкаларига қоқа-қоқа, сураша кетдилар:

— Келинг, Қулдошхужа, бормисиз-омонмисиз. Пенсаларга чиқиб олганмушсиз. Ишларни ташлаб, масжидлардан бери келмаётганмушсиз. Бир чиройли-бир чиройли. Қумриҳондан эшитиб, бир суюндим-бир суюндим. Ёшлигизда чиройли таловатлар қилардиз, Қуръонга қайтганиз муборак булсин, муборак булсин.

Боякиш кеннойим, биз бостириб кириб, қаёққа қочарларини билмай қолибдилар. Ойимни турғизишга уннаниб қуйиб, энди узлари у кишининг орқаларида «жон сақлаётгандек» эдилар. Бир қуллари билан у кишини тутганча, яна румолларинимми, ниманидир туғрилашга уринадилар. Билдим, анавинга бировнинг кузи тушмай қуя қолсин, деб... жонлари ҳалак: уялиб, ерга кириб боряптилар.

Мен уларга ёрдамлашиб, ойимнинг култиқларидан тутгим бор-у, сурашаётган тоғаларим олдидан ута олмай довдирабгина турибман. Қолаверса, қулимдагини қаерга қуяримни билмайман, у кишига ачиниб кетганим шунчалик.

Охийри опаларига елка тутиб борган тоғам қайтганларида олдинга утдиму ойимнинг култиқларига кириб улгурдим. Кеннойимга жон битган эди, у киши бир қайрилишда қандай нариги токча ёнига етдилар, кейин уша токчаларга кисинганча сурина-сурина, то-

ғаларим билан сураша-сураша эшикка бордилару узларини ташқари олдилар. Ёнламасига чиқиб кетдиларми, орқалари илами, сезмайин ҳам қолдим. Афтидан фикри-хаёллари ўша нарсадаю унга бировнинг кўзи тушмай қўя қолсин, деб титраб-қақшар, узларини қаерга қўярларини билмасдилар.

Нега Аллох берган бир дард экан, дея олмаяпти? Ҳамма нарсага кўнган, не-не машаққатларни кўрдим демаган, шунча маломатларни ичига ютиб кетолган кеннойим... шунга келганда бўшашиб тушди? Ўзини еб битиряпти? Буям Аллоҳимнинг бир синови-да деб, орқага ташлай олмаяпти?

Аёл кишининг бошига тоғ ағдарилса, ағдарилсин экан-у, этига бундай оқ тушмасин эканми?! Заифа дегани шунда билинади эканми?!

Султонмурод акамни топдим деганда, ажраб қолгани, ўша аламлар, ўша боши-кети йўқ айрилиқ-ҳижронлар энди билиняптими? Шунча ҳижрон етмагандек, тақдир қамчиси уни бедаво оқ доғлар билан «тақдирлаб» тўрт девор ичига қувмоқчи, қамамоқчими? Бу кўргиликка қандай чидайди энди?!.

Мен ич-этим узилиб шуларни ўйларканман, кенжа тоғам ойим билан қандай сўрашдилар, сўнг акаларининг ёнларига ўтиб ўтирганча, орқаларидаги ёстиқни нега ойим томонга ташлашга уннала бошладилар, ҳеч фаҳмлай олмасдим. Бу орада Яҳё акам ҳам икки букилиб елка тутиб улгурган, холамнинг саломларини топшириш билан андармон эдилар:

— Ойим дуо деб юбордилар, хола, намозларизда шифо тилаб қўярмишсиз у кишига. Саломхонни дуолари қабул: икки саловот ўртасида сўрашни билади, дейдилар. Шунақами, хола? — дедилар овозлари уйимизнинг тоқилари тагида жангиллаб. (У киши шунақа дароз одам. Овозлари ҳам бўй-бастларига яраша!)

— Бўлса, бордир, — дедилар ойим менга суянганча жойларига чўкаётиб, кейин ўтирволиб қўшдилар, — ҳаммаси ихтимат-да, болам. Аллоҳ ҳам ихтиматли бандасини суяди. Узлари тузукмилар?

— Ўтирибдилар ўша ўзиз билган караватларида... ихраб-сихраб, тасбеҳларини ўгириб. Чарчасалар ётадилар. Ётиб зериксалар, туриб таҳорат оладилар, яна

уша уринларида намозларини укийдилар. Худо умр берсин, — деб у киши хам чўкдилар.

— Беради хам. Аллохимнинг берган дардига неча вақтдан бери сабр этадилару у кишини севмай, кимни севсин! Шу дард билан хам ибодатларини қуймаганлари учун хам шунақа ушлаб турибди, Яхёхужа. Булмаса, у киши тенги қанчалар утиб кетди. Қани, илохим, кадам етди, бало етмасин, хаммага хам шунақа ибодатли умр берсин, рохи-ростдан Узи адаштирмасин. Облоху акбар. Хуш кепсизлар. Қаранглара, қандай ярашиб турибди, уйларимиз тулиб турибди. Келса, курса, куз-кузга тушса, яхши-да. Хаммавуза хам ғанимат.

Мен ишга кетишим керак эди, чой келгунча кийиниб ола қолгани чиқа бошладим.

— Хой, болам, ичингга иссиқ кирмай, қаёкка шошасан? Ўтир, тоғаларинг бир келиб қолишибди, — дедилар ойим.

— Хуп-хўп, халиги қаймоқ билан ширчойни олкиришай... — деб чиқдим.

Уларнинг кунглига қарамай булади эканми! Кийинмаёқ ширчойни тезлаштириб қайтиб кирсам, тоғаларим утган-кетгандан гап очиб, гангир-гунгур сухбатлашиб утиришар, уй ичи хар качонгидан файзли булиб кетган эди.

Қаймоқ кетидан ширчой кириб, бояги хиди гуркираган тандир нонлар ушатилиб, бисмиллах ила «олинголинг, насибангиз қушилган экан», «Аллох дастурхонимизни бундан хам зиёда қилсин» деган мулозаматлар билан нонушта қила бошладик.

Очиғи, акраболар билан ёзилишиб утириб нонушта қилиш бир гаштли, ёлғиз узинг шоша-пиша, апилтапил бир нарсалар билан нафсни қондириб кетишдан улса улиги ортиқ эди. Мехр кузда деб шуни айтсалар керак-да? Энди кетгим хам келмай қолган, хар кунги уша иш-да, бораман-да, ахир, деб қилт этмасдим. Ростини айтсам, жиришни бузгим келмасди. Қолаверса, улар хар куни келиб юришибдими?

Қуллош тоғам бир гап очмоқчи булсалар аввал одамга сассиз жилмайганча тикилиб қолар эдилар. Хозир хам мени суйган каби ушандай тикилиб қолдилару сузга кучдилар:

— Акангни Ёдгори кўринмайди, жиян?

Менинг ўрнимга ҳам ойим жавоб қилдилар:

— Мактабига кетган, тоғаси. Ҳалемай уни битиради, Худо хоҳласа. Бунга ўхшаб инстуларга кирмоқчи. Зеҳни тез болагинамизнинг. Худо омадини берсин.

— Э, шунақами? Адасига тортибди-да. Ким бўлмоқчи? — дедилар у киши.

— Дўхтирликка ўқирмиш, онасининг боши касалдан чиқмаганигаям.

Тоғам эшик томон аланглаб олиб, овозларини пастлатдилар:

— Аббосиздан бир учини эшитдим, шунақа тушибдимишми, опа? — дедилар тоғам, аёлларини тўнғичларининг номи билан атаб.

Ойим кафтлари устидан нигоҳларини узмай — истамайгина бош тебраб қўшдилар:

— Осмон узоқ, ер қаттиқ: шу ҳам боракан пешонасида.

— Шу ойдай келинимизга-я? Бинойидек шекилли, — деб гап қўшдилар кенжа тоғам.

— Элдан бурун ваҳма қилманглар, қуйинглар, — дедилар Яҳё акам хонтахтадан нари сурилиб.

— Ёмон бўпти, — дедилар Қулдош тоғам ичлари сидирилиб ва негадир чаккаларини қашлаб, яна эшикка қараб олдилар. — Ўзи ман айтганимда бўладиган ишни бўлдириб юбора қолиш керагийди. Ҳазилми, шунча йилдан бери турмуш қурмай ўтириш... аёл кишига?! Бари шундан.

Ҳаммани билмадим-у, менинг дамим ичимга тушиб кетган эди! Мен тугул, бошқалар ҳам миқ этолмай қолишган, уй ичига пашша учса билингудек бир жимлик чўккан ва гўё биз шу ўтирганимизча тубсиз чоҳга шувиллаб тушиб борардик. Ёлғиз Худо асрамаса, бошқадан панох ҳам, нажот ҳам йўқдек эди...

Бир маҳал ўзимга келиб, ён-веримга қарасам, тоғамдан бошқа ҳамма ер чизиб қопти. У киши эса, зўр бериб, ўз гапларини маъқуллаб ётиптилар. Қани энди, даст туриб, чиқиб кета олсам!..

Ойим ҳам ҳар вақтдагидек кафтларининг орқасини ҳардамхаёл силаганча жим қолган, бош кўтариб, қараб ҳам қўймасдилар. У кишининг гапидан ўзларини қаерга қўярларини билмай қолган кенжа тоғам-ку нуқул

энгахларини силаб, чучкурмоқчидек бурунларини ишқардилар. Қани, аксира олсалару қутулсалар!..

Яхё акам-ку опаларининг ҳурматидан гап қўшолмай, маъноли илжайиб ўтирибдилар!

Ахийри ойим бош кўтардилар:

— Худо хайрингизни берсин, Қўлдошхўжа. Бу гапни бир айтдингиз, бошқа тилга ола кўрманг. Эшонпоччанинг ҳаққи-ҳурматлари, Султонмуродимизнинг ҳаққи-ҳурмати. Майлими?

Кутилмаганда тоғам дастурхонга фотиҳа ўқиган кишидай кафтларини юзларига тортиб, тура бошладилару эшикка қараган жойларида қайтиб чуккалаб, овозларини пастлатдилар:

— Нима, мен... ёмонлик соғиниб айтаётган эканманми, опа?

Ойим бўшашмадилар:

— Соғинмаган тақдирингизда ҳам ниятингиз нима — айтайми? — дедилар у киши.

— Айтинг, айта қолинг, — деб изн бердилар тоғам жаҳл устида.

Ойим оқиллик қилдилар:

— Ўзиз айта қолинг, мендан кўра.

Тоғам кўрпачага кетларини қўйиб, иккала қўлларини ёздилар:

— Бўлмаса, Олим қурган шунча ҳовли-жой, участканинг ҳузурини биров кўрсинми, бировларга қолсинми? Жилла қурса, Едгорга қолади-ку, опа.

Ойим кулимсираб, бош тебрадилар:

— Оҳ, Қўлдошхўжа, Қўлдошхўжа, хафа бўлманг-у, чўт қоқувчилигингизча копсиз. Ахир икки ўртада ундан нозук нарса-талоғи тушмаган осмон никоҳи бор-ку! Буни шариат дейдилар, шуни тушунасизми?

Воҳ, дунёда шундай сўзлар ҳам бор эканми, тоғдек жилдираб бўлмас?.

Аммо ўзимиз елкадан тоғ ағдарилгандек енгил тортиб қолган эдик.

5. Узоқиб кетмиш оркадошимизга соғинчли хат

«Бор экансиз ку, акажоним! Сизни қай диёрлардан сўрайлик деб ўтирганимизда хабарингиз келиб, боши

миз осмонга етди-ку. Сиз чиндан тегирмонга тушса, бутун чиққувчилардан эдингиз! Мана, яна чиқиб турибсиз! Сиз бизнинг муробитимиз, мужоҳидимиз, эртанги мурод-мақсудимиз, ҳур фикрли Султонимиз эдингиз. Нима бўлдики, жуда жуда узоқиб кетдингиз?

Ростини айтсам, хабарингизни эшитиб, танамга гўё жон битди!

Ўлтириб эдим, туриб ла кетдим! Бошим осмонда, ўзимни қўярга жой тополмасдим. Гўё икки кура гимдан хув болаликдаги каби қанот ўсиб чиқмоқда эди. Шундай енгил эдимки, учиб кетсам да мумкиндек эди! Бор экансиз-ку! Дунёнинг бир чеккасида бўлса да, эсон экансиз-ку, омон экансиз-ку. Шунга да шукр.

Раҳмат, Худо қарғаган юртнинг бир чеккасида бизлар ҳам борлигимизни, суянчсиз таянчсиз қолганимизни унутмабсизлар. Хешу ақраболарим бор эди ўша диёрда, бизга кўз тутган-тикканлар бор эди, деб хатлар йўллаб, ҳол сўрабсиз. Сарҳад ошиб келган хатларизнинг ичида ўзимга аталганлари бор экан, ўшандан бир олам мададлар олиб, мадорлар топдим. Руҳим ҳов бир вақтлардагидек енгил тортиб, ўзимни бир бошқача сеза бошладимки, асти қўяверасиз.

Асли биздан лозим эди, Сизни излаб топмоқ, ҳол сўрамоқ... Аммо соясидан ҳам ҳуркиб яшашга маҳкум биз нотавонларнинг қўлимиз қаерга ҳам етарди?! Ҳолимизу феълимизга яраша мазлумликка маҳкум эканимизни кошки билмасак!.. Ўзини ўзгартиролмаган қавмга Худо ҳам назар солмас экан. Сочимизга қиров инадиган кезда ақлимизни сал-пал гина таниб турсак, қаердан ҳам Худо ёрлақасин!

Ака, саломдан ҳам аввал дарду хасратга тушиб кетганим учун узр сўрайман. Азбаройи яқин олиб, ёрилиб қўйибман. Соғинганимизни, йўлларингизга кўзимиз тўрт эканини, бундан кейин ундан ҳам интиқ кутаримизни — шундан билаверинг. Борингизда кимга бўйлашишу эргашишни билардик. Сизсиз ҳамма қатори бўлдик қолдик. Қайғуларимиз ҳам қаричимизга яраша. Интилиб эса, қаерга ҳам етардик?! Дамимиз ичимизда, бир нави ғимирлаб юрганимизни Баҳриддин акамдан элчи келганида (ҳарқалай у дунё кўрган да!) сезиб қолдим. Илгари ҳам бир келган у тужжор

эски чуғ яраларимни янгилаб, ё мени ўзгартириб кет ди, ё кўзимни очиб кетди. Ишқилиб мен кечаги Мақ суд эмасдим. Дунёга ҳам аввалгидан бошқа кўз би лан қараб, бошқа қарич — Сизнинг қаричингиз би лан ўлчар эдим. Гўё Сиз билган ўша пакана пари (ёшим бир қорага етганда!) тирилиб келиб қолган дек эди. Ўша илинж, ўша қизиқишларимни, кимга беш кетган томонларимни топиб олгандек эдим. (Ахир мен кимга ўхшамоқчи эдиму, ким бўлдим?! Қани, ночорнинг ёнига тушиб, мазлумнинг тарафи ни ола билганим?! Қани, қаламим «ҳамду сано»дан ортиб, элнинг ғамини териб ёзаётгани?)

Ака, сиз кўкрагида ёли бор йигитларнинг сараси эдингиз, султони эдингиз! Зиғирча адолатсизликка қараб туролмасдингиз. Сиз бизнинг муродимиз эдин гиз, Сизга қараб ёруғ кунларни кўргандек бўлаверар дик. Афсуски, муробиту мужоҳидларнинг сўнггиси — сизлар экансиз, ундан кейин биз ишонган тоғлардан шер тугул кийиклар чиқмай-ла қолди. Марғуба кен нойимизни ўз никоҳидаги эгасига етказиб, худди у келинойимиздан бир туки кам бўлмаган Маҳфуз кен нойимни бу тарафга жўнатганингизда (Акам кела дилар экан, деб!) бошимиз кўкка етиб эди.

Чиндан Аллоҳ Сиздек мужоҳидни (унинг шариа тию осмон никоҳини ҳар нарсадан устун қўйганин гиз учун!) пардаи исматда асраган бошқа бир Маҳ фузаси билан тақдирлаган экан. Бунга почвадан тор тиб холаларимгача, ҳатто ойим ҳам иймон келти ришган — бу Худойимнинг ёзмиши, Султонмуродни зиёдаси билан тақдирлабди, дейишган эди. Аммо сиз бунга жавобан нима қилдингиз — бир марта бош суққанча қайтиб қорангизни кўрсатмадингиз! Аллоҳ ёрлақаганига шумиди жавобингиз?

Мусофиргина келинчакнинг ҳоли нима кечди деб ҳеч ўйламадингизми? Сизлар излаган дориломон диёр кишининг аҳли аёли, бола чақасидан ҳам азиз экан ми? Қолаверса, у бояқишгина сизнинг никоҳингизда эди. (Ҳануз кўзлари тўрт кутяпти!) Шариат бу юрган зиммангиздаги нарсаларни нима соқит қила олардики, бу ёқда аҳли аёлингиз туриб, ўзингиз у ёқларда қолиб кетдингиз?.. Топганларингиз йўқотга нингиздан шунчалар азизмиди?

Узр, мен бу нарсалар ҳақда оғиз очмаслигим керак эди, лекин кейинги воқеалар, у муштипаргинанинг бошига тушган кўргиликларни билсингиз эди, сиз ҳам кечирмасдингиз ўзингизни. На илож, қиёмат қарз, шуларни билдириб қўйишим лозим кўринди. (Ахир, у сизнинг аҳли аёлингиз! Эрта-бириси кун Аллоҳнинг олдида сўралишингиз бор!) У мусофиргинани бу азим шаҳарда неча йиллар йўқотиб қўйиб, сизга нима жавоб қиларимизни билмай уй ичимиз билан ич этимизни еб ўтирганларимизни айтганим йўқ. (Кейин билсак, Ёдгорга юкли бўлиб қолиб, бизникиларга кўринолмайин Каттабоғдан бош олиб кетган, Чаман аканикидан паноҳ топган экан). Кейин-чи, дўхтирлар оёғини кесадиган бўлиб, шифохоналарда тиқ этса, эшикка термулиб ётганида-чи? Ким жонига ора кирди? Мана энди ёлғиз Ёдгори эр етиб қолганида яна уйдан чиқолмай ўтирибди. Кошки у боёқишгинага илашган дард ҳақида бировга оғиз очиб бўлса!

Ойимларни эшитсангиз: Худойимдан айланақолай, бундан бўлак суйгани йўқ эканми, дард устига дард қўшиб бераверамаса? Шунаққиб синаганлари эвазига кошки яхши бир кунда Султонмуродгинамиз осмондан тушгандек кириб кела қолса, деб ўтирибдилар.

Шунақа, акажон. Булар ҳаммаси айтишга осон. Лекин териси бошқа нимани ҳам биларди! Бир кун чидармиканмиз? Кеннойим-чи, йил — ўн икки ойгина эмас, яқин ўн саккиз йилдан бери чидаб келяпти! Тағинам фил экан, бошқаси бо Худо, дунёга икки марта келаманми, дердию турмуш қилиб кетарди. У мингдан биттаси бўлиб ўтирибди-ку. Шундай мозҳипора кеннойимиз хабар олишга ҳам арзимадими?

Ака, узр. Аввалом бор, булар ҳақда сизга ёзмаслигим керак эди. Сизни билганимдан, ичим ачиганидан, ёзиб қўйибман. Сиз ҳеч кимга ўхшамассиз! Сиздек одамга чегара-сарҳадлар нима экан?! Тузумлар нима экан?! Ҳаммаси ноқис, ноодил эканини, ўткинчи санашингизни кошки билмасам! Ҳеч бири Аллоҳ яратган шариатдан, зиммамизга юклаган бурчу сўраладиган нарсалардан устивормасдир?

Мен ўзингизни кўр-кўрона оловга уриб, бўйнингизни сиртмоққа тутиб беринг демоқчи эмасман. Ле-

кин инсон Қиёматни, Маҳшар кунини, Аллоҳнинг олдида турмоғини унутмоғи мумкинми? Кўра-била туриб, ўзини шармисорликка қолдирмоғи мумкинми? Сиздек одам бунга рози бўлмоғини ҳеч тасаввур эта олмасман...

Яна минг бор узр, мен мушттипаргина кеннойимизни деб, шуларни ёздим. Айбситмайсиз. Адашган бўлсам, Аллоҳ кечирсин. Қолаверса, тили аччиғу қўли калта укангизни кечириб қўйинг! Нима деган бўлсам, аввало, Сизни суйганимдан, Аллоҳнинг олдида юзингиз ёруғ бўлишини истаб ёздим. Ҳамма кечирмаса ҳам ўзингиз кечирасиз, сиз тушунасиз деб, мирзо укангиз, Мақсуд.

Ўзингиз билган Тошканди аzимнинг
Катта Қангли биқинида
ошён тутган хешу
ақраболарингиздан соғинчли саломлар
йўллаб қоламан».

6. Мангу жавҳар ёхуд иймон кўчасидан ўтмаганлар ҳийласи

Тан берамиз: дунё шундай қурилган. Унда боқий нарсанинг ўзи йўқ.

Унда ҳар бир нарсанинг яшнаши, гуркираши, гуллаши бор. Сўнг заволга юз тутиши. Ҳатто анвойи печакгул ҳам бир ажойиб карнайгуллар ўраб, неча кунгина яшнамоғи, сўнг уруғ бовлаб сўлмоғи бор. Ҳатто ўша йўқликка кўчган Изза тепаликларидаги тиконзорлар ҳам баҳорда бир чиройли гуллаб юборар эдилар. Энди топиб кўр-чи!

Кўрк-ҳусн-чирой ҳам шунга монанд нарсалар жумласидан экан.

Ойим узун кечаларда айтиб ўтирардилар:

— Худойим таоло кўркни яратиб, уни юз бўлакка бўлган экан-да, ўшанинг бир бўлагини яна мингга бўлиб, бир бўлаккинасини Юсуф алайҳиссаломга бериб, қолганини бутун дунёга сочган экан. Ўшанда кеннойимга ҳам жиндек юққан. Худонинг бериши-да, болам, — дер эдилар.

Энди ана ўша чиройга ҳам кўз тегиб, қаердандир жиндек-жиндек оқ туша бошлабди. Нима бу, Аллоҳ Ўзи берган ҳуснни Ўзи қайтариб олмоқдами ё шуни ҳам кўп кўрдими? Балки маҳбуб кўрган бандасини шу тариқа синаб-покламоқдадир?! Шунча кўргиликлари, тош келса — кемириб, сув келса — симириб ўтирганлари оз эканми?..

Келишилган ерга етиб борганимда ҳали айтилган вақтга жиндек бор — офтоб энди театр ортидаги чинорлар орқасидан бош кўтармоқда эди. Аммо кунмисан-кун чиқиб келмоқда. Уни нур тўзони ёхуд сели деб атамоқ ҳам кам эди: бутун дарахтзор, улкан чинорлар нур селида қолган, соялар қаёққа қочарини билмай дарахт таналарига ёпишиб олган, ўзлари эса, зар пуркалган тилла дарахтларга айланиб улгурган эдилар. Шохлари орасидан ёриб ўтган нурлар шундай ўткир, ёқимли эдики, у нур тўзонидан кўз узмасам дердим. Бунақасини илгари кўрганманми-йўқми, эслай олмасдим. Кўрганманки, ҳов ўша ўйинқароқ кезларимда Изза тепаларида туриб қуёшнинг чиқишию ботишини соатлаб томоша қилганларим ёдимга тушиб бормоқда, йўқотганларимни топиб олгандек эдим. Умр шундай бебақо, ҳаёт эса бевафо эканки, йиллар ўтгани, кунлар кечгани сайин, ҳатто дақиқалар ичида ҳам одам бир азиз нарсасидан жудо бўлиб қолаверса! Мана, ҳозир ҳам офтоб найза бўйи кўтарилиб, дарахтлар устига чиқиб oладию ҳозирги нур селинию дарахтзор ичидаги анави қушлар бозорини қайтиб топиб кўр-чи? Эртага ё кўра оласан, ё кўра олмайсан. Шунақа, умр селдай ўтиб бормоқда, азиз онларни совуриб, бой бериб бормоқдамиз. У деб, бу деб чопиб юрибмиз-у, лекин нимани ушлаб қолмоқдамиз? Охироқибат нимага эга чиқмоқдамиз? Айриликками?

Кечагина Баҳриддин акам тарафларидан элчи кепти, шундан-шу ёққа Султон акамнинг аҳли аёлини йўқлаб-дараклаб кепти деб, бошим осмонда эди. Бугун эса, у билан ҳам хайрлашув онлари етиб келмоқда эди. Яна қанчадир вақт ўтиб у келадию мендан саломномани олиб, қучоқлашиб хайрлашишга тушади. Кейин мен яна юрагим бўшаб — ҳувиллаб қолаверaман. Шуми топганларим? Бу ҳаёт деганлари бунча бешафқат экан, нуқул йўқотувлару жудоликлардан ибо-

рат?! Булмаса, топиб кур-чи, келтириб кур-чи акамни! Акаму кеннойим икковини қуша қаритиб кур-чи! Келмайди қулингдан! Аллоҳ хоҳламаса, биз киммиз? Нахот тақдир қаламининг сиёҳи битган, унинг нуктасини-да узгартиб булмас?!.

— Саломлар булсин узларига, Мақсудхужа жаноблари.

Оққушлайин сузиб келиб ёнгинамда тухтаган машинадан тушиб улгурган меҳмонимиз қучоқ очиб турар эди.

Турк афандиларидек пурим кийинган, кенг пешона, қора кўз, яркироқ юзли меҳмонимизни курганимданоқ алоҳида бир меҳр уйғониб, унга талпиндим. Ҳар на қилса, акаларимиздан муждаю саломлар келтирган одам. Яна биздан муждаю саломлар олиб кетмакчи. Уз юмушларидан ортиб, бизга шунчалар қайишибди, вақт топиб кепти. Аллоҳ ажрини тулиқ қилиб берсин. Шу омонатни деб бирон кор-ҳолга қолмоқдан қурқмабди, барчасидан Аллоҳ розилигини устун қуйибди, унга тасанно. Ҳар на қилса, дунё курган: элчиликни урнига қуйди. Гап йуқ! Мен-чи, бу мард инсонни лозим даражада кутиб олиб, эъзоз курсата олдимми?

Уйга олиб кетай, бир кеча меҳмонимиз булинг, деб шунча қистадим, кунмади. Бизнинг қадамимиз улчовлу, мирзо йигит. Сизни курганум, бирадаримизга тегишлув кишиларнинг соғ-омонлигуни билганум етарлув, муҳими — шу элу, энди эртага икки энлукина бир хат битуб берсангиз кифоя, ола кетаман, деб туриб олди. Мана, ушанга келяпти — хайр-хуш учун келяпти.

— Кузатиб қуяй, шундан шу ёққа мозор босиб келибсиз, юртдан жиндек совға-саломлар қилиб берай, ола кетинг, — деб увало ялиндим, илтижолар қилдим, кунмади.

— Биз сафар кишиси — келиб-кетадурган одам. Сиз қоласиз. Биздан кейин бир карра суриштирмоқлари бор, шунга етмай қуяқолсин, дастхат — мактубингиз етарлув, — деди иссиқ жилмайиб. Тушунган одамларнинг садағаси кетсанг арзийди. Улар узи ана шундай — бир бошқача буладилар...

Майли деса, бир шиша бонкачада омонлуқ-омонлуққа деб тут тердириб, яна бир шиша бонкачада сумалакми, ҳалимми бериб юбормоқчи эдим. Ҳолаваччаларимни Марру келинойимга илинган эдим. Зора оғзилари тегиб, бошлари кўкка етса, деб эдим. Унамади меҳмон. Айниқса, ҳалим Султон акамнинг жони-тани эди!

— Жиндек-жиндек шакар сепиб, бир лаганини еб олсангми, оҳ, унинг савобига ким етсин, таъми келгувси йилгача оғиздан кетмайди. Дориломон замонлар келсин, юртга бир ҳалимлар тортайлик, — дерди орзулаб. Орзусига етолмади. Орзу қайда, сарҳаддан ҳам ўтолмай, бегона юртларда қолиб кетди. «Иншааллоҳ» демаган экан, эсиз...

— Қалайсиз, мирзо йигит? Кутуб қолмадизми? Узр, сизни мунтазир эттук! — деб келиб, иссиқ сўрашди. Кафт олиб, тирсакдан тутиши, мулозаматлари бир самимий эди, мутаассир тортиб:

— Мунтазири нимаси?! — дедим хижолат аралаш,— аэропортга чиқаверсам бўлар эди.

— Раҳмат, мирзо йигит. Кутиб олиб, кўп мутаассир эттиз. Такаллуфларииздан миннатдорман, — деди у тирсагимни сиқиб қўйиб, — Ўйлайманки, бу сўнгги кўришишимиз эмас. Мана, биродар бўлиб қолдик. Аллоҳ хоҳласа, бизим диёрларда-да, кўриштиргай.

— Қани эди, қани эди, — дедим самимиятидан таъсирланиб.

— Сиз сидқидил сўрайверинг, иншааллоҳ, Ўзи етказгай.

— Раҳмат. Ўзиз ҳам бедарак кетманг. Келишингиз билан кўришайлик, — дедим.

— Илоҳим, илоҳим. Кўришмоқ насиб этсун, — деди у бағрига тортиб.

Мен уни қучиб, елкаларига бош қўйиб, хўшлашар эканман, кўксию яғринларидан таниш бўй — сафар кишисининг бўйини туйиб, беихтиёр у мен учун азиздан-азиз кишилар — дарбадар ҳолаваччаларим билан ҳам мана шундай эсонлашувини кўз олдимга келтириб, ғалати бўлиб кетдим. Кўзларимга соғинч ёшларими, нима тепчиб, бетига қарай олмай қолган эдим. Кўксимни кўксидан узгим келмасди.

У эса, пайтдан фойдаланиб, бетини бетимга суйкаб туймас экан, кутилмаганда кулоғимга шивирламоққа бошлади:

— Атаганингиз у битикни... унг киссамга сола билсангиз — солиб куя колинг. У ёғи Аллоҳ паноҳига! Эгасига теккай, иншааллоҳ.

Ичимдан бир жимирлов югуриб, хушёр тортдим: нима бало кузатувда эканмизми? Олдини оляптими, ҳар эҳтимолга карши? Юрагим дук-дук урмоққаю кузим олма-кесак термоққа тушган эди. Сунгги дакиқада у ҳақ эканини пайқаб колдим: Ўшал оққуш каби сузиб келган оқ машинанинг ҳайдовчиси... биздан кузини узмас, нимадандир ғофил колгиси йук эди.

Шу топда ғижиним тутди: у шохида юрса, нега биз баргида юрмаслигимиз керак?! Шуни доғда колдиролмасам, нимам пакана пари, деб уйладиму...тингчининг кузларига караб туриб, нигоҳини узган кезда омонатни меҳмоннинг киссасига жойлаб юбордим. Сунг ҳеч нарса булмагандек меҳмон бағридан чиқиб, хушлашмоққа бошладим.

Аллоҳ бундай иккиюзламачи тингчиларнинг юзини Ўзи тескари қилсин. Ундан берига бу тошни-да тешар назарлардан қутулиб буладими экан! Ўзи асрасин, аввало.

Сунг оқ машинага довур кузатиб бориб, меҳмонимизга оқ йул тилар эканман:

— Хуп, омон боринг. Сиз ила куриштирган Аллоҳимга беадад шукрлар булсин, — дедим.

— Сиз-да яхши колинг. Курганумдан беадад мамнунман. Рубару киламан деса, Ўзига осон экан, — дея шукрона билдирди у ва икки кафтини боши узра кутариб жуфтлади: — Хуп, Аллоҳнинг паноҳига.

— Биродарларингизу хеш-акраболарингизни Ўзига топширдик, — деб эшикни ёпдим.

Мен айтадиганимни айтиб, берадиганимни бериб улгурган эдим. Тингчи тушмагур, ҳеч нимани англамайин-да колган эди. У ноилож машинасига ут олдирмокда эди.

Мен жондан азиз кишим — Султонмурод акамга дуои хайрлар ила салом йуллаб колганимдан бошим осмонда экан, турган еридан оҳиста жилиб, эрка кийикдек сузиб кетган машинадан куз узолмасдим. Аммо

шу тоб кучанинг нариги бетида, қайрағоч тагидаги узун ўриндиқда ўтирган қора кўзойнакли ёлғиз кимсага баногоҳ кўзим тушиб, юрагим шиғ этди. Чап кураги устида бир жимирлов югуриб, ўзимни аллақандай омонат сезиб кетдиму қаёққа юраримни унутдим. Назаримда эсхонам чиқиб, жоним товонимга тушиб кетган эди. Ана, холос, арзимаган кузатувга бунча эсанкирамасам? Акамга тўзим берсин экан! Яна мен ўзимни кимга менгзаб, кимларга эргашаримни орзулаб юрибман?! Яна уларнинг орқасида кимларнинг ҳимоячиси бўлиб қолмоқчиман! Бундай пайтда булар шохида юрса, нега биз баргида юрмаслигимиз керак?! Шундагина Аллоҳ асрагай-ку, тўзим бергай-ку. Ундан берига ким мазлумларнинг ҳимоячисига айлана қолибди?!

Мени уят, андеша ҳисси босиб, сал ўзимга келиб қолган эдим: узун зиналардан бир-бир чиқиб, маҳобатли колонналар таги билан ишхонамиз эшиклари томон юрдим. Чиндан бу эшиклар, бу идора мени ҳар қандай балолардан асраб қоладигандек, боягидек нигоҳларга хорлатиб ҳам, хўрлатиб ҳам қўймайдигандек эди. Аммо ўзим аввало тилимдан панд бермаслигим, билиб қадамимни босишим лозим. Ана шунда Аллоҳ ҳам асрайди, ўзим ҳам узоққа бора оламан. Тўғри, акам бўлолмасам ҳам (унга тенглашишга йўл бўлсин!) ундан берироқ бўлмоқ мумкин-ку. Ўз сўзида маҳкам турмоқ, бошқалардан бир поғона баланд фикрламоқ, ҳамиша Ҳақни демоқ, Ҳақ тарафида турмоқ мумкинку. Ундан берига бу даргоҳларда нима бор?

Мен шундай ўйлар билан ўз қаватимга кўтарилишга кўтарилдим-у, эшикка калит солган жойимда хаёлимга тамомила бошқа фикр урилиб, пешонамни муздек тер босди:

«Хайдовчиси сезмаган тақдирда ҳам... бошқа бирови кўрмадимикан? Йўлдаёқ тўхтатиб тинтишса-чи?»

Бу фикрдан эсим тескари бўлиб кетаёзган эди.

Балки тўхтатиб улгуришган ҳамдир?.. Мен нимага ишониб ундай хат битиб бера қолдим? Тузоққа туширишди, десанг-чи! Яхши ҳам Сутчи берган ўгирмани қўшмаганим!.. Мавриди келар, берарман ҳам, фикрини биларман ҳам...

Хонамга қандай кириб бордим, оёқларимдан мадор кочиб, қай ўриндиққа чўкдим, қанча ўтириб қолдим — билмасдим. Хаёлим тўзиб кетган, кўз олдимдан ўша машинадаёқ икки ёғидан икки одам кириб тинтувга олган хорижлик меҳмонимиз кетмасди. Шайтон мени не кўйдан олиб, не кўйга солар, ўзимга келолмас, қилган ишимдан мантиқ излардим-у, ўзимни оқлайдиган бир нарса тополмасдим. Ахийри бошим қотиб, дераза олдига борсам, ўша ёлғиз қайрағоч тагидаги узун ўриндиқда... ким ўтирибди денг?! Қора кўзойнагини қўлига олиб, ё дариғ, тепадан аниқтаниқ кўрдим, кўзи ожиз — сўқир одам ўтирибди!..

Ана васвасаю мана васваса! Шайтон экан-ку! Наузанбиллоҳ, бўш келсанг у қай кўйларга солмайди, кишини...

Деразадан урган шабададан ўзимга келиб, енгил тортган жойимда эшик очилиб биров кирди. Ўгирилиб, бир қават юқоридаги «Аёллар салтанати»[1]да ишлайдиган «жаннати ҳамкасбимиз»ни кўриб илжайдим. Мана буни яхшиликка фол олса мумкин эди.

— Э, келинг, «Саодат асри»дан тушган акам, — дея беғараз ҳазиллашдим.

— Ҳури айнлардан салом, — деди у ҳам кафтини кафтимга ташлаб.

— Нечук-нечук, эртаматан йўқлаб қопсиз? — дедим фарғонача тегишиб.

— Шу қаватда тили бир ширин, сўзи бир ўткир йигит бор. Уни бизга тортинг. Биз учунам бир нарсалар битиб берсин, деяптилар опа.

— Йўғ-е! Мен сизларбоп силлиқ нарсалар ёза оларканманми? — дедим ҳайратга тушиб.

— Ўтиринг-ўтиринг, аввал эшитинг, — деди ҳамкасбим мени жойимга чўкишга ундаб.

Биз узун оромкурсига ўтира қолдик. У билагимдан тутиб, жилмайди:

— Худди ўша силлиқ нарсалар меъдага тегиб, Сизни, Сизга ўхшаганларни йўқлатаяптилар. Ёрдамиз керак, ошна.

— Мени биласиз, унақа тезотарлардан эмасман. Ёзсам оғриқ нарсаларни, жондан ўтганларини ёзаман. Ҳар кимга ҳам ёқавермайди, — дедим ҳақига кўчиб.

---

[1] Журнал демокчи шекилли (*Муаллиф*).

У бош силкиди:

— Худди ўшанақаси керак. Ўзлари айтдилар: нима, ҳаётимиз шунчалар силлиқ, тукисми? Кўнгли яримта ўксиклар камми? Жудоликларимиз ҳақида ким ёзади? Армонларимиз ҳақида-чи, дедилар. Эшитяпсизми, ўзлари айтдилар.

Аммо ёзиб берган тақдиримда ҳам босмасликларини билиб, гажирлигим тутиб келмоқда эди.

— Нечук ўзлари бошлаб бера қолмабдилар? Ёзаман десалар армонларидан қоғоз бети куйгай-ку, — дедим.

— Билмадим, балки ўзларига ноқулайдир. Ҳарқалай, опа деган номлари бор, — деди бўшашиброқ.

Мен тўнимни тескари кийиб улгурган эдим. Қолаверса, бояги кўнгли яримта ўксиклар ҳақида гап кетгандаёқ тамом бўлгандим. Кеннойиму акамнинг ҳижрон тўла тарихлари ёдимга тушиб кетиб, аламимми — нимам тўлиб бормоқда эди. Мен ундан бўлак нимани ҳам ёза олар эдим?! Аммо бу тарихни, наинки диёридан, хешу ақраболаридан айрилган, ҳатто шаръан никоҳидаги ёстиқдошидан жудо бўлган бу дарбадарлар қиссасини ким ҳам босиб чиқаргай? Опа тугул бошқаси бир чимдимини эълон қила олармикан?

Ўзлари-чи? Ўзларини тул қолдирган жамият, тузум ҳақида ёлғиз ёстиқдан бўлак кимга оғиз оча олар эканлар[1]? У сир-асрорлари, ичга ютган зардоблари ҳақда миқ этмай келяптилар-ку ўзлари?! Шу миқ этмаганлари эвазига Опа бўлиб ўтирибдилар-ку, тўрда юрибдилар-ку! Аммо буни айта оладиларми, оча оладиларми юракларини? Ҳаёт — мана шунақа бешафқат! Хоҳла, ичга юту зулм машинасининг бир мурвати, паррагига айлан! Хоҳла, бошни тикиб, тўғрисидан қайтма! Қай бири боқийлик келтиради — ўзинг билиб олавер, танлаб олавер! Ҳаёт шунақа — чидаганга чиқарган! Унинг имтиҳонидан Аллоҳга хуш келадирган бирон иш қила олган кишидан бўлак ким ҳам ўта олибди?..

У киши эса, жамият инъом этган курсию тўрлардан кеча олмай нимани бой бераётганларини билармиканлар?..

---

[1] Бу бир афсона бўлса-чи, асли тақдир ёзуги бўлакчадир?.. *(Муаллиф).*

— Йук. Биродар, ваъда қилолмайман. Ундай нарсани ёзишга ҳозир кайфиятим йўқроқ, — дедим ётиғи билан. Афтидан уни аяб, очиғини айтмаётган эдим.

«Аёллар салтанати»дан тушган ҳамкасбим эса, мени тушуна олмай ўтина бошлаган эди:

— Майли, бир ҳафтача кутай. Ўзиз бир нарса қоралаб бера қолинг.

Мен унинг кўзига қарамайин ҳам бош чайқадим:

— Иложи йўқ, кайфиятим бўлмаса, бирон сатр ҳам... бита олмайман, — дедим чинига кўча олмай.

— Нима бўлди, уйизда хотиржамлик йўқми ё бу ердами? — деди у ўзини яқин тутиб.

Мен ўша кўксимга сиғдиролмаётган нарсаларни ичимга юта олмай, ўрнимдан туриб, дераза томон юрдим:

— Бизниям бир ўксик, кўнгли яримта кеннойимиз борлар, — дедим унга қарай олмай, негадир кўзим намланиб, овозим ҳам ўзгариб келмоқда эди. — Шу кишига бўлишолмаганимиздан...

— Қанақа ёрдам керак, сиз яширмай айтаверинг. Опанинг дастлари узун. Ҳаммага бирдек қайишадиган одатлари бор, — у туриб ёнимга келиб олган, елкамга қўлини қўйиб, ўзига элатмоқчи бўлар эди.

Мен кўнглим юмшаб келиб, қандай жин айлантирди, ёрилиб қўйибман: «Шундан дарди-дунёмиз қоронғу...» дебман. Эсимни йиғиб олганимда кеч эди, сирни очиб қўйган эдим.

— Шошманг, шаҳримизда буни даволайдиганлар бор-ку. Ўзиз ҳам унинг акасини кўргансиз! — деб елкамга қоқди.

— Қачон, кимни айтаяпсиз? — дедим ҳеч нарсага тушуна олмай.

— Ўша ямоқчини-да. Анув ҳовлидаги тутнинг тагида ўтирадиган Арон амаки-чи?

— Бунга ямоқчининг нима дахли бор? — дедим ҳайронлигим ортиб.

— Худди ўша кишидан эшитганман. Сиз хуп деяверинг! — деб у тирсагимдан тутганича ўзига қаратди. — Ўша одам Арнапоядаги машҳур жуҳуд табибнинг акаси бўлардилар.

— Йўғ-е, — Арнапоялик табибнинг номини эшитиб, ўзим ҳам жойимда туролмай қолдим: — Ҳозир шу ерда эканми, ахир?

— Э, у аллақачон Америкасига жилворган. Мен унинг акасидан чалакам-чатти эшитганман. Ўзи ҳам ўша ёққа сурвордимикан, кўринмай қолди.

— Ишонса бўладиган гапми? — дедим азза-базза умидланиб. — Машҳур табибнинг акаси бўлса, бирон нарса билса керак? Айтганми сизга?

Ҳамкасбим бош чайқади:

— Ҳе, йўқ, улар бунақа нарсаларни ҳидини ҳам чиқаришмайди. Биласиз-ку. Менга ҳам нимани айтибди. Ўша нарса янги бошланган бўлса, ўтказвормаган бўлса, даволашади экан. Қолганини очмаган...

Мен қистадим:

— Шошманг, нимани... ўтказиб юборса?

У ноғайсизланиб, тушунтиришга уринди:

— Ўша оқлар-да... Агар ости қизғишланиб, туклари оқара бошламаган бўлса-да... Бўлмаса дори кор қилмас эмиш.

— Йўғ-е, бу гап чиққанига... қанча бўла қопти?! Билакларию чаккаларида, холос, — дедим титраниб.

— Унда топишга уриниб кўринглар, обориб кўринглар, зора эм бўлса...

Мен ўзим ҳам ойимларга шундай деганимни эслаб, бирдан хушёр тортдим. Ўшанда ойим энсалари қотиб терс қараб олган эдилар. Гўё «сен бола нимани ҳам била қолдинг!» дегандек...

— Қандай даволашади экан? — дедим бўшашибгина.

— Унисини билмадим, — деди ҳамкасбим. — Сир тутишади шекилли, айтмаган ҳеч.

— Бизда мумкин бўлмаган нарсаларни аралаштиришса керак-да? — дедим ойим нимага шама қилганларини энди англагандек.

— Билмадим-билмадим, лекин қанча ижикилаб сўрамай, айтмаган.

— Демак, бир сир бор, айтиб бўлмайдиган.

— Нима бўлиши мумкин? — деди ҳамкасбим.

— Худо билади, балки ночор-ноилож қолганлардан биронтаси шифо топиб қолса, ана, биз кимбиз, дейишса керак-да. Аслида дард берган шифосини ҳам бермасми?!

— Осонликча тузалмас дардлар озмунчами? Ана, сил бор, оққон бор, мана бундай нарсалар бор, — деди ҳамроҳим. — Табиблар эса, нималарни буюриш-

майдн. Кимга сак ёғи, кимга илон шўрваси, яна кимга типратикон ... қараб турса, ҳаммаси ҳаром!

— Балки бунга ҳам... ўшандай бирон нарса беришар?! — дедим тепа сочим тикка бўла бошлаб. — Қачон одам бўламиз экан?! Ҳалол-ҳаромни ажратамиз экан?!. Шуларни ҳеч ўйлаганмисиз? — деб юборибман.

Важоҳатим ҳам бир бошқача эдими, ҳамкасбим бир қадам тисарилиб кетди:

— Узр, биродар, мен бу ёғини сўрамаган эканман. Улай агар, бу ёғини ўйлаган бўлсам, суриштирган бўлсам... — У азза-базза қўлини кўксига босиб, қайта-қайта узр сўрарди. — Мен азбаройи яхшилик соғинганимдан айта қолувдим. Ачинганимдан айта қолувдим, — деяр эди. Ўзим эсам ичим тўла бир олам гап-у, биронтасини ташимга чиқаролмасдим.

Рости, бу ҳолимиздан йиғлагим келар эди: шунчалар ҳам кўр, оми бўламизми? Шариатимизни, нима ҳалол, нима ҳаромлигини билмаймизми? Бедаво силни тузатаркан деб, ота-боболаримиз оғизга олмаган нарсаларни тановул қилсак?! Ҳалқумни ўйламасак, қиёматдаги сўроғидан қўркмасак — қаёққа қараб кетмоқдамиз? Наҳот ҳалол бир давоси йўқ?!.

Ҳамма қолиб, мен боягидек нарсаларни ўша муштипарга раво кўрар эканманми?! Шунча асраб-авайлаб-а? Бордир Худойимнинг бошқа бир ёзгани?! Кеннойижонимга атаган шифоси![1]

7. Яхшилик соғинган яна бир киши ёхуд Тўрам тадбир излайдилар

— Амаку биз келуб эдик.

Шу бир оғиз сўздан жону жаҳоним ёришиб кетган эди.

— Ёдгор, ўзингми?! Мен ҳозир, — дедиму апил-тапил отланишга тушдим.

Меҳмонни кузатганим ҳам бир бўлди, Опанинг илтимоси билан тушган ҳамкасбимнинг маслаҳати ҳам.

---

[1] Шу боб ёзилаётган кезларда Шаҳрихондан бир мусулмон табиб ўз оёғи билан келиб қолди. У киши: «Шариатда нима ҳалол-ўша ҳалолдир. Бу дарднинг давоси эса, Қуръонда келган зайтун дарахти мойини суртмоқ ва маккан санога қўшиб ичмакдир. Тавсия биздан, шифо Аллоҳдандир» деди. *(Муаллиф)*.

Меҳмон муждахатни олиб, жўнаб кетганида ичим бир узилган эди, ҳамкасбимнинг маслаҳатидан баттар эзилдим. Борингки, ўша нарсалар (аввало, ўзим икки дунёда розимасман!) даво бўлган тақдирда ҳам мен уларни кеннойимга айта олар эканманми?! Биров орқали ҳам айттирмасман! Бу гап зинҳор мендан чиқмаслиги керак. Кейин бетларига қандай қарайман?..

Нечта зинани битта қилиб, учиб тушиб борсам, улар она-бола кўчанинг нариги бетидаги кўш қайрағоч тагида аллақандай бегонасираб (худди мусофирлардек жавдираб!) туришибди... Кўргандан ичим бир увишди. Яхшиям бирон топшириқ билан кетиб қолмаганим! Ахир улар келишмокчи, бирга-бирга Тўрам тақсирнинг олдиларига ўтмоқчи эдик-ку. Ўзим айтиб, ўзим унутиб ўтирсам...

Чиндан Худо ҳафиз. Унинг Ўзи мени уятга қолишдан асраган эди.

Мен уларни бир қараşдаёқ таниган эдим. Ҳамиша ҳар нарсага маҳлиё бўлиб қолавергувчи Ёдгор театр биноси пештоқларидан кўз узолмас, оч симобранг шойи рўмолларига ўраниб олган кеннойим эса, ёлғизгинасининг кифтларини қоқиб, ёқасини тўғрилар ва қулоғига шивирлаб, бир нималарни уқдирар эдилар. Ҳаммадан ғаройиби — у мушфиқа шаҳарга неча йилда бир тушиб қоладиган кўҳликдан-кўҳлик қишлоқ келинларига ўхшаб, ўткинчилардан ажраб турар, унга қараган ҳам карар, қарамаган ҳам қарар, бунга сайин у ноқулайсизланиб, қисиниб борар эди.

Бояқишгина, мунча бегонасирамаса, қисинавермаса?.. Ахир кеча келгани йўқ-ку бу диёр, бу шаҳарга? Шу ерга келиб топган тирноғи эр етиб қопти-ку, ҳалига довур қимтинади, қовушиб кетолмайди. Шу ўйлардан ичим сидирилиб, бу тарих, бу таворихлар кўксимда аламангиз бир қузғолон ясаб бораркан, мижжаларим орасидан қайноқ ёшми-нима сизиб чиқмоққа уринар, кўчани кесиб ўтмоққа ҳам ҳолим қолмагандек эди.

Кеннойим ўзига қараган ҳар кимсадан бир хижолатларга ботиб, рўмолини пешонасига туширишгаю бўйниларини қайта ўрашга тутинар экан, мен унга ачиниблар бормоқда эдим. Тағинам фил экан! Бу балолар тоғга ёғилса, тоғ чидамасди. У чидаб келяпти...

Мен жахд билан қандай утиб борганимнию суйиб салом берганимни узим сезмай қолган эдим:

— Ассалому алайкум, кеннойижон. Узр, кутдириб қуйдим. Қийналмай етиб келдингларми?

— Вой, яхшимусиз? Курмай ҳам қолубмиз. — У хижолатга ботиб тушунтирмоққа уринаркан, ҳатто мендан-да қисиниб-қимтинар эди, — Ёдгорум шошираверуб, эл-бурутдан келаверубмиз.

— Ажаб қипсизлар-да. Булмаса, мен ичим куриб кутиб утирардим, — дея Ёдгорни елкасидан қучиб, эркалаб қуйдим, — Кетдикми, дунантой?

У эриб, бош силкиди:

— Нимада борамуз, амаку? Учар трамвайларга чиқамизму, шоҳли мошинларга тушамизму? — деб эланишга тушди.

— Менинг вақтим зиқ, такси тутақоламиз. Ғизза ташлаб қуяди, юра қолинглар, — деб йул ёқасига бошлайвердим.

Аммо кеннойим иймангапча ҳамон махтал тортиб турар, жойларидан жила қолмас эдилар. Мен нима гаплигини билолмай, у кишига қарадим:

— Тез борсак, тез қайтамиз, юра қолинг.

— Меҳмониз боракан... кутулмаган булсайиз... кутатурайлук. Саидахон айтувдила...

Мен элчининг исмини ҳам чиқармоқчи эмасдим. (Ахир суз берганман!) Саида қаёқдан айта қолибди?.. Аламимни ичимга ютиб, хас-пушлашга уриндим:

— Ҳу, у кишини, аллақачон жунатиб юбордим-ку. Саида нимани билади, — дедим сир бой бермай. Аммо узим ичим пуқиллаб, ишқилиб, элчи кимнинг номидан келганини сурамасин-да дер эдим. Кейин: «Хизматчилик — бизни ишда узоқ кетиб булмайди, кетдик-кетдик...»лаб шоширдим.

У киши иложсиз эргашарканлар, Ёдгор ёнимдан қолмай қултиғимга ёпишиб олган, шу тобда савол халтаси очилиб кетиб, бир нималарни шипшиб, ижикилар эди:

— Амаку-амаку, ростдан Тура бувамларнукига кетопмизму? Ушаларнукига борамизму?

— Булмаса-чи, Тошканди азимда у кишидан зури борми, табибларнинг додахужаси уша киши-ку, — дедим шивирлаб.

— Шаҳар ҳовлуларидамуканлар? — деди у жавдираб ҳам тўхтаб. — Танновга кетворган бўлсалар-чу?..

— Қанақа Таннов? — мен ҳайрон қолган эдим.

— Боғлари-чу?! Тополмасак, ушаққа чиқиб боравурамизаму? Мен биламан, оборганлар мену.

— Йўқ, оғайни. У ёқларга чиқиб юришга... вақт қани?! Сен яхши ният қил, шу ердан топайлик, — дедим уни яна илгари бошлаб. Ўзим эса, йўл қараб, бир явгирюқ маркаб тутиш ғамидаман. Ҳамонки, кеннойиму Ёдгор демаганларни шаҳар айлантириб, табиб буваникига олиб бормоқчи эканман, Ёдгор кейин ҳам оғзидан қуймай гапириб юрадиган ҳилидан тутганим маъқул.

Ахийри қайрилишда эрка кийикдайин йилт янги машина кўриниб, мен «бизни ола кетинг» дегандек ишора бериб, чиқиб боравердим. У ҳам «хожа»сидан қутулиб чиққани экан, ёнгинамга келиб тўхтади.

— Севзорга ташлаб қуёласизми?

У «марҳамат» ишорасини бериб, бош силкиди:

— Фақат тезроқ, ҳали буриб олишим керак.

Ана холос! Савваси ўлмасин деб, тўхтаган экан-ку! Мен уят ичида қолган эдим. Аммо ҳар нима бўлганда ҳам «эрка кийик»ни қўлдан чиқариб бўлмасди. Биз шоша-пиша чиқиб, у жилди.

Машина биз кутгандан ҳам аъло эди: «Вазирлар ҳам ўз ҳузурларини билишмас экан-а!»

Аммо ҳозир биз қайси вазирдан кам эдик?! Айниқса, орқа ўриндиқда ғир-ғир шамолларга юз тутиб, атрофдан кўз узмай бораётган Ёдгорнинг боши осмонда эди. Олд кўзгуга секин зингил ташласам... оқ шойи рўмолларига яна ҳам ўраниб олган кеннойим ҳар қачонгидан сипо тортиб ўтирибдилар. Фақат Ёдгортойларининг яйраб борувидан мутаассирланиб кетяптилар-у, шуни ҳам сир бой бергилари келмайди. Шунга-да, шукр: «Қўйинг, биз бу хил мошинларга тушмай қуя қолайлук», десалар — нима қилардим? Албатта, бирдамас-бирда акамга сўз бериб қўйган бўлсалар, кўрган кўзга яхшимас. Лекин ҳозир... мен борман, Ёдгор ёнимизда.

Назаримда у киши ундан берига бу хил машиналарга чиқмайдигандек эдилар...

Ишқилиб сафаримиз хайрли чиқсин. Ҳамма умид

Тура бувадан. У кишининг енгил қуллари билан кошки бу бало даф булиб, сал чиройлари очилса.

Асли мен уларни Саидага қушиб, бу ёкларга алоҳида оптушиш ниятларим бор. Ҳа-ҳа, кечки салкин билан шу Қизил Майдонга оптушиб бир сайр қилдирсам, улар ҳам бошқаларга ухшаб, анҳор буйларида бир кезишса, очиқ музқаймокхоналарда утириб, фавворалар атрофида салқинлаб, хумордан чиқишса, дейман-у, айтишга хеч журъат қилолмай келяпман. Қани эди, сунг Урда купригидан трамвайга утириб, театр майдонига қайтсак-да, жиндек тамадди қилиб, оқшом чукиши билан театрга олиб тушсам, унинг бирбиридан муҳташам золларини айлантириб томоша қилдирсам, бир умр эслаб юришар эди.

Аммо акам қайтмагунича... бу мумкинмикан? Рози булаадилармикан, кеннойим?..

«Эрка кийик» айтган еримизга элтиб улгурган эди. Биз ноилож тахтиравондан тушиб, таниш дарвозага қараб юрарканмиз, кеннойим аллақандай типирчилаб қолган эдилар. Минг бир андешаларга бориб, хижолатга тушадиларми-ей. Узларига қолса, кирмай қуя қолсалар.

Шу топда у кишини хеч тушуна олмасдим.

— Нимадан тортинасиз? Хешдан аъло, жигардан яқин кишимиз булсалар, — дедим.

— Юра қолунг. Шундан-шу ёққа келдук-ку, — деб қистаб-ялинди Ёдгор ҳам. — Энди куропсизму? Биладилар-ку бизну?

— Биладулар, уғлум. Лекин ғалату-да, — дея ийманар эдилар.

— Сизни билсалар, бизни билсалар, акамни танисалар — нимадан хижолатланасиз? — дедим.

У киши икки одим юриб, яна тухтадилар:

— Ҳар гал... ташвишимизну кутаруб келаверсак... нокулай-да, Мақсудхужа?...

— Одамлар бу кишига етолмайди-ку...

Аммо у киши ҳамон утинар эдилар:

— Сизлар киратуринглар...

— Ая, табуб-табуб дедингиз, келсак — кирмайсуз, — деб Ёдгор утинди. — Булак кимга борамуз?

Кеннойим ноилож эргашган булдилар:

— Майлу, фақат мен ичкаруда утира турай?..

У кишининг узларини бундай тутишлари, Турамга куринишдан тортинишлари жуда-жуда ғалати ҳам тушунарсиз эди. Шунча жойдан келганда нега айниб қолдилар? Нимадан тортиняптилар? Ўша номи хунук нарса туфайлими?

Туғри, ҳар ким узидан утганини узи билади. Лекин кимгадир ёрилиш, суяниш керак-ку. Ё юраклари бетламаяптими, аввалам паноҳларига олган, падардан ҳам яқин булиб қолган кишига куринишга?

Ундай десам, тангритоғлик қочган-қувган мусофирларнинг, диёридан узоқ тушганларнинг таянчию суянчи ким экан, у киши булмай?

Кунмай илож канча:

— Майли, сиз ичкарида була туринг, — деб Ёдгор билан дарвоза болачасини очиб, чақириб кириб боравердик.

Валлоҳ, валлоҳ, ҳовлида «Ҳайт!» дейдиган одам топилмаганидан ёлғиз балх тути устини чумчуқлар галаси шундай босган, улар беармон бозор қилиб ётишар эдики, дарвозахона ёнидаги ҳужрадан таралаётган қори боланинг овозини-да ютиб юборган эдилар. Икки елкаси икки ёнга салом берганча паст-баланд тушиб юргувчи ошиқ оғаси қаёққа гум булибди, куринмасди.

Биз киришимиз билан гала гув кутарилиб, ҳовли тинчиди-қолдию, аммо тут таги билан битта булиб марвариддек оқарган мевачалари қолган эди. Уларни босиб ҳам, айланиб утиб ҳам булмас эди.

— Вуй, ҳидуни, асалну узи-ку! — Ёдгор илтифот кутмайин ҳам уларни териб, оғзига солмоққа тушган эди, кеннойим остонадан утибоқ:

— Вой, ҳой, уят-а! — дея қулларини юзга босганча қолдилар.

— Нимасу уят, ая? Тут-ку бу?

— Сурамай-нетмай еб буладуму, қуй.

Шу тоб ён тарафда уранган аёл киши қораси куриниб, у келиб кеннойим билан куриша бошладию ҳужрадан Ёдгор тенги қори бола чиқиб, қулини куксига қуя салом берди. Сунг:

— Келингиз, опоқдомизга булса, жиндек кутатурасиз, — дея қалимий чорбурчак ғишт ётқизилган йулкадан бошлаб кетди.

Сиһогина боланинг муомаласига маҳлиё қолган Ёдгор ҳам тутни қуйиб, бизга эргашган эди. Тура буванинг олдиларига хос юмуш билан келганимиз учун ҳам қори болага тушунтирган бўлдим:

— Эшикда улов кўринувди, олдиларида одам бўлса, кута турайлик.

У қули кўксида, бош силкиди:

— Яхши-яхши, сизларга-да жой етарлу.

Аммо Турамнинг ўша тепадаги хос ҳужралари олдидан ўтар эканмиз, унинг қия очиқ эшигидан баногох жуда таниш овоз эшитиб, титраб кетдим. Ичкаридаги одам:

— Шунақа, тақсир, ўзиз бир давосини қилмасангиз, бояқиш ич-этини еб адо бўляпти. Худо хайрингизни бергив, — деб ўтинар эди.

Ё тавба, Олим акамми?!. Кимни айтяпти?!

Ўгирилгунимча бўлмай Ёдгор югургилаб келиб, тирсагимдан тутди:

— Амаку, каранг, катта амакумламу?

Мен ҳайратда қолган эдим:

— Кўчадаги машина у кишиникимас шекилли? — дедим шивирлаб.

— Уларнукимас, лекин овозларину... эшиттизму? Ўзиз каранг, — деб қистарди у.

Бизнинг шивир-шивиримизга тушуна олмай ёндош хона остонасида тўхтаган қори болага ўгирилдим:

— Балки Турам тақсирга айтиб боқарсиз? Султонмурод ботуризнинг хешлари келишибди деб, — дафъатан тилимга келган гапдан ўзим ҳам ҳайрон қолган эдим.

Қори бола бу тарихнинг бир чекасини эшитган шекилли, ялт этиб юзимга қаради:

— Чиндан-а?

— Чиндан-чиндан. Турам биладилар, зиёратларига илгариям келганмиз, — дедим шивирлаб.

— Биз билмай қолган эканмиз-да, — деди у болалигига бориб.

Мен аста бориб, елкасига қоқдим:

— Сиз ҳув анув болохонада Аллоҳнинг каломини ёдлаб ётган кезлариз... келганмиз. У ердан бир чиройли қироатлар таралардики, билсангиз, — дедим қулоғига.

У шйманиб, ерга қаради:

— Биз эмас, Ориф дўстимиз тиловат қилар эди, биз унинг усулини ўрганар эдик, — деди чинига кўчиб.

Мен унинг азиз бошини силадим:

— Уша усул, ўша овозини қайтиб эшитмадим. Худо хоҳласа, ўзиздан ҳам бир эшитамиз. Бўлтими?..

У уялиб бош силкидию, кейин турган еридан чаққон бурилиб, Тўрамнинг ҳужралари томон чопди ва остонаданоқ овоза қилди:

— Бува, биласизми, ким кепту?! Султонмурод богуриззи хешлари келишупту!..

Шу баробар эшик ланг очилиб қадимги оқ рух каравотда ярим ёнбошлаган Тўрам тақсир кўриндилару биз шошиб қолдик. У кишининг бир чиройли кузалган оппоқ соқоллари ўзларига ярашиб турган бўлса-да, юзларида аллақандай дард асари ҳам кўринар эди.

— Ие, тақсир бетобмидилар? Айтмайсизларам?! — деб юкиниб бора бошладим.

У кишига тўрдаги дарча тагидан жой қилиб беришган, Олим акам эса дастурхон тузалган курси ёнига тиз букканча ўлтирар эди. У қори боланинг сўзидан ҳайратга тушиб, ўгирилган жойида кўзи менга тушдию:

— Ие, чиндапам, мирзо-ку, холаваччамиз-ку, — деб тура бошлади ва Ёдгорни кўриб, каловланиб қолди.

Мен унинг бояги сўзларидан энди бир нарсаларни англагандек бўлар эдим-у, аммо бир тўхтамга кела олмасдим: нечук, ҳеч кимга маслаҳат солмай келаверибди?..

Энди уларни махтал қилиб бўлмасди. Мен йўлакай Олим акам билан сўрашиб, Тўра буванинг ёнларига ўтавердим.

— Ассалому алайкум, имом бува. Баҳай-баҳай, биз эшитмабмиз-ку. — деб юкиниб бориб, тиз букдиму қўлларини олиб ўпиб, юзларимга сурта кетдим. Ажаб, сариқ бахмалдан ҳам юмшоқ, момиқдан ҳам майин бу қўл муздек эди. Лекин шу муздек кафтдан мушканбар бўйларига ўхшаш бир бўй таралар эди. Уни ўпиб, юзларимга суртар эканман, ўзимда йўқ ҳузур

топардим, тавба. У киши ҳам бундан мутаассирланиб, пешонаю кафтларимни аста силар:

— Ва алайкум, мирзо, ва алайкум, — деб шивирлар, — бу тонг-саҳар кўз унгимдан ўтувдингиз, Сиз ҳам, тойим ҳам — кўрсатганига шукр, соғинганларимни олиб келибсиз, барака топинг, Аллоҳдан қайтсин, — дер эдилар.

Бунга сари мен у кишининг бағриларига сингиб кетгим келар, ҳеч жилмасам дердим. Шу орада у киши энгаҳларини сал кўтариб, нигоҳлари ила Ёдгорнини, кимнидир излаётганларига кўзим тушиб қолдию жой бўшатишга ошиқдим. Ана шунда у кишининг бир бурда юзларига офтоб тушгандайин мамнунлик югурмоққа бошлаган эди.

Сўнг хастаҳол овозда чорлаб:

— Вой, тойим-тойим. Ғунан тойим, дўнан тойим. Бувака соғинтиришга келишмаган эдик-ку, — дея ўпкаламоққами, эркаламоққа тушдилар-да, бошларини силаганча дуога бериллилар: — Ило-ой, етимларнинг мураббийси Ўзингсан, орқамизда қоладиган бу маҳбубларимизнинг ҳам умрини чиройли қил. Ота-оналарига тўзим бер. Уларни Ўзинг ковуштириб, жудоликларига чек қўй. Шу норасида бандангг ҳаққи уларга рўшнолик ато эт.

Мижжаларидаги икки томчи ёшга кўзим тушиб, ичим аллатовур сидирилди. Ўзим четга қараб олган, аммо кўз олдимдан Тўрамнинг нурли сиймолари, қулоқларининг юмшоғига довур туташиб борган қордай оппоқ соқолларию мижжаларидаги икки томчи ёш нари кетмасди. У киши узиб-узиб, дуода давом этардилар:

— Ўзингга осон. Мужоҳидларингни бу дунёю у дунёсини чиройли эт. Шу жумладан ботурларимни ҳам, бизникини ҳам...

Кейин унинг пешонасини силаганча, жим қолдилар.

Олим акамнинг иссиқ нафаси қулоғимга урилиб, ўзимга келдим.

— Таксирни толиқтириб қўймай чиқа қолайлик, нима дединг?

Мен унинг юзига ҳайрон термулдим.

Олим акам ўша-ўша шипшир эди:

— Якинда тиғ остидан чикибдилар. Бошқа гал келармиз.

— Майли, — дедим ноилож.

Аммо шу он у киши ниятимизни сезиб қолиб, бизни қистай кетдилар:

— Утирингиз-утирингиз. Нима булди, мирзом, келмасдан туриб олибсизлар?

Менинг ўрнимга ҳам Олим акам қўл қовуштириб, изн сўрамоққа бошлаган эди, у киши бош сараклатиб зинҳор кўнмадилар:

— Йўқ-йўқ, бу азизларимга жавоб йўқ. Мен буларни ўзим соғиниб ётиб эдим. Сизга эса, хизмат бўлмаса, бир юмуш бор.

— Жоним билан, буюринг, — деб акам қайта тиз букиб, яна қўл қовуштирди.

У киши Ёдгорни бағриларидан бўшатмай туриб, нимагадир ишора этдилар:

— Ҳалиги «анқонинг уруғи»ни у кишимдан сўрамай қўя қолинг. Эмига тушмай юрмасин. Сўрашга арзигулик бошқа бир беғубор биродаримиз бор.

— Бир оғиз сўзиз, ким? — деди акам.

— Кўп яхши, покиза одам. Ўша муфтий жанобларига ноиб. Мирзакаримбой авлодидан, эшитган чиқарсиз.

— Ие, Мирзамурод аками? — деди акам.

— Дуои саломимни етказсангиз, бизни диёрларда отлиққа ҳам топилмайдурган ўша обизамзамни ана шу кишидан топгайсиз, Худо хоҳласа...

«Воҳ, излаётган нарсалари шу эканми?! Бор экан-ку шифоси?!» дердим ичим тошиб. Акам эса, чўк тушган ҳолида, камига таъзимга эгилган кўйи:

— Раҳмат, Тўра буважон, раҳмат. Биздан қайтмаса, Аллоҳдан қайтсин, Аллоҳ Ўзи сизни қўлласин, — деб юкинар эди. Бу жуда-жуда ғалати эди. Илтижоси ҳам, илтимоси ҳам...

— Олиб келсангиз, кейин ўзим, албатта, «Оятал Курси»ни ўқиб, қандай ичишларини айтаман. Иншааллоҳ, сан кўр, ман кўр бўлиб кетгай, — дедилар у киши. Ана шунда Олим акам:

— Барака топинг, Аллоҳ нафасиззи бундaнам ўткур этсин. Ўзи сизга ҳам шифои комиллар берсин, — дея

туриб, қўл қовуштирганча орти билан юриб, ковшандозга тушаркан, Ёдгор ҳам, мен ҳам ҳангу манг қолгандик: ким-ким, қаршимизда биздан аввалроқ отини қамчилаган ва кеннойимга яхшилик соғинган яна бир одам турар эди.

Шу тоб Тўрам қўлларини кўтариб, унга шошманг имосини қилдилар:

— Иложини қилсангиз, идорага ўтинг. Ҳожимни ўша ердан топасиз, — деб туриб, юмшоқ жилмайдилар. — Шу бугун ола келсангиз нур устига аъло нур бўлиб, келинимизни ҳам қуруқ қайтармасдик.

Ана холос!.. Бу кароматга нима демоқ мумкин?!. Ёдгор иккимиз ҳам ёқа ушлаганча қолган эдик. Биз майли, келишимиз ховфларида маълум бўлти! Аммо кеннойимни қаёқдан билдилар, ҳеч ақл бовар қилмасди.

8. Қора дарвешнинг илтифоти

Ҳикоячига қоронғу, ёлғиз муаллифга аён тарихлардан

«...Ҳаййалал фалаҳ! Ҳаййалал фалаҳ!»

— Соҳиб, азон чақиришадир.

У ўзига келиб, ўгирилиб қаради. Хизматчи «намозга чиққайсизми?» деган каби остонада турар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидлари томондан эса, азоннинг сўнгги калималари янграб келмоқда эди: «Ла-а илаҳа иллалло-оҳ!»

У афсус-надоматга тушиб, ёмон эзилди. Сўнгги неча йил бадалида у аср жамоатидан бенасиб қолмоқда эди. Ҳамма — ҳамма билан, у ўзидан тинчиган бир одам... куппа-кундузи аср жамоатига етишолмаган, осмон малоикалари алмашиниб, Тангри таоло ҳузурига қайтадиган ва ул Зотнинг «бандим не билан машғул?» деган сўроғига «жамоатда ибодат ила машғул» жавоби бериладиган кезда... у бу мартаба — Аллоҳ даргоҳида муносиб эсланишдан бенасиб қолмоқда эди. Хаёли нималарга кочди? Шайтон ёзғирмаса, жамоатга аллақачон етиб боргай эди-ку, эмаклаб бўлса-да, етиб бормоқ керак эди-ку!..

У қулоқ юмшоқларига довур лоқуллаб, ўрнидан тураркан, йўлакай хизматчига хижолатомуз нигоҳ ташлаб:

— Қара-чи, яна ким бор экан, жамоат савобидан бебахра қолмасдук, ҳали ҳам бўлса, — дея таҳорат янгилашга шошилди.

Аллоҳ ўзи меҳрибон, қўшни дўкон хизматчиси ҳам дўконни ёпиб улгурмаган экан, у ҳам кириб, такбир туширдилар. Пайғамбар масжидларига етолмаган бўлсалар-да, Аллоҳ олдидаги хижолатпазликдан жиндек қутулган эдилар.

Аммо унга бугун нима бўлдики, сал қолса аср шарофатидан бебахра қолади экан. Чиндан шайтон ёзғирдими ёхуд диёрдан келган мактуб паришон этдими? Бир бўлса ўша фаромуш этдиёв.

Улар асрни қиёмига етказиб ўқиб, дуолар ила ўрниларидан қўзғолишаркан, у шукрона лозимлигини сезди:

— Ўзига шукр, Аллоҳ сизларни етказиб, жамоат савобига доҳил этди. Энди ҳеч қачон, ҳеч биримизни бу бахтдан бенасиб этмасин, омин, — деди. Шериклари-да, бундан мутаассирланиб бош силкидилар.

Дунё кеза-кеза шу табаррук заминда қўним топмиш бу узоқ юртлик мусофир ҳеч кутилмаганда бугун сўлғин ва фаромуш кўринар эди. Ўша узоқ диёрга жўнатмиш элчилари қайтиб, неча кунгача уларни ёнидан жилдирмай суҳбатлар қурган, келтирган муждаларидан боши кўкка етиб, ватандошларини зиёфатларга чорлаб, суюнчиликларини баҳам кўрган бўлсада, бугун яна хомуш эди. Нима бўпти экан? Ҳатто Пешовардан атай ташриф буюрган ватандошини кеча еру кўкка ишонмай, ёнидан бир қадам жилдирмай меҳмоннавозлик қилиб ўтириб эди. У Маккага ўтиб кетдию бу яна сўнди-қолди. Боғдаги қўш хурмо ўртасига тупроқ тўктириб ясатган супасида, ҳа, ўша қўшқават кўрпачалар ёздириб ватандошларини зиёфату суҳбатга чорлайдиган жойда ёлғиз ўзи ўша дўсти-ёрони кетган тараф — қиблага термулиб ўлтирар эди. Ёнидаги қўша-қўша пар ёстиқлардан биронтасини тирсаги тагига тортиб ёнбошласа эканки, хотиржам десанг, бир хаёлга толди-да, десанг.

Худди ўша Пешовардан дараги чиққан дўсти қайтиб кўринмагунча шундай ўтираверишга қасам ичган каби қимирламас, чордона қуриб ўтиргани-ўтирган эди. Хаёлдан толмагани унинг!

Соқол-муртига оқ оралаб, келбатли, файзли кишилар қаторига кира бошлаган кезда нимани қўмсаб қолди? Ўша қирчиллама йигит ёшида тарк этган жойларинимн, етишолмаган қон-қардошларинимн? Уларни демаса, нимадан камчилиги бор? Бир кам дунё деб шуни айтар эканлар-да! Бўлмаса, бу мунаввар замин, қиёматга қадар қут-барака ёғилган бу шаҳарга кимлар етди, кимлар етолмади? Бу ёнда Хотамун Набий масжидлари, у ёқда Ухуд тоғлари, Бадр водийси, ансору муҳожир саҳобалар ётган Бақъи қабристони, яна қанчадан-қанча Пайғамбар қадамжолари — ҳамма-ҳаммасидан саодат асрининг нафаси келиб турибди. Эрта тонгларда танга роҳат Мадина шабадалари эсиб, Набий масжидлари тарафдан наинки азон садоларини, ўша саодат асридан қолган ифор ҳидларини ҳам олиб келаётгандек, таратиб ўтаётгандек бўлаверади. Улар қиёматга қадар туганмаслиги, таралиб тураверишн тайин.

У ёқда эса, қиблагоҳ — Каъбатуллоҳ турибди, соғинсанг етгудек жойда. Шу диндаги бир инсонга бундан ортиқ яна нима керак?! Ҳар йили умра ё ҳаж қилмоқ мумкин. Каъбатуллоҳни тавоф этмоқ, пайғамбарлар, авлиёлар қадамлари етган Миноларга бормоқ, Арофотда турмоқ, Муздалифада тунаб, қониб-қониб ибодатлар қилмоқ мумкин. Ёлғиз Аллоҳга суяниб қолган бандага бундан ортиқ нима керак? Кўнглининг яна қаерида кемтик қопти экан? Шунча дунё кезиб, шу ерларга етиб ҳам яна қандай армони бор унинг?

Хизматкорлар унинг ёнига йўлай олмасдилар, бир қур бўлса-да, кўнгил сўрай олмасдилар. Охийри шивир-шивир билан хонум бекага маълум қилишни афзал топдилар. Шунақа дамларда Марғу хоним ёнига Фотма-Зуҳра қизларини олиб, оталари қаршисига саломга чиқишадию Баҳриддинхўжа ўз ҳолига қайтади. Ундан берига шу ўтириши ўтириш. Фақат азон билан намозга чорлаб, ўзига келтирмоқ мумкин.

Марғухоним ўша Қашқардан келинлик сепига қўшиб берилган олма гулли чойнак-пиёлаларга чой дамлаб чиқиб, хожасига тавозула боқаркан:

— Адаси, ўзимизни Тошканча қора чой дамлаб эдим, ичинг. Зора ғубориззи олса,— деди раъйига қараб.

— Ғуборни олиб, кўнгилни ёзадиган нарсага нима етсин. Валлох-валлох. Бу чиннилларда кечагиндаёқ чой дамлаб чиқармоқ лозим эди, — деди Бахриддинхўжа уларни кўргандаёқ бахри-дили очилиб. (Хазилми, булар узилган никох ришталарини улаган валломат онласидан совға тариқасида келган-ку. Наинки ёлғиз ўзи, манави келинбону билан келган! Унинг дарагини эшитибоқ, никохидаги аёлини совға-саломлар билан жўнатган кишини шу чиннилларда сийламоқ лозим эмасмиди?!.)

Марғубонунинг кўзлари ер сузди:

— Уялдим, адаси, — деб қўйди секин. — Кейин ўзиз айтдиз, у кишининг кўнгли яримтамуш.

Бахриддинхўжа чой хўплаб, бош ирғади:

— Сен хаксан. Яримталикка яримта. Кўз очиб кўргани мана қанча йилки ёлғиз Ёдгори билан сархад ортида. На хабар олдира олади, на мужда келади, — у яна бояги хардамхаёл холига қайта бошлаган эди, аёли чалғитмоққа жазм этди.

— Нима, Пешоварда жой-дўконлари бормикан, бунчалик боғланиб қолмагалар?

— Йўқ, уни у ерда тутиб турган — бошқа нарса. Биласан, Султонмурод жой-дўконлардан, бу дунёнинг хою хавасларидан баландроқ туради. У ерда жамият очган. Бизга ўхшаган мусофирларнинг бошини қовуштираман деб юрибди шу днёрларда хам. — Бахриддинхўжа тўлиқиб, энтикиб қўйди, — Ўзи бу ахволда... яна кимларнинг ғамини ейди! Бировга эш бўлгунча ўзингга енг бўл, деганлари бекор экан!

— Кеча келганларида элчингиз олакелган хат-хабарлардан бошлари кўкка етгандир?..

— Қаёқда! — деди Бахриддинхўжа бош тўлғаб, — бундай таъсир этишини билсам, бермай хам қўя қолардим мактубни.

Бону беихтиёр қўлини юзига босди:

— Вой, билмай-кўрмай, бериб қўйибсизми? Кимдан экан?

— Уша узингиз билган мирзо йигит — Салом холамизнинг битикчи уғилларидан экан. Фаҳмимча, аччик-тизикроқ хат битган куринади. Нега бундай ёзибдир, тушунолмадим.

— Қандай кузлари қийибди?

— Билмасам, Бону. Аяса буларди, осон тутган куринадир бунга! — Ҳожаси пиёлани узатиб, аёли яна чой қуйди:

— Узингиз юпатиб, тушунтирсангиз булармиди. Ҳарамга утишлари шунчалик зарур эканми?

— Биласан, Олтинхон турам ҳозир уша ердалар, дарс бераяптилар. Олдиларига маслаҳатга кетди, — деди хожаси ва қуıиди. — У кишининг ҳам қулларидан нима келарди. Қолаверса, биз ватанжудолар бир булганда ҳам нима қила оламиз, Аллоҳ Ўзи кушойиш бермаса?

— Шундай-ку, адаси, астойдил йиғласа Аллоҳ сукир кузга-да ёп берар дейдилар,— деди Бону ялинч оҳангида.— Бизга шунча яхшиликлар соғинган кишига қолганда наҳот бирон тадбир топилмаса?

Баҳриддинхужа бир тулғаниб, хонтахта устига кукрагини берган эди, дардининг зуриданми, залвориданми хонтахта қисирлаб кетди:

— Шу икки кун ичида каллам торс ёрилаёзди. Қани энди эпақали бир йул куринса. Уша дастимиз ет-майдими, деб қурқаман. Қайтаролмаймиз шекилли яхшилигини, қиёматга қолади шекилли, Бону. Ёзуғи... шундаймикан. — Ҳожасининг кузларига қалққан нам йилтираб кетгандек, овози ҳам узгариб чиқмоқда эди.

— Қайтишда кирадилармикан?

— Киргил, мени тинчлантириб кетгил, кунглим алағда утирмайин, дедим. Яна билмадим. Қизиқ устида ножуя бир иш қилиб қуймаса эди, деб қурқаман, Бону.

— Йуғ-е, адаси, Худо асрасин. Сарҳад ошиб боришдан ҳам тоймайдилар, деб уйлайсизми?

— Узига қолса, дордан қайтмайди. Шунақа феъли ҳам йуқ эмас. Аммо Турамдек художуй одам хабар топсалар, қуймасалар керак.

— Узиз қайтара қолмабсиз-да, адаси?

Ҳожаси ночор жилмайди. Бу ичи тукилиб бораётган одамнинг зурма-зураки кулимсишига ухшаб кетарди:

— Менми, қани қанотим бўлса, унинг ўрнига ҳам ўзим учиб бориб, бир йўлини қилган бўлардим-ку. Ушанинг эвини тополмаяпман-да, Боку...

Улар жим қолдилар. Ким дастурхон попугини ғижимлаганича, ким бўшаган чинни пиёлани чангаллаб, уни кети ила хонтахта устини эзғилаганча. Аммо ҳар иккисининг кўзларида ёш ғилт-ғилт айланар-у, оқиб кетолмас эди.

Шунда Худонинг уларга раҳми келдими, кушойишини Ўзи етказиб, супадан беш қадам нарида хизматкор йўталинди:

— Хожам, сизни бир киши йўқлайдир.

— Ким, дединг? — деди Баҳриддинхўжа ҳайратга тушиб.

— Занжимисан занжи бир қора дарвеш... киришга изн сўрайдир.

— Йўғ-е, ўша, алп келбатли киночи-я? Уни шу топда қандай шамол учирибдир?

— Билмасам.

— Айт, кираверсин. Шундан шу ёққа келиб, нега тортинадир, азиз меҳмонимиз?

Эшик оғаси унинг қайсибир сўзига (балки «азиз меҳмонимиз»гадир) илжайинқираб елка қисди. Аммо тўғрисини яширмади:

— Тоза шалдир-шулдир — бир қоп ёнғоқ экан, меҳмонингиз. Тили танглайига ёпишиб, суюнчи сўрайдир нуқул.

— Суюнчи?

— Ҳа-да. Сиз билан қайси офтобшувоқда қатиқ ялашган экан, нуқул «хожамиз қаердалар, хожамиз суюнчини чўзаверсинлар, атаганларини чиқараверсинлар», дейди.

«Шиғаб суюнчи сўрайдир?» Шошма, ўша хайрли ишни Тангрим азза ва жаллага хуш келиб, шу дунёдаёқ иззат-икром топибдиканми?

— Шошма, ўзим, — дея Баҳриддинхўжа супадан туша бошлади.

Аммо у орқаси очиқ кавушини оёғига илиб улгурмади. Дарвозанинг болача эшиги очилиб, бурунги замон гладиаторларидан қолишмайдиган ғавдали одамнинг аввал муштдек қоп-қора боши (соч дегани жингалак-жингалик бўлиб, каллага ёпишиб кетган — жингиртоб эди), сўнг унга неча баробар катта елкаси

куринди. Ўзи эса, болача эшикдан икки энгашиб ўтмокда, оёғини оламан деса, гавдаси сиғмас, гавдасини ўтказаман деса, оёғини ололмас эди. Таниди. У ўша Нажоший авлоди, саҳобалару Пайғамбаримизга муҳаббати тушиб, шу муҳаббатини кинога кўчирмокчи бўлган Қора дарвеш эди. Ўша дину диёнатини асрамоқ учун Хабашистонни қора тортиб борган биринчи мусулмонларнинг аламли кунларию Аллоҳ рози бўладиган мардона сафарларини, кейинги карамли ҳаётларини алоҳида бир муҳаббат билан дунё халқларига ҳикоя этмокчи бўлган занжи киночи эди.

У эшикдан икки букилиб ўтиши ила кандай бир тор ердан ўта олганига қараб ҳам қуймайин қаддини ғоз тутиб, супа четидан тура бошлаган Баҳриддинхўжа томон интилди:

— Оҳ, хожам! Хотами Той биродарим! Бизни табрикланг! Муборакбод этинг! Аллоҳ йўлидаги эҳсонингиз Ўзига хуш келиб, бизга нусрат ато этди. Эшитяпсизми, хожам, биз ютдик! Суюнчини чиқараверинг, атаганингизни келтираверинг.

Баҳриддинхўжа дабдурустдан ҳеч нарса тушунмади. Қандай нусрат? Киноси олиб бўлиниб, қуйила бошлаган, ҳатто телеканаллар сотиб олган эди шекилли? Яна қандай нусрат ҳақида гапиради?

У жиндек хайикди. Чиндан ҳам қора айиқдек лапанглаб қучоқ очиб келаётган бу қора давангирнинг кучоғига тушиб қолишдан киши туйқус чўчиб кетуви мумкин эди. Лекин у бегонамас, кейинги йилларда ўзи суйиб орттирган биродарларидан эди. Қоранинг қораси, кўмирга айланиб кетган бир инсон бўлса-да, ялтираган қўл-оёқлари, юз-бошлари, тарс-тарс ёрилиб кетган товонларига қараб туриб, қайси балчиқдан чиққан дейсиз. (Шунақа хабаш!) Аммо иймони шунчалар бутун, шунчалар покизаки, буни ўйлаганда бағрига сингиб кетгинг келади! Ундай биродарни қайтиб топ-чи!

— Худо ҳар бир мўминни сочқи сочадирган кунларга етказсин! Суюнчи сиздан айлансун! — деди Баҳриддинхўжа хизматкорларига меҳмон елкасига тун ёпмоқ ишорасини бериб.

Бунгача Қора дарвеш унга етиб келиб улгурган, қалампирмунчоқ ҳидидан сал бўлакчароқ, гуркираган-

роқ бир ифор бўйлар таратиб бағрига олган, у бўйлар юзини юзга босканда қулоқлари таккинасидан келарми, қора эти ялтираган яғринларидан келарми, билиб бўлмас, аммо жума намозига отланган мўминдан таралган бўйлардан кам эмасди.

— Оҳ, хожам, билсангиз эди, мен сизга қандай қувончлу хабарлар келтирганимни. Етти ухлаб тушимизга кирмаган илтифотларга эришиб турибмиз. Бу ҳаммаси сиз туфайли, эҳсонингиз туфайлидир. Унгача Аллоҳга хуш келадирган бир нима яратмакка бизга йўл бўлсин эди.

Баҳриддинхўжа хизматкорлар олдида хижолатланди:

— Нима топган бўлсангиз Аллоҳдан. У фийсабилиллоҳ эди...

— Йўқ, сиз қандай хабар деб сўранг. Қандай суюнчилик деб сўранг, — у уни бағрига босиб тўймас эди. — Сўранг, оғзингизга сиққанини сўранг. Мен сиз учун жонимни беришга-да тайёрман. Биз ўшал жаннатмакон диёрингизга кетяпмиз. Эшитяпсизми, сизнинг ота юртингизга! Ўшал сиз қуллаб юборган кино Аллоҳга хуш келиб, бизга кўп иззатлар келтирди. Сизнинг юртга йўл очди. Халқаро фестивалга кетяпмиз. Тиланг тилагингизни — энди узмасак, қачон узамиз яхшилигингизни?!

Баҳриддинхўжа ўз диёрининг номини эшитиб, юраклари тукилиб тушаёзди. У маъвони кўриш, бўйларини қайта бўйлаб, сувларидан ҳовучлаб-ҳовучлаб ичиш мумкин эканми? Қуяркамларми шунга? Нималар дейди? Кимни айтяпти? Наҳот бир умрлик армон шу қора қулнинг илтифоти билан абас топса? Шу мумкин эканми? Уларга шу киночининг бир оғиз сўзи билан диёрга қайтишга рухсат берадилар эканми? Шўролар-а, ўша йўқсиллар ҳукумати-я? Ё бирон нарсани чалкаш эшитдими? Балки йўл олдидан тила тилагингни деб илтифот кўрсатиб келгандир? Шуниси тўғрироқ, ҳақиқатга яқинроқ. Шунга ҳам шукр, айтмаса, индамай жўнаб юборса, нима дея оларди?!

— Қандай анжуман дедингиз? Шўролар ҳам ўз эшикларини очадилар эканми? Темирқўрғон қилиб ташлаган, деб эшитардик-ку? — дея олди Баҳриддинхўжа, биродари у етиб бўлмас диёрга кетаётганидан

кўнгли аллатовур бузилиб келиб. Шунақа: кимга у диёрнинг йўллари тақа-тақ берк (Худо ёрлақасагина тушларида кўрмоқ мумкин!), кимга эса, «шўроларнинг шарофатини» кўз-кўз этиб, анжуманлар ташкил этишади, фестиваллар ўтказишади. Биродаримиз ҳам ўша рўйхатга тушибдими?

Майли, биз учунам кўришсин, жаннат боғларида кезишсин, кавсар сувларидан ичишсин! Фақат зар қоғозга ўралган ёлғонларига учишмаса, бас! Иймонларидан ажраб қайтишмаса, бас! Мазлум ҳукмида қолган бутун бир элни қандайин ҳам бўлар бахтиёр экан деб юришмаса, бас!

— Хожам, тиланг тилагингизни. Бизга сизнинг диёрларга бориш насиб этиб турибди. Омонат саломларингиз, топшириқларингиз бўлса айтинг! Ўзим элчингиз бўлай! У яхшиликларингизни қайтарай мен ҳам. Нима истайсиз? Мана, мен хизматиздаман! Тортинманг, хожам.

Оҳ, бу кўнгил нималарни истамас?! Хоҳламас?! Воҳ-воҳ-воҳ, бир оғиз сўз шунчалар ширин бўлармиЭ Жону жаҳонингни ўртаб юборарми? Унинг сўнгги сўзи юрагининг аллақайси ингичка жойларига етиб бориб, тегиб кетган эди: вужудига ёқимли бир титроқ югурган, ўзи эриб-битиб борар эди! Қариликми, нима ё бир умрли соғинч элтдими? Баҳриддинхўжа туйқус бўшашиб, пешонасини меҳмоннинг елкаларига тираб қолди! Воҳ, Аллоҳ шу кунларни раво кўриб турибди эканми, етказиб турибди эканми?!

— Ҳов, умрим шомида топган азиз биродарим, ўзимга қолса, мен нималарни истамасдим?!

Ичиккан кўнгли бу паллада ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган у диёрнингувратларини бир бор бўлса-да, кўрмоққа зор-зор йиғлар, шунда ҳам куйган дили «майли, мен чидайман, нима кароматинг бўлса, нима илтифотинг бўлса, менинг дарбадар бир биродарим бор, ўшанга қил бу оламнинг яхшилигини», дер эди. Ўзи қолиб, унга илинарди.

9. Тақсирлар жиндек узрлидурларми?

Бугун сабоқ куни эди.

Олим эрталабдан қаймоқ бозорига тушдию иккита

иссиқ нон билан бир шиша бонкачада қаймоқ олиб, Тўрамнинг зиёратларига шошди.

У бу табаррук хонадондан туганмас ғазна топиб олгандек эди. Ғазна нимаси, Тўрамнинг ўзлари юрадиган бир тирик хазина эканлар. Ҳар сўзлари олтинга тенг, турган-битгани ҳикмат. Сабоқлари-чи, чанқоқ қалбга чашма ёпишяпти. Шу вақтгача қаёқларда юрган экан? Илгарироқ келса, бўлмасми экан?! Интиқиши шундан: ҳар куни хизматларида турсам, назарларига тушиб, дуоларини ола қолсам, дейди-ю, дуо олиш ўзими? Жилла қурса, у тарихлардан бирон нима илинсалар ҳам жон қулоғини тутиб, чанқоғини қондиргай-ку.

Ҳаммасидан ҳам бурун у ҳарф таниётганидан, «бисмиллаҳир роҳманир роҳийм[1]»ни ўзи таталиб ўқий бошлаганидан боши осмонда эди. Тўрам саккиз дарсдан сўнг Каломуллоҳнинг майда сураларини ўзи ўқийдиган этиб, Қуръонга туширар эмишлар. У шунга ичи тушиб ётибди. Ҳарф таниб олсаёқ Сутчи Қайрағочли ёлғиз мозордан топган китобларни сўраб олиб келарди. Падарибузруквори ўқиган табаррук китобларни ўзи ўқий олса қани эди, йиғлаб-йиғлаб хатм этса қани эди! Нечук ўқимасин?! Отанинг номаи аъмолига савоб етказувчи нарса шу бўладию ўқимайдими?! Хатм қилмайдими?!

Тўрам шу калитни топиб берадилару у зотнинг ҳузурларига чопмасинми, хизматларини қилиб, назарларига тушмасинми? Бўлак нияти йўқ. Бўлак ниятларни ярим йўлга ташлаб келган. Аллоҳ шоҳид, соф ният билан келган.

Аммо хосхонага нонушта ҳозирлаб, Тўрамнинг қўлларига сув қуйиб улгуриб эди ҳамки, у кишини аллақандай улуғ меҳмон йўқлаб келганини маълум қилишди.

Устозга ихтимат билан хизмат этиб, бирга нонушта этмоқ умидида елиб-югурган Олимнинг чойига қувалашган пашша тушгандек бўлган эди. Начора, Аллоҳнинг хоҳлаши!

Ҳовлига банорас тўнда, оқ салалли улуғ меҳмон — муфтий жаноблари зиёратга кириб келмоқда эдилар.

[1] «Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила бошлайман» дегани. *(Муаллиф).*

Олим уларнинг олдида ўзини ортиқча сезиб, ташқарига чиқа бошлаган эди, Турам чақириб қолдилар:

— Эшон бола, бу кишимни танимадиз, чоғи?

Олим бир дақиқа тараддудланди. Меҳмоннинг юзида камдан-кам одамларда учрайдиган ичдан балққувчи бир нур кўриб тўхтади. Улуғ меҳмон ҳам ярим ҳайрат ичра ўгирилган эди. Саломига алик олди:

— Ваалайкум ассалом, келинг, ўғлим.

— Шундай, тоғ-тоғ билан кўришмаса-да, одам одам билан топишгай экан, — дедилар Турам меҳмонни тўрга ўтишга ундаб. — Албатта, Аллоҳнинг изни-марҳамати ила. Бу йигит ота қадрдонингиз раҳматли Абдураҳим эшон поччамнинг кенжалари бўладирлар.

— Ё раббий! — деди меҳмон тўлқинланиб, — Ушал... муфтийликка биринчи ҳақдор зотни-я? Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин ул раҳматуллоҳи алайҳни!

— Ҳа, муфтийликдан Туманли юртни афзал кўрган зот — Эшон поччамнинг кенжалари.

Олим кўп одамлар оғзидан эшитган гапларни эслаб, (муфтийликка чақиришганда у киши узр айтиб, «Қуръоннинг зер-забари кўп, биз улардан чиқолмаймизми, деб қўрқадирмиз», деган эканлар) кўзи намланди. Булар қолган тарихларни ҳам билишса эди! Шу асно томоғига аччиқ бир нарса тиқилиб келди.

Шу топда улуғ меҳмон у томон икки одим ташлаб, қучоғини очиб улгурган эди.

— Келинг, ота қадрдон, бир ҳушлашиб, у зотларнинг руҳи-покларини шод этиб қўяйлук.

У қўли кўксида, елка тутиб бориб, ниманидир тақсирнинг бағрига сингиди. Сингидию жудаям бегона эмас эканмиз-ку, деб ўйлади.

Ҳазрат унинг кўракларини силаб, юзини юзига босди ва икки кифтидан маҳкам тутиб, силкиб қўйди:

— Мана, танишиб ҳам олдик тақсирим туфайли. Энди қиёматга қадар биродармиз. Унутмайсиз-а? Керак бўлганда тортинмай бораверасиз, — деди.

Сўнгги сўзи унчалик ёқинқирамаган бўлса-да, кўнгли учун ҳам Олим бош силкиди.

Турам илтифот қилдилар:

— Қани, марҳамат, дастурхон мунтазир бўлмасин. Аллоҳ бугун бирга-бирга нонушта қилмоқни насиб этган экан. Шукрини бажо қилайлук.

Ўтирдилар.

Қулларини дуога очиб, бир-бирларига қарашдилар. Улуғ меҳмон:

— Узларидан булсин, — деб қистади.

Ҳали жудаям соғайиб кетмаганлари ранг-руйларидан сезилиб турган, аммо янги кузалган соқолларию бир бурда юзларидан нур ёғилиб турган жиккак кария — Турам дуо қилдилар:

— Албатта, ҳар нарса ниятга боғлиқ. Шу кун, шу соатда яхши ният-ла кулбамиз остонасин босиб келибсиз, йа қодир Аллоҳ ўзинг чеварсан, биродарларимизни ниятларига етказгайсан. Шулар қатори биз ожиз бандангни ҳам марҳаматларингдан дариғ тутмагайсан, омин, Аллоҳу акбар.

Бу ширин дуога илм талабидаги Олим ҳам, зиёрат ниятида қадам ранжида этган манави улуғ меҳмон ҳам қушилиб, сидқидил юзларига фотиҳа тортдилар.

Шундан сунггина меҳмон ҳол сурашга тушган эди:

Қалайсиз, тақсир? Бир оз муолажалар олган эмишсиз. Жарроҳлар тиғ ҳам теккизган эмишлар. Сафарда эдик, хабар ололмадик. Хатар ўтиб, ҳаммаси орқада қолган булсин, илоҳим. Куринишларингиз яхши, Аллоҳим шифосини берсин.

Турам раҳмат маъносида бош силкидилар, камига қулларини куксиларига қуйиб, таъзим қилдилар:

— Ўзига шукр, дардни чекинтириб, бандачилигимизни бардавом эттиришга имкон берганига шукр.

— Курган-кечирганингиз шу булсин. Қайтиб қийнамасин, сиздай суйган бандасини, — деди ҳазрат.

— Ким суюкли — ёлғиз Ўзига аён. Биз умид тутамиз, холос. Ўзининг жамолига муштоқлигимиз қай даражада баъзан билиб, баъзан билмай...

— Йуғ-е, тақсирим, сизки шундай десангиз...

Уларнинг нанинки суҳбатлари, ҳатто манзиратлари ҳам бир булакча, ҳавас қилса арзигулик эди. Олим соме ўтириб ҳам эриб борарди: ана муминлигу ана ҳалимлик! Муомалаю манзиратни улардан ўрганмоқ керак экан!

Бу орала чой киритилиб, Олим чор-ночор тақсирларга хизмат эта бошлади.

Аввал чой узатиб, сунг нон ушатди. Довдираганидан ҳаммасини аралаштириб юборди. Қараса, қаймоқ

ҳамон идишида турибди. Пиёлаларга қуймоқчи эди, хайтовур, Турам йулга солдилар:

— Яхшиси, чиннига ағдаринг, нон туғраймиз. Ивиб мағиз-мағизига сингса, ана унинг савобига нима етсин.

Улуғ меҳмон ҳам у кишини қувватлади:

— Ҳа, ана шундай: қари билганини пари билмас. Сунг бу қаймоқхурликни аллазамонгача эслаб юрамиз.

— Шундай-шундай, муболағаси йуқ бунинг, — деб кулишдилар.

У қаймоққа нон туғраб булгунича, Рузиохун (қачон келиб, жиз-бизга уннабди экан!) чиннида яккаоворадан ширчой киритди. Тақсирлар алқаб-алқаб ича бошладилар. Аммо-лекин қандай тайёрланибди. Топганни ширчойидан утиб тушган, бу дунёнинг таоми булмаган эди.

Сунг тақсирлар дастурхондан тотиниб, чой хупланганча утган-кетганларни эслашга берилдилар-у, Олим чиқиб, уларни холи қолдирарини ҳам, утириб чой қуярини ҳам билмай қолди. Турай деса, ҳали чойни булди қилишганича йуқ, турмай деса, уламою устозлар олдида утириш унғайсиз.

Бир марта чойни янгилаб ҳам кирди, аммо қаймоққа туғралган нон бука қолмас, меҳмон ҳам муддаога кучолмаётир эди.

— Дарвоқе, Ҳижоз сафаридан қайтган эмишсиз. Зиёратлари даргоҳида қабул булсин. Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам юртларида не янгиликлар? Саодат асридагидек ибодатга қайтишга уринишлар тинчигудекми, ё ҳали ҳам уша-уша? — дедилар Турам муфтийнинг юзларига синчков термулиб.

Муфтий иссиқ ҳам майин жилмайди:

— У асрни қайтиб топмак маҳоллигин узлари ҳам биладилар. Биладилару... уринадилар-да.

Турам ҳам жилмайдилар:

— Ният у ибодат ҳаловатини топмоқ булса, топардилар-а...

— Ундай эмас, деб уйлагайсизми, тақсирим?

— Шундаймикин, деб қурқаман. Агар ният холис булса, у диёрни энг дориломон бир диёрга айлантирмасми эдилар?! Қолаверса, Ҳижоз йулларини ҳар мус-

лим учун очдириб қуймасми эдилар? Биз эсимизни танибмизки, йуллар берк. Тағнам чор замонида ҳаё бор экан.

Муфтий домла сучиб тушган каби бир сергак торгдилару яна узларини унглаб:

— Ўтказарди... дейсизми? — дедилар беозор.

— Булмаса-чи. У урисда инсоф бор эди. Ҳаж деса, йулни тусмасди. — Кейин меҳмоннинг бетига маъноли караб, кушиб куйдилар. — Мана, бизам дунёнинг Туқмоқ деган бир «овлоқ» манзилидан борганмиз акамиз раҳматли ила.

— Уларнинг назарида овлоқ саналган-да, билсалар-ку... — деди муфтий жилмайиб.

— Харқалай уламони уламо санар эди, илми ҳурматидан. Инсофи шу-да, — деб қуйдилар Турам.

Муфтий жаноблари ялт этиб қарадилару дилларига келганини айтмакка андешами, нимадир йул бермади. Олимнинг наздида унинг дилида уйғониб булган илон шаккок шайтон қиёфасига кириб, тилининг учига заҳардан-заҳар не бир фикрлар қуйиб улгурган эди-ю, Турамнинг салобатларими, нимадир тилидагисини айтишга йул бермас эди. Балки улар курган исломий тарбия бунга йул қуймаётгандир. Аксинча, юзига ҳалимлик нури тaралиб келмоқда эди.

— Унда анув сузлар-чи, таксирим? — дея олди ҳайрат аралаш.

— Қайси, минг чиғириқдан утказиб... сунг рухсат этишларими?

— Улманг, бизлар бот-бот эшитганимиз билан, сизлар кургансиз, — деди муфтий, аммо жавобига қизиққанича бор эди.

— Давлатчилик ҳамма ерда, ҳамма замонларда булган, — дедилар Турам орқаларидаги духоба ёстиққа бир оз суянибгина. Толиқдилармя, чойдан лабларини ҳуллаб, пиёлани қайтариб жойига қуйдилар. Лекин шаштлари бояги-боягидек эди, ушандай давом этдилар. — Аммо чор даврининг тўралари бошқачароқ эди, умумий сиёсатдан келиб чиқиб, душманига ҳам ҳамият қила биларди.

— Ҳамият? — деб ҳайрат-ла боқди муфтий домла. Улар бу масалада чуқур кетишаётганини англаб қуркиб кетгандек куринарди у.

Турам унинг ҳолидан... мийикларида кулимсиб, дедилар:

— Валломатроқ деса, балки тўғри бўлар.

Бу гап томдан тараша тушгандек бўлиб, муфтий ўзи сезмагани ҳолда ўтирган ерида бир хавфни туйгандек қотиб қолган эди.

Турам вазиятни юмшатиш учун, қўл ишораси ила илтифот қилган бўлдилар:

— Қани, чойга қарасинлар.

— Раҳмат, — дея у киши ҳам илтифотни қабул қилди-ю, лекин ҳали ўзига келмагани ва Турамнинг оғзиларини пойлаётгани аён эди.

— Билсангиз, тарихда мисоллар кўп бунга.

— Сиз Худоёрхон тарихиними, нимани назарда тутмоқдасиз? — деб юборди муфтий бир оз шошилиб.

— Йўқ, унинг сафари ўзида шижоат топиб, Аллоҳга таваккул қилган бир мўминнинг ҳижрати билан баробар. Мен имом Шомил ҳазратларини айтмоқчи эдим. Улар ўшандай ашаддий бир душманлари — ғазовотчи мужоҳидга ҳам ён бериб, валломатлик қилганлар. Унинг сўнгги илтимосини қондирганларини эсланг. Биз ўша сафаримизда имом тарихларидан ҳали бехабар бир ёш ўсмир эдик. Кейин қанча армон қилганмиз Бадр қаҳрамонлари қатори ул зот раҳматуллоҳи алайҳнинг Бақъидаги қабрларини зиёрат этмаганимизга.

— Аллоҳ раҳмат қилсин барчаларини. Лекин қандай?.. — деб юборди муфтий кутилмаганда.

У чиндан ҳам имом тарихини билмаслигини шу саволи ила аён этиб қўйган, энди жиндек хижолатга тушиб, қўлидаги бўш пиёлани ўйнар эди. Ахийри уни Олимга узатиб, Турамга қаради:

— Узр, сиз имом Ҳамзатнинг шогирдлари имом Шомилни айтасизми, ё...

— Ўша иккинчи имомни айтаман, тутқунликка қайтмоқдан, лоши Пайғамбар алайҳиссалом юртларида қолмоғини авло кўрган буюк мужоҳидни. Ул зот Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидларида қолиб, Аллоҳдан ёлғиз бир нарсани — лошлари ўшал юртда қолмоғини сўрункасига уч кун намозда сўрган эканлар.

Турам таксир бу воқеаларни сўзлар эканлар, ўзлари шу тарихлардан рух олиб, бир неча ун йиллар аввалги чин Турамга айланиб бормоқда эдилар. Овозлари ҳам, сўзларининг залвори ҳам бўлакча эди. Муфтий ҳазратлари эса, у кишига тан бермоқдан ўзга иложлари йўқ бир алпозда ҳам ҳаваскланиб, ҳам кемтик бир ҳислар қоришиғида ўтирар эдилар. Ниятлари эса, ташрифларининг боисини айтмоқ бўлса-да, бунинг мавридини билолмай, — қариянинг армонига ҳамоҳанг тебранар эдилар.

Ниҳоят улар бу мавзуларни бир четга суриб, илтифотли мулозиматлар билан қаймоққўрликка тутиндилар. Боя туғралган нон сатта мойга айланиб, энди оғизда эриб борар, арзимас вақтда жаннат таомига айланиб улгурган эди. Қариялар ўзлари қолиб, Олимни қисташар:

— Олинг, бу дунёнинг неъмати бўлмабди, кейин бунақасини тополмай юрасиз. Топганингизда ҳам ўхшатолмайсиз, — дейишар эди.

Олим эса, уларга аталган неъматга ўзи ҳам шерик бўлаётганидан тобора қисиниб борарди. Ҳозир бу дунё кўрган қариялар билан ўтириш бир гаштли бўлса-да, ўртадаги таомдан кўра суҳбатлари ширинроқ туюлмоқда эди. Хизматларида ўтирганидан, бу кунларга етиб келганидан боши осмонда эди.

Қаймоқдан кейин эзилишиб чой ича бошладилар. Ва шу асно улуғ меҳмон ўрнида бир тебраниб, жойлашиб олиб, томоқ қиринди. Бу унинг Турамдан изн сўрашига ўхшаб кетарди.

У киши ҳам ниятни сезиб (балки кириб келганларидаёқ билиб улгургандирлар!) тортинманг, ҳар куни келиб юрибсизми, дегандек қарадилар. Тавба, инсон қариса, тақво йўлига ўтса, кишини бир нигоҳдаёқ англайдиган даражаларга етар эканми?! Булар бу тарафдан бир-бирларидан қолишмас эдилар. Ҳарқалай, Олим буни сезиб-англаб тургандек эди.

— Шу Ҳижоз сафари чоғи бир улуғ зот зиёратига чорлаб қолишди, — деди меҳмон узоқдан келиб. Унинг бу зиёратдан кўп мутаассир бўлгани сўз оҳангидан сезилиб турар эди.

— Чорлашди? — «борарга журъат этдингизми, ахир?» дегандек кўз ташладилар Турам.

Улуғ меҳмон ҳам у кишини тушуниб, ростига кўчишни афзал кўрдилар. (Яширишдан не илож, қайтага назардан қолмоқ мумкин!)

— Илтимосларига биноан, орага нозик кишилар тушиб, мийқотдаги Оиша онамиз масжидларида кўришдик. Умра нияти-ла эҳром боғлаб, икки ракат намоз ўташ асносида.

— Ким, ватандан айро тушган ватанжудолар улуғлари-лами?

— Шундай. Балки исми-шарифларини эшитган чиқарсиз. Олтинхон тўрам аталмиш кўп табаррук зот эканлар...

Тўрам майин жилмайдилар, у киши ҳар қачонгидан хотиржам эдилар. Буни қандоқ тушунмоқни ҳатто Олим ҳам билмай ўтирар эди. Шунчалар сирли ва дунё кўрган эди бу қариялар!

Жавоб ундан ҳайратланарли чиқди:

— У зот бизга томир бўладирлар. Фақат она тарафдан.

— Уни қаранг! — ҳайратланиш гали улуғ меҳмонга келган эди. — Худо мушкулимизни ўзи осон этаётганини кўринг.

— Қандай юмуш, қандай мушкулот, ҳеч тортинманг? — дедилар Тўрам аввалдан сезганлари рост чиқаётганидан жилмайиб.

Улуғ меҳмон ҳам қисинишга ҳожат қолмаганидан ҳийла енгил тортиб, кўзғолиб қўйди:

— Сизга томир чиқишларининг ўзи... бу мушкулотни йўққа чиқаргай, тақсир. Аллоҳ кўнглимга солганига мингдан минг шукрларки, келиб яхши хабарлар топиб турибман, — муфтий домла чиндан ўзини қуярга жой тополмай қолган эдилар. — Борди-келдилар узилишиб кетмагандир, ахир?

— Ҳов, қайда? Бу Шўроси тушмагур бизни хўб тўзитди-ку, — дедилар Тўрам чинидан қолмай. Олим бу Тўрам ҳақларида эшитганлари рост чиқаётганидан бир чеккаси ҳайратга тушиб бормоқда эди. У киши деворнинг ҳам қулоғи бор демай, Шўрони сўкишда давом этар эдилар. — Бундай кекчини онаси туғмайди. Рўйхатига тушдингми, ўлиб қутуласан. Чинига кўчсам, Саййид Маҳмудхон елкага тўнни ташлаб, тўғри қилганлар ўша вақтдаёқ.

Ичлари тушиб ўтирган муфтий жаноблари бу орада икки кўзғолиб олдилар:

— Сиз ўша Жамбулли домламиз ҳақда айтасизда? Аҳли аёллари қолиб, ўзлари сарҳад ошиб чиқиб кетишга мажбур бўлган зот?

— Шундай-шундай. Бу гаплар бўлиб ўтганига ҳам ўттиз йиллар кечдимикан, валлоҳи аълам. Ишқилиб, бу хижрат хабарини раҳматли волидамиздан эшитиб эдик. Кейин бу қутир дунё неча эврилиб, неча ўзгарди. Аммо рўшноликдан дарак йўқ, — деб туриб, Тўрам меҳмоннинг бетига қарадилар. — Сиз яширмай-нетмай айтаверинг: нима бало, Саййид Маҳмудхон тўрам шошилишда лозим нарсани айтолмай кетган эканлармии?

Улуғ меҳмон яна бир карра бу кароматдан ҳайратга тушиб, бош силкидилар:

— Топдиз, Тўрам тақсир, топдиз. Ҳали тақдир бу бошга нималарни битган деб... жавобини бериб кета қолмаган эканлар. Қиёматда шунинг гуноҳи тутмасайди деб... қайғурадир эканлар. У кишининг аҳли аёлларини хабарлашимиз ҳам шундан.

Тўрам юз-кўзларию бир чиройли кузалган соқолларига ичдан нур ёғилиб, кулимсидилар. Шу топда раҳмат ёғилиб турган бу юз қарангки, Олимга жудажуда ҳам таниш, ҳам суюкли кўриниб кетаётганидан ўзи хайратларга тушиб борарди. Нимадан бўлса экан бу?..

— Бугун чиндан ўнг ёнингиз билан турган экансиз. Суюнчини бегона қилмайдирган бўлдингиз. Уларни сураттириб бериш бизнинг зиммада, иншааллоҳ, дараклари ҳам яқин кунларда чиқиб қолса.

— Суюнчи сиздан айлансун, — деди муфтий жаноблари, — ўттиз йиллик ришта уланадию, жудо кўнгиллар яна топишиб, таскин неъматига эришадию бизни суюнчидан қочирасизми? Оладирган савобимизни айтинг! Уни қайси тарозуда тортиб адо қилиб буладиркан?!

— Ҳаммасидан бурун шундан келинг. Унинг савобига нима етгун!

Олим дорда эди: бир нарсанинг сирига — бирбирларини унча ҳам хушламайдилар деб эшитгани икки уламонинг бир биродарлари ташвишида фикр-

лари бир ердан чиқиб, аноқ-чаноқ ўтиришларига ҳеч тушуниб етолмас эди. Шу анави кунги Тўрамми, замзамни ундамас, ноибидан сўранг деган, дерди. Энди қилча сир бермай ўтиришлари-чи, бу нималан далолат?

Ё буларга ухшаб бирча тақсирлар ҳам бу масалада жиндек узрлидурларми?

10. Гунг тасвирчи қароқларидаги ёш

Жужур[1] эдим, пешиндан кейин бемалол ишга келсам, мудиримиз остонадан ўтмасимдан табриклай кетди:

— Худо бир асради сизни, Мақсудхон. Шу жужурлигиз бўлмаса, билмадим ҳозир Тошканни қайси даҳасида юрган бўлардиз, киночиларни етаклаб. Ўрнизга Жўравой кетди, боякиш лукиллаб... — деб кулди у киши.

Мен ичим ёришиб кулимсирадим. Чиндан ҳар балодан асрагувчи ҳам, ҳар жафога ташлагувчи ҳам Ўзи. Ўзига шукр, деб мудиримга тегишдим:

— Омад чопса шу-да, ака, Ўзи паноҳида асрайверади.

— Бу гапни Жўра акангиз эшитмасин, яний-яний кетди.

— Жазоси битта ош-да, бир товоқ ош айлансин акамиздан, — дедиму қалашиб турган саҳифаларни ўқишга тутиндим.

Орадан икки соатлар ўтиб, саҳифага кўмилиб ўтирсам, оғзи-қулоғида Жўра акам кириб келди. Биринчи марта сезишим: эшикнинг таккинасида столда ўтирган кишига эшикдан кирган найновдек одам мирзатеракдек кўринади экан. Бунинг устига у алмисоқдан қолган узун плашини кийиб олган, бошида «Лениндан ёдгор» кепкаси ҳам бор эди. У киши қаерда қиттак-қиттак отвола қолибди, икки кўзи қип-қизил, лабларини йиғиштириб ололмас эдилар.

«Ҳайрият, меҳмондорчилиги бор экан, бўлмаса, эшитардим эшитадиганимни» деб енгил тортган жойимда у киши плашининг енгини эгилмайдиган қўллари-

---

[1] Навбатчи демокчи (*Муаллиф*).

дан зўрға чиқариб, энгилни жойига илдилару тик турганча сочни тараган бўлдилар.

Лекин шу туришда ҳам мендан кўз узмай, лаблунжларини йиғиштиролмай турибдилар. Сездим: менга айтадиган гаплари бор-у, ҳадеганда дамларини чиқармаётирлар. У киши шунақа оғиркарвон, тилларининг учида турган сўз ҳам ҳадеганда учиб чиқа қолмайди.

Ниҳоят оромижон диванга чўкиб, фақат зиёфатларда ўртага чиқиб ўйнагандагина эгилмаслиги билиниб қоладиган қўлларини диван суянчиғи устига ташлаб ястандилар. Билдимки, сафар тўкис ўтган, мудирим айтганидек, мен эшитадиганимни эшитмайман. Хайтовур, охири баҳайр чиқди деб турсам, шу тоб Жўра акам соғ қўллари билан тиззаларига шапалаб қолдилар. Ва шу баробар калдиларини кўтариб, ўтириб олдилар-да:

— Воҳ, Махсу-уд, келиб-келиб шу кунгаям жужур бўладими одам?! Ху-у, кўп нарсадан қуруқ қолдиз! Биз қаёкларга борганимизни билганизда эди! Ах! — деб тилларини тоқилатдилар.

— Нечук? — дедим мен ҳайронсираб ва кулимсираб. — Қайтага яхши бўпти. Биласиз-ку нажирхўрликларга тоб-тоқатим йўқ. Ош бўлсин, — дедим камига.

— Э, йўқ, — деди у киши қўл силтаб, — биз қаёкларга борганимизни, қай гўшаларга бош суққанимизни билсангиз эди! Қаёқдан менинг чекимга тушди?! Асли ўзиз борадиган экансиз. Борганизда бир нарсаларни тушунган, мен пандаваки ақлим етмаган нарсаларни ўзиз англаб етган бўлармидингиз! Энди мен сизга қандай тушунтирсам, қай бир бошидан айтиб берсам?! Ўлай агар, улар бу тарафларга бекорга келишмаган! Бекорга олишмади ҳам у кинони! Лекин мен буни сизга қандай тушунтирай?

Мен секин ўрнимдан турдим. Қайси бир ақлим билан хона эшигини ичидан қулфлаб, ҳамхонамнинг ёнига чўкдим.

— Ўзи нима бўлди, очиқроқ айтаверинг. Улар ким эдию қаерларга боришди? Илтимос, бир бошдан қайтаринг, — дедим азза-базза титраб-қақшаб. Мен ўзим сезмаган ҳолда аллақандай хавотирларга тушиб бормоқда эдим.

Чиндан ҳам хориждан кинофестивалга келган киночилар нега биз тарафларга қизиқиб қолишибдию ҳаммаёқ суриб-нетиб ташланиб, кўп қаватли тошкўрғонлар тагида қолиб кетганда нимасини суратга туширмоқчи, кино қилмоқчи бўлишибди? Бунга қандай рухсат этишибди? Ақл бовар қилмасди. Яна аллақандай занжи режиссёру киночилар эмиш. Ўлай агар, бирон нарсага тушуниб етаётган бўлсам! Яна Жўра акамнинг гапи бундай.

— Тушунарли ерда ишлайдиган одам экансиз, илтимос, сўрашган ерларига опчиқиб, айлантириб кела қолинг. Қайтгач, натижасини айтарсиз, одамларимиз камлигидан сизга айтяпмиз. Тушундиз-а, Чўпон отаю Қанглига олиб борасиз. Нимани олишга, олаверишсин. Халқлар дўстлигининг қудратини бир кўриб қўйишсин, дейишди.

Чўпон ота билан Қангли номини эшитгандаёқ юрагим жиз этиб, орзиқиб тушдим!

— Ким у тарафларни тавсия этибди?

Жўра акам ногаҳон энгашиб, овозини пастлатди:

— Шуни айтинг. Қўлларида биров бир варақ қоғозга кўк қалам билан чизиб берган харитами, нимаям бор.

— Чизмадир балки? — дедим тусмоллаб

— Шунга яқинроқ. Чўпон отадан Қанглига борадиган анув катта йўл. Кейин Туваккўча, Бўзсувни кўрдим. Ўртада Изза ҳам бор шекилли.

— Уларни билган одам чизмаса, бошқа ким ҳам чизиб беради? Сўрамадизми? — дедим юрагим ҳаприқиб кела бошлаб.

— Қандай сўрайман, кимдан сўрайман? Ҳаммаси қоп-қора, бир-биридан давангир хабаш киночилар. Папауслардек кийиниб, пешонасига пат тақиб олган тасвирчиси-ку қулоғи том битган, нақд гунг экан. Елкасидан камерасини қўймай чалдеворларни, сурилиб битмаган тепаю сойларни суратга обётибди.

— Янги тушган уйлар, осмонга бўй чўзган тошқўрғонлар-чи? Олдими уларни ҳам? — дедим Жўра акамнинг гапидан бир нарсаларни англагандек бўлиб. Хаёлимда эса, нуқул бир гап айланади: нима бало, улар омон қолган эски жою мавзеларни суратга олиб боришни буюртма олиб келишганми ё? Олишган бўлса, кимдан?

Шундай деб уйлайман-у, уйларим тубсиз куринаверади. Ахир бу манзедан кетган ким ҳам уларга буюртма бериши мумкин? Султон акам юбордимикан? Узимиз етолмаганимизга яраша, сувратига етишайлик деб? Ундан булак ким ҳам интиқиши, соғиниши мумкин?

— Шошманг, қаерларга бориб, қаерларга кирдиларингиз? — дея унинг енгидан торткиладим.

— Ха, дарвоқе, бу ёғини айтмадим-а? Аввал Чупон отага боришди. Ёлғиз омон қолган Миртухта амакининг чойхонасининю орқасидаги сутбозорни олишди. Кейин катта куча билан Қорахужанинг Иззасига довур тушдик. Омон қолган сойликни, чимзорларни олишди. Кейин Яккабоғда йул четида турган буйича қуриб қолган садани. Муржимонда илдиз-пилдизи билан суғириб ташланган азим ёнғоқларни (жониворлар шунча йилдан бери қилт этмай турибди экан!) у ёғидан утиб, бу ёғидан утиб олишди. Ундан нарида, шундай йул чеккасида Минавархужа акани болохонали уйи буларди. Шу бузилмай қолган экан, уни ичу ташига қадар олишди. Уша ерда ярим соатча қолиб кетдик. Гунг тасвирчини ундан ажратиб булмасди.

Шу ерга келганда қул-оёғим бушашиб, хушим бошимдан учиб бораётгандек бир ҳолга тушган эдим. Ох! У бахти қаро хонадон! На Адол холамга, на Марғу кеннойимга, на бошқага буюрган бу уй, бу жойлар, ҳали омон турган эканми? Ҳаммаёқ остинустин булиб кетганида Худо уни шу кунга қадар нега асради экан? Шулар келиб, сувратга тушириб кетишлари учунми? Нима бу, тақдир ёзмишими, ё тасодиф? Қандайин ҳам ақлга сиғдирасан?

Жура акам менинг ҳолимдан бехабар давом этар эди:

— Кейин Тувакка утиб, Бузсув буйларига тушдик. Омон қолган жару журларни, тепасида оқ каптарлар пориллаб учган Бузсувни, унинг қиёқзорларини хуб томоша қилиб, сувратга олишди. Каттабоғнинг бир чеккасида эски шийпон бузилмай қолган экан, уша ерда чой ичдик, ундан сизларнинг эски ҳовлингизга утишди.

— Ёпирай, қандай топиб боришди? — Уйлаб гапиряпсизми, дегандек тикилдим. — Ё режаларида бор эканми?

Жура акам елка қисди:

— Унисини билмадим. Лекин дўмлар оралаб ўтиб бораётсак, (танийман-ку, ахир!) томи очилганча валонгор ётган экан, оёғим тортиб олиб кирдим. Улар ҳам кўриб, кўп ачинишди.

— Гунг тасвирчингиз-чи?..

— Йўқ, — деди Жура акам бош чайқаб, — У анҳор бўйида қолиб эди. Чиқсам, тағидан арралаб ташланган ёнғоқ тўнкаси устида тиззасига камерасини қўйганча иззатини билган папаус қабиласи йўлбошчисидек тек қотиб ўтирибди. Кўзи вайронадаю юзи қилт этмайди. Аммо важоҳатидан одам қўрққулик! Чиндан нима бўпти экан деб, боши муштдек, ўзи давангирдек хабаш киночига қарасам, (битта шуниси чалакам-чатти ўрисча биларкан!) елкамга қоқиб:

— Устал, устал, — дейди.

— Ана ўтирибди-ку, усталдан ҳам аълосида... пошшюн оламга ўхшаб, — дебман. Ўл дейдиган одам йўқ. Буям темирмас-ку, чарчаса-чарчагандир, озмунча харобаларни олдими, тўрт қаватли кошоналар ёнида? Балки бунданам хароб ўз қишлоқларини, қувғин элатдошларини эслаб кетгандир? Сивилизатсиа деган бало хароб этган жаннатмакон диёрлари кўз олдидан кетмай қолгандир балки? Бир кўнглим елкасига қоқиб таскин бергим, биз ҳам сендан кам эмасмиз — тирик туриб нималардан жудо бўлмадик дегим келдию, айтолмадим. Тил билмагач, қандай тушунтирасан?!

Мен эсам, афсус-надоматдан ўзимни қўярга жой тополмасдим: келиб-келиб шу бугун жужур бўлиб қоламанми?! Ўзим боришим керак экан! Ўз кўзларим билан кўрсам... нима гаплигини англаб етардимми, аниқ-таниқ тасаввур этардимми! Унгача бу қоронғилигича қолаверади шекилли.

— Шошманг, кейин-чи? Кейин қаёққа олиб ўтдингиз? Боришдими яна бирон ерга? — дедим ижикилаб.

— Ҳамма гап шунда-да, шу Каттабоғдан кўчиб бориб, ватан тутган ерларини кўрсак бўладими, дейишди. Мен қаёққа ҳам олиб ўтардим, сизларникига бошлаб бордим.

— Ана халос! Нега, ахир! — Эсингиз жойидами деб юборишимга бир бахя қолган эди: одам ҳам шун-

чалар содда-тупори буладими?! Кетидан келадиганичи, гап чикса, тинч куйишади эканми кейин?

Мен узимдан ҳам бурун келинойимни, Ёдгорни уйламокда эдим. Маҳалладагилар тушунгани билан ҳукумат тушунармиди! Бир ками кочкиннинг аёли деб суриштиришлари, сурок бериб юриши колувди!

— Яхши булмабди шу иш из, — дедим хафа булиб.

Мен урнимдан туриб азза-базза жойимга кайта бошлаган эдим, Жура акам елка кисди:

— Нимаси ёмон, меҳмон отангдан улуғ деган гап бор. Сизлар чакирибсизларми?..

Менинг кайфиятим бузилиб, шаштим тушиб кетиб булган эди.

— Улар келиб-кетадиган одам. Суралгандан биз сураламиз. Биласиз-ку, хонадонимизда нозик одам бор, — дедим тунғиллаб.

— Улар ҳам кинога тушишди, она-бола. Осмон узилиб ерга тушгани йук.

— Тушишди? — дедим калтираб.

— Нима бупти, ҳамма катори, — деди ҳамхонам.

«Дард бупти!» деворгим келди-ю, тилимни тишлаб колдим.

Хаёлимдан эса, бирон буюрган, буюрмаса, улар бориб юрмасди, сувратга тушириб юрмасди! Лекин уша биров ким, дердим-у, жавобига ожиз эдим.

— Улариз кайда? Курса, бирон оғиз гаплашса буладими, узи? — дедим ниҳоят ховримдан тушиб-тушолмай.

— Юринг опчикаман, меҳмонхонага ташлаб келганимга нари борса, бирон соат булди-да, — деди ҳамхонам менга ачиниб.

— Жилдик-жилдик, жужурлик кочиб кетмайди. Лоакал биронтаси билан таништириб куйинг, — дедим илтижога тушиб.

Ҳамхонам туриб, уша урининкираган плашини дароз елкасига илар экан, негадир оёғи тортинкирамай имиллади:

— Олинадиган нарсалар олиб булинган булса, нимадан чучийсиз? — дедию юзимдан утолмай остона хатлаб йулакка чиккан жойида каршимизда котиб куринди. У киши жилмайиб туриб, одамни «узиб» оларди:

— Ҳа, Мақсуд Турахўжаевич, саҳифалар қалашиб ётиб, ўзларига йўл бўлсин?

— Хориждан меҳмон кепқопти. Тушамагу чиқаман, — дедим оғзимга келганини қайтармай.

У киши меҳмонни улуғ кўрарди, мени қайтара олмади:

— Яхши, тушингу чиқинг, меҳмонни Жўра акангиз овутиб тура қолади.

Биз меҳмонхонага чиқишга чиқдигу, Африканинг қайси бир гўшасидан келган қора танли ўша киночиларни тополмай, неча қаватига бош суқиб чиқдик. Улар кўп эдилар, лекин биронтаси ҳамхонамни танимас эди. Қолаверса, папауслар йўлбошчиси каби бежаниб олган гунг тасвирчи ҳеч ерда кўринмасди.

Гидлар хонасига кириб суриштирсак буларди-ю, ишни бузиб қўйишдан қўрқдик.

— Мени тергов бериб юрсин десангиз, кирасиз, — деб туриб олдилар Жўра акам.

Мен у кишини аядим, ҳарқалай неча йиллардан бери бирга ишлаймиз, қора тортиб, бирга бориб, бирга келамиз. У қора занжилар биз йўқотган диёрнинг қолган-қутган урвоқларини сувратга олиб кетган бўлсалар, бунда ҳам бир ҳикмат бордир, сабр қилайликчи, дердим.

Шундай бўлса-да, эртасига фестивал ёпилиб, улар жўнайдиган куни Жўра акам иккаламиз аэропортга чиқдик. Мен нимагадир бирров бўлса-да, ўша папауслар йўлбошчисига ўхшаш гунг тасвирчини бир кўргим келар эди. Аммо дунёнинг турли чеккаларидан келган оқ, қора, сариқ танли кино юлдузлари ичида биргина ўша папауслардек кийинган одамгина кўринмасди. Ё биз чалғиб ўтказиб юбордик, ё у ўзини танитмай ўтиб кетди.

Мен эски ҳовлимизу янги ҳовлимизгача кириб борган, шунча ердан келиб, биз учун азиз бир диёрнинг қолган-қутган ёдгор жойларини сувратга олиб кетган бир инсонни кўрмай қолганимдан доғда эдим. Бу қандайин сафар эдики, ёнида туриб биз ҳам бехабар қолган эдик. Балки Худойимнинг хоҳлаши шундай бўлгандир. У беҳикмат эмасдир, ахир?!.

11. Йиғласим келадир, эй ёронлар!

«Акам ўрнида акажоним, Чаман ака!

Энг оғир, энг мушкул дамларда ҳар кимнинг бир ишонимли, суянса суянгулик кишиси бўлсин экан! Бундай қарасам, дардимни тўкиб, ичимни ёргудек яқинларим кўп. Ойим борлар, маслаҳат солса солгудек, аёлим бор, ичимни ёрсам ёргудек. Акамнинг ўкаси — Олим акам бор, борсам боргудек. Ёдгорнинг аяси — кеннойим бор, мени еру кўкка ишонмагудек. Лекин бу гапни, кейинги кунларда дарди дунёмни остин устин қилиб ташлаган бу воқеаларни мен уларга қандай ҳам айтай?! Уларни ҳам ўзимдан баттар куйдирмоққа, ташвишга қолдирмоққа ҳаққим борми?! Очиғи, бу дардни уларга тўкмоқ тугул, ўчини чиқармоққа ҳаддим сиғмай келадир. Ўйлаб кўрсам, ҳали ҳам бўлса бу гапни сиздан бўлакка ёрилолмас эканман, маслаҳат сололмас эканман. Шу умидда (ичимга сиғдиролмай) қидириб келсам, йўқ экансиз. Сабрим чидамай, бир вақтлар Ёдгорлар турган болохонага чиқиб, шу хатни ёзиб, қолдира қолдим.

Айтинг, нима қилай? Бошлиғимга ариза кўтариб кираверайми, ё чақиргунларича, кута турайми?

Шундай бўлдики, мен умримда биринчи марта бош муҳаррирнинг топшириғини рад этдим. «Мен бу хилдаги юмушларни адо эта олмайман. Ким ўзига эп кўрса қилаверсин», дебман котибларига. Йўқ, мен ишсиз қолишдан қўрқмайман. Бир амаллаб кунимни кўриб кетарман. Лекин Ёдгорларга нима бўлади? Текшир-текшир бўлиб қолмасмикан?

Тушунтириброқ айтсам, Тошкентдаги уша Осиё, Африка мамлакатлари киночилари фестивалидан сўнг шундай воқеалар содир бўлиб кетдики, уларни бир оғиз сўз билан айтишга тил, тасвирлашга қалам ожиз. Бизда қўли-қўлига тегмай, ҳатто ҳарф-клавишларига қарамай шатиллатиб ёзиб ташлайдиган машинкачи опой — Гулсума опа борлар. Шу кишига бирон таъсирли воқеани ёздириб қолсак, «Ий, йиғласим кела!..» деб кафтлари билан мижжаларини артавередилар. Биз буни қаричиликка йўйиб, мийиғимизда кулиб қўя қолардик.

Ростини айтсам, Чаман ака, ўша аҳвол ўзимнинг бошимга келиб турибди! Эсласам, опой айтмоқчи, ичим тўлиб, йиғласим келадир.

Ҳаммаси ўша дардисар жужурлик куни кеч келганимдан бошланди. Оддий кунда бўлса, зилзиладан жафо кўрган ўзбекларнинг эскию янги ватанлари ҳақида ҳужжатли фильм олишни ният қилган фестивал меҳмонларини сўраган жойларига мен обориш им керак экан. Насиб қилмаса, шу-да, мен қолиб бошқа кишини қўшиб жўнатибдилар. Кейин тафсилотини эшитиб, ҳайронлар қолдим. Ўлай агар, хабаш киночиларининг ниятларига тушунган бўлсам! Янги жойларимизни олмоқчи бўлишса, нега бузилмай қолган чалдеворлар оралаб юришибди? Охиригача қадар сўриб, кўмиб ташланмаган Изза сойларимизни, Буэсув тепаларию ҳов бир вақтлар акамгилар қароргоҳ тутиб, жон сақлаган Каттабоғ тагидаги жойларни суратга тушириб юришибди? Бунда қандай сиру синоат бор? Нега бизнинг эски ҳовлимизу янги жойларимизгача қидириб боришади?

Мен Жўра акамдан ҳалигача хафаман. Ўша хабаш киночиларни қаердан қаёққа бошлаб борганларини айтиб ўтиргунча: «Ҳей, Мақсуд — пакана пари, юр, сенга бир нарса кўрсатай. Узоқ хориждан келиб, сизларнинг эски ҳовлию янги жойларингизгача борган, уй ичларингизни кинога тушириб кетган занжиларни таништириб қўяй. Кейин ўпкалаб юрма!» демайдими?! Кейин-чи, кейин аэропортгача чиқиб бориб ўша папауслар йўлбошчисига ўхшаб пешонасини кумуш белбоғ билан тангиб, бошига пат қадаган тасвирчининг соясини ҳам тополмай қайтганимизда айтган гаплари-чи, ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди.

— Мақсуд, ростини айтсам, кеча сенга бир нарсани айтишни унутибман. Ўша пат тақиб, алмойиалжойи кийиниб олиб, ўзини ким деб фаҳмлаган гунг тасвирчи, биласанми ким экан?! — дейди.

Ичим ўзилиб тушгандек тўхтаб қолман:

— Ким экан? — дедим жон битиб.

— Мусулмон экан. Қора хабаш бўлсаям, биздан тузукроқ мусулмон экан! — дейди.

Мен бу гапдан қотиб қолган эдим:

— Қандай? — дея олдим зўрға.

— Қанғлидан ўтиб бораётиб эдик. Мен олдинги ўриндиқда эдим, бир маҳал қарасам, орқада ўтирган ўша гунг тасвирчи кишибилмас юзига фотиҳа тортяпти... Ичимдан муздек тер чиқиб, бақа бўлиб қопман. Негаки ўзини чин мусулмон санаган биз қолиб, у Теракли ота қабристонида ётганларга раҳм тиламоқда эди...

Шу гапни эшитганимдан бери ичим ёнади! Нега ўзим бўлмадим, ўз кўзим билан кўрмадим! Кўрганимда бундай шубҳалар гирдобида қолмасмидим, ўзимда бир қатъият топиб бу ишларидан ҳам воз кечиб кета қолармидим? Ҳозир нега қўл силтаб кетолмаянман, нима, қандай илинж тутиб турибди, ўзим тушунолмайман. Балки у мен ўйлаган киши эмасдир?! Дарровда сир бой бермаслик керакдир?! (Нима демоқчилигимни тушунаётгандирсиз, Чаман акажон?!)

Навбатчиликдан ярим кечаларда қайтсам, эшик тагида Ёдгор ўтирибди.

— Амақу, биласизму, бизникуга кимлар келишду? — дейди суюнчилаб.

— Кимлар? — дедим ичим бир зил кетиб.

— Нажоший юртудан бир талай киночилар келишду.

— Нима дейдулар? — дея олдим.

— Ўзунинг тилуда «моро моро»лайдур, холос.

— Саломидир да.

— Балки, лекин биттасу соқов экан, амақу. Ҳеч ёққа қарамай камерусининг кўзига тикилиб ётупту, айлантираду бизну оладу, айлантираду бизну оладу.

Сизга ёлгон, Худога чин, шу гапидан этларим жимирлаб кетди...

— Сиздар ким — аянг, сенму? — дея олдим зўрға.

— Ҳа-да, унга сару аям хижолат тортадулар, урануб чирманадулар. Ахийру уюмузга кириб кетуб қутулдилар. Нега ундай қилдиз десам, суратга тушиш — гуноҳ, дейдулар. Тўғриму шу, амақу?

— Аянг айтган бўлсалар, ўзларига тўғри, — деяпману ўзимни хаёл опқочиб кетяпти. Ёдгорнинг бояги гапи: «Айланаду бизну оладу, айланаду бизну оладу»си кетмаяпти. Чиндан ҳам нега?

Ҳовлига кириб бордигам, Ёдгор ичидагини тўкиб солиб тугатолмайди:

— Биласизму, амақу, уша елкасуда зилдай нарyса кутарган, бошудаги патлари бир чиройлув товлануп-селкунган гуне тасвирчига аям бир пиёла чой беруб эдилар, оборсам ичволуб қули куксуда мулозамат этса денг...

— Шошма шошма, қули куксуда дейсанми? — дея тухтаб қопман.

Ёдгор ҳам елкамга осилиб, қулогимга шипшир эди:

— Куксуда-куксуда: раҳмати бизнукига ухшай дукан.

— Адашмаяпсанми?

— Унда.., унда пешонасудаги терларну... сидируб артуши-чу?

— Йуг-е, — дедим ҳайратим ортиб. — Тасодифдир.

— Ушанда... чаккасуда нима курдим, денг, амақу?!

— Нима курдинг? — дедим юрагим така-пука уриб.

— Тожи тагуда оқ чандуқ бор эду...

— Воҳ, нималар деяпсан, қаёқдаги нарсаларни эсга тушириб? Адойи тамом этдинг-ку одамни!.. — деб остонага утириб қопман.

Ана шунақа гаплар, Чаман ака! Ростданам у булса, узи булса, нега бизга бирров куринмай кетди?! Ё сизга билдирган, жиндек белги берган жойи бормиди?

Чаман ака, бу ҳали ҳаммаси эмас. Мен не армон, не гумонлар ичида юрган бир кезимда, уша фестивал меҳмонлари жунаб кетганларига бир ҳафта ҳам булмай бир куни ишхонада таржимон қидириб, чопчоп қилиб қолишди. Асил таржимон бир кун аввал тонготар ишлаган, машина юбориб олдириб келай дейишса, телефонни ҳеч ким кутармаётган экан. Юқоридан тушган материал эса, шу сонда кетиши керак. Бунақа пайтда масъул котибга йуликқан одамнинг шури қуриди. Тақдирнинг ёзмишини курингки, шу пайтда мен рубару келибман. Қарасам, фельетон! Яна унақа-бунақаси эмас, сиёсий фельетон! «Хой, яхшилар, инсоф қилинг. Мен бирда иккида бунақа нарсани угирмаганман. Чумчуқ суйса ҳам қассоб суйсин», дедим. Қани, биров эшитса! Ҳамма қочади. «Уқиб куринг аввал, ҳалитдан дод-вой қиласиз!» дейишди котибиятда.

Ўқисам... Воҳ. Чаман ака. ким, нима ҳақда, денг?! Айтсам. эсиз оғиб қолади!

Султон акамга ўхшаган сарҳад ортида қолиб кетган бир одам!

Албатта, акамнинг ватанга ҳиёнат қилган жойи йўқ, тузлуққа тупурган жойи йўқ. Ёзмиши шундай экан, бегона элларда дарбадар кезиб юрибди.

Аммо бу... эсимизни танибмизки, ватан хоини аталиб келади. Бизни тузумни қоралаб, жилд-жилд китоблар ёзган. Шундай «тўнини тескар кийган одам» нима қилибди денг? Юрт соғинчи, кўз очиб кўрган диёр ўрташларига чидамай сирот кўпригига қадам қўйибди. Ва қаранги, она юртига сайёх қиёфасида кириб келиб, кўриб кетибди! Буни ҳеч ким сезмай ҳам қолибди!..

Мени қандай жин урган эди, қўлимга қалам ололмасдим, олдим дегунча кўз олдимга акам сингари ватанжудолар келаверар, фельетоннинг бир сатрига ҳам тишим ўтмас эди.

Қолаверса, Чаман ака, бошқа бир нарса, кечаги занжи киночиларнинг бизникига ташрифи, эски-янги ҳовли-жойларимизни, Бўзсув бўйларини, акам қадами етган жойларгача бориб тасвирга тушириб кетишгани ёдимга тушиб, ичим музлаб-музлаб кетмоқда эди. Буларнинг ҳаммасида аллақандай боғлиқлик бордек, бежиз эмасдек эди. Ростини айтсам, агар шу фельетонни таржима этсам, мен улар айтаётган аллақандай бир ватангадони эмас, тирик туриб бу диёрдан жудо бўлган ўз акамнию ўша ёқларда қолиб кетган бошқа ватанжудоларни қўшиб ёзаётгандек эдим. Агар шу ишни қилсам, тақдир тақозоси-ла бутун дунёга тўзиб кетган, ватаннинг бир сиқим тупроғию бир қарич ерига зор кишилар қарғишига қоладигандек эдим.

Нима десалар-десинлар, қандай тушунсалар-тушунсинлар, мен фельетонни қайтариб бердим. Бош муҳаррир эшитиб, у қандай ношукр мирзо. кетгиси келяптими биздан, деганмиш. Мен акам учун агар керак бўлса, ўша ишдан кетишга-да тайёрман. Албатта, улар акам билан боғлиқ у тарихларни билмайдилар. Билсалар, бир кун ҳам тургизмасликлари аниқ.

Шунақа гаплар, Чаман акажон. Ё йиллар ичимдаги митти чолни янада қаритди, ё бошимиздан кечмиш савдолар кўксимда бир тур ўзгаришлар ясадики, туриб-туриб мен ўзимни танимай қолаётирман. Бошимда эса, ғужғон саволлар: нимага келганмиз дунёга? Аввалда не ниятда эдигу, нимага эришдик? Эртага ғалвир сувдан кўтариладиган пайтлар ҳам келар, лекин биз у ғалвирдан нима топгусимиз? Кўз олдимизда жигаримизнинг жигарлари қалби доғлиқ, ўзи мунглиқ яшаб ўтмоқдалар. Лекин биз жонни нисор қилиб бўлса-да, ўша доғ, ўша мунгни кеткизмоққа қодирмизми?

Жудоликларига малҳам бўларли бир ҳаракатлар этмоққа чи? Акам сарҳаддан ўтолмаган тақдир да, уни тушуниш мумкин, унга мумкин эмас, нега биз дараклаб бормадик, боролмадик? Шунчалар қўли калта, ўзи ожиз кишилармизми? Нега Аллоҳга таваккал қила билмаймиз? Ё ундайларнинг замони ўтган, уларнинг сўнггиси акам эдими?

Рости, Чаман ака, бу нотавон аҳволи ҳолимдан, Гулсум опой айтмоқчи, ўкласим келадир.

Наҳот акамга, ўша ўзингиз қиёматли дўст тутинган бир кишига, шунча йиллар кечиб, бир ёрдам қўлини чўза олмасак? Бизни ким биримизни жигар, биримизни қиёматли дўст атайди?! Жилла қурса, томири Ёдгор билан қуриштирмоқ мумкиндир?! Бу дунё шунчалар темирқурғонга айлантириб ташланмагандир? Отаю ўғилу аҳли аёл учун дийдор қиёматга қолса, биз унда Тангри олдида не деб жавоб бергаймиз?

Ана шундан ўкласим келадир, Чаман ака!

Мақсудингиз».

12. Сим-сим калиди ёхуд ҳамма рози бўладирган кўшиш

Бегим кунлари ҳам баҳарнав экан. Иш билан — саҳифа тушириш-чиқариш, ҳали муҳарририят, ҳали котибиятга югуриш билан кун қандай ўтганини ҳам билмас экансан. Бу шанба уйда қолиб, ҳеч ерга сиғмас эдим.

Фельетон билан боғлиқ воқеаларни кимга ҳам айта

олар эдим! Ойимларга ёрила олмадим. Кеннойимга учини чиқариб қуйсалар нима булади? Узининг куйгани камми? Нима булса, Худодан курдим: дамимни чиқармаганим маъқул.

Лекин бошимда осилиб турган бир хавф хеч тинчлик бермасди. Нахот битта топшириқни деб... шунчаликка боришса?! Шу бахонада ишдан хайдаб, мирзоликка йулатмай қуйишса-я? Кунглим шунақа ёмон оқибатларни сезиб тургандек эди. Айниқса, анув рапорт[1] ёмон булган эди. Мухаррирга «Махмудовнинг инжиқлиги билан кечикиб кетди» деб ёзиб берипиб-ди. Албатта, ушa рапортга топшириқдан бош тортди, сиёсий фельетон бу кишимнинг дидларига утирмасмиш, деб қушилган эди. Улар нимага шама қилишганини аввалига тушунмаган эканман. Мухокамада:

— Хорижда қолиб кетган кимиз бор? Фельетоннинг нимаси сизга ёқмади? — деб савол беришганида пешонамдан муздек тер чиқиб кетди. Чиндан мен таржимани қайтариб бериб, қовун туширганимни сезиб қолган эдим.

Лекин жавоб бермаслик хам мумкин эмасди:

— Акам, — дедим уз товушим узимга ғалати эшитилиб. Мен нима булса-булди деб, чинига куча қолган, хеч қанақа ёлғон ёрдам бермаслигини англаб етган эдим.

— Ана, халос!..

— Акангиз?..

— Йуғ-е...

— Чиндан туғишганизми? — дея хар томондан хайрат аралаш саволлар ёғила кетган, тахририят аъзолари бир-бирларига қараб қолишган эди. Бу қарашларда: «мана, қандай одам билан ишлаётган эканмиз! Махсус булимнинг кузи қаерда?» деган маъно хам ёғар эди.

Нима булса, булди деб, мен яна чинига кучдим. Худо асраса, шу чин-рости билан хам асрайдигандек эди:

— Асли холаваччамиз, лекин узи бизга акадек булиб кетган.

---

[1] Газета кечикишининг сабаблари ва бош айбдори курсатиб битиладиган ёзма ахборот. Бу хатга тушиш-ўтга тушиш билан баробар эди. *(Муаллиф).*

Ҳайхотдек хонага оғир сукунат чукса, ёмон булар экан. Одамлар бир оғиз суз, бир ҳаракат билан бошларидаги «бахт қуши»ни учириб юборадигандек қилт этмай қолишган, нигоҳлари ер чизар-у қулоқлари динг ҳолда бош муҳаррирнинг ҳукмини кутар эдилар.

Ниҳоят узун стол бошидаги кичик жуссали, қоратўри одам олдида қоғоз шитирлади. У киши энсаси қотган пайтлари одамнинг афтига эмас, каттакон хонанинг бир бурчагига қараб айтадиганини айтиб олару жаҳлдан ҳам тез туша қолар эди.

Мен шу дақиқада «яхшиям шу одам бор, булмаса, манави «дев»лар мени хомталаш қилиб, ютиб юбора қолармидилар. Худо унга тўзим берсин» деганча тик турар эдим.

— Аввало, бизда қоида қандай, Файзуллахон? Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўймори керак эмасми? Сиёсий фельетонни ҳамма қолиб, шуларга берасизми? Айб узларингда. Машина юбориб булса ҳам таржимонни топдириб келиш керак эди! Сизлар эса, шундай нарсани кимга ишонибсизлар! Ҳол қўйиб ағдариб берса, ким жавоб берарди?! Сизга эса, уртоқ Маҳмудов, уч кун жувоб. Ўйлаб келинг, бундан кейин бизнинг даргоҳда ишлай оласизми-йўқми? Ушанга қараб тақдирингизни ҳал қиламиз. Боринг.

Мен чиқиб, ўзлари қолишди.

Қайси «дев» зўр бериб, қурбонлик талаб қилару қайсиниси афв этиб, гуноҳимдан ўтилишини истар эди, у ёғини билмасдим. Мен уларнинг чангалидан қутулганимни ҳам, қутулмаганимни ҳам билмасдим...

Ўшандан бери ичкари уйга қамалволиб, ёстиқ қучоқлаб ётибман. Уйдагиларнинг назарида бир топшириқ олганману ушани ёзиб битирмагунча чиқмайдигандекман. Нон-чойларимгача олкириб беришяпти. Мева-чева, ширинликлар, тансиқ таомлар илинишади, қани ишим бита қолса.

Ўзим эса, каллам ғум, на ухлаб-ухлай оламан, на «ёзиб-ёза оламан». Одамларга-ку умуман, кўрингим йўқ. «Уч кун жувоб»га шунчалик, ишдан бўшатиб юборишса, нима қилар эканман?! Калламга эса, бир эпақали фикр кела қолмайди. Нима гап топиб боришим керак экан, бош муҳаррир нимани истайди, яли-

ниб-ёлворишимними, тавба-тазаррумнимми, униям билмайман.

Қолаверса, нега тавба қилишим керак? Ўша кўнглимга ёқмаган нарсадан бош тортганим учунми? Асли ўзи бизнинг бўлимга тегишли бўлса ҳам майли экан, тегишлимас-ку. Демак, қайтаришга ҳаққим бор.

Улар-чи, шунга сиёсий тус беришга ҳақлари борми?

Шу ерга келганда тилим айланмай қола бошлар эди: биронта эрмак газетада ишласам бошқа гап эди. Ўзимни тинчимни кўзласам бўлаверарди, билинмасди. Бу республиканинг марказий газетаси, ҳар нарсага сиёсий баҳо бериладиган жой бўлса, шуниси нозик эди. Мен эса, кайфиятимни сездириб, чув тушиб ўтирибман. Бошқа рўкач топишим керак шекилли, токи ожиз жойимдан ушлай олмасинлар...

Шунда ҳам иккита нарса менга қоронғи эди: улар бу мавзуни ёқтирмаслигимни қайдан била қолдилару уни хориждаги акамга қандай боғламоқдалар? Тўғрироғи, бу нарсани қаердан билибдилар? Ким айтган бўлиши мумкин?..

Қоронғи уйда қамалиб ётганимдан фойда йўқлек эди, ичим ҳам эзилиб битмоқда эди.

Ахийри бирон нажот умидида отланиб чиқиб, шаҳарга сурвордим. Чаман акамни уйдан топсамоқ ҳамма мушкулотдан бир йўла қутуладигандек эдим.

Идорада бекорга «махсус бўлимнинг кўзи каёқда» деган гап бўлгани йўқ. Бу бўлимга эса, Чаман акамнинг сўзи ўтиши мумкин. Ўша бўлим «у одамнинг буларга дахли йўк десаёқ...» Қандай шайтон ёзғирди, шу фикр калламга урилганиданоқ феълим айниди. Ўз-ўзимни ёмон кўриб кета бошладим. Назаримда, мендан палид одам йўқ эди! Йўқ, Чаман акамдан бундай ёрдам сўрамайман, зинҳор ва зинҳор! Ундан кўра, бор гапни айтиб, маслаҳат сўраш лозим. Балки акам учун жондан азиз ишхонамдан ҳам кечсам арзир?!

Аммо омад юз ўгирган эканми, Чаман ака ҳар галгидек уйида эмасди. Ноилож, хат ёзиб, ташлаб келдим.

Умидсиз, несиз, сувга тушган булкадек бўшашиб уйга қайтсам, кўча эшик тагида алмисоқдан қолган

бир «друндалет»[1] турибди. Қувониб уйга югуриб кирсам, Олим акам кутиб утирибди.

Ёмби топгандек қучоқ очиб бориб, бағрига узимни ташладим. Негадир узим сир бергим келмаса-да, сал нарсага упкам тулиб, овозим узгариб бормоқда эди. Ич-ичимдан Худога тавалло қиламан: «Тангрим, узинг тузим бер. Тилиму дийдамни маҳкам эт. Узингдан бошқа мураббийим йуқ, ҳар номардга муҳтож этма!» Шундай онтлар ичаётган булсам-да, назаримда, Худонинг узи уни етказиб тургандек туйилаверар эди.

— Шанбаларда ҳам уйда утирмагин. Ишхонангдан нима топгансан? — деб гина қила кетди Олим акам.

— Йуқ, узим шундай, — деб сир бергим келмади яна. Қолаверса, ойимларнинг олдиларида у гапдан оғиз очиб булармиди!

— Шунақа, уйга сиғмай қолгани камдек «ичимдагини топ» булиб олган, — деб койиндилар ойим.

Мен ичимга сиғмаса-да, сипориншладим:

— Ёдгор билан боғизнинг тагига, балиқ овига утамиз, деб неча кундан бери отланамиз. Майли, десангиз эртага...

Олим акам орқасидаги духоба ёстиқлар сиғишмай, бирини олиб ташлаб, бошқасига суянди ва чапапичасига қул силтади:

— Утмаганинг ҳам яхши бупти, мен йуқ эдим.

Тушунмай оғзига тикилдим:

— Нечук?

У ойимларга бир қараб олиб, эмранди:

— Жамбулда сафарда эдим. Икки ҳафтадан бери ушақларда юрибман. Ундан Янгийулга утиб келяпман.

Ойим узларича жилмайдилар:

— Илгари у ёкларга мурид овлагани чиқишарди, ҳозир нима бор экан?

Олим акам ҳам сирли кулди:

— Мен эсам эшонзодаларнинг изини излаб юрибман.

Ойим сергак тортдилар:

— Қанақа эшонзода? Кимларга тегишлув?

— Пир даражасига етган бир одамнинг илтимоси-

[1] Эски машина, демоқчи (*Муаллиф*).

миш... Ўттизинчи йиллардаги «коч-коч»да аҳли аёлию фарзандлари қолиб, ўзи хорижга ўтиб кетган экан. Энди томирларини Тўрамдан сўраб келишибди.

— У киши ўзлари уй қамоғидалар-ку, қайдан билсинлар, — дедим.

Олим акам Аллоҳнинг даргоҳи кенг деган маънода қўл тўлғади:

— Қараки, суратган одам ҳам шулардан экан, она томондан Тўрамнинг томирлари чиқиб қолди.

— Ё Аллоҳ, кушойиш бераман деса шу-да, — деб юбордилар ойим, у кишининг кўзлари бирпасда намланиб кела қолиб, кафтларини мижжаларига босдилар.

— Топдингларми? — дедим ҳайратланиб: Ахир орада қанча йил ўтиб кетибди, пушти паноҳларидан айрилган у ёлғизларнинг бошига не кунлар тушмади экан, манави муштипарларга ўхшаб?! Ойимларни, бизни қора тортиб ўтирганида шунчалик, уларнинг ҳоли не кечди экан?!

— Тўрам айтувли одамларга хат битиб берган эдилар. Суриштира-суриштира Жамбулгача бориб келибмиз. Ахийри бир яхши одам бир кишини бошлаб келиб, мушкулимизни осон этди-қўйди. Дунёда савобталаб, Аллоҳ розилиги учун жонини бериб юборадиган одамлар кўп экан. Бўлмаса, ўттиз йил илгариги изни топиб бўлармиди?! Янгийўлдан топдик ахийри. — Олим акам ўша хорижла, яна Маккаи мукаррамада пир даражасига етган одам учун фийсабилиллоҳ ҳаракат қилгани учунми, ё Тўрам тақсирнинг бир оғиз илтимосларини ўринлатиб келгани учунми, тоғ ағдарган одамдек хурсанд эди. Ўзини енгил, эмин-эркин ҳис этар эди. Балки орқасида бўлак гаплар ҳам бордир. Айтмай тургандир?

Лекин шу топда унга сиққидил ҳавасим келиб турса-да, ўзимни тушуниксиз ҳислар камраб бормоқда эди. Чиндан ҳам дунёнинг ишлари қизиқ. От айланиб-айланиб қозиғини топиши шумикан? Кечагина ўлган-тирилганига қарамасдан ҳукуматга хизматдан бўлак нарсани билмаган одамнинг бугун савоб умидида шаҳарма-шаҳар кимнинг зурриётларини излаб юриши — чиндан ҳайратланарли эди. Ҳамма ҳам шундай

қила олсин-чи, қуйт қилган фурсат топмас, фурсат топган ўз ташвишларидан ортмас. У эса, уй-жойини, ўзини унутиб, шунинг кетида юрибди. Мўмин мўминга бундан ортиқ қайишга олмас.

У шундай яхши ташвишлар билан куйманиб юрганида мен ишим орқага кетиб, тақдирим нима бўлишини билмай (бу ҳақда ҳатто бировга ёрилолмай!) уйда кўмилиб ўтиришим чиндан ғалати эди. Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи деганлари шумикан? Олим акамдек одам йўлини топиб олганида мен қоронғи кўчага кириб қолсам, жуда-жуда ғалати-да. Нималар бўляпти ўзи? Нимада адашдим, хато қилдим? Ё ким билиб ўтирибди деб, ўша нарсани ўгириб бераверишим, ичимдаги нарсага тупуришим керакмиди?! Ҳеч қачон! Мен ундай қилолмасдим, бошимда қилич туриб, дор олдига олиб борсалар-да, рози бўлмасдим! Шу менинг «мен»лигим эди! Ҳамма-ҳамма билан мен Султон акамга ўхшаб, эътиқоди-иймонини деб ватанидан айрилганларни сўколмасдим, хоин деб атолмасдим! Ҳамма томдан ташласа-да, мен ташлай олмасдим! Ўша дор тагидагилар тарафга ўтсам-ўтиб кетардимки, уларни сота олмасдим. Шуни деб балки уч кун ўтиб, ишдан ҳам кетарман. Ҳозир-чи, қадримга йиғлаб ўтиришим қизиқ. Танамга ўйласам-чи! Ким комил бўлиб туғила қолибди! Инсон қадрига йиғлай-йиғлай ўзини танийди, ўзлигини топади-ку. Бизга ҳам шу йўлни босиш насиб этибди. Ўзига шукр қилмайманми?!

— Аллоҳ рози бўладиган кўшни экан, савобнинг тагида қопсан, болам, савобнинг тагида, — дедилар ойим мутаассирланиб.

— Суюнчиси-чи, суюнчиси? Катта бўлгандир? — дедим мен унга тегишиб.

Олим акам хижолатланиб илжайди:

— Холам айтганлари етади менга. Аллоҳ розилигидан ортиғи кимга керак! — деди у. — Қолаверса, бу ёқда бу Турам хурсанд, у ёқда у Турам хурсанд. У кишининг мушфиқ завжалари, ўғил-қизлари хурсанд. Икки ўртада турган муфтий тақсир сидқидил дуо қилдилар. Бундан ортик нима керак менга?!

— Юз йилга татийдиган иш бўпти! — деб юбордим мен.

— Икки дунёнгга етарли, бўпти, болам. Бунақа савобни ҳамма ҳам топсин-чи, — дедилар ойим. У киши таъсирланганларидан ўтирган ерларида шападока румолларининг учини дам у, дам бу мижжаларига босар эдилар.

— Бу ҳали ҳаммасимас, хола. Тўрам тақсир ўша муфтий домлага бир хат битиб бергандилар, оборсам: «Бизга шунчалик қайишиб, Олтинхон тўрам олдиларида юзимизни ёруғ этган Тўрамга жонлар нисор бўлсин. У кишининг илтимосларини адо этмак бизга фарз ҳам қарз. Ҳажга ўрин излаб кўрамиз», — дедилар у киши.

— Ҳажга ўрин, ким учун? — дедим ҳеч нарсага тушуна олмай.

Олим акам ўзига ярашадиган бир тарзда иссиқ жилмайди ва овозини пастлатиб, мен томон энгашди:

— Ёдгор билан мушфиқа келинойимиз учун. Биласанми, нима дедилар Тўрам? «Ўғли эр етиб қолди, онасини Каъбатуллоҳга олиб бориб, замзамларга қондириб келсин. Ҳаж асносида дардлари ариб кетгай, иншааллоҳ», дедилар.

Мен ич-ичимдан бир енгиллик туйиб:

— Ана, бор экан-ку давоси! Шифоси ўша замзаму сим-сим калиди ҳаж талбияси «Лаббайка, Аллоҳумма лаббайк, лаббайка ла шарика лака лаббайк[1]»... эканми?... — деб юбордим дарди-дунёмни унутиб.

13. Доғи ватан ёхуд ғариб диёр сувратлари нималардан сўзлар?

Жаҳонда нима улуғ — лафзнинг устидан чиқмоқ улуғ! Бу ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламдан қолган бир суннат. Нажоший диёридан орттирган ўша биродари ўзи занжи бўлса ҳам иймони бутун экан. «Сен туфайли кином дунёга танилди, оғизга тушди. Аввало, Аллоҳ, қолаверса, сен қўлламасанг, «Ҳижрат юрти»ни икки дунёда бундай чиқаролмасдим. Тила тилагингни!» деб келган ўша Қора дарвеш унинг бир оғиз илтимосини қандай ўринлатибди!

---

[1] «Лаббай Аллоҳим, сенга лаббай! Шеригинг йўқ, Сенга лаббай ва яна лаббай! Албатта, ҳамд ҳам, неъмат ҳам Сенга мулкдир, Сенинг шеригинг йўқдир!» Талбиянинг тўлиқ таржимаси (*Муаллиф*).

биродари Султонмуродни қора юкчи-сувратчилари қатори ола кетиб, уни ота мавзе-мавозеларига қадар олиб ўтиб, у азиз диёрнинг Яккабоғу Каттабоғдек кўзга тўтиё этса арзигулик жойларини тасвирга туширтиб кепти! Оҳ, бундан ортиқ илтифот бўлуви мумкинми?! Ватандан бундан ортиқ эсдалик-муждалар келтируви мумкинми?! Ўзи қора бўлса ҳам кўнгли «Ҳажарул асъад»дек оқ экан, пок экан! Аллоҳ рози бўлсин, саъй-ҳаракатларининг ажрини тўлиқ қилиб берсин, илоҳим.

У хайрлашиб кетдию Баҳриддин ўзини аллақандай ғариб сезиб қолди. Ҳозиргина меҳмон супаси, ҳовли-жойлари улар ватандан келтирган муждалар билан тўлиб тургандек эди, туйхонага ўхшаб кетган эди. Улар жўнаб кетишдию ҳаммаёқ ҳувиллаб қолди. Султонни Жиддада қолдириб келишмаса, бунчалик ёлғизланиб қолмасмиди. У Маккага ўтиб кетганмиш, ўшанақаси Олтинхон тўрам билан учрашиб, қайтишда кирадиган бўлганмиш. Унгача ичикиб қолмасин деб, она диёр суврати туширилган видеотасмалардан бир донагинасини ташлаб кетганмиш. Бу хамир учидан патир, кейин бамайлихотир кўрамиз, деганмиш. Бунда ҳам бир ҳикмат бордирки, Аллоҳ шуни хоҳлабди.

Баҳриддин она юрт хабарларидан ўзини қўярга жой тополмай қолган, ҳозир эса, ҳовлиларига қадар туташиб келган хурмозорлари тагидаги меҳмонсупаларни оёғи олти, қўли етти бўлиб, йиғиштириб юрган завжасини имлаб чақирди:

— Қўй, онаси, хизматкорларга ҳам иш қолсин. Бери кел, қара, улар бизга ватандан нима келтирибдилар. Бунақаси етти ухлаб тушингга кирмаган. Остки қаватдаги салқин уйга жой қилсанг, бирга-бирга ўшани кўргаймиз. Ўзимиздан бўлак ҳеч кимни қўйма. Хоҳласак, кўзёшларга эрк берамиз, хоҳласак, қайта бошдан кўриб бўзлашамиз. Бўлақол, — деди.

Марғубабону эрининг охирги сўзларидан чўчибгина ярим йўлда тўхтади:

— У нима, адаси? Ўзиз буюрганмисиз? Ё ўз билгиларича, бирон нарса топиб келтирибдиларми?

— Кирсанг, кўрасан, — деди Баҳриддин ҳалитдан бўғзига бир нарсалар қадалиб кела бошлаб, овози

ўзгаргани ўзига ҳам билинмоқда эди. — Биз туғилиб ўсган маъвони, сен келин бўлиб тушган жойларни сувратга тушириб қайтганмишлар.

Марғубабону бу хабардан икки кўзини ушлаб қолган эди, кўзлари уятданми, нимадан, балки чимилдиқда ёлғиз қолганларини эслаб, лов-лов ёнмоқда эди:

— Вой, Муржимондаги ўша ҳовли-жойларизни-я?

— Топдик-топдик, кўча ёқасидаги ўша узун болохонали уй омон қолган экан, дейдилар. Қари толлар қирқилиб кетганмиш-у, том омонмиш.

— Субҳаналлоҳ, шунча йил кечиб-а? — Икки оёғидан бор мадори ерга ўтиб кета қолганми, аёли турган ерига ўтириб қолган эди.

Баҳриддин унинг бу ҳоли-аҳволидан қўрқиб кетиб, оёғини қўлга олиб югурди. Бориб завжасининг қўлтиғига кираркан:

— Ҳолинг келмаса, майли, онаси. Мен сенга илинган жойим эди, — деб тасалли бера кетди. — Балки жиндек сув ичиб юборсанг ўтиб кетар?..

У сув чақиргунча бўлмай, Марғубабону енги билан елпиниб, сал ўзига келди:

— Ҳечқиси йўқ, адаси. Ўтиб кетди шекилли, деб туришга уннади. — Айтишга айтиб қўйдиз, энди чидаб бўладими, юрак узилиб тушади-ку.

Улар пастки қаватдаги салқин уй томон юра бошладилар.

— Майли, майли, ўзингга қара, ўзинг биласан, юрагинг кўтармаса, кейин ҳам кўравераміз, — деди Баҳриддинхўжа унинг кўнглига қараб.

Аммо аёли бош тўлғаб, яхшиман, деган каби жилмайди, сўнг қўлтиғидан чиқиб, ўша салқин хона эшикларини очгали ошиқди: ватан соғинчи, ватан сувратлари олдида бўлак нарсалар ўтаверсин эди!

Улар ўша салқинлатиб қўйилган хос хонага кирдилар-да, ҳар эҳтимолга қарши эшик илгагини ҳам илдилар. Ватандагидек қилиб усталарга ясаттирилган хонтахта ёнига, қўшқават кўрпачаларга чўкканча, ташқаридаги жазирама иссиқни унутиб, бошқарув тугмачасини босдилар. На тасма шиғиллади, на телевизор маҳтал этди. Ана буни техника деса бўларди! Тугмачани босган онда ойнаи жаҳон тасвирхонаси очилиб,

юракни орзиқтириб юрт жамоли юз очган ва ўзига оҳанрабодек тортган эди.

Аввалига кўз олдиларида таниб бўлмас даражада янгариб кетган улуғ шаҳар пайдо бўлиб, ҳеч нарсага тушуна олмай турдилар. Сўнг у ҳам орқада қолиб, тасвирга олаётган киночилар тушган машина кунботарга қараб оққан аллақандай канал ёқалаб бора бошлади. Қарангки, унинг икки чети кета-кетгунча текис бўй талашиб ўсган мирзатераклар эди, уларнинг барглари шабадада учирмақанот қушчалардек париллаган-дан-париллар эдилар. Мана буни она диёр деса бўларди! Шамолда кўк укпардек шилдираган мирзатеракларни кўриб, ҳар иккалаларининг-да юраклари тўкилишга тушган эди. Бу қайси сув эканки, қирғоғида беҳисоб тераклар бўй талашиб улгурибди? Устига-устак, сув ёқалаб кетган кафтдек текис йўлнинг бу ёнидаги оқ уй-олабарғоҳларни ҳеч таниб бўлмас эди. Уни қаранг, ҳатто сув устига ҳатто бетон кўприклар солиб ҳам улгуришибди. Аммо у қаер эди, ҳеч таний олмасдилар.

Йўқ, ана, ўша кўприк ёнида осма тахтакўприк ҳам кўриниб, энди тасвирчилар ундан кимнидир ўтказиб, сувратга ола бошладилару... у росмана лопиллашга тушиб, Баҳриддинхўжа ўзини тута олмай қолди:

— Ие-ие, ахир бу Оқтепанинг осма кўприги-ку! Ўзимизнинг Бўзсув-ку, онаси! Танидингми?

— Вой, ўшами? Новзадан бораверишдаги кўприкми? Ўшани айтасизми? — деди аёли.

— Ана, ана, чапга бурилишди! Йўл илгариги ўрнида қолган экан! Новзани кўчаси билан Чўпон отага қараб келишяпти! Мени айтди дейсан! — ҳовлиқди Баҳриддинхўжа. — Сен қараб тур, йўл ёқасида ҳозир азим садақайрағоч чиқади: агар суриб ташлашмаган бўлса.

— Вой, нега суришади, адаси, неча юз йиллик нарсани-я? Унақада нима қолади?! — деб ачинди аёли ҳалитдан.

— Сен ниятларини билмайсан, онаси. Бу халқ ғурурланадиган нарса борки, ҳаммасини йиқадилар, қирқадилар, йўқотадилар. Сен нимани билардинг, — деди хожаси.

— Шу зилзила баҳона ўзларини кўчириб, жаннат-

дек боғларимизни тортиб олишганмикими, адаси? Қаранг, ҳаммаёққа тошкўрғонларни «экиб» ташлапибди. Боғлардан асар кўринмайди-ку.

— Улар бўладию қолдирадими! Тағинам ҳаммасини кун-паякун қилиб улгурмасларидан сувратга олиб қолишибди. Бўлмаса, таниб бўпсан эди!

Шу орада киночилар машинаси тагидан бир анҳор сув оқиб чиқаётган кўприкдан ошиб ўтиб, расталарию дўконларининг томлари очиб ташланган бир гузарга кириб бора бошладию Баҳриддинхўжа уни таниб қолиб, «вох-вох»лаб юборди:

— Во-оҳ, онаси! Бу ахир Чўпон ота-ку! Хароб бўпти-ку гузаримиз! Мен сенга нима девдим?! Жаннат диёримизнинг урвоғини ҳам қолдирмайдилар, ғурурланадиган ҳеч вақомиз қолмайди, демабмидим?! Гузарсиз, ҳовли-боғларсиз — биз киммиз?! Ҳеч киммиз-да. — Аламданми, нимадан кўкраги симиллаб кетди, аллақаери туз сепилгандек ачишарди.

Шу тоб катта йўл ёқасида ўша айтгани — азим садақайрағоч кўриниб, иккалалари-да шошиб қолишди: Ҳайҳот, унга нима бўлган эдики, бутун бошли улкан сада таг-туги билан қуриб битган, айни баҳорда биронта ҳам барг ёзмай, чумчуқвойларга ин-ватан бўлиб қолган эди!

— Ана, холос! Мен сенга нима девдим? — деди Баҳриддинхўжа ичи сидирилиб. — Уларнинг қайси касофатидан қуриб ҳам битибди-ку.

— Ҳечқурса, қирқилмай қопти-ку, адаси, — деди аёли.

— Қуриган дарахт қачон бир яхшилик келтирган? Ўзбек борки, касри-касофати урмасин деб, ўша заҳоти арралаб ташлайди. Булар эса, тегишмабди ҳам! Шундан биланер, ниятларини!..

Атрофда осмонни ҳам тўсгудек бўлиб, битиб-битмаган маҳобатли тошқўрғонлар кўринар, улар ўртасида илгариги боғлардан на бирон дарахт, на бирон ишком-боғ кўзга ташланар эди. Ҳатто сойларгача кўмиб, чимзорларга довур суриб ташлапибди.

— Ана сенга диёринг!.. — деди Баҳриддинхўжа «нимасини соғинасан, нимасини қўмсаб бир ерларга етасан», деган каби.

— Қай гуноҳимизга Аллоҳ диёримизни бу куйга солибди, адаси? Гуноҳимиз борки... — деди аёли овози қалтираб.

— Бор, бор. Булмаса, бало юбормасди, — деди хожаси овози узгариб. Унга пикиллаб аёли қушилди:

— Ҳикмати нима экан, адажониси?

— Аввало, биз узбеклар узимиз ноаҳилмиз, иттифоқ эмасмиз. Агарки, — У туриб, қайтиб утирган, узини бироз тутиб олган эди. — Олтинхон турамга, Султонга ухшаган кишиларимизнинг этагидан маҳкам тутганимизда эди, мана бундай жаҳонга тузиб юрмасми эдик, муқаддас еримизни келгиндиларга бериб қуймасми эдик?! Энг аввало, Аллоҳга суяниб, Ўзига таваккул қила билганимизда, шу кунларга қолмасми эдик!.

— Уни қаранг, адаси, қаранг, бизни болохона, бизни том-ку, эсладизми? — деб юборди аёли кутилмаганда урнидан туриб кетаёзгудек булиб.

— Эслаганда қандоқ, таниганда қандоқ, — деди хожаси йиғими, нима босиб келганидан овози битиб, сунг ҳийла вақт узи эсини таниб, эр етган уша ватан суратига термулиб қолиб, ичини тулдирган ҳислардан мингдан бирини тилига кучиролди. — Сен келин булиб тушган, мен бахти қарога куёвлик насиб этмаган уй — гуша-ку, — деб томоғига тиқилиб келган йиғини қулт ютиб, қушди. — Тақдирнинг ёзмиши бундай экан, мана, қай диёрларда Ўзи топиштирди. Қуша қарувимиз, бир этак бола-бақра куриб юрувимизни... курмагандан падаримиз курмадилар, курмагандан онаизорим курмадилар. Куйгандан улар куйиб утишди.

Бу сузлар шунчаки суз эмасди, йиғламаганни ҳам йиғлатадирган, бузламаганни ҳам бузлатадирган сузлар эди. Дунё курган, бу кунларга етгунча хуб оғирчиликларни елкага олиб, не машаққатларга миқ этмаган эр кишининг ич-ичидан қайнаб чиқаётган бир сузлар эдики, уни пиқ-пиқ йиғлаб тингламоқ мумкин эди, уртага бирон суз қушиб булмас эди.

— Оҳ, онаизорим, ғамгузорим! Худо фарзанд бермагани камдек асрандилари туйини куришга ҳам қуймагандилар-а!.. Биз боякишларга куёвлик кийимларида гушангага кириш насиб этмаса-я... Билмадим, бу воқеалардан эслари оғиб қолмадимикан кейин?..

Уни тинглайтурган ёлғиз завжаси — нима қилса ҳам аёл киши — ўзини тутолмади, тутолмайин ҳунграб юборди:

— Нимасини айтасиз, адаси, сиз нимани ҳам кўрибсиз! Шом тушди дегандан у киши келинлик уйимнинг остонасига ўтириб олиб, «Баҳриддинув, Баҳриддингинамув»лаб чақиришга, чақириб бўзлашга тушар эдилар. У бўзлашларига бир мен чидар эдим, бутун олам чидолмасди. Ҳамма уй-уйига кириб кетар, бир мен қора ошхонада ёлғиз қолиб, ҳун-ҳун йиғига ботар эдим. Осмон йироқ, ер қаттиқ эди, адаси. Сиз эса, кела қолмасдингиз.

— Тақдирнинг ёзмиши бу, онаси, Худонинг хоҳлаши, — дея оларди хожаси.

— Кейин мен кетдим, адаси, у киши менга жавоб бердилар. Не умидлар билан келган уйимдан кетдим, адаси, — деб йиғлаган куйи тушунтирарди завжаси.

— Сенда айб йўқ, онаси, Аллоҳнинг синовлари бу, — дерди хожаси, яна кетидан таскин берарди. — Шукр қил, шунча йил ўтиб топиштирганига, биронидан кам жойинг йўқ, яна қаер, Пайғамбар алайҳиссалом юртларда қўриштирди, топиштирди, ризқ-рўз, ватан ўрнига ватан берди, шукронасини қил.

— Алҳамдулиллоҳ, алҳамдулиллоҳ, бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади. Мен шукр этмайин, ким этсун.

Улар диёр тасвирларини-да унутиб, Аллоҳга ҳамду санолар айтишар, бу кунларга етказгани, ҳамма нарсани чеварлик билан чок-чокига тўғрилаб, уларни қўша қаритиб қўйганига шукроналар айтиб, адо қилиша олмас эди.

Ахийри эр аҳли аёлининг юзига илтижо-ла боқди:

— Шошма, онаси, биз ўзимиз билан бўлиб, бизга шунча яхшиликлар қилган, юрак ютиб аждаҳонинг комига бориб келган бир кишини, унинг мушфиқ завжаси, ёлғиз ёдгорини унутибмиз. Сен тақвоси зўр бир мусофирсан. Сенинг дуоинг қабул. Шу мард биродариму унинг мушфиқаси ҳаққига бир дуо қилки, токим қодир Аллоҳ уларнинг ҳам узулган ришталарини улаб, ўзларини топиштирсин. Жудоликларига чек қўйиб, кенг дунёнинг бирон ерини ватан тутиб, яшамоқларига имкон берсин. Оч, қўлингни, токим шу-

лар ҳам ҳамма қатори фарзандларининг камолини, роҳатини кўриб, Ўзига ибодатда қўша қарисинлар.

— Йўқ, йўқ, адаси. Мен Тангрининг бир ожиза, шу диёрга келиб ибодатга тушган бир гуноҳкор бандасиман, холос. Улар ҳаққига ўзиз дуо қилинг. Сиз неча йилларки, таҳажжудизни узмай келаётган кишисиз. Сизнинг дуоингиз қабул. Уларга сиз рўшнолик сурасангиз, шояд Аллоҳим ижобат этса...

Улар бу мушфиқаларга рўшнолик тилашаётган бир паллада қарангки, гунг тасвирчи олган тасмадан ажаб таниш ўранган бир аёл сурати ўтиб борар, унинг ортидаги бўй етган ёлғиз Ёдгорини демаса, у бу гўшада йиғлаб дуо қилмоқда бўлган Марғубага бир томчи сувдек ўхшаб ҳам кетар, ўхшамай ҳам қолар эди. Бу нима, рўёми, ҳақиқат, ҳар иккалалари ҳам англай олмай, аланглашиб қолишган эди.

Бу қандай каромат — улар билиша олмаг, билишдан ҳам ожиз эдилар. Бу паллада эса, бояги ўғил онаси қуйиб узатган чойни гунг тасвирчига илиниб олиб бормоқда эди.

— Ё қодир Аллоҳ, чой қуйган у мушфиқа киму уни нотаниш меҳмонга илиниб олиб борган ўғил ким? — деб юборди азбаройи тўлқинланганидан хожаси. — Наҳот биродаримиз гунг тасвирчи қиёфасида ўша ергача етиб борибди?! Етган эрса, бу ҳам бўлса, Аллоҳнинг сўнгсиз марҳаматидир, ундан бўлак нарса эмасдир. Ўзига ҳамду санолар бўлсин, субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳаналлоҳил азийм, — дея олди.

Шу дақиқада Ватан доғида куйган диллардангина Аллоҳ шаънига шундай ҳамдлар ёғилмоғи мумкин эди, холос. Ўзи даргоҳида қабул этиб, ҳар саносини бир нурга айлантирсин охиратда, илоҳим!

14. Рози бўл, Чаман...

«Узр, Чаман, сендан беруҳсат бир ишлар қилиб қўйдим. Жўмардлигим тутиб, сарҳад ошиб қўйдим: диёрга йўл чиқиб турган экан, таваккали Худо қилдим. Ватан соғинчи, қавм қариндошлар руҳсорини бир кўрмоқ, у диёрга интизорлик, аҳли аёлим, ёлғиз Ёдгорим олдидаги қарз — қўймади. Барча барчаси устун келди сенга берган ваъдалардан, дим кетмоқдан,

не балоларни кўрган бу азиз бошдан. Таваккал қилмоқ вақти келган эди. ўзимни Аллоҳга топшириб таваккал қилдим. Мардни қилич ҳам олмас, шайтон ҳам йўлдан ўролмас, ботирни Худо ҳам асрагай, деган гапларга ишондим. Ўша қора-қуралирга ёлланиб бўлса-да, жондан азиз юртга кириб бордим.

Узр, бу ният, бу жиҳодимни сизларга хабар бериши мумкин бўлган пашшадан ҳам сир тутиб, Аллоҳ ўзи кечирсин, Олтинхон тўрам қаватларида эътикоф ўтиргани кетаётган жойимда сафарни ихтиёр этдим. Шундай — ватанга йўл чиққанда — эътикофдан ҳам кечмоқ, ортга сурмоқ мумкин экан.

Ватанни севмоқ иймон жумласидандир дедилар Тўрам ҳам. Сўнгра ё хуббил ватан, дея йўлга чиқдик. Ватан ҳаволаридан бир бора нафас олмоқ учун, сарҳад ортида қолган у азизларим рухсорини бир кўрмоқ учун мен ҳар нарсага тайёр эдим. Ахийри ўша қора қуралларга юкчи бўлиб ёлланишга, гунг соқов бўлиб бориб-келишга рози бўлдим. Розилик ҳам гапми, бора боргунча, кела-келгунча уларнинг пой патаги бўлишга-да тайёр эдим.

Билмадим, Баҳриддин улар билан қандай тил лашган, қандай кўндирган, лекин мен бу сафар учун гунглик экан-ку, ҳар нарсага рози эдим. Фақат икки дийда — икки қарогим очиқ бўлси бас эди! Сарҳад ортида қолган у мушфиқам, у жабрдийдаларимни ўз қарогим-ла бир кўрсам, бу жаҳонда соғ-омон эканликларини билсам кифоя эди.

Чаман, бил, мен ишонтириб келган мушфиқам ҳаққи қайтиб бормаслигим мумкин эмас эди. Кўрмагунимча кўнглим жойига тушмасди. Тинчимасдим. Хабар беролмаганим беролмаган, бормасам, ҳолидан хабар олмасам кейин тонгла Маҳшарда Аллоҳ олдида ким деб аталардим?!

Тушун, мен қоидани бузиб, сени абгор қилиш учун эмас, осмон никоҳи узилмаган ўз завжам — оиламни деб, пушти камаримдан бўлган тирногим — Ёдгоримни деб бордим. Сен ватан согинчи нима билмассан! Ватан согинчи нима, ватандан қувилганлардан сўра! У согинч ўртаб келганда ҳамма нарса бир томон, ватан ҳам бир томон бўлиб қолувини, унинг ҳаволаридан бир бора нафас олмоқ, сувларидан бир

қултумгина ичмоқ жаҳондаги жамики нарсалардан азизроқ бўлиб қолишини дўстим, сен қайдан ҳам билардинг?! Бунинг учун менинг куйимга тушмогинг, сарҳадларда кулбасига йўлай олмаган ит каби дарбадар дайдимогинг, зор-зор йиғламогинг керак, Чаман.

Улар, мен сени гафлатда қолдирдим. Ғафлатда қолдириб сарҳад ошиб бордим.

Мени сизникилар нима деб атасинлар атамасинлар, халқим ким деб ўйласин ўйламасин, юртим ўзим учун ўша-ўша азиздир, миллатим ўша-ўша қадрлидир, мен ўлсам-да, ундан кеча билмасман. Аллоҳнинг омонатини қаерда топширмайин, ўша ватанимни, шу динимни, ўша азизларимни сўнгги нафасимга қадар унутмасман. Майли, элим мени қувгинди деб атасин, халқим сиғинди деб билсин, мен ўзимни улар билан эту тирноқдек деб биларман. Бу ҳижрат ҳам мага ҳам насиб қилавермас! Аллоҳим бизни шу ҳижрат билан синабди, тақдирлабди, шунисига ҳам шукр. Ўзи азиз қилган юртларга етказмай, тили, дини бошқа бир юртларга итқитганда, ушандай Худо қарғаган бир тарафларда дўзах азобини тотмоқни раво кўрганида нима қилардим?! Ё бўлмаса, Тангритоғнинг ўзида келгиндилар чангалида қолдирганида додимни кимга айтардим?! Жиндек омадим бораканки, қайсибир ишларим Аллоҳга хуш келган эканки, бу ёқларни раво кўрди, эмин-эркин ўзига тоат-ибодатда бўла оладиган диёрларга етказди. Пайғамбар юртларига қадамимиз тегди, шукр.

Биламан, сизлар анойимассиз. Тузумингизга хавф сола олгувчи ҳар битта мужоҳид-қувгинди қай мамлакатда нима билан нафас оляпти, нимани дилига туккан, дарди нима — ҳамма-ҳаммасидан хабардор тургувчиларингиз бор, кўз-қулоқларингиз сон минг. Шунчалар устомонсиз. Лекин макрингиз Аллоҳнинг макри олдида ҳечлигини билмайсиз. Аллоҳ истаса, душман тугул қуш ҳам учиб ўтолмас ўша салтанатингизни бир кечада ўтмишга итқита олишидан бехабарсиз. Шунчалар ўзингизга магрурсиз, мафтунсиз.

Қолаверса, Чаман, мен ҳам шу темирқўргоннинг қанчалар маҳкамлигини бир синаб кўргим келди. Йўқ, ниятим сизларни доғда қолдиришгина эмасди. У даргоҳларнинг кўзига чўп солиб бўлса-да, азизларимни

кўриб келиш эди, қиёмат қарздан қутулиш эди. Ҳатто мени олиб кетган ўша занжи киночиларнинг ўзи-да менинг кимлигимни билмасдилар. Корага «бўялганим»дан кейин ўзимни ўзим танимай қолганимни билсанг эди! Чаман, биламан, сен бу ишимни оқламаслигинг тайин. Шаккоклик деб аташинг, кўра била туриб, дор тагига бориш, қилич дамида юриб, сирот кўпригидан ўтмоқ деб баҳолашинг мумкин. Лекин бу ўлгиси келган мушукнинг арслон билан ўйнашуви эмасди, йўқ. Мен ўша арслоннинг кўзини шамгалат қилгим келди ва Аллоҳга таваккал қилиб эдим. қодир Аллоҳ мендек ёлгиз жангчисига нусрат берди ва мен Аллоҳнинг бир «қора қули» ниятимга етдим.

Чаман, сен бу сафаримни, ёвуз арслон чангалидан омон ўтиб, азизларим паноҳ топган бир ергача бориб, уларни ўз кўзим билан кўриб келувимни, жудо бўлган диёримизнинг таниш суратларини эсдаликка тасмага тушириб қайтувимни сен шаккоклик деб санама. Бу Худонинг марҳаматидир. Бил, агар бутун олам сени душман санаб турса ҳам ёлгиз Аллоҳ сен тараф бўлса, бутун оламнинг душманлиги ҳечдир. Ёлгиз Аллоҳ ўзи асрагайдир. Мен билан ҳам шундай бўлди, бир тукимни ҳам тўкдирмай манзилимга қайтарди у.

Шу боисдан ҳам сен мендан хафа бўлишинг ўринсиздир, Чаман. Қолаверса, она шаҳримизга бориб, бир огиз ўзимни билдирмаганимни, кўргиларим келса-да, кўришга ҳаракат этмаганимни ўзинг тушуниб етарсан деб ўйлайман. Бўлмаса, Калковуз бўйидаги у азиз гўшага бош суқмоқ, сени, Ойтура холамларни кўриб, зиёрат этмоқ, дуоларини олмоқ фарз эди менга — сени, ўзимни аяб (аямасам бўлмасди, ҳаммаҳамма билан сенга доғ туширолмасдим!) боролмадим. Ичларим гурмишлаб, кўргим келиб ётса да, нафсимни босдим, синдиролдим унинг истакларини!

Сен гина қилишга ҳар қанча ҳаққинг бор, сукишга ҳаққинг бор. Аммо тушун, бу мумкин эмасди. Мен ёлгиз бир ният билан — у мушфиқам, у мусофиргинам, у қиёматга қадар кутмоққа рози жабрдийдам рухсорини согиниб, бўйи бўйимга етиб қолган у ёлгиз тирногимизнинг чиройи. камоли-бастини бир кўргина кўрмоқ учун ҳам, ҳар иккалаларининг ҳоли

дан хабар олмоқ учунгина ҳам келган эдим. Келмоқ — қиёмат қарз эди, келдим. Мен уларга бирон нима қилиб беролмасам-да, кўрмоғим, ҳолларидан хабар олмоғим ўзим учун фарз эди. Сен муҳожирлик нималигини, аҳли аёли, оиласини ташлаб, дунё кезмоқ нималигини билмайсан, дарбадарлик аламларини тотмагансан. Йўлингга кўз тутган мушфиқанг, фарзандларинг кўз олдингдан ўтиб кўрмаган.

Сен тушун. Замоннинг зайли билан мен сарҳаддан ўтолмай қолганим билан, мусофир юртларда муҳожир бўлиб кезиб юрганим билан аҳли аёлим, оилам олдидаги шариат зиммага юкламиш вазифалар соқит бўла қолган эмас. Ўртада осмон никоҳи туриб ди, гулдек навжувон фарзандим бор, талоқ ҳам тушмаган ўртага. Уларнинг ҳолидан бир қур бўлса-да, хабар олмасликка қандай ҳаққим бор?!

У сизнинг даҳрийлик асосига қурилган давлатингиз оила муқаддас деб дунёга жар солгани билан мени ўз оиламга қўйсин-чи! Ёхуд олиб чиқиб кетаримга рухсат этсин-чи! Қўймайдиям, рухсат ҳам этмайди! Унга шариатимиз биз эркаклар зиммасига юкламиш вазифалар бир пул. Мен эсам Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло амрини илгари бўлмаса ҳам ҳозир устун қўяман, унга бўйин эгаман. Чунки қиёматда бу хусусларда қаттиқ сўралмоғимиз бор. Шу важдан ҳам ўша тонг-ла Маҳшарда жаноби Бош қози ҳузурида хижолатда қолмаслик учун ҳам бу сафарни ихтиёр эттим, Чаман. Ана энди тушунгандирсан, мен у қувилган диёримга не мақсадда қора қул қиёфасида кириб, яна ўша қиёфада ватанни тарк этганимни?! Бўлак иложим йўқ эди, мендан кейин биров жабр кўриб қолмаслиги керак эди. У диёрдагиларга мен жафо қилолмасдим.

Агар Чаман, ихтиёр менда бўлсами, ўзим билардим нима қилишни. Афсус, ихтиёр биздамас. Қўлимиз ҳам калта. Фақат сенга бир илтижом бор. Йўлини топиб у мушфиқам Маҳфузага бир ёрдам қил. Сен чиндан киришсанг йўлини топгайсан. Минг йиллик биродарлигимиз ҳаққи, қолаверса, Аллоҳ розилиги учун қил бу ишни. Ўзига яраша ажрини ҳам олгайсан, иншааллоҳ.

Гап шундаки, Чаман, балки мен адашаётгандир-

ман (илоҳим, адашган бўлай!), балки менга шундай туйилгандир (илоҳим, адаш туйилган бўлсин!).

Ўша сафар пайти, Мақсудларнинг янги жойдаги ҳовлисида биз хабаш киночилар у хонадонни ютақиб тасмага тушираётган кезимизда Аллоҳнинг марҳаматини қараки, менинг мушфиқам — излаган кишиларим (Баҳриддин хабар берганидек) ўша ердан чиқиб турибдилар. Кўриб, бошларим икки айланиб кетаёзди. Назаримда дунё остин-устун бўлиб икки айланиб келдиёв. Улар эса, дунёнинг нариги бир чеккасидан келган биз меҳмонларни кўриб, она-бола пастки уй айвонидан тушиб келишмоқда эди. Маҳфузам — тўлишиб дуркун тортган бир аёл, бўйи бўйига тенглашиб қолган (қара я, углимиз ўсмир ёшидан утиб, эр етиб қопти, елкалари барваста тортиб, онасининг чин ҳимоячисига айланибди!) ўғлидек кўркам углининг ортида елкасига қўл қўйиб турар, бошига мен ҳеч кўрмаган симобийранг бир румол ташлаган ва бўйниларига довур ўраниб олган эди. Чаман. Мен унинг бундай фариштаҳлардек ўранган ҳолда ҳеч кўрмаган эдим, орзиққанимдан, отини атаб чақириб юборсам мумкин эди! Аммо сўнгги дамда тилимни тишлаб қолдим. Мен овоз бермогим мумкин эмасди, бу диёрга гунг тасвирчи қиёфасида ёлланиб келгандим. Сирни уларга да очолмасдим.

Аллоҳ шунақа пайтда Ўзи тўзим берар экан. Чаман. Эсимни йигиб, сотиб қўйиши мумкин бўлган кўзларимни тасвир аппаратининг кўзларига босганимча қолдим... Аммо уни аччиқ ёш аллақачон қоплаб бўлган эди, шунча тикилмай ҳеч нима кўролмасдим! Шунча уринмай у ёшлардан қутулолмасдим (улар томчига айланиб, оқиб кета қолмасдилар!). Бўгзимга ҳам бир нима тиқилган, гўё жон қуши юрагим бирла потирлаб чиқиб кетмоққа уринарди ю, чиқиб кетолмасди. Пешонамдан эса маржон-маржон терлар ёғилардики, қуяверасан.

Ана шунда ўзимга келиб кўрсамки, ҳалиги йигитча — менинг Ёдгорим бир пиёлагина чойми, сувми олиб келаётир. Уни ким бериб, ким йўллади деб қараган чоғимда, Чаман, нимани кўрдим! Боякиш мушфиқам, қўлидаги чойнакни айвон четига қўяётган экан. Шу тоб қаёқдандир баҳорнинг эрка бир эпки

ни келиб, унинг симобий румолини елкасидан кутариб ташлашгами, нимага уриндию, Маҳфузам румолини буйнига чандиб ураган экан, эплолмади. Лекин бир нарса галати эди. Нега у бундай ураниб олти? Нимани яширадир, кимдан яширадир? Шариат шунчалар уранишни буюрмаган ку?

Ё бирон тошма тошиб, дард илашибдими? Нега бундай ураб-чирмайдир? Сенга ёлгон, Аллоҳга чин, Чаман, одамни ҳар хил хаёллар олиб қочадир экан. Суролмасанг, билолмасанг, танитолмасанг — қийин экан. Ишқилиб адашган булай, адашаётган булай. Менга туйилган нарсалардан у пок булсин, ҳоли булсин. Илоҳим, бу шайтоннинг макрлари, васвасалари булиб чиқсин.

Мен уни шу ҳолида тасмага туширишга туширдиму ҳали юрак бетлаб курганимча йуқ, Чаман. Илоҳим, мен адашган булай. Хеч қандай дард у мушфиқамга ёпишмаган чиқсин.

Аммо мен эшитганим бор муҳожирлардан. Айрилиқ догига учрамиш куп аёллар ана шундай бир турлик дардларга йулиқар эмишлар ва унинг давосини излаб, бир амаллаб ҳажга келар эмишлар. Иброҳим алайҳиссалом ва Ҳожар онамиз замонларидан қолган замзам ва дуо уша дардларнинг ёлгиз давоси, ювиб юборгувчиси эмиш.

Менинг мушфиқ завжамга ҳам бу диёрда нимаики илашмиш — барчаси мен туфайлидир. Орага тушган ул бадбахт ҳижрон туфайлидир. Энди сендан ёлгиз илтимосим, Чаман (шунча қилган яхшиликларингни биттаси!), уни бир эвини қилиб, ҳажга жунат, дарддан покланиб — ҳалосланиб кетсин! Маҳрами йуқ, дема, углимиз буй етиб қопти, ёнига қуш. Мендан қайтмаса, Аллоҳдан қайтсин — шу илтимосимни уддаласанг улуг савобга қолгайсан. Ва биз қиёматда Парвардигоримиз ҳузурига албатта ёруг юз ила боргаймиз.

Рози бул, Чаман, умр буйи сенга юк булдим.

Мен яна Маккага, Олтинхон турам қаватларига кетяпман. Ният қилган эътикофим бор. Хайр, ошна, сог бул. Узи сени хифзу ҳимоясида асрасин.

Султонмуродинг.
Жидда».

Учинчи бўлим

ЖУДОЛИК ЗОРИ ЁХУД ДИЙДОР ҚИЁМАТГА ҚОЛГАЙМИ?

1. Таваккалчини Худо асрар

Мен хеч ерга сиғмасдим.

Ўтган икки кун икки йилга чўзилдиёв!

Учинчи кун шанба эди. Демак, эрта ўтиб, индинга тақдирим хал бўлади: ё кетаман, ё бирон паст ишга сурворишади. Харқалай, аяб ўтиришмайди.

Қарангки, мен қилмишимдан пушмонга тушиш ўрнига туриб-туриб аллақандай ғурур туйиб кетмоқда эдим:

«Заб қилибманми, қайтариб бериб?!»

Мен кимга тортдим, ойимларгами ё... Султон акамга — ўзим тушуниб етолмасдим.

Ҳарқалай мендан Турам тақсир ёки акамга ўхшаган хукуматларга ҳам бўй бермайдиган бир одам чиқмаса-да, сўзимда тура олаётганим, Ватанини соғинган бир ватанжудога қайишиб, уни ҳамма қатори сўкиб-петиб, «ўлгани» устига тепмаётганим ўзимга ёқиб тушмоқда эди. Мана шу ғурур бўлса керак. Демак, ғуруримга қарши бир иш қилгим келмапти. Бундан хурсанд бўлиш керак-ку, ахир!

Аммо шу тобнинг ўзида менга алам қилаётган жойи ҳам йўқ эмасди. Мен ўртамиёна бир мирзо бўлсам — бошқа гап эди. Бошқа соҳадан келиб ҳам, топшириқларни ўринлатиб адо этиб юрибман-ку. Бировдан тилим қисиқ жойи йўқ. Шундаки биз мирзоларнинг қадри шу бўлса, ким эканмиз биз? Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек нихояти югурдак мирзо эканмизми биз?..

Туриб-туриб энди менга наша қилмоқда эди! Нега ўша гап чиққан кунуёқ ариза ёзиб, киритиб юбора

қолмадим? Нимага умид тутдим? Бирон инсофли одам чиқиб, ёнимга тушишигами? Химоя этишигами?

Қачон Худога таваккал қилишни ўрганамиз?! Пешонамдан кўрдим, тақдирнинг ёзмишидан ортиқ нима буларди, дея олсам-ку — олам гулистон эди! Қутулардим шу машмашалардан! Ўша куни бош муҳаррир олдида андеша сақлаб жим тураверганим келиб-келиб энди ўзимга таъсир қилмоқда эди. Нега бундай қилдим? Ростини айтиб, қаҳрига йўлиққим келмадими ё? Ишқилиб хокисор бир қиёфада жим ер чизиб турганим ёдимга тушиб, ўз-ўзимдан ғижиниб бормоқда эдим.

Менинг ўрнимда **акам** нима қиларди?! Узр сўраб ё ялиниб ўтирармиди? Ҳеч қачон! Мен эса, имилладим. Шарт кесолмадим!

Менга мана шу мезон, **акамни ўз ўрнимга қўйиб кўришим** — қаронғи, ёқиб тушмоқда, бундан ўзгача бир ғурур туйиб кетмоқда эдим.

Уйга сиғмай дўконнинг қоровулхонасига чиқиб борсам, шахматчиларнинг зўрлари Расулбек аканикига тўй келиши муносабати билан йиғилишиб қолишган экан. Бирин-сирин «Ассалому алайкум»лаб чиқиб кела бошлашди. Жанг тоза қизиди, лекин ҳеч ким мени ўтирган жойимдан силжита олмасди.

— Бу кимнинг аламини биздан оляпти? Ҳаммани писта пўчоқдек чақиб ташлади-ку, а? Бирортанг Шукруллони чақириб чиқсаларинг-чи! — деб қолишди.

— Шу туришимда Фишерни опкелсангизам қоқиб ташлайман! Мирзоликни ташлаб, ўзимни шу ўйинга бағишласамми, деб турибман-ку, — дедим ярим ҳазил, ярим чини билан.

— Тағин Горький боғига тахта қўйиб юрмагин, бор бисотингни шилиб олишади-я, — деди кимдир.

— Кимордан Худо асрасин, — деб секин тура бошладим. — Иззатим борида ўзим жой бўшата қолай. Қўл бир келиб қолди-да, акалар, — деб сипоришладим. Аслида ишхонадаги анув машмаша яна ёдимга тушиб, кайфиятим бузила бошлаган, ўзим бу ердан ҳам жилишга баҳона излар эдим.

Қоровулхона ҳужрасида шунча қолиб кетибман, қайтиб келсам, вақт пешиндан оғиб, ҳовлида кир ювиб ўтирган кеннойимдан бўлак ҳеч ким кўринмас, ҳаммаёқ ер ютгандек жимжит эди.

Қорин ҳам ниёзни пусти бўлиб кетган экан, сичқонни инида қолган қаттиқ нон ҳам ширин кўриниб, у уйдан бунисига чиқиб юрсам, кеннойим ошхонадан устига тапника ёпиб, сочиққа ўралган коса кўтариб кела бошладилар.

— Овқатиз бу ёқда эду, Мақсудхон. Келавурмадиз-келавурмадиз, сочиққа ўраб қўйуп эдум, келуиг, — дедилар дастурхон ёзиб.

— Раҳмат, булар қани? — дедим ичкарига ишора этиб.

Кеннойим нимагадир айтишга истиҳола қилиб, ерга қарадилар:

— Кутуп-кутуп, кетишду.

— Қаёққа кетишади? Ҳеч гап йўқ эди-ку, боя? — дея олдим.

— Сизну орқангизданоқ одам келуб эду.

— Одам?.. Нега келади? — дедим ҳайрон қолиб.

Кеннойим ямландилар:

— Ўша ўзиз била ишлайдукан анув кунгу одам, меҳмонларну бошлаб келган-чу...

— Дароз бўйлик, шапкалими? Нима дейди? — дедим ичим ғурмишлаб келиб: «Ким юборибди у кишини?»

Кеннойим «Ўша-ўша», деб тасдиқладилар-у, у ёғини айтишга тиллари бормай, ошхонага ошиқдилар.

Менинг иштаҳам ўлиб бўлган эди, у кишини ярим йўлдан қайтаришга тушдим:

— Шошманг, нима дейди? Ахир мен ўлгани кетган эмасман-ку, бирпас кутмайдими? Қолаверса, чақирса овоз етадиган жойда — ҳужрада эдим-ку.

— Билмасам, Мақсудхон, гапуни эшитуб, «мени оборчи-обор»лаб қолдулар кичигойум.

— Йўғ-е...

— «Худо олсин уларни, Фарғонасига жўнатарда керак бўлувди, энди Тошканга сиғмай қоптими»лаб отланавердилар. «Сен обормасанг, ана, келинум оборади» деб қайтмадулар.

Ўзиям биргалашиб кетдими? — дедим бўшашиб.

— Худону зоруни қилду, «Сиз борманг, ўғлиз хафа бўладу»лаб. Эшитубам қўймадулар.

— У қилишибди-бу қилишибди, ишни бузишибди-ку! — дедим энсам қотиб.

— Унақа деманг, Мақсудхўжа, қайтуга кичигойум ишиззу тўрулаб келадула, қараб турасиз, — деб кеннойим ошхона томонга юравердилар.

Феълим айниб, кайфиятим бузилиб бўлган эди, ўтираримни ҳам, ойимнинг орқаларидан этиб борарнмни ҳам билмасдим: Жўра акамга ҳам Худо бўй бериб, ақл бермаган экан-ку! Ўша гапни ойимларга достон қилиб кўтариб кептими?! Кошки бошлиқлар ундан кўришса! Ўзи қилвиликни қилиб қўйиб, ойисини жўнатибди, деб бир карра айтишади. Битадиган ишни ҳам битиришмайди. Лекин ойим уларни кўп мулзам қилган бўлсалар керак. Қайси шўри қуриган у кишига рўбарў бўлди экан? Сирасини айтганда, ойимнинг боришлари менинг назаримга яхши бўлмаган эди. Аввал аяб, ён беришса ҳам, энди аяшмайди! Энди қолиб бўлмайди!

«Ойисини юборибди, зўр хотин экан, адвокатлар ҳам ип эшолмайди у кишининг олдида», деган гап менга керак эмасди.

Нима бўлса бўлди, Худонинг хоҳлаши шу экан деб, ўтириб «нон-палов»ни тушира бошладим. У шунақа хушхўр эдики, тавба, бунақаси камдан кам бўларди. Ё косада уроғлик туриб, шунақа иликдек бўлиб кетган, ё ўзим ўлгудек очқагандим. Иккисидан бири.

Кеннойим чой кўтариб келиб, уни қайтара бошладилар. Мен боягидан анча тушганимни кўриб, у киши тиззаларини сал ёнга букиб, бир чиройли ҳам омонатгина ўтирдилар. Шошмай чой қуйиб узатиб, мендан ҳол сўрамоқчидек, маврид кутиб қараб қўйдилар. Мен у кишига сир бой бергим йўқ эди, (қуймагани битта мен қолиб эдим!) лекин шу маҳал у киши ярим ҳўрсиниқ ила тин олдилар. Менга ачиниб-куйишларини истамай улардан илгарироқ отни қамчилаб, гапни тамом бошқа ёққа бурдим:

— Ёлгор қани, бир ерга ўтиб келардик.

— Чиқиб эду, узоқўб кетмагандур, чақирайму? — дедилар у киши тараддудланиб.

— Мен ўзим шахматга алаҳсиб кетибман. Олим акамнинг томонларига, балиқ овига ўтмоқчи эдик.

Кеннойим шу тобда кўнглимга шунақа нарсалар

сиғганига ҳайрон қолдилар. Бундан ўзим ҳам хижолатта тушиб, сипоришладим:

— Мен унга ёлғончи бўлиб қолмай, деймак-да...

Кеннойим тушуниб, бош силкидилар. У киши Тўрам тақсирникига бориб келганимиздан бери, дам уриб берган замзам сувларини ичибми, чиройлари ҳийла очилиб, камгапликлари қола бошлаган эди. Аммо ҳозир кўзларини ердан узмай, тиззаларини силаб ўтирар, нимадандир истиҳолада эдилар. Ниҳоят:

— Тинчликму, Мақсудхўжа, ишингизда бир нима ўтдуму? — деб юзимга термулдилар.

У киши ўзларини илгаригидай яқин олиб, кўнгил сўрашларидан бошимга довур бир жимирлов югуриб, ғалати тортиб кетдим. Хўрликми, нимадир босиб кела бошлаб, саросималандим:

— Йўқ-йўқ, шунчаки бир арзимас гаплар. Ваҳима қиладиган ери йўқ, — деб ёлғонлашга тушдим-у, ўзимнинг ёлғонимдан ўзим уялиблар кетдим.

Энди билдим, ҳаммадан яширсам ҳам, бу кишидан яширолмас эканман.

— Ё анув келганлар туфайлу... бир гаплар бўлдиму? — Кеннойим нимадандир хавотирда эдилару очиқ-ёриқ айта олмас эдилар.

— Қайси?.. — дея ялт этиб бетларига қарадим.

Анув занжуларну айтаман-да. Осмондан тушгандай келуб кетганлар-чу?..

Мен кўнглим бузилиб кела бошлаб:

— Шунга яқинроқ, — дея олдим.

— Қанақасига? — у киши ташвишга тушиб қолган, ҳатто бир қадар менга ўгирилиб олган эдилар. — Рухсатсуз келишган эканму?

— Сизга қандай тушунтирсам?.. — дея чайналдим, — асли гап уларда ҳам эмас.

— Бўлмаса, нимудан ваҳм ахтаришадур?

Энди очиқроқ айтавермасам бўлмасди. Мендан бегона эмас, бу гапларни тушунадиган, мусофирлик нималигини билган киши сўрамоқда эди.

— Бир ватангадо... шаҳрига яширикча, сайёҳ қиёфасида келган экан. Орқасидан билиб қолишиб... дедим.

— Вой, ўлмасам, ушлаб олушибдиму? Шуни ёза-

сиз дейишдиму Сизга? — Кеннойимнинг юзлари оппоқ оқариб кетган эди, кўриб қўрқиб кетдим.

— Йўқ-йўқ, аллақачон чегарадан ўтиб кетибди.

Кеннойим енгил тин олиб, кўксиларига «туф-туф»лаб қўйдилар:

— Хайрият, Худо асрабду.

— Асрайман деганни тикан хам киргизмай асрайди экан, — дедим.

— Илохумнинг ўзи ғамхўр, — деб турган кеннойим яна хавотир аралаш қараб қўйдилар. — Анувлар-чу, уларам эсон-омон ўтуб олушибдиму?

Мен бу гапдан эсим оғинқираб, у кишининг бетларига термулдим:

— Нега ундай деяпсиз, кеннойи?

У киши жавоб ўрнига хам кўзларимга тикилиб қолган, сирли бир нарсани сўрамоқчидек ё бўлмаса, мен хам ўша сирдан воқифлигимни билмоқчидек кўзларини узмас эдилар. Мен эсам бунга сари ўша хақиқатни англаб бораётгандек бошим гир-гир айлана бошлаган, ичимдан бир хаприқиш қайнаб чиқмоқда эди. Ахийри у киши аллатовур ёшланиб, киприк қоқсаёқ, дувиллаб тўкилиб беришга тайёр кўзёшларини яширишга уриниб, этакларини силашга андармон бўлдилар. Андармон эканлар, аллақандай тўлиб-тўлиқиб ёрилдилар:

— Сизга ёлғон, Худога чин, Максудхўжа, ўша кундан беру мижжа қоқолмайман. Қоқдум дегунча акайиз кўрунаверадулар. Билмасам, нимудан?

— Қандай, кеннойижон?.. Бирон нарса сезгандаймидиз?

— Йўқ-йўқ, ўша вақутда хеч нарса хаёлумга келгану йўқ, сезганум хам йўқ, — деб у киши бош тўлғаб эдилар, қароқларида илиниб турган ёш билаклари аралаш хонтахта устига дув тўкилиб берди-да, қайбирлари оқ дастурхонни, қайбирлари енгини хўл этиб, яна қайбирлари кафти ортини ўпиб қолдилар.

Сезмаган бўлсалар, нега йиғлайдилар, кўзёшларини тўхтата олмайдилар? Балки бирон нарсадан?..

— Ё бирон нарсадан шубхаланган жойиз борми? Шундан бери тинчиз йўқми?

— Ундай хам... бўлгану йўқ, -- деб ерга қарадилару этакларини силаб, кўрпача устидан ушоқларни-

ми, бир нарсаларни териндилар. Ишқилиб кўзимга қарай олмас, қарасаларок ўпкалари тўлиб кетаётгандек эди. Сезиб турибман, ниманидир айтолмаяптилар. Истихола қиляптиларми?.. Мендан тортинсалар, кимга айтадилар?

— Айтаверсангиз буларди...

— Нимани, Мақсудхўжа? — У киши ялт этиб бетимга қарадилару, гинамни тушуниб, нигоҳларини олиб қочдилар. — Ўшандан беру тинчумну йўқотганумни айтасизму?

— Ўзидан ўзи... шундай бўлмас...

Кеннойим қайнарбулоқ кўздек қароқларини кафтларила артиб, ийманибгина караб қўйдилар.

— Биласизму, — дедилар ахийри ўксик бир оҳангда, — Ўша куну биров сезуб, биров сезмаган бир синоат ўтганудай бўлиб эду...

— Синоат?.. — дея азза-базза ўнгланиб олдим мен.

— Шунга якунроқ, — деб у киши яна қайта хаёлланиб қолдилар.

Қисташга тушдим:

— Менга айтмасангиз, кимга айтасиз?! Сиз яширманг, кеннойи.

Кеннойим норининг қизили юзларига ёйилиб, уялибгина қараб қўйдилар.

— Балку мен адашаётгандурман. Менга шундай туюлгандур. Асли ундай ҳам эмасдур...

— Ўша Сизга қандай туюлганини айтинг, яширманг, — деб ўтина бошладим. Ёдимдан эса, Жўра акамнинг: «Мақсуд, у хабаш бўлса ҳам биздан тузукроқ экан», деганию Теракли ота олдидан ўтаётиб кишибилмас юзига фотиҳа тортгани кетмаётган эди. Шунга ўхшаш ҳаракатларидан бирон нарса сезиб қолдимиканлар, кеннойим ҳам?..

— Ростуни айтсам, Мақсудхўжа, ўшалардан биттасу жуда ғалату эду. Эсласам, ҳалугача юракум титрайдур...

— Қайси биттаси? Тушунтириброқ айтаверинг сиз...

Кеннойим иккиланибгина юзимга қараб қўйгандилар, мен яна қистадим:

— Сиз яширманг-да...

Шундагина у киши титраниб тин олдилар:

— Ўша бошига туякуш патудан тожму-ниму тақуб олгану... айланаду келуб бизну сувратга олар, айланаду келуб аппаратунинг кўзидан тикулар эду...

— Сизлар ким? Ёдгор билан Сизнимн? — дедим ютоқиб.

— Ха-ла, ўзи маржон-маржон терга тушуб кетупту. Раҳмум келуб, Ёдгорумдан бир пиёлагина чой беруб юборсам, гуяг-соқов одам — қулуни кўксига қўйуп... ғалату қараб турупту... Ўша қараш...дан, Мақсудхўжа, этларум симиллаб кетса денг! Кейунгиси ундан ўтуб тушган эду.

— Ўтиб тушган эди?.. Қандай? — Мен лолу беҳол қолган эдим.

— Кейун шошуб қолуб, кафтуни кафтуга жуфтлаб ҳиндулардек таъзум этса, акангизнинг бир одатлару ёдумга тушуб — эсум оғуб қолаёзду. У киши шундай хайрлашур эдулар...

Ана, холос! У қора-қуралар бизни томонларда нима қилиб юрибди — эскию янги ҳовли-жойларимизгача бориб, деб ўтирибман! Папауслар йўлбошчиси қиёфасида келгани — **акам бўлса агар** — ҳаммани тоза доғда қолдириб кетибди-ку!..

— Кейин-чи, кейин? Кетаётганида-чи? — дедим юракларим ҳаприқишга тушиб.

Кеннойим ночор жилмайиб, ер чиздилар:

— Шунча кутдум, зора қайтарсалар деб, аммо сир бермадулар. Балки менга шундай туйилгандур. Улар ҳам эмас, чин ҳабашлардур. Яна Аллоҳ биладу.

— Албатта, Аллоҳ билади, унга маълумроқ. — дедим туриб-туриб. — Лекин биласизми, мен унинг ўрнида... бошқа иш қилган бўлардим!

— Қандай?! — дедилар кеннойим ҳайрон қолиб.

Мен у кишини ҳайрон қолдирганимдан ғурурланибми, ўзимда йўқ қувониб, хонтахта устига шапиладим:

— Шундан шу ёққа шунча берк сарҳадлардан ўтиб келибам ўзини танитмаган одам... қўриқчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, бир кечага келиб кетолмасдими?! Мен унинг ўрнида таваккали алаллоҳ, келардим!

Кеннойим кўзлари чақнаб, бетимга қарадилару шу

захоти икки юзлари лов ёниб, ер сузиб қолдилар. Лабларининг чети жилмайинқираб қўшдилар:

— Сизам, Мақсудхўжа, қараб туруб кимга ўхшаб кетопсиз?! Тупроқлариз бир ерданми, тавба...

Қани эди, у кишининг тирноғига ўхшасак... — дея олдим.

— Иншааллоҳ, денг ундан кура, — дедилар кенноийм.

— Айтаман ҳам!.. — дедим.

Чиндан ғалати эди! Учқур отлар, Барзан сингари қанотли, довруқли отлар узоқдан — ҳали бир-бирларини кўрмай туриб, ҳид олган заҳотлари сой-қирларни жангиллатиб кишнаб юборганлари сингари эди менинг ҳам бу ҳолатим!.. «Қани эди, қани эди», дердим.

Нима бу? Нимадан белги? Ҳид олган бўз отлар каби қайдан ичимга бир турлук ғалаёнлар тушиб, ўзимни таниб қолдим? Кишнаб юбордим?!.

Дарвоқе, бўз отлар нега кишнайдилар? Жудо бўлган диёрларини, нимани соғиниб кишнайдилар? Учқур шерикларини қаён чорлайдилар?..

Ўзим тушунолмасдим.

2. Осмон йироқ, ер қаттиқ бир кунда

Мен чиндан хеч ерга сиғмасдим.

Ойим қайтишларини кутиб, кучага неча бор чиқиб келдим: кун асрга қараб кетяпти, улардан дарак йўқ. Ёдгор ҳам қаёққадир тупсурарга жунаб юборипти. Қайтсаёқ «полковникларнинг собиқ боғи»га ўтиб келармидик.

Шу баҳона Олим акамга кўриниб, ёрилгим бор. Қолаверса, у Турамнинг илтимослари билан яна қаёққадир кетган. Салт-свой одам ўзига ҳар хил юришлар топиб олавераркан-да!

Бу ёқда қанча воқеалар ўтиб кетибди, у кишимнинг юришлари бундай.

Илгари юрагим бунақа тор эмасди. Орқага ташлай билардим. Энди манави машмашалар туфайлими, на уйга, на кучага сиғардим.

Ниҳоят, куча эшик олдига машина келиб тухтаб, улар тушишди. Мен «суюнчи»лаб чопган болакайдек

югуриб чикишни узимга эп курмай, ховлида «куйманиб юрган» эдим, дарвозахонада ойимларни култиклаган аёлим куринди. Ойим хориб-чарчаганлари устига жуда ҳам тунд куринар эдилар.

Ана холос, хеч иш чиқаролмай қайтиппибди-ку!.. Бундан уз иззатларида туриб, бормаганлари маъқул эмасмиди! Лекин буни шу тобда у кишига қандай айта оласан?! У киши менинг узоқдан берган саломимга алик олиб-олмайин (олсалар ҳам дамлари ичларида) ичкари кириб кетдилару улан курпачаларига чузила қолиб:

— Вой, мошин булмай ордона қолсин, шалдироқ араванинг узи экан-ку. Сийлагани шу булса... — дедилар.

«Сийлайди-я, сийлайди! Кутулиш учун берган! Шуниям тушунмадизми», дегим келдию, қани оғиз оча олсам... Мен ич-ичимдан у кишидан хафа эдим. Бир оғиз сурасалар-ку, айтаман-а! Иш пишган, ялинишга арзимайди деб! Энди нима булди? У кишининг юзидан утолмай кичикроқ бир ишда қолдирилганда ҳам минг йилгача кузимни очиришмайди-ку. «Во-ох, бунинг зур ойиси бор эканми? Адвокатлар ҳам иш эплолмаскан» деган қочириқлари кимга керак?! Бир кун эмас, бир кун бушаб кетишим тайин.

Шу тоб айвон қошида аёлим курииди:

— Адаси, шофер суравотувди, куриниб қуясизми?

— Бир ками шу қолувди.

Мен тунғиллай-тунғиллай чиқиб борсам, узимизни «жужурка» шоферларидан экан. Яқин олиб, кунгил сурай кетди:

— Э, сиззи ойизлами? Зур эканлар!..

Ана, айтмовдимми?!. Ҳалитдан бошланди!

Мен уятдан ерга киргудек зурға минғирладим:

— Менга айтмайинам кетворишипти: булар борадиган ишамасди...

— Шундай дейсизу... бир хисобда яхши булди! Булмаса, қулоғизни ушлаб кетувдиз.

Мен унинг бетига тик қарадим:

— Ушa кетганим яхши эди бундан.

Шофер сергак тортди:

— Ух-у, ғурурниг зур-ку?! — деди у сеснраб ҳам яқин олиб.

— Бировдан қарз оладиган жойим йўқ, — дедим камига. — Нима, оёқларини ўпиб, кечирим сурайдиган иш қилманми?!

Мен аlза-базза қайтиб кириб кетишга ҳозирланган жойимда у орқамдан келиб, елкамдан қучди. Кейин ўзига қаратиб:

— Шу ғурурингни маҳкам тут, ҳали яна ўсиб чиқсан, кўп мақолаларингни ўқиймиз, омон бўл, — деди.

Ичимда «Бу бошқа гап», дедим-у, аммо ўзим сир бергим келмасди.

Кейин у кетди, мен ўз иззатимда қола билганимдан хурсанд эдим. Ҳатто ойим уларни қандай синдириб келганларини... сўраб ўтирмадим. Сурайдиганим ичкарида эди, ўша ичкарига кириб боравердим. Саида аллақачон кўчалигини уйликка алмаштириб бўлган экан, киришимдан бўйнимга осилиб олиб, йиғини бошлаб берса, довдираб қопман.

— Ҳа, нима бўла қолди, ойим осмондалар-ку? — дедим уни бағримдан уза олмай.

— У кишини авраб юборишди. Асли зиғирча раҳм қилишгани йўқ, адаси, — деб у хўрлигини ютолмай баттарроқ бағримга ёпишди. — Энди нима қиласиз, жужавирдай жон билан кўчада қолавурасизми?

Ёрилолмай турган эдим, шу бир оғиз сўз кифоя бўлиб, уни деворга суяб қўя қолдим:

— Ҳов, кўчада қолишимни билган! — дердим икки елкасидан силкилаб, — сенга ким айтди ўшаларга ялиниб борсин деб?! Ким айтди, ойимларни бошлаб борсин деб?! Улар ҳамиятни биладими!

Аёлим айбини сезиб, бўшашиб тушди:

— Ойим... куйдиларми, адаси.

Сен кимга теккансан? Менгами, у кишига? Мендан берухсат шу уйдан бир қадам жилишга нима ҳаққинг бор?..

Нариги уйдан ойимнинг зардали овозлари келди:

— Хой, Мақсудхўжа?!

Нoилож паст тушиб, чиқиб бордим:

— Нима эди, ойи?

У киши жаҳлдан тушмаган эканлар, бирваракайига эшитиб олдим:

— Дард эди! Исанинг аламини Мусадан олгунча,

мана, мендан сўрамайсанми? Қилғиликни қил қуйиб, кимга захарингни сочяпсан!

— Нима қилғилиқ, ойи? Мен хоҳламадим, холос. Айбим шуми?

— Мошин юбориб, чақиртириб олишар балки?! Шуни кутаётгандирсан?

Бу гап суяк-суягимдан ўтиб, тунғилладим:

— Кўчада қолмасман...

— Қолиб бўлганакансиз! Тағинам инсоф қилишди.

— Инсоф? — Мен ялт этиб юзларига қарадим. Буни қандай тушунишни билмасдим.

— Ана, хотинингдан сўра. Аллақайси бир журналгами, нимага юборадиган бўлишди, — дедилар ғолиблардек қул тўлғаб.

Ичим шув этди! Назаримда кўксимда бир нарса узилиб тушган эди! «Ана, холос! «ЎзТАГ»[1]га ҳам арзитмабдилар-ку?!» У улса улиги ортиқ, ҳамма «урилган зўр»лар, қалами ўткирлар жўнатиладиган жой эди. Унга ҳамма ҳам етишолмасди. Ўшани ҳам раво кўришмаган бўлса, қай гўрга жўнатишмоқчи экан?

Мен ялт этиб, айвонда қолган хотинимга қарадим. У ёшли кўзларини четга олиб, ер сузганча титраниб турар эди.

— Айтавур, — дедим ялиб, ҳам аяма деган каби, — тилга олишга ҳам уятли эмасдир.

Унинг бўғзидан бир оғизгина сўз учди:

— Кошкийди...

Мен шундагина нима гаплигини англагандек бўлдим.

— Шошма-шошма, «Бир сафда»гами? Кўзи ожизлар журналига-я? — деб юбордим ичим сидирилаёзиб.

У ёш тўла кўзларини кўтариб, им қоқиб эди, улар дувиллаб оқа кетдилар!

Менинг эса, бошимга довур бир жимирлов югурган эди, сесканиб ўзимга келдиму:

— Шуми марҳаматлари, ойи? Бундан кўчада қолганим... афзал эди-ку, — дея бош эгиб чиқиб бора бошладим.

Ойим дафъатан гангиб қолган эдилар:

---

[1] Ўзбекистон телеграф агентлиги деган идоралар буларди ўша вақтда. (*Муаллиф*).

— Вой, нега ундай дейсан, Максудхўжа? Худо қарғаган бир жой эмаскан-ку, — дедилар негадир.

— Қасри кам? — дедим мен остонада тўхтаб.

— Қуй, унақа дема. Улар ҳам Худонинг суйган бандаси. Қайтага бу ёқда топмаган савобни ўша ердан топасан, — дедилар ойим ўзларини ўнглаб олиб. — Ҳар сўзинг бир қоронғи кўксга нур бўлиб кирса, ёмонми? Буям Худонинг марҳамати, болам.

«Сув йўғида таяммум! Шундайми?», дегим келдию айтмай чиқиб боравердим.

Менга алам қиларди. Ана сенга, «мардуми фарғоналик!» Четдан келмасам, икки дунёда хорлашмасди. Энди-чи? Биринчи қоқилганимдаёқ мункитиб юборишди! Турмайдиган қилиб, тепиб юборишди-я!

— Йуқ, бу хўрликка чидаб бўлмайди! Ундан кўра, ўз ишимга кетаман! Лойиҳачилигимни қиламан! — дедим айвонга чиқиб олиб.

— Тўғри қиласан, ана, ҳаммаёқ қурилиш бўп кетти. Аллада азиз инженер бўб юрганингга нима етсин! Бо Худо, очдан ўлмасмиз. Ёзувчи бўлмасанг-бўлмассан.

«Вох, шу ойимлармиз?» — Ялт ўгирилиб қарасам, беҳазил айтяптилар. Оғзим очилиб қопти!

У киши ҳолимни кўриб, таъналли илжайдилар:

— Ҳа, кўзинг қиймаяптими? Қиймаса, ҳар сўзни ўйлаб гапириш керак. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин деб туради. Унутдингми, шуни?..

— Кечирасиз... Мен бўшашиб тушган эдим.

— Аввало, Оллоҳнинг ёзмишидан ортиғи бўлмаган, бўлмайди ҳам, — дедилар ойим камига. — Қолаверса, одам жиндек сабрли, шукрли бўлиши керак. Ундан берига ишинг ўнгланишига ишонма. Шу эсингда бўлсин. Бор, бу ёғини Ўзига ташлаю у ёғидан ҳам бехабар қолма...

«Қариси бор уйнинг париси бор», деганлари шу бўлса керак. Мен хотиржам тортиб қолган эдим.

Шу пайт кўча эшик олдига пат-патдан хароб, «кўксов» бир машина келиб тўхтадию ўша ёққа қараб юрдим. Чиқсам, алмисоқдан қолган машинадан (йўқдан кўра миниб юрибман деди, ҳали ҳам алиштирмабди!) Олим акам тушиб келяпти. Тилла топган одам-

дек оғзи қулоғида. Қамига соқол-мурти юзини қоплаб, ўзи аллақандек қорайиб кетипти. Шаҳар одамидан кўра, кунимн йўқ сафар кишисига ўхшайди.

— Ассалому алайкум. Жаҳонгашта машинангиз бизни кўчаларни ҳам топиб келаркан-ку! Шу келишизда қаерлардан сўраймиз? — дедим кўргандан баҳри-дилим очила бориб.

— Э, нимасини айтасан, ука. Елдим-югурдим, уйқу нима, тиним нима — билмадим: ахийри излаганларимни топиб, ижозатини олиб келяпман, — у қучоқ очиб кўришгани кела туриб, дафъатан аланглаб тўхтади. — Дарвоқе, Ёдгорнинг ўзи қани? Мени жигаргўшам қани? Чақир, самантойнинг ўзини. Ва ниҳоят, ижозат текканини билан кутлаб қўяй уни!

— Ижозат? Қанақа ижозат? — дедим мен анг-танг қолиб.

Бунгача Олим акам етиб келиб, мени девдек бағрига тортиб улгурди. Ва пишиллаб қучганича куракларимни силар экан:

— Қандай ижозат бўларди, ўн саккиз йиллик армонларни ушатиб юборадиган бир ижозат! Адажонисини кўрарга, рухсорига тўярга ижозат! Ва ниҳоят, Олтинхон тўрам фарзандлари билан бирга жўнарга, бу ҳам падарибузрукворини кўриб келарига рухсат! Шундай қоғоз олиб берадиган бўлишди, Мақсуд. Муфтий домлам билан Тўрам аралашмасалар бу сафарни икки дунёда ҳам ихтиёр этиб бўлмасди. Эшитяпсанми, Мақсуд, иқбол юз кўрсатиб, рўшнолик эшиклари очилмоқда. Суюнчилик муборак бўлсин!

Мен ҳам унга маҳкамроқ ёпишдим:

— Ўзларига ҳам муборак бўлсин яхши хабарлар, — дея юзимни юзларига ишқарканман, қулоқ юмшоғидан упгудек бўлиб, шивирламоққа тушдим. — Дарвоқе, сиз ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқ; акам кеб кетиптимиш...

— Ким, Султон акам-а? — деди у бирдан мени мушук боласидек ғижимлаб ва ўзидан нари итариб. Аммо қўйиб юбора қолмасди.

— Бу ҳали сир, — дедим шивирлаб, — Ҳукумат билмайди.

Олим акам бўшашди. Мени чангалидан қўйиб, кўзларини чирт юмганча, бир муддат туриб қолди. У

афтидан бу хабарни кутмаган, ҳозир эса, тасаввур эта олмай турар эди.

Мен уни хушига келтирмоққа уриниб, баттар қовун туширдим:

— Сиз буларга гапириб юрманг, тагига етолмай утиришибди узлари...

Олим акам «шунақами ҳали» дея рапидадек кафтини елкамга ташлаб эди, оғиб кетаримга бир баҳя қолди. Камига:

— Мен кимнинг ғамида чопиб юрибман, у келиб кетибдими-а? — деди.

— Биласиз-ку уни. Кишибилмас шунақа одатлари бор... — дедим.

У ҳорғин бош тўлғади:

— Шуниси чакки бупти. Ўзининг йулига узи... ғов ташлаб кетипти.

Мен шошиб қолдим:

— Нега энди? — дедим шипшиганча, — бу ахир, сир-ку. Биров билиб, биров билмаган. Ҳукумат қаёқдан ис олади?

У қул силтади:

— Сен билганни улар билмасканми? Ерни тагида илон қимирласа билар. Ўзига ўзи қипти. Энди ижозат бериб буптилар.

Юрагим хунук тортиб, шиғ-ғ этди:

— Ҳали текшириб келиб... элак-элак қилишади денг?

У бош тўлғади:

— Унгача боришмаса ҳам... барча ҳаракатларим зое кетипти.

— Ижозат тегди, деяётгандек эдингиз-ку? — дедим ичим тушиб.

Олим акам энди эшик тагида туришни ўзига эп курмай, йўл бошлайверди:

— Ижозат Олтинхон турамнинг томирларига теккан. Буни унга ҳамсоя этиб қушмоқчи эдилар. Энди уйлашиб рухсат берадилар...

Бу қизил қор ёғиб, туянинг думи ерга тегса агар, дегани билан баробар эди.

3. Садағанг кетай қариялар

(Бир учи ёлғиз муаллифга аён тарихлардан)

Эрталабдан уларнинг бошида шу ният айлангандан айланар эди: «Жавр-жавр — қалами ўткиргина ўша болага бўпти. Файзуллахонни инсофга чақириб, Холбекка учраш керакмиди? Савоб ҳам керак-ку одамга! Бундай тили ширин мирзони қайтиб қачон онаси туғадию, қачон бизга ишга келади?! Инсоф ҳам керак одамга».

Қаердан шу фикр-шу ният уч қариянинг кўнглига тушди, ҳамма уйига сиғганда улар сиғмай қолган, элдан бурун ишга отланган эдилар.

Жамалаксоч қизалоқлигида шу даргоҳга келганича нечта машинкани «сайратиб-қариттан» Гулсум опой шу ният-ла саркотибгами, кимга учрашни мўлжаллаб келар эди.

Ҳаммадан бурун келиб олган ишхонанинг «минг йиллик кутубхоначи»си (қариб, пакана тортиб — митти кампирга айланаёзган) Осиё хола эса, эшик-деразаларни очиб, кутубхонани шамоллатиб ўтирар, йўлакда тиқ этган товушга бир мўралаб, кимнидир йўлини пойлар эди.

Гулсум опой ёғ томса ялагудек ярқираган йўлакка кириб келганида котибнинг эшиги ҳар қачонгидек очиқ турар, опой ниятига етгандек эди. Сумкачасини иш жойига ташлаб чиқсаёқ, бас. «Опой-опой»лаб бир ерга етадиган котиб илтимосига йўқ демас. Жиндек инсоф қилса — қилибди болага.

Аммо опой эшик рўпарасидан шипиллаб ўта туриб қабулга кечикканини кўрди. Ҳамиша хушчақчақ котибнинг рўпарасида баланд бўйли, салобатдан Худо қисмаган адиб Ҳабиб Нуъмон (ўша «Ёшликда берган кўнгил»ни ёзган киши) юзидан нур ёғилиб ўтирар эди. Бу нур бежизмас, Ҳабиб ака ўн ёшида Қуръон кўтарган — «булбул қори» номини олган экан. Буни ҳозир биров билиб, биров билмайди.

Шу одам бугун эрталабдан бу хонага кўр тўкиб, котибни қадим бир ривоят билан сийлар, у ҳам жон қулоғини бериб тинглар эди.

— Шунақа, Файзуллахон. У туякаш йигитнинг ҳеч бир туясидан нолийдиган жойи йўқ экан. Ҳамма-

си чўк деса, чўкар, тур деса, тураркан. Бурундуғидан ип ўтказиб, Шомга қадар бориб келади экан. Кунларнинг бирида ўша туяларидан биттасига жин тегиб, бировнинг боғига суриб кетибди. Суриб кетгани майли, йигитга бўй бермай бутун боғни пайҳон этиб ташлабди. — Ҳабиб ака сўзни бировдан қарзга оладиган одам эмасди. Шу боис котиб эшикни беркитишни ҳам унутиб уни тинглар, иккиси ҳам ривоятга берилиб кетган эдилар. Ҳабиб ака эса, ҳатто ўрнидан туриб олиб, папиросни улаб чекканича ҳикояни давом эттирар эди. — Шунаққиб, Файзуллахон, қутурган туя арзимаган вақт ичида бировнинг гулдек боғини ер билан битта қилибди. Эгаси чиқса, ҳалиги аҳвол. Йигит туясини қувиб юрганмиш, туя эса, у томондан бу томонга ҳалоплаб чопармиш. Боғбоннинг фиғони чиқиб, туякашни буралаб сўка кетибди:

— Хе, эпласанг етакла-да туянгни! Ўргилдим сендек туякашдан! Ол, қутурган туянгни, Худо безори, — деб камига орқасидан тош отган экан, йигитнинг тўпиғига бориб тегибди. Йигит ҳам жон аччиғида ўша тошни ола боғбоннинг ўзига иткитса — Худонинг ёзмишини кўринг — тош қариянинг бошига тегиб, у шилқ этиб қулабдию омонатини топшириб қўя қолибди.

Шовқин-суронга қурғондан югуриб чиққан ўғиллар кўришсаки, ҳалиги аҳвол: боғ пайҳон қилиб ташланган, камига оталари ерда жон таслим қилиб ётибди. Ўғиллар, албатта, буни туякашдан кўриб, аввал уни тутиб, тоза дўпослашибди. Ахийри эса, қонга қон даъво қилиб, қозига бошлаб келтилар. Қози нима қилсин, туяни жазога тортолмайди, туякашни ўлимга ҳукм қипти. Шунда Файзуллахон, ҳалиги мусофир сўз сўраб, қозига мурожаат этибди:

— Қози жаноблари, на илож, осмон йироқ, ер қаттиқ, мен ҳукмизга розиман. Фақат менга уч кунгина муҳлат берсангиз. Фалон шаҳарда ёлғиз онаму аҳли аёлим қолган. Қолаверса, одамлардан олган омонатим бор. Рухсат этинг, уни қайтаришга, токим орқамда қарзим қолмасин. Бориш-келишга икки кун кетади. Бир кун уларни кўриб, қарзларимни қайтаришга етар, — дебди.

— Яхши, ким кафилликка ўтади? — дебди қози.

Ҳамма жим эмиш.

— Халойик, мен йигитга ижозат беролмайман. Кимдир кафилликка ўтиши керак, — дебди кози.

Шунда Файзуллахон, оппоқ кийинган бир кария ўртага чиқиб келибди:

— Мана, мен ўтдим, унга жавоб берингиз: бўйнидаги карзларини узиб кела қолсин, — дебди у.

Ҳукм кучга кириб, йигитни озод этиб, ўрнига кариянинг билакларига кишан урибдилар...

— Ажабо, кария нимага ишониб кафилликка ўтибди? Йигитни қаердан танийди экан? — деди котиб.

— Сиз охирини эшитинг, Файзуллахон, — деди алиб.

— Ҳали охири ҳам борми?

— Бўлганда-чи! — деди Ҳабиб ака папиросни бош бармоғи бирла ўрта бармоғининг орасига олиб, учини кулдонга эзғиларкан. — Айтилган муддат ўтиб, кафил дор тагига опчиқиб қўйилганмиш-у, йигитдан дарак йўқмиш. Қози хайрон: остириб юборай деса, кария увол. Тангрининг олдига борганда нима деб жавоб беради?

Даъвогарлар хайрон: котил кетиб, бир оппоқ — тақводор кария дор тагида икки ракат намозини ўқиб ўтирганмиш.

Халойиқ хайрон: ёш кетиб, дор тагида кария қолганига. Бунинг ҳикмати не — ҳеч ким тагига етолмасмиш. Кафил турма, кафансиз кетасан деганлари балки шудир? Шунда узоқдан бир қора кўринибди. Тикилиб, интиқиб қараша, жавоб сўраб кетган мусофир ҳаллослаб чопиб келаётибдимиш.

Яна ҳамма ҳайрону ҳайратда қопти: недурки ўлимдан қутулиб кетган туякаш дор тагига қайтиб келяптимиш. Келганда ҳам кеч қолмадимми деб, ҳаллослаб чопиб келяптимиш.

У етиб кепти ҳам:

— Воҳ, Худойимга шукр, улгуриб келдим-а, жилла қурса, сизнинг ҳам хунингизга қолар эдим, — деб кариянинг оёқлари остига ўзини ташлабди.

Шунда қози кафилни озод этишларини буюриб, йигитга савол назари билан қарабди:

— Хуш, ўғлим, дордан қутулишга-ку қутулиб кетувдинг. Яна нечун ҳаллослаб югуриб келдинг, ўлимга шунчалар ташнамисан? — дебди.

Йигит ўрнидан туриб, жавоб қилибди:

— Ўлимга ташна эмасман, лекин бу кишига сўз

қилиб кетган эдим, мусулмонлар лафзида тура билмасакан демасинлар деб, қайтиб келдим, — дебди у.

Қози кафил турган қарияга ўгирилибди:

— Сиз-чи, қария? Бу йигитни танирмидингиз?

— Йўқ, танимасдим, — дебди у.

— Унда нимага ишониб кафилликка ўтдингиз? — дебди қози.

— Лафзига ишониб. Қолаверса, бу шаҳарда бир мусофирни кафилликка оладиган мусулмон қолмабди, демасинлар деб ўтдим, — дебди қария.

Шунда бобоннинг даъвогар ўғиллари ўртага югуриб чиқиб, туякаш йигитни қучоқлаб олибдилар:

— Шошманг, қози жаноблари. Бу йигитни биз гуноҳидан ўтдик, Аллоҳ рози бўлсин сизлардан, — деб туриб олишибди. Тақдир шундай нарса, Файзуллахон. Мен ҳам олдингизга шу оқ бошим билан бир иш юзасидан кириб ўтирибман, нимагалигини тушунгандирсиз? Келинг, Сиз ҳам ўша мирзо боланинг гуноҳидан ўтинг. Ҳамият қиладиган одам қолмабди, демасинлар бу ишхонада. Ўзи узоққа борадиган бола, абгор қилмайлик уни...

Гап айланиб нимага тақалганини англаб етган котиб, ўрнидан турдию бош эгди:

— Мен рози, қори ака, — деди у ўзи ҳам аллақандай енгил тортиб. — Фақат Холбек аканинг олдиларидан бир оғиз ўтсангиз бўлармиди...

— Ўтаман-ўтаман, — деди қария ҳам тура бошлаб, — Сизга раҳмат, Файзуллахон, мен қариянинг сўзини икки қилмаганингиз учун. Худо хоҳласа, бунинг ажрини ҳам кўргайсиз, — дедию чиқди.

Ҳафтанинг боши ҳеч ким кутмаганда ана шундай хайрли бошланган эди. Дарвоқе, садағанг кетай қариялардан бундай гўзал валломатликни кутиш кимнинг хаёлига келибди?!

4. Юсуфбекхожининг чеварасидан кўрилган мурувват

Мен «ишдан ҳайдалиб бўлган одам»... ҳафтанинг бошида элдан бурун ишхонага етиб келганимга ўзим ҳайрон эдим.

Қўлтиғимда бир даста топшириладиган китоблар, қанатимизга кўтарилолмай (худди кўрган одам: ўл кепсан-ку, дейдигандек!) зина тагида қисиниб тураркан-

ман, элбурутдан келиб олганимга ўзим пушмон эдим. «Камчатка»даги кутубхонага ўтиб олсам бас эди-ку, лекин қаватимизга чиқиб, йўлакдан ўтишга юрагим безиллаб турар, бирон киши билан кўришиб қолишдан қочиб, зина тагидан чиқолмас эдим. Бирдан каллам ишлаб қолди: ахир, паст қаватдан борсам, охирида зина бор-ку. Ундан чиқиб, кутубхонага кириб олиш мумкин-ку. Қолаверса, ўша ерда жон сақлаб, бирон соат ўтиргач, кутубхоначи Осиё опадан азмойиш олиб, буйруқ чиққан-чиқмаганини билмоқчи эдим.

Бу ният ўзимга ҳам маъқул тушиб, пастки қават билан шипиллаб бориб, йўлак охиридаги зинадан шундай кўтарилсам, бахтимни қарангки, кутубхона эшиклари ланг очиқ-у, тиқ этган жон кўринмайди. Осиё опа хонани шамоллатай деб, эшик-деразаларини очгану ўзи пўчта олганими, нимага кетиб, қайтмаган эди.

Жоним кириб, кутубхонага ўзимни урдиму китоб жавонлари ортидаги қай бир деразанинг раҳига ўтириб олиб, кўриб улгурилмаган китобни варақлашга тушиб кетдим. Ҳали топшириб юборадиган бўлиб қолсам, қайтиб кўра оламанми-йўқми, деб ўқишга берилдим. Қолаверса, бирон ерда вақт ўтказмоқ ҳам керак-ку.

Бир маҳал Осиё опа билан бошлашиб, кутубхонага кимдир кела бошлади. Улар йўлакай ҳол-аҳвол сўрашиб келардилар:

— Шунақа денг-а, Осиёхон, қараб туриб момо бўпқопсиз-да, муборак бўлсин, муборак бўлсин. Худо умри билан берган бўлсин. — Овоз жуда таниш эди, мен уларни кўрмасам-да, бошлашиб келаётган одамни таниб бўлган эдим: у муҳаррир муовини Ҳолбек ака эди. — Бир эрийдиган бўпсиз-да, Осиёхон. Қачон энди чақирмоқчисиз? — Ҳолбек ака ичкари кира оромкурсилардан бирига ястаниб ола қолди.

Менга жуда ноқулай туйилиб кетди: чиқай десам, чиқиб кетолмайман, қолай десам, қололмайман. Деразадан тушиб гум бўлиш ҳам маҳол. Қамалиб қолган ўғридек қисиниб олдим.

— Кейинги ҳафталарга, — деди Осиё опа унинг қаршисига чўкиб, — яна ўзиз билан маслаҳатлашиб кунини аниқ қиларбиз.

— Бу бошқа гап. Сизникидан ҳам ва ниҳоят ис чиқадиган бўпти, Осиёхон. Табриклаймиз-табриклай-

миз, тортинмай айтаверинг, нима ёрдам керак, — деди Холбек ака эшилиб.

— Борсангизлар булди, — деди Осиё опа, — бошим кукка етади.

— Йўқ, ундаймас. Қутлуғ даргоҳ деган номимиз бор. Тортинмай айтаверинг, нима камчилигиз бор: гиламми, телевизорми? Бизданам бирон эсдалик кирсин ўша кулбага.

— Эй Холбек ака, қуйинг ундай нарсаларни, — деди кутилмаганда қўл силкиб Осиё опа. — Сиздан кўп яхшиликлар кўрганмиз. Ортиғи ортиқ. Фақат...

— Нима фақат? — деди Холбек ака қаддини сал кўтариб. У мен томонга қарасаёқ бу ерда ким ўтирганини кўрар-у, лекин қарамас, бутун фикри-зикри кутубхоначида эди.

— Бизга қиладиган яхшилигизни бир одамга қилсангиз хуб савобга қолар эдингиз, — деди Осиё опа ўтинингқираб.

— Кимга экан, мен танийманми, ўзи? — деди Холбек ака бу дабдуруст гапдан ҳайрон қолиб.

— Танийсиз, — деди Осиё опа.

— Ўзи-чи, тил-забони йўқми ўзининг? Сизни ўртага қуймаса? — деди Холбек ака негадир қиқирлаб кулиб. (Биров ёрдам сўраб кирса, у кишининг шунақа эшилиб кетадиган одати бор эди).

Ҳозир ҳам оромкурсида талтайинқираб ўтирганича оёқларини чўзиб, икки қўлини икки ёнга ташлаб юборган эди.

— Биров ўртага туш деган жойи йўқ, Холбек ака. Ўзимча сўраяпман, — деди Осиё опа стол устини кафти ила сидирибми, артибми.

— Ўзимча? Ий, ғалати-ку, ўзиз қолиб, бировга сўраб юрсангиз, — Холбек ака кўзларини юмиб, бошларини сарак-сарак қилганча таъсирланиб-таъсирланиб кула бошлади. — Анойимисиз, нима бало?!

— Эшитинг-да, Холбек ака, — деди кутилмаганда опа зардалироқ қилиб. — Сиздай одам бор жойда ноҳақлик бўлса, яхшимас-да. Тўғрими?

— Ий, қизиқ-ку. Қанақа ноҳақлик? Қолаверса, мен ким бўпман? — деди Холбек ака кизишиброқ. У гап ўзани бу ёққа бурилишини кутмаган шекилли «Вой, Осиё хоним-ей. Шунақа денг-а? Мен ким бўпман?» деб қуяр эди.

— Сизми, Юсуфбекхожининг чеварасисиз. Хожининг эса кимлигини яхши биласиз, — деди кутилмаганда опа.

Бирдан Холбек ака анг-танг қолганча, қотиб қолди. Кўриб турибман, унинг юзи қорайиб, қўнғиртоб тусга кирганча қолган, ўзи Осиё опани энди кураётгандек тикилганча тош қотган эди. Бу тарихни эшитаётган ўзим-чи, ундан кам лол эмасдим: Қаранг-а, кимларнинг зурриётию авлоди билан ишлаётган эканмиз, дердим.[1] Аммо у:

— Сиз нима деяётганингизни биласизми ўзи? — деди анчадан кейин овоз битиб. Ўзи эса туриб кетарини ҳам, қоларини ҳам билиб бўлмасди. Мен Холбек акани бу ҳолатда биринчи марта кўриб туришим эди, қаршисида Осиё опадан бўлак одам бўлса, нима деярини ўзи биладигандек эди.

— Нега билмайин, Холбек ака. Сиз ушаларга тортиб бораётганингиз билан биз фахрланиб юрамиз-ку, — деди у. — Шундан ҳаддим сиғиб, шу гапни сизга айтаяпман-да. Етимларга сиз мурувват қилмасангиз, ким қилади, Холбек ака?

— Ҳў-ув, Осиёхон-Осиёхон. Сен мени жон-жойимдан олдинг-ку, жон-жойимдан, — деди Холбек ака кутилмаганда уни сенсираб ва бош чайқаб-чайқаб. — Ҳамма менга осон тутсаям, сен тутма, Осиё. Менга қолса, биласанми, Осиё, нима қилардим: ҳеч кимнинг кўзёшини оқизишга қўймасдим. Қуйдирмасдим! На иложки, ихтиёр мендамас. Қолаверса, биз сен айтган, номларини тилга олган бувалармизнинг тирноғига арзимаймиз! Нима қилибмизки, Холбек номини кўтариб юрибмиз?! Ёдгор ўғли номида юрибмиз?! Сен менинг ҳасрат қутимни, шон қутимни, ҳаммадан сир тутган асрор қутимни эрталабдан очиб юбординг, Осиё. Мен истамайманми, кутидору Юсуфбекхожидек бува-калонларимизга ухшаб мурувватпеша бўлиб яшашни? Аммо унга қани имкон, қани шароит? На қилайликки, Осиё, толеимиз шундай паст яралмиш?! Балки мен адашаётгандирман, издан чиқиб кетгандирман. Лекин иложим қанча, қаҳри қаттиқ, хўмрайган бир зот, ўзини қулиб енгган, нафс бандаси қилиб кўрсатган қиёфада яшашга мажбурман, Осиё. Ҳамма

[1] Бу нарса қанчалик ҳақиқат эди, у кишининг ўзларидан сўраб қолмаганимизга армон қиламиз. *(Муаллиф).*

тушунмаса ҳам сен тушунарсан, деб ўйлайман... Ҳа, дарвоке, кимга мурувват қилмоқ кераклигини айтмоқчи эдинг? Кўнглим мумдек эриган чоғда айтиб қол. Кейин кеч бўлмасин.

— Ўша қалами ўткур мирзони, сизнинг юртингизга бориб ишлаб келган йигитни айтаман, — деди опа кутилмаганда менинг номимни тилга олиб, ўнғайсизликдан туриб кетаримни ҳам, қаёққа қочаримни ҳам билмасдим мен.

— Ҳа, унгами, ичидаги аламини сездириб қўйган анув мирзогами? — деди Холбек ака эслаб. — Унинг айби битта — бизга ўхшамайди, — дедию тўра бошлади.

— Нима қилсин, кирсинми? — деди Осиё опа ҳам кўзғолиб.

У киши ярим йўлга бориб ўгирилди:

— Майли, — деди бурик бир товушда, — аммо айтиб қўй, қаламини билиб боссин. Бунақада қаламини синдириб қўяди. Қалам эса, ҳар кимга ҳам бериламермайди.

— Хўп, Холбек акажон, айтаман, тайинлаб-тайинлаб айтаман. Илоҳим, дунё тургунча туринг, — деб азза-базза ортидан дуо қила бошлади опа.

У киши эшикка етганда яна тўхтади:

— Шу гап шу ерда қолди. Қолаверса, бояги гапларам[1]? — деди ўтингандек.

---

[1] Кўп йиллар кечиб, бу тарих очилди. Эсласангиз, «Ўткан кунлар»нинг сўнггида Кумушбегимдан қолган Ёдгор тақдири хусусида ёзувчидан шундай хотима бор.

«Ёзувчидан

Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғрисида суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлик йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғил қолибди. Ўғилларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда номунишонсиз, ўлик-тириги маълум эмас, дейдилар ...»

Ана ўша Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, Шўро хизматига кириб кетган ўғил... қарангки, кўп йиллар биз билан бир даргоҳда ишлаган экан. Аммо у киши бу тарихлар ҳақида миқ этиб оғиз очмаганига ҳалига довур ҳайрон қоламиз. Лекин сафдошлари «Холбекми, жуда яхши қариди. Қани, ҳамма унингдек қариса», дейишар эди. Яна бир сир шуки, у кишининг барча авлодлари хол билан туғилиб ўтишибди. Ҳа, ўша Кумушбегим холига ўхшаш хол билан.

Мужоҳидлар сафига ўтиб кетган «ўлик-тириги маълум эмас» иккинчи ўғил тақдиридан эса, ҳалига довур ҳеч қандай хабар йўқ.

Аллоҳ бу авлоддан қолганларни Ўзи ҳидоятга бошлаб, ўтганларини раҳматига олган бўлсин. (*Муаллиф*).

— Бўлмаса-чи, Холбек ака. Сиз мени энди кўраётганингиз йўқ-ку, — деди опа.

— Деворни ҳам қулоғи бор дейман-да, — деб у киши чиқди.

Мен — деворнинг қулоғи эса, чиқар тугул, қимирлашга мадорим етмай турганимча турар эдим. Аммо юзларимдан оқиб тушаётган шашқатор ёшларни на тўхтата олардим, на адоғи кўринарди.

5. Аллоҳдан чеварроқ ким бор, қори ака?!

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Вас солату вассаламу ала расулиллаҳ. Аммо баъд.

Хатингизни олдим, қори ака. Диёрга сафарни ҳатто сафардошлардан сир тутмоқ лозим бўлди. Кўз тегмасин, Баҳриддин етилибди. У ҳатто ёллаб жўнатган кишиларига-да менинг кимлигимни айтмабди. Шу гунг қулимизни ола кетинг, биз учун азиз диёрни сувратга тушириб келсин. Мана бу, харита, биз яшаган жой-манзиллар, мумкин бўлса, излаб кўрарсиз, дебди.

Шу сабабга кўра, Сизга-да маълум этолмадик. Маъзур тутгайсиз.

Диёрга борарингизни билсам, ёлғиз томиримга дуолар йўллагай эдим, дебсиз. Ўзимнинг ҳам Андижон томонларга ўтиш ниятим бор эди, афсус, йўл тушмади. Сизнинг ёлғиз Ёдгорингиз бўй-бастини кўрмоқ, сизни хурсанд қиларлик бир хабарлар келтирмоқ иложини топмадим, узр. Қолаверса, мен бировнинг қора қули, Аллоҳнинг бир «гунг-соқов» бандаси қиёфасида эдим. Изн ихтиёрим ўзимда бўлганида, балки қайтмасми эдим, умрбодга қоларми эдим ватанда! Аммо диёрда қолиб бўлмади! Жондан азиз яқинларимга жабр қилиб қўймоғим мумкин эди.

Тақдирнинг турфа ўйинларини кўрингки, қори ака, Ватан жамолига етишдим деганда унга сиғмай турардим, бегонадек ҳис қилардим ўзимни. Қандоқ қурилган экан бу дунё?! Аллоҳнинг кўрсатганига шукр этиб, жим-жим қайтмоқдан ўзга илож йўқ эди.

Ҳайратланарли бирон нарса кўрдингму, деб сўрабсиз.

Оҳ, қай бирини айтай?! Ватаннинг ҳар қаричи — мисоли бир жаннат эди! Уни бир бора кўрмоқ учун

жон нисор этса арзигай эди! Умрбод сарсон-саргар дон юрганларинг, бегона юртларда дарбадар кезган ларингга рози кетмоқ мумкин эди! Диёрда қори ака, ҳар қадамда жаннат исларини туймоқ мумкин эди. Ҳар сонияда бир йиглаб, бушанмоқ мумкин эди. Бу йигига, у кузёшларига ҳеч нарсани тенглаштириб булмасди.

Фақат бир афсус, бир армон юракни уртайди: фарзанд булиб тугилиб, бу диёрга нима қилиб беролдик? Рушнолик чирогини ёқмоқчи эдик — ёқолдикми. Аллоҳ рози буладирган бир ишлар қилмоқчи эдик — қилолдикми, мана шулар тинчлик бермасди, уртаб қуймасди. Яхшиям «гунг-соқов» булиб кетганим, дамим ичимда, аламимни кузёшларимдан олардим, холос.

Яна бир гап.

Биз ҳам узимизни мужоҳид санаб юрибмиз экан, қори ака. Биласизми, борганимдан келгунимча болаликда курганим бир воқеа ҳеч куз унгимдан кетмаса-я!..

Ўша болалигимизда қишлоқнинг энг чеккасида ёлгиз бир хонадон булгучи эди: атрофи уч пахса девор билан уралгани камдек, унгиб кетган дарвозаси ҳамиша берк — қулфлоглиқ турар эди. Унинг қулфи занглаб, қорайиб кетган, қачон очилганини ҳам ҳеч ким эслай олмасди. Калити сойга ташлаб юборилган дейишарди катталар. Нега, биз ҳеч тушуниб етмасдик. Ўша тупроқтомли, пастак уйга одам зоти кириб чиқмас, бизни ҳам яқин йулатишмас эди.

«Боракурма, уласан! У ерда яккамоховлар яшашади! Нима, сенам яккамохов булиб қолмоқчимисан?» деб сукиб ҳайдашгани-ҳайдашган эди.

Лекин бизга қизиқ эди. Бу ёқдан ҳайдашса, у ёқдан айланиб бориб, томоша қилардик. Ўша ясси томига орқа томондан чиқиб ётиб олардик-да, яккамохов — эр-хотиннинг уйдан чиқишларини кутардик.

Бир маҳал юз-кузларигача ураниб олган ажинадек бир аёл чиқардию бизни кура деразаларига латта-лутта тутиб ташланган уйига уриб кетарди яна! Кейин соч-соқоли усиб, патак боглаб кетган барзанги эри чиқиб, қулига илинган нарсани томга отганича, бизни буралаб сукиб ҳайдашга тушар эди. Қочмай кур-чи!

Биз қай биримиз томдан ташлаб, қай биримиз қоринларимиз тилиниб, буғотга осилиб қолар эдик.

— Йуқолларинг, отиб ташлайман! Жонингда умидинг борми, аҳмоқлар! — деб бақирарди ортимиздан у.

Қайда, сал нари бориб, биқиниб туриб, уни учиши ила яна қайта томга тирмашардик. Қизиқ-да: экмаса, тикмаса, сойга сувга чиқмаса. Бирювлар наҳрага қуйиб кетган нонми, сут билан кун курса. Яшаб булади эканчи шундай?!

Эри тоғдан тушиб келган, соппа-соғ эди. «Босмачи»лар орасида юриб-юриб келсаки, хотини бундай дардга йуликиб, ҳеч кимга аралашолмай қопти. У шу қолганча қолиб кетди, ирганмай ҳам яшаяпти эди. Қаранг а, мохов билан ҳам яшаш мумкин экан! Қирқма милтигини елкасига осиб кетворса — тоғдаги шерикларига қушилиб кетса, ким нима дерди?! Кетмади! Шу кетмагани қизиқ эди бизга! Ясси томга ётволиб, унинг ҳовлида хотинига, узига дори тайёрлашига термулганимиз-термулган эди. У эса, ҳовлидаги ёлгиз сариқ анжир соясида утирволиб, табибчилигини бошларди. Худо билсин, у қачон, қаерлардан тутиб келган олачипор илон болачаларини шиша бонкадан битталаб тушириб, қулига олардида, (қуркмагани унинг! Чақиб оладиям демасди!) бошини бошмалдоғи билан урта бармоғи орасига олиб, эза бошларди.

Шунда денг, илон думини билонглатиб, оғзини каппа-каппа очар экан, у чапдастлик билан сутли косанинг четини тутарди. Илон эса коса четига тишини уриб, заҳарини тукар, кейин уша сутни аввал хотини, сунг узи симириб ича бошлар эдилар! Воҳ, қандай даҳшат! Илон заҳрини ичсалар-а! Биз ётган еримиздан тура қоча бошлардик.

Ана уша мохов хотинидан кечиб кетолмаган қора соқолли одам, унинг сутга заҳар солиб дори тайёрлашлари бутун сафар давомида куз олдимдан кетмаса-я, қори ака! Болаликда унча англаб етмаган эканмиз. Шунча йиллар кечиб, энди унинг кимлиги менга аён булиб бораётгандек эди!

Узингиз айтинг, қори ака, аҳли аёлининг бошига ушандек қора кун тушган чоғда ҳам уни ташлаб

кетмаган, ундан ирганмаган, охиригача бир том остида яшашга кўнган киши олдида биз киммиз, ким бўбмиз?! Ана уни мужоҳид деса бўлар! Балки шунинг учун бутун сафар давомида кўз ўнгимдан кетмагандир. Нима бўлганда ҳам Аллоҳнинг ҳикматига тушуниб етмоқ душвор эди, қори ака.

Қолаверса, бу хатни ёзмогимдан мурод — ўша сафар чоғида яна бир одам учрадики, уни сизга айтмасам бўлмас. Чунки уни сиз биздан яхшироқ биласиз. Ҳа-ҳа, ўша сизнинг ҳалоскорингиз, Миёнкўлдаги қатли омда шунча қори ичидан сизни қутқариб қолган нобакор шогирдингиз эди у. Келиб-келиб нега у менга йўлиқди, ўзим ҳайронман. Ё бу ҳам Аллоҳнинг чеварлиги, хос ҳикматларини бир-бир маълум қилмоги эдими? Биласизми, мен уни қаерда учратдим? Тошкентнинг қоқ марказида, ўша Пиёнбозор ўрнида қурилмиш машҳур меҳмонхона олдида учратдим, қори ака.

Оқшом эди. Кўчанинг у бетидаги театр майдонида одамлар сайланиб кезишар, фаввора шовваси тиним билмай тепага отилиб ётар, фараҳли бир паллада ўша азиз манзаралардан кўз узолмай ўтирарканман, эски газеталар тахламини орқалаган бир бедаво кўчани кесиб ўта бошлади. Унинг эгнида ранги униқиб кетган бир кўк мовут кител-шим, белида қўша-қўша ягири чиққан белбоғлар, пешонасини ҳам ўшандай бир латта билан танғиган, оёғига эса кимлардан қолган кўн этикни кийиб олганча келмоқда эди. Кўни билан биз томонга ҳеч кимни йўлатмаган мелиса йигитлар ҳам чарчаган шекилли, унга орқа ўгириб, ўзларини кўрмаганга солиб туришар, бедаво эса тўғри биз томонга келмоқда эди. Елкасидаги камдек, катта бир газета боғламини билагига илганча (у ҳар қадамда тиззасига урилиб чир айланса ҳам парво қилмас), ўзи бир нарсадан қуруқ қоладигандек шу томонга ер сузиб келар эди. У шу атрофнинг сангги — девонаси шекилли, биров қайрилиб боқмас эди.

Менинг эса, (танимабман аввалига!) ичим ачиб боряпти. Шу атрофда газет чиқарадиган газетхоналар бор эди, шу даргоҳларнинг тузини ялаб ўтган мирзо эканми, қариганида хор бўпти-ку, дейман. Аммо кител-шимидан бўлак тоифага ўхшайди. Ким бўлса

экан, бояқиш? Бу орада у мен ўтирган жойга етиб келиб қолди. Орада нечтадир зина бор, шу келишида юкини ерга қўймаса, мен ўтирган ўриндиқ олдига келиб тўхташи, юкини қўйиб, нафас ростлаши тайин эди. Ўзи ҳам қора терга тушиб кетипти. Нима зарил экан, шунча тахлам нарсани кўтариб юриш?!

Йўқ, девона биринчи зинадаёқ юкига қоқилиб, чўккалаб қолди. Орқасидаги юки эса, бошидан ошиб тушиб, чизимчасими, нимаси чурт узилиб кетдию ўзи сочилиб, ер билан битта бўлди! Ана шунда у ортидан ит қувган девонадек ҳовлиқиб матоҳларини тера кетдию мен уни яқиндан кўриб, ҳанг манг қол дим. У ўзимизнинг бақироқ Акмал ўрисимиз, отдан тушсаям, эгардан тушмайдиган чўлчўтимиз эди, қори ака.

Боя бир томонга силтаниб юриб, сал оқсаб кела ётганди, шундан ҳам танимабман. Ҳозир қариб, яна ҳам хароб тортган, мен уни маймундан баттар ху нук юзидан таниб қолган эдим.

«Ҳа, Акмал ака? Бу ерларда нима қилиб юриб сиз?» деб юборишимга бир баҳя қолган эди.

Сўнгги дамда тилимни тишлаб, дамим ичимда жим қола қолдим. Мен киночиларга ёлланиб келган кимнинг қора қули (занжидан баттар одам) уни танишим мумкин эмасди! Бунинг устига «гунг»ман! Бориб келиб уни учратган еримни қаранг!

Яхшиям у эски кирарли-чиқарли бир одам, мени танимади. Таниб қолгандами, кўрардингиз томошани! Ялаб-юлқаб ўпа кетсами, қучоқлаб олсами — бадном қиларди одамни. Шунча тоат-ибодатларимни бир пул қиларди! Йўқ, Худога минг қатла шукрки, танимади.

Матоҳларини ҳовлиқа-ҳовлиқа териб боғларкан, ирғангандек бир қараб қўйдию, яна уни елкасига ортмоқлаб, сукиниб неттанча босмахона томонга кета бошлади.

Мен ҳайрон эдим: у бу ерларда нима қилиб, тентираб юрибди? Нима излайди? Ё қачондир шу атрофдаги бирон идорага боғлангану энди уни излаб тополмайдими? Елкасидаги газетлари нимаси? Нега уни ҳеч кимга ишонмай ортмоқлаб юрибди?

Шунда Сиз сарҳаддан нарида айтиб берган тарих ялт этиб ёдимга тушса-я! Миёнкул фожиаси, қанча қорию қурроларни, Қуръонни ёд олиб, кўксига жойлаган кишиларни ўзимизни чулчутлар сўйгани ёдимга тушиб кетса-я! Бу ахир ўша шогирдиз эди, қориларнинг бўйнига тиг тортиб, дудама билан уларни шаҳидлик мақомига етказган киши!..

Сопи ўзидан чиқарилган бир жаллод ўшандай кунда Сизни таниб қолиб:

— Ие, устоз, Сиз бу ерда маъқиб юрибсиз? Йўқ, бу киши булардан эмас! Мен кафилман, кафилликка ўтаман, — деб Сизни чиқариб юбориши, нақд ўлимдан олиб қолувини қандай тушунмоқ керак, қори ака?

Ё бу ҳам Аллоҳнинг хос ҳикматларидан бирими? Бандаси англаб етолмайдиган?.. Балки. Ахир айтадилар-ку қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади деб.

Акмал ўриснинг бундай ҳолга тушиб юруви чи? Бу ҳам бежиз эмасдир? Ўша қўйдек бўғизланган қориларнинг қони тутмаса, киши бу ҳолга тушмаса керак эди?!

Ё шу атрофда бир вақтлар ўша ишга ундаган бир маҳкама бўлганмики, у ўшани излаб саргардон тентираган девонага ҳам ўхшар эди. Балки мен янглишаётгандирман, бошқа бир газет жиннисини Акмал ўрисга ўхшатиб юборгандирман. Лекин маймундек хунук, тасқара башараси ҳеч кўз ўнгимдан кетмасди.

Аллоҳ ҳар бандани шу кўйга тушмоқдан Ўзи асрасин! Охиратда кўрадиганларининг учқунини бу дунёдаёқ кўрсатиб қўйганга ўхшар эди, тавба.

Шом тушиб келар, шаҳар ўртасида қайдандир аччиқ кўйинди ҳиди анқиб анқиб келар эди. Диёрга бундай бўйларни раво кўрмаган бир қули — мен аламимни ичимга қулт қулт ютиб ўтирар эдим.

Аллоҳ ҳаммамизга Ўзи тўзим берсин, қори ака. Назаримда, диёрга қайтмоқ фаслига ҳали эрта шекилли. Балки мен адашаётгандирман. Илоҳим, адашган бўлай.

Аддоии Султончурудингиз
Жидда».

6. Астробод этилмиш улуғлардан бири

Қурт даҳага киргандек ҳаммамиз ўз столимизга мук тушиб, ишга киришиб кетган эканмиз, китир-китир билан ёзувимизни ёзиб ётсак, қўнғироқ жиринглаб қолди.

Мудиримиз телефон қулоғини истар-истамас олиб, жиндек фироқ, жиндек зарда ила:

— Лаб-бай? — деди.

Кейин эшитиб туриб-туриб:

— Бор, бор, — дедию гўшакни ўзидан четга олиб, — кўзи учиб турибди ўзиям, — деганича менга қаради, — Акайиз...

Бошимга довур жимирлов югуриб, тахта бўлиб қолаёздим! Қанақасига акам бўлсин?! Яна кептими?! Хаёлим Султонмурод акамга кетибди! Довдираб турганимни кўриб, мудирим юмшади:

— Олим акайизмуш. Шунақа акангиз ҳам борми?

— Шундай демайсизми! Эсимни чиқариб юбордингиз-ку, — дедим ўрнимдан тура бошлаб.

— Ҳа-а, хаёлиз анув акайизга... кетибдими? — деди у менга ачининқираб.

Ҳамма гапни буларга айтиб бўлармиди! Айниқса, анув «фельетон воқеаси»дан кейин. Тушунган ундай дейди, тушунмаган бундай. Устига-устак акамга ўхшаб четда қолиб кетганларга қайишиб-ку, ўзим бадарға бўлиб кетишимга бир баҳя қолди. Кимлар ўртага тушиб, кимлар кафил туриб, жойимда зўрға илиниб қолдим. Яна хаёлим қочганини қаранг. Бунақада бир кунмас бир кун панд еб қолишим тайин. Олим акам ҳам қизиқ, шу ёққа қўнғироқ қилиб юрмай, уйга ўта қолса бўлади-ку! Нима гапи боракан?

Ҳайиқибгина телефон қулоғини қўлимга олдим:

— Лаббай?

— Э, Мақсуд, бормисан? Суюнчини чиқаравер, биз кетяпмиз, — деди Олим акам томдан тарашо тушгандек қилиб. Ўлай агар, бирон нима тушунган бўлсам!

— Қаёққа-қаёққа?

У шарақлаб кулиб юборди:

— Э, пакана пари, пакана пари — хаёлимдан кетмайди нари! Унутдингми, анув кунги гапларни? Ижозат тегди. Ўзим олиб кетяпман Тўрамнинг ўғилларини...

— Шошманг, шошманг, Ёлгор-чи, кеннойим-чи? — дедим нафасим ичимга тушиб.

Ҳозиргина ваҳимаси оламни бузай деб турган Олим акам ямланиб қолганди:

— Айтувдим-ку... Ўша айтганимдек бўлди. Рухсат тегмади. Лекин мен бошқа йўлини топдим. Акамнинг бошни бир кўкка етсин! Асли шунга қўнғироқ қиляпман. Ёрдаминг керак, — деди бояги-бояги ҳовлиқиб.

— Мен-а? Мени қўлимдан нима келади экан? — дедим ниятига тушунолмай.

Олим акам энди ўзини босиб, дона-дона тушунтира кетди:

— Сизларда Пенсон, Глауберзон деган сувратчилар бор-а?

— Бор. Униси ўтиб кетган бўлса ҳам, буниси бор. Жуда яхши танийман.

— Ўшани опкела оласанми?

— Қаёққа? Сизникигами?

— Нега, ўзингларникига. Таклиф қилсанг келар?

— Келади, лекин нимага? — дедим ўша-ўша ҳайрон қолиб.

— Бир донагина, зўр сувратлари керак. Қотириб олиб берсин.

— Кимни... олиб беради?

— Эй ғалча, — деди кулиб Олим акам, — нега тушунмайсан! Ўзларини олиб кетолмаганим-кетолмаган, жилла қурса, сувратларини олиб кетай! Ахир олдига шунча жойдан шўппайиб бормайман-ку! Жилла қурса, рухсорига тўйсин, хотиржам тортсин!.. Қалай?!.

Мен бўшашиб тушган эдим:

— Яхши, мен сўраб кўрай...

— Сен яхшилаб илтимос қил. Хорижга кетаётган одам бор, олиб кетиши керак де. Дийдор қиёматга қолиб кетмаслиги учун ҳам керак де. Улар тушунади.

Мен адо бўлган эдим: акам шунчалар омадсиз эканми? Ўғринча бир келиб... (ўзининг йўлини ўзи тусгани камдек!..) жигарларини хорижга чиқишдан ҳам мосуво этиб кетибдими? Бу қанақа жамият эканки, отани боладан, аҳли аёлидан айириб ташласалар, топишишга қўймасалар? Ўзини кечирмаганлари-кечир-

маган, буларни уни кўрмоқдан ҳам маҳрум этганмилар?! Шу билан осмон узилиб тушади эканми? Муфтий домланинг ҳам сўзи кесмабди-да?

— Бўлдими, бугун-эрта опкеласанми? Ишондим-а ўзингга? — деб телефонда шанғиллашини қўймасди акам.

— Яхши, кетгунингизча бир амаллармиз, — дедиму телефон қулоғини секин жойига қўя қолдим.

— Тинчликми? — деди мудирим руҳим тушиб кетганини кўриб.

Мен тинчлик-тинчлик, дедиму жойимга бориб чўкдим. Аммо бирон сатр ёзолмай, ўтириб-ўтириб, ахийри хонадан сирғалиб чиқдим.

Глауберзоннинг хонаси «Камчатка»да, кутубхона рўпарасида эди. Илтимос қилсам, йўқ демаслигини биламан. У шунақа кичиккўнгил, юмшоқзабон одам. Қолаверса, ўзига яқин олиб, сувратларига икки-уч оғиз сўз ёздириб юради. Сенинг тилинг ширин, кейин суврат руҳига кира оласан, деб қўяди. Ўзи кекса одаму негадир биз ёшларни яхши кўради.

Ўша «Камчатка»га борясам, аппаратини елкасига илиб, тақир бошига юмшоқ бир кунградор нарсани илганча ўзи келяпти.

— Салом, узоққа борадирган кичкина ёзувчи. Йўл бўлсин? — деди.

Мен тўғрисига кўчиб қўя қолдим:

— Ҳизрни йўқласам буларкан, Сизга эди.

— Нечук, — деди у тўхтаб, — Қайтамизми?

— Шарт эмас, ўзизни кўрдим-ку, — дедим.

— Унда нима қилишимиз керак?

Ўзимга келганда бировдан бир нарса сўролмасдим. Шу одатимни ташлолмадим-ташлолмадим. Ҳозир ҳам чайналибгина дедим:

— Бир одамга бир суврат керак экан. Хорижга ола кетишига. Шуни олиб бера оласизми?..

— Қачон, қаерда? — деди у.

— Бугун бўлса, бугун, бўлмаса, эртага.

— Яхши, — деди у елкамга қоқиб, — ҳозир вақтинг қанақа? Бўш бўлсанг, ярим соатта менга кераксан. Рости, зўр бир янгилик бор. Кимга илинаримни билмай турувдим. Яхши учрадинг. Борамизми?

— Сиз юр дейсизу бормайми? Нима экан? — дедим.

У елкамдан кучиб, кулоғимга шипшиди:

— Кайдаловни биласан-а?

— Зўр рассом, — дедим мен, — қотириб чизади, ўшами?

— Ўша, — деди овозини кўтармай, — минг йилларга қоладиган бир расм ишлаб қўйганмиш. Бир одамдан нусха кўчириб. Билдинг?

— Йўғ-е, қаерда? — дедим ютақиб.

— Юравер, кўрасан. Мир Алишердан бир туки кам эмасмиш.

— Шунақаси ҳам бўлади эканми? — дедим аэбаройи ҳайратланиб.

— Бўлади экан-да, — деди у кўз қисиб.

— Ким экан, айтақолинг, — дедим ичим қурий бошлаб. Менинг мухбирлигим тутиб кетган, энди мени ҳеч нарса ундан узолмас эди.

— Ўзиям юз йилда бир чиқадиган улуғлардан эмиш, — деб шипшиди у, кўзи эса, аланг-жаланг, йўлакда биров йўқми, деб, аланглар эди. — Қолаверса, Астробод этилмишлардан эмиш. Володьянинг гапи-да.

— Қайси Володья? — дедим тушуна олмай.

— Қайси бўларди, ўша Кайдалов-да.

— Ҳа-а, у бир нарсани билмаса айтмайди, — дедим мен ҳам. Кетдикми?

— Кетдик, бўлимингга тайинлаб қўй, излаб юришмасин, — деди у.

— Яхши, — дея йўлак бўйлаб илгариладим.

Қаёққа кетаётганимизни айтиб, пастга тушиб борганимда Исоқ ака ошнасининг алмисоқдан қолган «Победа»сига жойлашиб, иккоқлашиб мени кутишар эди.

Жилдик. Менинг савол халтам очилиб кетган, ёлвиз ўзим орқа ўриндиқ ўртасига ўтирволиб, ижикилашга тушган эдим.

— Володьянинг ўзи қаерда? Ҳозир устахонасига борамизми? — дедим ичим қуриб.

— Уми, бир ҳафтадан бери ўша кишиникида ётволиб ишлаяпти-ку, — деб жавоб қилди Исоқ аканинг ўрнига ҳам шериги.

Жуда-жуда тушунарсиз эди:

— Ётволиб?.. Хеч соғ юрмайдиган одам-а? Қандай боғланиб қопти?

Исоқ ака бошини буриб, кулимсираб қараб қуйди:

— Ишонасанми, шу расмни деб, ичишниям ташлабди.

— Ташлабди?.. — Осмон узилиб тушибди деса, ишонардим, лекин Володьянинг ташлашига ишониб булмасди. — Йуғ-е, — дедим баралла.

— Саша, айт, узини гапи-а? — деди Исоқ ака шеригига.

— Бир қултум ҳам олмаяпти, ушаққа борадиган куни.

— Чидаяпти эканми?

— «Укиши инжиб қолмасликлари керак. Шунда бир сир курдим. Булмаса, расм ҳам чиқмайди», дейди.

— Тавба, — дедим ҳайратга тушиб. — Ўша Володья шунақа нарсаларни биладиканми?

— Уни ким деб уйлаяпсан, — деди Глауберзон курсаткич бармоғини нуқиб. — Ҳали боргин, курасан. Хеч ким Навоийни бундоқ чизолмаган!

Бу орада Эски Жувадан утиб, Себзорга қараб кета бошладик.

— Ўзи қаёққа кетяпмиз? Ўша айтган одамиз шу тарафда турадиканми? — дедим.

Исоқ ака бош ирғаб қуйди:

— Борсак, курасан. Ҳайратларга ботиб юрасан, шунака давлатманд одам билан бир замонда яшаяпганимизга.

Сироткин машинасини ғиж-ғиж одам чиққан троллейбус ортидан солиб эди, кутилмаганда унинг шохи чиқиб кетиб, таққа тухтадию машинамиз бориб урилишига бир бахя қолди. Силтаниб тухтарканмиз, Исоқ аканинг шериги:

— Ана, куравур, қай замонда яшаяпмиз, — деб кулди.

Кейин Тахтапулга етмай унгга бурилиб, тานиш маҳалла ичига кириб борарканмиз, ичим ғурмишлаб, секин Исоқ аканинг елкасига қоқдим:

— Менга қаранг, анув машҳур табиб — Турам тақсирникига кетяпган булмайлик тағин?

— Қайси, Тибет табиблари ҳам олдига тушолмайдиган кишими? — деди у.

— Ҳа-да, қанча йил уй қамоғида ўтириб, энди-энди эшигига одам келяпти-да.

— Э, балли, Володья қатта экан, ўшатта-да...

Чорак соатлардан кейин биз таниш дарвоза олдида тўхтаб, унинг болачасидан энгашиб ўтиб, ичкари кириб борарканмиз, офтобшувоқдаги ёғоч каравотда қўша-қўша лўла болишлар орасида, олдида давотқалам, қўлида эскича насталиқда битилган ғазалми, мактубатми, ушлаган серсавлат қарияни кўриб, донг қотиб қолмиз. Қаршимизда ростдан ҳам асрлар қаъридан лаббай, дея чиқиб келган мунаввар зотлардек бир мўйсафид ўлтирар, унинг нафақат оппоқ салласию ўзига ярашган қизил чакмонидан, балки бодом қабоқларидан ҳам нур ёғилар, рассом уни шундоққина чизиб олмоғи мумкин эди...

У киши мен билган Турам тақсир эдилар.

7. Қамчингизга салламно, қози жаноблари

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Аввало, азимушшон Тангри таолога бу дунёда юргизиб, тургизиб, Ўзига итоатда қилиб қўйган бандалари адади қадар ҳамду санолар бўлсин.

Маҳбуб Пайғамбаримизга бўлган муҳаббатимиз сабабию у кишининг хулқлари билан хулқланишга интилишларимиз қадар У зотга саловату дурудлар бўлсин.

Шундан сўнг, қози почча жаноблари, бизга кўрсатган карамингиз важидан ўзларига салламно айтаримизга ижозат берсангиз.

Аввало, ўзимни танитай: мен ўша сизга бўй эгиб, таъзим этмакдан бош тортган, буни ўзига ор билиб, ғурури қўймаган муҳожирдирман. Қанча яхшилар ўртага тушганда ҳам узрингизни қабул этмаб эдим.

Елкага тушмиш бир қамчи туфайли у диёрларни тарк этган эдик.

Эслагандирсиз?

Ўша аччиқ қамчи бежиз ва ҳам беҳикмат эмас экан.

Бугун мен уша таъзир қамчиси туфайли эришган шарофатларни айтаверсам, ишонмассиз ҳам. Лекин нима чин — шу чиндир. Ўша таъзир бизга улуғ шарофатлар келтирганини билсангиз эди!..

Шуни сизга камоли эҳтиром билан маълум қилмоққа рухсат этгайсиз, қози почча жаноблари.

Уша қамчи булмаси, (яширмоқ нега?!) биз Худо хоҳлаганча у диёрда қолмоқ, фозиллар жамияти ишини юргизиб, адолат уруғларини сепмоқ ниятини дилга жо этган эдик. Хар қанча машаққатлар чексак да, бу ишдан қайтиш ниятимиз йуқ эди. Диёрдан қувилган кишилар — ватандошларимизни уз ҳимоямизга олмоқ, имконият юз очди дегунча диёрга қайтармоқ режаларини тузмоқда эдик.

Қамчи бусиз ҳам уксик қалбимизни ёмон яралаб, ниятларимизни пучга чиқаргандек эди, биз у диёрни ташлаб чиқмоққа мажбур булгандик.

Узр, қози почча. Муҳожирларни ансорлар каби бағрига олган бир юрт нечук таъзир қамчисига муҳтож булиб қолибди, деб хафаланибмиз у, отдан тушиб узр айтмоққа ҳозирланган сиз жанобларини тушунмабмиз. Жаҳл келганда ақл қочибди. Аммо кейин билсак, бизнинг айтганимизчас, Аллоҳнинг хоҳлаши устун келмоқда экан. Мен буни Маккага етиб, тавоф майдонига тушганимда, Аллоҳнинг уйини икки айланиб келиб, тавоф чизиғига етган жойимда, кук чизиқ устида тўхтаб, Хажарул асвад томон дуога қул очган кезимда англаб қолдим. Уятлу ва ширин бир ҳис қамраб келиб денг, жону жаҳонимни уртамоққа бошлаган эди...

Уша аччиқ қамчи булмаса, бу хат қайда эдию биз қаерда эдик?! Шу ерларга ета билармидик ҳеч замонда? Аллоҳ субҳанаҳу ва таологa салламнолар булсинки, бир қамчи ила иқбол эшигини очиб, бизни бу ёқларга йуллаб қуйибди.

Умрбод Ўзига тақво қилиб утаётган зотлар қолиб, биз Аллоҳ уйига етиб келиб турсак, миннатдорчилигимизни қай тил ила изҳор этайлик сизга, қози почча жаноблари? Негаки, уша куни уша соат, уша ҳолатда сизга рубару келмасак, бу ҳаж қаёқда эдию, бу тавоф қаёқда эди!

Ич ичимдан бир йиғи, бир уксик босиб келиб, узимни тутолмай қолган эдим уша паллада... Қайси иш

амалларимиз Аллоҳга хуш келибдию У Уз уйи — Каъбатуллоҳга чорлаб чақирибди.

Сизсиз бу шарафга етишмоқ душвор эди, қози почча.

Таъзир қамчингизга салламнолар булсин! Тасанно лар булсин! Усиз ҳидоят йули қайда эдию, иқбол эшиги қайда эди?!

Ижозат этинг, Иброҳим мақомига утиб, утган устозлариз, волидаю волидлариз ҳаққига дуода булсам. Шу табаррук майдонда Қуръон хатм этиб, азизларингиз ҳаққига бағишласам.

Мен уша узрингизни қабул этдим. Агар баногоҳ ёнингизда булиб қолсам, қамчи ҳаққини талаб қил ган ва Пайғамбаримиз алайҳиссалом муҳри нубув ватларини упиетган саҳоба сингари юзларингизга юзларимни босиб, бир хумордан чиққан булар эдим.

Сизга да бизнинг йулимизни бериб, бу ёқларга ча қирсин. Узи азиз куриб, хорликлардан, хурликлар дан асрасин.

Кимни у азиз этибдир — бутун дунё бирлашса да, хор этолмас. Кимни у хор курибдир — барча инсон у тараф булсин — бахтли этолмас.

Умидим бор диёрда қолган азизларим билан шу соғинч диёрида куришмоққа, топишмоққа. Қай бир ҳислар шундан дарак бергандек булардар. Илоҳим, рост чиқсин.

Сизга барча иззат-икром эгаси Аллоҳимдан ҳар икки дунё саодатини тилаб қоламан, қози почча жа ноблари.

Дуогуйингиз
Султонмуродан деб билгайсиз.
Маккаи мукаррама».

8. Дунё тургунча турадирган бир иш

«Аёллар салтанати»да эдим. Биз машбюрони хам баъзан шу ном билан атаймиз. У ерда нуқул машинкачи қиз-жувонлар ишлашади ва кунинча биз нумерга тушадиган қисталанг ишларни айтиб туриб ёздиргани бу салтанатга кирамиз.

Ишимни Гулсум опага ёздираётган эдим, телефонга яқин утирган жувон:

— Хой, мирзо йигит, астарок айтаверинг, куз тегади. Барибир сизни шахар телефонига чакиришяпти экан, — деб колди.

Ишни белига тепишганидан оғриндим-у, лекин буни килча сездирмай ўрнимдан турдим. Йўлакай Гулсум опага узр, жувонга рахмат айтиб чикдим.

Борсам аёлим:

— Адаси, ассалому алайкум, узр, менман, — деб турибди телефонда. У худа-бехудага кунғирок килавермасди.

— Нима гап, тинчликми? — дедим алик олишни хам унутиб.

— Ойимла ўзини чакиринг деяптила. Келиб кетмасангиз бўлмайди шекилли, адаси.

— Йўғ-е, шунча кисталанг ишларим туриб-а? — дедим кандай жавоб сурашни хаёлимга хам келтира олмай: ахир теришга тушадиган нарсаларни топширмай каёкка бораман?! — Нимага экан ўзи? — дедим тубига ета олмай.

Аёлим бу пайтда ялинишга тушган эди:

— Жон, адаси, барака топгур, адаси, жиндек вактизни аяманг...

— Вей инсон, мен ишдаман, тушунасизми?

Бирдан у жим бўлиб колди. Тушунди десам, мик этиб овоз бериб куймайди.

— Мени ишим — ўйинчок, ойдинда оёғим билан ёзиб ташлайдиган нарсалар, деб ўйлайсизлар шекилли? — дедим камига.

— Вой, адаси, ким шунака деяпти? Ким осон тутяпти сизга?

— Осон тутмасангиз тушунинглар-да.

— Яхши, — деди у муросаи мадорага кўчиб, — Ойимлага нима дей? Келолмасаканла дейми?

У мени нозик жойимдан ушлаган эди. Хамма-хамма билан мен ойимларнинг гапларини иккита кила олмасдим. Хотиним хам шуни билиб туриб сўрамокда, мен паст тушишга мажбур эдим. Коласерса, ичим ғурмишлашга бошлаган эди:

— Хуп, нимага чакиряпсизлар ўзи? Айтса буладими?

— Ким бекордан-бекорга чакиради, адаси. У томондан мехмонла келиб ўтиришибди, ахир.

— Қанақа-қанақа? У томониз нимаси? — дедим тасаввур этолмай.

— Кеннойиззи юртларидан, Ёдгормуроддиззи тоғалари... Сураб-сураб, топиб келишибди, ахир.

— Қаёқдан-қаёқдан? Хов ўша ёқдан-а? Энди-я? — деб юбордим. Рости, эсим тескари бўлиб кетаёзган эди.

— Ха, адаси. Тангритоғ дейсизлармн, ўша ёқдан келиб, обкетамиз деб ўтиришибди. Поччаям шу ердалар.

— Почча? У киши нима қилиб бу ишга аралашиб юрибдилар?

— Қуярда-қуймай олиб келишибди.

Хушим бошимдан учиб, уриниб бердим:

— Эси жойидами ўша тоғаларининг?! Қандай олкетишаркан? Ким рози бўлади экан?

— Ўшанинг учун сизни сўраяпти-да, адаси.

Рости, бирпас нима деяриму нима қиларимни билмай қолдим. Нега энди келиб-келиб мен «жавобларини» беришим керак? Эсимни еб қўйибманми мен бу ишга аралашиб? Қолаверса, акамнинг дараги чиқиб, элчилар келиб турганда-я? Шунақа пайтда жавоб бериб, юбориб бўларканми?! Йўқ! Овора бўладилар.

Мен узил-кесил кесиб гапирдим:

— Кеннойимларга айтинг, шунча ўтирган — эндиям қум-тошдек ўтириб турсинлар. Акамнинг розилигисиз ҳеч ким ҳеч ёққа кетолмайди!

— Вой, адаси, келиб шу гапиззи ўзиз айтинг-да.

— Айтаман ҳам!..

Мен ишларимни ташлаб, «учиб-елиб» борганимда улар пешайвонда бир айвон бўлиб ўтиришар, эндигина ош сузиб келтирилган эди. Салом бериб, кириб бордим:

— Уни қаранг, уни қаранг. Ҳизрни йўқласак бўларкан-а. Қайнонанг хўб суйган эканми сени! Кел, жиян, кел. Қани, омонлашиб қўяйлик, — деб почча ўтирган жойларидан қучоқ очиб қўлларини чўздилар. Сўнг ўзларидан мушк-анбар исларини таратиб, бағирларига тортдилар. — Ох-оҳ, бўйларингдан сенинг. Мирзоларнинг мирзоси бўб кетганмишсан. Катта даргоҳларда иззатинг ўзингга етарлувмиш. Туф-туф, кўз тегма-

син. Аллоҳим ўзи бунданам азизу мукаррам этсин, бошқаларга ҳам сенинг йўлингни берсин.

Бунга сари мен ўнғайсизланиб кетяпман, бағирларидан қандай чиқиш, қандай узилишни билмайман. Нега бундай алқай кетдилар, бу мақтовлар нега керак — ҳеч тушуна олмаяпман. Балки анави узоқ юртдан келган қудалар олдида, Ёдгорнинг тоғлари олдида атай ошириб-тошираётгандирлар, шундан сўрайсизлар жавобни демоқчидирлар. Кечагида кимларнинг қўллови, кафиллиги билан зўрға ўз вазифасида илиниб қолган мендек бир мирзодан ким ясамоқчилар — ҳеч тушуниб етолмайман...

Аҳийри меҳмонлар билан бирма-бир сўрашиб чиқиб, Ёдгорнинг ёнига чўкдим.

Почча дуо қилиб, ошга қистадилар:

Қани-қани, меҳмонлар, таомни маҳтал қилмайлик, мана мен бошладим, — деб бошлаб бердилар.

Аёллар ичкарига кириб кетишган, нимагадир сербардан сербар оқ шойи румолларини ўраб, учини елкаларидан ошириб ташлаган келинойим учиб-қуниб хизмат қилиб юрар, ҳали қатиқ, ҳали аччиқ-чучук олиб кирар, пиёлаларга чой қуйиб узатар-да, яна чиқар эдилар. Ёдгор эса, умрида энди кўраётган тоғаларидан кўз узолмас, нималарнидир ижикилаб сўрагиси келар-у, журъат этолмас, ўзи ҳам бўйи чўзилиб, товши раста бўла бошлаганидан аллақандай тортинчоқ бўлиб қолган эди. Мен эсам ошга қисташ баҳонасида рўпарамда ўтирган меҳмонларнинг (улар икки киши эдилар, бири соқол-муртига «киров иниб», сочлари ҳам чаккасидан оқариб кела бошлаган, аммо юзлари тоғ шамолларида қоратўри тортган, бақувват, иккинчиси мен тенги, озғин, аммо чайир бир йигит эдилар) уша улуғроғига разм солиб-разм солиб қарарканман, келинойимга хешлигининг белгиларини излар эдим. Улар келинойимга ўхшаб камгап-камсуқум, тортинчоқдан-тортинчоқ эдилар. Қолаверса, мусофирчиликнинг иссиқ-совуғини хуб тотган одамларга ўхшаб, босиқ-вазмин тортиб ултиришар, ун қистаганда лаганга бир қўл узатиб қўйишар эди.

— Ҳой, барака топкурлар, сизларнинг шарофатингиз билан ёзилган бу дастурхон. Олишиб ўтиринглар-да бундай. Неча йилнинг бадалида бир кепқопсиз-

лар, — деб ора-чора қистаб қўядилар почча ҳам. — Нима, жиянни топганингиздан хурсанд эмасмисизлар?!

— Нега, олвутмиз-олвутмиз. Қараб ўтирупмиз, хурсандмуз, — дейишадию яна хижолатларга ботиб бирбирларига қараб қўйишади.

— Қараб ўтириш кам, катта-катта олиш керак бу ошни. Уни ўз номи билан: ош — кўтарма бош, деганлар, — деб ҳаммани кулдирадилар почча.

Шундай ғангур-гунгур билан ош еб битирилиб, лаган олинар маҳал дастурхонга фотиҳа қилинди. Сўнг ҳазми таомга қовун сўйиб киритишди. Почча унинг ҳам мақтовини келтирдилар:

— Воҳ-во-оҳ, асал тортиб кетипти-ку! Бай-бай-бай, қай кунгай ерда битган экан? Экканга ҳам балли, тикканга ҳам балли.

— Буни шунча қовунлар ичидан танлаб топганга-чи, шундан шу ёққа кўтариб келганга-чи, почча? — деб ҳазиллашдим мен.

— Олганга ҳам балли, сотганга ҳам балли, — деб кулдирдилар у киши.

Шундан сўнг пучоқ тўла лаганни кўтариб, Ёдгор чиқди ҳам; почча бир четдаги пиёлаларини олиб, чертганча менга узатдилар:

— Ана энди Мақсудхўжам, чойдан босиб-босиб қуясан. Таомил шундай: ширин қовундан кейин иссиқ-иссиқ чой, деганлар. Меҳмонларга ҳам қуй, йўлга чиқишади экан, вақт-бемаҳал безовта этиб юрмасин.

Келишмасдан қаёққа боришади, бугун бизникида қолаверишади, — дедим мен.

— Меъмандарчилук учун раҳмат. Едук-ичдук. Энду бизга жувоб берусизлар. Етуб олувимиз керак, — деди сокол-муртига оқ оралаб, ёши бир қорага бориб қолган меҳмон, дам поччага, дам менга илтижо-ла боқиб.

Мени эса ваҳм босиб келарди: нима бало, менсиз ҳам ишни пишитиб, буларни рози қилиб қўйишибди эканми?! Ҳамма уволию чуволини кям бўйнига опти?..

Булар мендан ижозатсиз қаёққа боришади деб ўтирибман. Ич-ичимдан бир норозилик уйғониб келмоқда эди. Лекин иложи борича юмшоқлик ила меҳмонларга қарадим:

— Уй эгалари — катталар бор. Улар турганда биз қандай жавоб бера оламиз, жилла қурса, олдиларидан утайлик?

Ёдгорнинг катта тоғаси томоқ қирди:

— Албатта, улар купрук. Уларсиз битмас. Лекин биз сиз келгунча хуб гапирушдук. Улар сиза ташлашду. — У илтижоли боқиб утинди. — Сизлара минг раҳмат, шунча йил, шунча замон қаватунгизда олуб утирубсиз. Гард юктурмабсиз. Зоруқтирмабсиз. Лекин ҳар нарсанинг ҳам чеки, чегарасу бор. Биз ҳам Аллоҳнинг олдида юзшувитликдан қурқармиз.

Мени эса ич-ичимдан бир олов — норозилик олови ёндириб-куйдириб келар эди: эндими?! Шунча йил утибми? Бунгача қаерда эдингиз?

Аммо уларнинг меҳмон деган номлари бор, уйимизда утиришибди. Дастурхонимиздан туз ичиб, нон тотинган жойлари бор. Узларига яраша гап қилмоқ лозим. Ўзимни босиб, иссиқ-иссиқ чой ҳуплашга тушган эдим, қулфи-дилим ҳам очила қолди:

— Албатта, сизларнинг бу утирувингиз, уларни дараклай-дараклай топиб келувингиз — катта гап, Аллоҳ рози буладирган иш. Ҳар ким ҳам сарҳад ошиб, бу ишга журъат этсин-чи! Дунё тургунча эсдан чиқмайдиган иш қилибсизлар оқибат курсатиб, — дедим, кетидан: — Лекин тоғажонлар, сизлар ҳам бизни тушунинг, — деб уладим, — Биз кимнидир эмас, жондан азиз акажонимизнинг омонати, аҳли аёлини асраб утирибмиз. Бизниям Аллоҳдан умидимиз бор. Кутиб ётибмиз, қани, яхши бир кунда кириб келса, кела қолса деб...

Почча пищиллаб бетимга қараб қуйдилар. Афтидан, менинг оғзимдан бунақа гаплар чиқишини ё кутмаганлар, ё таъсирланиб ҳайратга тушиб қолган эдилар.

— Қануйди, қануйди, — деб қуйди меҳмонимиз ҳам. — Аммо умр кетяпту. Ҳа-ҳув деб шунча йил утуб кетипту. Ана, у кишудан қолган тирноқ — жиян ҳам эр етубду. Албатта, ҳар нарса Аллоҳдан, Тангрумнинг хоҳлашу билан. Лекин сарҳад уша-уша берк, очилувидан дарак йуқ. Узумиз ҳам Олма-ота тарафдин бир амаллаб утуб келдук.

Мен ичим ёришиб, у кишига қарадим:

— Аммо сиз бу ёқдаги гаплардан хабар топганингиздами! — Келиб, овора бўлиб юрмасдингиз, демоқчи бўлдим. Камига: — Акам, унинг дўстлари тинч ўтиришгани йўқ, — деб қўшдим.

Меҳмонлар бир-бирларига маъноли қараб олишган, нечча эса, пиёладаги чойни бир хўплашда бўшатиб, хонтахтага бағирларини берган эдилар:

— Субҳаналлоҳ! Ўша гапларда жон бор дегин ҳали? — дедилар у киши.

— Бу тахмин бўлганда ҳам у томондан одам келгани, мени топиб, буларни суриштириб кетгани аниқ. Ҳатто мен акамга хат битиб бердим, — дедим чинига кўчиб.

— Вой, сени, ичдан пишган хуварини боласи! Шунча гаплар ўтиб, миқ этиб қўймадингми бизга?! Ой сени, вой сени! — Қўлларини ёйиб, чайқалганча мутаассирландилар нечча.

— Шугинамас, — дедим мен қулфи-дилим очилиб.— Олим акам Олтинхон тўрамнинг ўғилларини топиб, куни кечагина Туркияга кетдилар, Ёдгорни ҳам ола кетмоқчи эдилар-у, рухсат қоғозлар битмай қолди...

— Ана бу — зўр иш бўпти! Ўшанақаси Султонмуродни ҳам кўриб келади, ришталарни улаб келади. — Шу ҳолда меҳмонларга юзландилар. — Сизлар буларни ҳазил фаҳмламанг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Топишиб-қовушиб, туп қўйиб, палак ёзиб кетишади.

Меҳмонлар тинчлари ўғирланиб жойларида ўтиролмай қолишган, Ёдгорнинг катта тоғаси дам у, дам бу қулоғини ишқаб-уқалаб менга термулар:

— Шошуманг, мирзо, шу ростму, куявимизну дараги чиққану ростму, — деб ижикилар, — бу ёқда шунча гаплар бор экан-ку, биз не ташвушлара тушуб юрубмиз?! Оғзузга бол, оғзуга бол, — дер эди.

Шу тоб эшик қия очилиб, Ёдгорнинг қораси кўзга чалингандек бўлди. Қарасам, ростдан ҳам ўзи — бир қадам четга тисарилиб турибди. Кўзим тушиши-ла: «Амаку, бу ёққа караворинг», дегандек имлади.

— Менми? -- дедим қўлимни кўксимга нуқиб.

У бош силкиб шивирлади:

— Сизну сурашопту...

Шу топда (сизга ёлғон, Худога чин!) юрагим шув этди: ким сўрайди, кеннойимми?.. Бўшашиб тушдим: чинданам нега у кишининг олдидан бир оғиз ўтмай, буларга жавоб қиляпмиз? Нима ҳаққимиз бор? Балки у киши юртига учиб-қуниб тургандир? Бир кун ҳам қолгиси йўқдир бу ёқларда?! Мен нимани ҳам билардим?!

Шу ҳолда меҳмонлардан узр сўраб, чиқа бошларканман, на у кишидан, на ойимлардан сўрамаганимдан пушмонда эдим. Аслини олганда мен кимман? Зиммага олишга нима ҳаққим бор?! Уйни каттаси бўлмасам, қози бўлмасам? Қолаверса, бу ҳолда шариат нимани буюради — биз қайдан биламиз?!

Чиқа эшикни зичлаб беркитдим.

— Ким? Аянгларми? — дедим юрагим така-пука бўлганча.

Ёдгор тили, чиройи билан кеннойимга тортган бўлса ҳам (Аллоҳ уни чиройдан қисмай, қиз бола бўлиб туғилишига бир бахя қолган эди!), зийракликда акамдан қолишмас эди. У қулоғизни беринг, деган каби елкамга ёпишиб келиб, шившиди:

— Аям... ҳужрамизга беркиниб олуб ўтириблулар. Йиғлайверуб шишуб кетубдилар.

Мен шошиб қолдим:

— Чоп, — деб қистадим унга, — бориб айт, ўзлари нима десалар шу. Биз у кишини номидан ҳал қилолмаймиз. Ихтиёр ўзларида. Шундай экан де!

Ёдгор хижолатланиб тисарилди.

— Йўқ, амақу, мен бунинг учун чақурмадум. Эшикка хатчу кепту. Сизни сўроптў.

— Нима? — дедим ҳайрон қолиб.

— Қўл қўюб оладурган нарсамуш.

Мен кеннойимнинг ҳолидан адо бўлган эдим, қўл қўйиб олинадиган нарсани эшитиб, хушим учди:

— Шу тобда шу кам эди! — деб ҳовлига тушавердим.

Зинадан тушиб, дарвозахонага чиқиб борсам, қалам ҳақи олиб келиб юрадиган хат ташувчи. Мен ким экан, нима экан, деб юрибман!

— Келинг, опой.

Оқсариқдан келган комшоқзабон татар хотин кумушбандли кўзойнагини тақиб, аллақандай узун хат-

жилофни айлантириб, орқа-олдини кўрмоқда эди. Мени кўриб, шошиб қолди:

— Ий, кечирасиз, овора эттим. Буни кўринг, Сизга эмасми?

Узун ҳам чиройли, худди кеча босмахонадан чиққандек оқ-оппоқ хатжилдфнинг безалишидан тортиб, рамзларигача бир бўлакча эди. Рамзи, бир чеккасида ҳилол, бир чеккасида аллақандай ҳашаматли бино қуббаси кўринади. Чизиқларию босма ҳарфлари бир назокатли. Қайси имлода экан, ўқолмадим.

— Қаердан билдиз? — дедим опойнинг сариқмайиздек тиниқ юзига қараб.

Опой кузойнагини қўлига олиб, жилмайди:

— Булай хатлар бўлак кимга-да келар, иғаларига қаранг.

Шундагина устига қараб, хушим бошимдан учди. У чиндан бизнинг манзилгаю фақат саноғида адашган эди.

— Уни қаранг-а, бизга келганга ўхшайди, — дедим довдиранқираб. — Яхши олиб келибсиз, қаерларда қолиб кетарди, раҳмат.

— Йўқ, бу заказнуй... Ҳату қўл қўюп берасиз.

— Э, шунақами? — деб бир қоғозга қўл ҳам қўйиб бердим. Лекин хаёлим хатга кўчиб, унинг орқа-олдини ўгириб кўрардим-у, кимданлигини билолмай саранг эдим. Қаранғки, ундан бирорта таниш ном ё белги тополмасдим. Кимдан бўлиши мумкин?

Опой хайрлашиб ҳам кетди, лекин биз ғаройиб хатжилдфнинг орқа-ўнгини томоша қилишдан ўзимизни тия олмасдик.

— Қаттун экан, амаку?

— Билолмадим, — дедим ростига кўчиб. — Ма, сен кўр-чи, балки сенинг тишинг ўтар имлосига.

У кўриб туриб, бир диковглаб қўйди:

— Ие, амақу, Туркиядан-ку. Катта амақум, Олим амақумдан эмасму?

— Қаердан била қолдинг? — деб хатни унинг қўлидан тортиб олдим. Бу гапдан ўзим ҳам бир ҳаприкиб тушган эдим.

— Ана, Тупкопу. Ўшанинг рамзу. У Туркиядан бўлак қаерда экан?

— Аклинг бало! — дедим уни қучиб ҳам суюб, кейин елкасига қоқиб, — Шуники билибсан, туф-туф куз тегмасин, бизданам узоққа борасан, — дедим сидқидил. Негадир мен уни шу тобда акамга менгзаб юборган эдим. Шунданми, кузларимга жиндек ёш ҳам кела қолди, буни яширган киши булиб, куракларини силадим. — Сен ҳақсан, Олим акамдан булак ким ҳам бизга у ёқдан ёзарди.

Ўзим эса, хатни очаримни ҳам, очмасимни ҳам билмайман. Очай десам, у ёқда почча, меҳмонлар утиришибди. Очмай десам, ичим ғурмишлаб ётипти: «У етиб бордимикан, акамни курдимикан? Курган булса, қачон қайтади экан?» Билгим келадики, нарёғи йуқ.

Балки опкириб, меҳмонларга курсатиш керакдир? Суюнчи олиш керакдир?! Уларга бундан ортиқ яна қандай хабар керак?!

Шу тобда каллам уқдек ишлаб кета қолган эди:

— Сен кир-да, аянгдан, ойимлардан суюнчи ол! Мен меҳмонларга айтай, — деб Ёдгорнинг кифтига қоқдим. — Олим акам бекорга хат битадиганлардан эмас! Адангни топганки, ёзган. Чоп! — дедим кароматгуйлигим тутиб.

Узим эса, шундай эканига заррача шубҳа қилмасдим.

9. Қиёматта қолмаган дийдор ёхуд Аллоҳ рози буладирган бир зиёрат

«Мақсуд, менинг жондан азиз холаваччам, она урнида оналик қилиб, бошимизни силаган бир кишининг ёлгиз чироғию ишонган боғи. Ёлгиз сен менинг ҳозирги ҳолимни тушунишинг мумкин, англашинг мумкин. Шу боис узингга ёрилгим келди, тукилгим келди. Ёлгиз сенгина буни тушунасан. Бошқалар мингдан бирини англамасликлари, тасаввур эта олмасликлари мумкин.

Шунинг учун қайтиб боргунимизга қадар сабрим чидамади. Қолаверса, биз бу ерда жиндек ушланиб турадиганга ухшаймиз. Бу дийдорлашувни ташкил этиб, уюштирган туркиялик биродарларимиз — диёнат ишлари вақфининг ходимлари ҳар икки томон

учун азиз кишиларнинг бир-бирларига туйиб олмоқлари учун бу диёрда яна бирон ҳафта туриб қолувимизга имкон бермоқдалар. Бунақа меҳмондустликни, ота юртдан келиб қолишибди, деб азизлашларини, бошга кутаргудек булишларини мен шунча дунё кезиб, ҳеч ерда курган эмасман.

Булар ҳаммаси балки Олтинхон турам шарофатлари туфайлидандир. У кишини бу тарафларда пир даражасида куриб, азизлашар экан. Қараки, дин Арабистоннинг қақроқ ерларига тушибдию у бизнинг диёрларда ушланиб қолган экан: уз диёрига сиғмаган Олтинхон турамдек бир мударрис бу диёрларда шунчалар иззат-икром топиб, пир даражасига етибдилар. Ақл бовар қилмайди. Лекин биз, Мақсуд, чин ҳақиқатни куриб турардик. Чиндан барча иззат икром Аллоҳ ҳузурида эканки, унинг йулини маҳкам ушлаган дарбадар бир ватанжудо қулини узининг диёридан яхши бир диёр билан тақдирлаб, илгариги иззатидан баланд иззатлар билан мукаррам этибди. Юзларидан нур ёғилган у кишини куриб, ростини айтсам, Мақсуд, куксим тулиб, бағрим узилиб-узилиб йиғлагиларим келди. Наҳот шундай одамлар бизнинг диёрларга сиғмаса?!.

Узр, Мақсуд, муддаодан жиндек илгарилаб кетдим.

Мен сенга аввало, Туркиянинг Одана шаҳрига қандай етиб келганимиз, бу ердаги диёнат ишлари вақфи ходимлари бизни қандай кутиб олиб, Саудиядан етиб келиб, сабрсизлик ила кутиб ётган Турамдек азизларимиз билан қандай учраштириб-куриштирганларини ёзмоғим керак эди. Ушанда барча барчаси тушунарли буларди, ойдинроқ тасаввур этардинг. Ростини айтсам, дунё дунё булиб, бунақасини курмагандир.

Қолаверса, Мақсуд, қиёматда амаллар тарозига қуйиладирган паллада тош босадиган ёлғиз амалим шу булса керак. Эсингда булса, бу — ҳов анави Умаржон аканинг тепаси ёнида, ҳамма кучиб-кучиб кетиб, ёлғиз узи қолган, бузилаётган уйлардан нодир китобларни териб келиб, бир болохона китоб йиғиб қуйган Сутчининг ишига ухшаб кетяпти. У ҳам умрида ёлғиз битта тош босадиган иш қилган — ота-

мизни сургун еридан бемалол тоат-ибодат қилиш мумкин бўлган бир диёрга ўтказиб қўйган эди. Мен у даражада жон ҳовучламаган бўлсам-да, бу ишга савоб умидида бош қўшганимдан ўзим теримга сиғмай кета ётирман. Зора Аллоҳ шу ниятимни ўша кунда ҳисобга олса! Ният ота билан ўғилни топиштириш эди, то пиштирдик, Мақсуд.

Бунақаси кам бўлади. Барча тинчилару «қулоқ»ларни дожда қолдириб, бунақа учрашувни ташкил этиш ҳамманинг ҳам қўлидан келсин чи! Келмайди. Келиши учун Аллоҳ ирода этиб, паноҳида сақламоғи керак.

Шундай қилиб десанг, мезбонларимиз борган кунимизнинг эртасигаёқ:

— Узр, ота юртдан келмиш азизлар, бу кун сизни бақавороқ отелга кўчиргаймиз. Маъзур тутгайсизлар, бир йўла олиб бормаганимизга, — деб қолишди.

Бордик.

Улар олдида Оврупоси ип эшолмай қопти.

Шунақа ораста, шунақа осудаки, Мақсуд, биз камида бир аср орқада қолиб кетгандекмиз. Бунақа шароитли иморатлар қуришимиз учун диёр ўзимизга қолиши, биз дунёга чиқишимиз, дунёда тенглар ичида тенг саналишимиз керак. Унгача биров қайғурмайди бизга.

Хоналарга жойлашиб, ювиниб тараниб бўлиб эдик ҳамки, бир пиёла чойга дея қуш сутидан бўлак ҳамма нарса муҳайё этилган стол ёнига, нонуштага таклиф этишди.

Мен ку бунақасини кўп кўрганман. Аммо жини таниб қишлоғидан нарини кўрмаган, даладан бери келмаган ҳамроҳим довдирар, ҳеч қовуша олмас эди. Бизда бир пиёла чойни ҳам иложи бўлса, ўтириб хотиржам ичадилар. Бу ерда кўнгил тортган нарсани ўзи олиб ейиш, еганда ҳам тик туриб тановул қилиш керак эди.

Уттиздан энди ошиб-ошмаган ҳамроҳим — Турам диёрдан ҳижрат этганларида онасининг қорнида қолган фарзандлари бу таомилларга кўниколмай, оғзига ушоқ солишдан ҳам тортиниб турар, бояйтганимдек, ҳеч қовушолмас, ўзининг бу ҳолидан хижолатларга тушиб борар эди. Шунча қистаишимга қарамай, у чой ичмади, чой уни ичдиёв.

Шу орада мезбонлардан бири келиб, ҳамроҳимга сездирмай, қулоғимга шивирлай кетди:

— Энди ул зотнинг зиёратларига киргаймиз, тайёрмисизлар?

Мен дабдурустдан англамабман. Ҳовлиқиб қолиб:

— Кимнинг ҳузурига? — дедим.

— Пир турамни. У киши сизларни интизор-интизор кутадирлар, — деди у.

Шундагина ўзимга келган эдим:

— Ундай бўлса, мозорбосди совға-саломларимизни олволайлик.

— Яхши-яхши, ола келишамиз, — деб бизга эргашдилар.

Йўлакай ҳамроҳимга шипшидим.

— Ватандан эсдалик деб берворишган нарсаларни олволар эканмиз.

У келаётган ерида бир чўчиб тушди. Ҳатто тўхтаб қолди, десам тўғрироқ бўлар.

— Нима, улар шетта эканларми? — деди ҳайратга тушиб. Учрашув жойи шу деб кутмаган экан, довдираб қолган эди.

— Зиёратларига чақиришаяпти, бардам бўлаверинг. У киши сизнинг падари бузрукворингиз бўладилар, — дедим елкасига қоқиб.

— Сиз... сиз илгаридан биласизми? — деди у юзларимга термулиб. Нега илгарироқ айтмадингиз демоқчи бўлар эди у.

Мен уни суйиб, секин бағримга тортиб қўйдим:

— Йўқ, оғайни, — дедим яна ҳам яқин олиб, — довруқларини кўп эшитганмиз, — орқасидан қўшиб қўйдим. — У кишининг зиёратларига етолмаганлар қанча, ошиққанлар қанча. Аммо бугун у киши сизни интизор-интизор кутадирлар. Ахир туғилганингиздан бери кўрмаганлар, тўғрими? — Қараб турсам, бу хабардан унинг кўзлари ёшланиб-ёшланиб келяпти. Елкасидан қучиб хонага бошлай қолдим. — Юринг, юрақолинг, ундай зотларни маҳтал этмоқ мумкин эмас.

Мозорбостига Арслонбобнинг асалию Қуванинг аноридан, яна «чурукчопон» деб аталмиш қовунлар олволгандик. Тўрт саруполаримиз бор эди. Барчасини кўтариб, бизни даҳлиз аталмиш, лекин хоннинг са

ломхонасидан қолишмайдиган бир хонага олиб кирдилар. Совғаларимизни қўйиб, юракларимиз потраган ча кутиб турибмиз, ичкарига хабар қилгани кириб кетган диёнат ишлари вақфининг ходими жа қайтиб чиқа қолмайди.

Дунёда яна шундай орзиқиб кутилган бир бошқа зиёрат бўлганини эслай олмайман, Мақсуд. Аммо биз қай биримиз олдин, қай биримиз кейин кираркан миз деб, ичимиз тушиб турарканмиз, ҳалиги турк биродаримиз остонада кўриниб, имлаб чақирди:

— Афандим, сиз киринг, ҳарна ҳазратим ҳовурдан тушсалар. Дилбандларини тусиндан рўбару этмайлук, — деди у шивирлаб.

Мен эсам ул зотнинг ҳузурларига қандай мужда билан келганимни билсам да, қандай сарупо ёхуд диёрдан эҳдалик кўтариб кираримни билмасдим. Шошиб қолганимдан қўлимга илинган нарсани олволибман.

Таништиргувчи турк биродаримиз худди хоннинг худайчисидек эшикдан ўтибоқ, таъзимга эгилди:

— Ҳазратим, диёрдан муждалар ила киши келмиш. Муфтий жаноблари ва ҳам Турам тақсирнинг элчилари киришга изн сўрарлар...

Ва мен қўлимда бир шиша бол ила кириб бордиму хона ўртасига ҳам етмай тўхтаб қолдим. Ажаб синоат. Тахт мисоли ишланган (балки менга шундай кўрингандир) юмшоқ диванда лула болишу пар ёстиқлар ичига кўмилганча Хизрдек нуроний бир қария — узун юз, чўққи соқолли мўйсафид ёнларига энгашган кишининг тушунтиришларига соме бир ҳолда ўлтирар, юзларидан ёғилаётган нур уша чиройли кузалган оппоқ чўққи соқолларидан чиқарми ва ё бошларидаги симобий оппоқ салладан таралармй, ажратиб бўлмас эди. Киши чеҳрасидан шунчалар тиниқ, шунчалар ойдин нур ёғилишига — ақл бовар қилмас эди.

Ул зот ёнларидаги кишининг тушунтириши билан қўлларидаги ҳассага таяниб тура бошладилар ҳам, мен ўзим сезмаган ҳолда ошиқиб бориб, тиз букмоққа ва барларини ўпмоққа интилдим. Салом берганим ҳам эсимда.

Ул зот чиройли алик олиб (ҳозир ҳам қулоқларим

устида турибди у калом: ва алайкум ассалому ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳи ва солаватуллоҳи алайҳ. Янглишмасам шундай эди). Ўзлари чап қўлларини билан қўлтиғимдан олиб, турмоққа ишора этардилар. Қўллари бирам юмшоқ, бирам ҳароратли, узмасалар дердим. Охирги марта Тангритоғда шундай қўл, шундай кафтга йўлиққан эдим. У ҳам бўлса, йўқотиб топганимиз эшон дадамизники эди. Мана ҳозир шунга ўхшаб, қаршимда гўё раҳматли дадамиз тургандек эдилар.

— Туринг, ўғлон, юкунмоқ нечун, биз ҳам банда. Бўйларингиздан ўргилай, сиздан юрт бўйлари уфурадир. Рухсат этинг, бағримга босиб тўяй, ўшал бўйлара.

Мен қўлимдаги асалдонни ҳамсояларигами, кимга тутқизиб улгуриб, ўзимни ул зотнинг ихтиёрларига топширдиму аллақандай юмшоқ ҳам ёқимли бағирга сингиб бора бошладим. Фақат одам ўзини хирмонда, офтоб нурларини эмиб ётган момиқ пахталар ичига ташлабгина, ё бўлмаса, онаизор бағрига ёпишибгина шундай ҳисларни туймоғи, осмонларда пардек учиб юрмоғи мумкин эди, Мақсуд.

Мен шу ҳолда эдим. У киши, ул зот эса бўйниларимдан искаланиб, Аллоҳга ҳамдлар айтардилар:

— Аллоҳим, ўзингга беадад шукрлар бўлсин. Ўзинг яратган оламлар қадар ҳамду санолар бўлсин, мени бу бўйлара еткардинг, ватаним исларини ола келган ўғлонга еткардинг, Ўзингга санолар бўлсин. Бу тан, бу жон Ўзингга фидолар бўлсин. Етмасам нима қилардим?! Кўзларим очиқ кетарми деб саҳарларда Ўзингга йиғлардим, мана, еткардинг, ижобат этдинг Ўзинг, — деб бўзлардилар, бўзлаб туриб, тасанно айтардилар Худованди каримга.

Мен эсам у кишининг бағирларида бир ёқдан эриб бормоқдаман, бир ёқдан эса, ажаб ташвиш босиб келмоқда. Қаричилик — мени ким деб ўйладилар, дилбандлари деб билдиларми — ҳой, худойчи, қайдасиз, деғим келадию қани уни изҳор этарга тил айланса. Яхшиям талвасага тушиб улгурмадим.

Ул зот бирдан икки кифтимдан тутиб, юзларимга боққанча қолдилару ўзларига келиб, сўраб исташга тушдилар:

— Сўзланг, ўғлон, бизга қандай саломлар, мужда лар келтирдиз? Аҳлларимиз, дилбандларимиздан не хабарлар бор?

Хайрият, адашувдан қутулган эдим, ушмни бир енгил ҳис этдимки, бу турувимиздан фақат фароғат туймоқда эдим. Энди Аллоҳ изни ила тил ҳам бита қолган эди.

— Аввало, муфтий жаноблари билан Турам тақсир ҳақингизга дуода бўлиб, кундан кун саломлар йўллаб қолишди, — дедим.

— Шундаймуу? Аллоҳ умрларини зиёда этсун. Ран йатнинг толеига, ватаннинг толеига ул зотларни саломат этсун. Фақат фаромушлик қуржин. Турам тақсирни тузукроқ танитсангиз?..

— Тангритоғдан қайтмиш Хозиқ турам... она то мондан ўзларига томир эканлар, — дея олдим мен яна қандай тушунтираримни билмай.

— Хай ҳай ҳай, ул зотму? Ўшал диёрда дорило мон бир юрт қурмоқ бўлган Тураммуу? Ниятларига етдим деганда, яна аждаҳо комига тушган маршали мизми? Юрти сарбонидан айрилиб бўзлаб қолган, тенги йўқ мужоҳидимиздамму? Аллоҳ саломат этсун, таскин тасаллулар берсун Ўзи ул зотга. Қай тиб чиққайчикан яна улардек бир зот?! Холимизни Ўзи унгласин, илоҳум!

Гап ватан озодлигига бориб тақалса, ул зотни тўхтатиб бўлмас, бир хурликми, нима босиб келиб, қалтираб қоладилар экан. Хозир ҳам, сезиб кўриб турардим, ул зотнинг овозлари титраб, ўзлари бир ҳолга тушиб бораётиб эдилар. Хамсоялари шошиб ла қолишди. Тирсакларидан тутиб, қўлтиқларига кир моққа уринар, жойларига ўтказмоққами, ниманинг дир ҳаракатига тушиб қолган эдилар.

Мен эсам нима қиларимни да билмай, хижолат ларга тушиб борар эдим. Хайтовур, у киши ўтирган жойларида хирқаларининг енг учини мижжаларига боса-боса, жиндек хотиржамланиб, яна бетимга са воломуз қарадилар. Овозлари ҳам боягидан ҳийла қотган эди:

— Ул зотларнинг сўзларини ерга ташламай кел ган сизга да Аллоҳимнинг чексиз марҳаматлари бўл сун. Кўп мутаассир этдингиз. Айтинг, ўғлон, яна не-

лар келтирдингиз камина ҳузурига? Фақат яхшилик дан, эзгуликдан сузланг биз ватанжудо бечораларга.

Эсим қурсин, у киши нима сурардилар-у, менинг эсимга нима тушиб, тилимга нима келибди!

— Тақсир, ватанни, унинг бўйларини эслатсин деб сизга Арслонбоб асалидан келтирувдик, — деб бояги асалдонни ола тиз буканча қушқуллаб тутдим.

— Воҳ, шундайму?! Қандай гузал иш бупту! Оҳ, Ватан бўйларидан узим ургилсам! — деб у киши асалдонни қулларига олдилар да, очиб бўйлаганча туриб қолдилар.

Қарасам, ич ичидан илоҳий бир нур балқиган ушал юз-кузларда галати бир жимирлов пайдо булиб, миж жаларида шудрингдек икки томчи ёш куриндию ҳеч қанча илиниб туролмай думалаб тушиб, ушал оппоқ чуққи соқолларига сингиб кета қолди. Мендан булак биров куриб курмайин ҳам қолди.

Оҳ, Ватан бўйлари шундоқ ҳам азиз нарса экан ми?! Ичимда бир нарса узилиб тушдими деб ўйла дим, Мақсуд! Кузларим тиниб ла кетди.

Куз очганимда ул зот болга ботирилган урта бар моқларини ангишвонадеккина огизларига олиб борчоқ да эдилар. Хонани эса, бол ҳиди тутиб кетган эди.

— Оҳ! Бол, деганча борсан узинг. Дунёнинг яна қай бир четкасида йигса булгайкин бундайин болни? Ёлгиз жаннатда топилса мумкин, — дердилар ул зот. Кейин асалдонни ҳамсояларига тутдилар. — Олинг сизлар ҳам. Ватандан бол келибдир. Болга қушиб, — ул зот яна менга угирилдилар. — яна нималар кел тирмишсиз?

— Рухсат этинг, ола кирсам, — дедим мен урним дан дик туриб.

— Шошмангиз, — деб имо бердилар ул зот. — Сиз бир бошдан айтинг, улар онкиргайлар.

Мен валакисаланг, бул зотга манзур буларли, яна бир нарсадан бошлашни истардиму қайсинисидан бош лашни билмасдим.

— Айтовуринг, бизга у диёрнинг азизмас нарсаси нинг узи йўқдир?

— Энг азиз нарсалардан... Маргилон беҳиси. — дедим ҳамон узимга келолмай.

Олиб кирдилар, сариг олтиндек саргарган, пиёладек пиёладек беҳилар шодасини.

Ул зот ўтирган жойларида нурга ботиб, жилмайдилар:

— Салламно бўлсин, Аллоҳгаким, фақат бизнинг диёрларда ўстириб битдириб қўймиш бундай неъматларини. Яна, — дедилар у киши, — бунданам бўйдорроқ, хушбўйроқ нима келтирмишсиз?

— Диёрнинг машҳуризамон «чурукчопон»и...

Олиб кирдилар сариқ-кукиш оловдек товлантириб, ўтдан тўқилган жилдбоғида осилтириб.

— Салламно, салламно. Номига да, киштикорига да, етиштирган эгаларига-да. Қабул қабул, — деб туриб, яна боягидек интиқлик-ла сўрадилар. — Яначи, яна?! Яна бизнинг бошимизни қандай кукка еткурмакчисиз?

Шунда Мақсуд, вужудимга уят олови югуриб, юзларига зўрга боқдиму:

— Маъзур тутгайсиз, биз фаромушхотирларни, — дедим ўзимда журъат топиб. — Болдан тотлув, ҳар нарсадан азиз дилбандингиз туриб, биз нималарни киритиб ўлтирибмиз?! Ул тақсирлар сиз учун бу оламда ҳар недан азиз оилангиз, аҳли аёлингиз, томирларингиз дарагини топиб, дилбандингизни юбормишлар.

Қараб турсам, ул зот эшик томон аллақандай интиқиб ҳам жавдираб тикилиб қолибдилар. Интизорлик шунчаки, ул дилбанднинг қораси кўринсаю ўринларидан туриб кета қолсалар. Қанот чиқариб учишга-да тайёрлар. Ахир ким учун шунча йўл босиб келибдирлар?!

— Воҳ! Лайса камислиҳи шай![1] Чиндан Ўзинг хуваъала кулли шайин қодирсан! — деб туриб кетдилар бир маҳал. — Диёрда бизнинг шундай қарчигайдек ўғлимиз бор экан-ку! Шуларнинг муҳаббатини кўнглимга солиб қўйиб, фироқида ёндираяпти эканми Ўзи?!.

---

[1] Аллохнинг сифати. «Ўхшаши, тенгдоши йуқдир Аршдан — фаршгача, зарралан қуёшгача, таноми оламда хар жойда ва ҳар нарсаки булур уларнинг хеч бири хеч качон Аллохнинг изнисиз, Парвардигордан рухсатсиз бўлмас», деб ишонмак», деб ёзиблилар Алихон турам Соғуний жаноблари. (*Муаллиф*).

Ўгирилиб қарасам, сафардош ҳамсоям довдир-сов дир кириб келяпти. Падарибузрукворн ҳузурига йўллаб юборишгани эшитдами ўқми, ҳуши бошидан учиб, бу девонхонага йиғилганларга бир бир термулиб илгарилаб келаркан, ҳассаларини билакларига со либ, қучоқ очганча пешвоз чиқаётган зотга кўзи ту шиб, хушёр тортдию фарзандлик меҳри жўшиб, шу томон интилди.

— Дада!..

Шу бир оғиз сўздан бутун девонхона, унда ҳозир бўлганлар ларзага келиб, бўғизларига қайноқ бир нима тиқилганча турарканлар, кўзларига тирқираб ёш кел ган эди.

Айрилиқнинг аримоғи ана шундай бўлади экан. Мақсуд!

Фироқнинг сўнгги лаҳзасида киши шу ҳол, шу алпозга тушадир экан, Мақсуд!

Аллоҳ суйган бандаларини ана шундай айрилиқ-жудоликлар билан синайди экан, имтиҳонидан ўтка зиб, ўзига яқин қилади экан, Мақсуд!

Мен Аллоҳнинг ҳамма бало-синовларига дош бе риб, чидаб, ўзига шукр қилиб келган бир инсонни — пири комилни кўриб турардим, Мақсуд! Ул зот шу паллада ўша сабрлари эвазига ҳам Аллоҳнинг яна бир инъомига мушарраф бўлиб турар, ўттиз йил бурун она қорнида қолган дилбандлари бу кун қарчиғайдек йигит етиб, эр етиб, ота бағрида исканар эди.

Бу оламда мавжуд ўт ўланлар, дов дарахтлар барглари адади қадар ҳамду санолар бўлсин Ярат ганга! Бу зиёратга гувоҳ бўлиб турган киши борки, барчамизнинг кўзларимиз намлик, юракларимиз тит рар эди. Ваҳоланки, бу қиёматга қолмаган дийдор ёшлари эди, Мақсуд!

Шу тоб ўзимда йўқ даражада мутаассирланиб, атрофга алангларканман, Мақсуд, кимни кўриб қол дим дегин?! Қибла томондаги эшикдан икки уч нафар одам кириб келиб туриб қолишган, улар ораси да — ким деб ўйлайсан, Мақсуд, осмондан тушгандек Султонмурод акам пайдо бўлиб, мендан кўз узол май қолган эди. Ё қодир Аллоҳ! Қанчалар чеварсан Ўзинг! Қай амалимиз хуш келиб, бу кунга мушарраф

этдинг?! Биз жигаргўшаларни ҳам топиштирмоқни шу кунга, шу соатга ирода этганмидинг?! Ўзингга бу дунёда олган, оладиган нафасларимиз адади қадар ҳамду санолар бўлсин!

— Ака!!.

Юрагим ёрилиб кетмаганига ҳайронман, Мақсуд! Овозимдан девонхона ойналари жангиллаб кетган, ҳамма — биз томон ўгирилган эди. Биз икки жабрдийда — тирик туриб йўли айро тушганлар бир-биримиз томон югура кетгандик.

Аллоҳ барча ватанжудоларга-да ана шундай дийдор кунини раво кўриб, топишмоқни насиб этсин, илоҳим.

Албатта, Олтинхон тўрамга-да, акамга-да атаб олиб борган совға саломларимизни бериб, тўнларимизни кийдириб қучоқлашганча тоза йиғлаб-сиқташдик. Диёрни эслаб, қавм-қариндошларни сўраб-исташиб, эй ёзилишдик. Дунёда биздан бахтиёр, Аллоҳ мукаррам этган кимса йўқ эди.

Мен бу ташрифни иссиғида, ичимга сиғдиролмай, сенга илиниб ёздим. Кўпам ичинг тушмасин, боргунимча шулар етар.

Дарвоқе, акамдан сизларга мужда! Жондан азиз холамларга, Ёдгорга, аясига айтиб қўйишинг мумкин. Ўшал қора-қура занжи киночиларга қўшилиб борган гунг тасвирчи — ўзи экан! Журъатига балли, ўша ерга бориб, ўзиникиларни кўрибам миқ этмай қайтибди! Танитмабди! Мендек одам чидолмасдим, Мақсуд!

Яна: акамнинг Ёдгорга, унинг онасига, сизларга аталган муждалари бор. Уни бу хатга қўшмадим. Кўз қорачиғидек асраб ўзим билан олиб боргайман. Биздан барча сўраганларга дуои саломларимизни ет казиб қўйгайсан.

Холамларга, поччага айт, намозларида дуолар-ла сўраб турсинлар, токи илоҳим, бизни сиз азизларнинг бағрингизга эсон-омон қайтарсин. Бу уланган ришталарни эса, бир умрли қилсин. Омин.

Кўришгунча хайр деб,
Олим аканг.
Турк диёри, Одана шаҳри».

10. Осмондан тушган марварид ёҳуд омонат эгаси

Уни қаранг-а! Ана кузу мана куз!..

Мен ишга отланаётиб эдим, ташқарига кузим тушиб, беихтиёр дераза тавақаларини очиб юборибман!

Йуқ, адашмаган эдим. Кучадаги уригимиз усиз ҳам кузги келинлик либосини кийиб улгурган, кунгай барглари ял-ял товланиб, тонгги шабадада бир чиройли парпирар эдилар. Гуё бу кеча сон-минг саргиш капалаклар ёпирилиб келиб, шу уригимизга қуна қолишгану мана энди кун юз курсатиши билан жон битиб, нозик-адо қанотларини юмиб-ёйганча узларини офтобга солишар эди.

Кейин ишга жунаб кетиб, уни тамоми унутган эдим. Кечга яқин қайтсам... вох, уша жонивор «капалаклар»!.. Ҳаммаси ер билан битта — гилам булиб ётибди! Ана сизга кузу мана куз!..

Ялт этиб тепамга қарасам, валлоҳ-валлоҳ, қолгани ҳам бир олам — ҳеч камаймагандек эди! Қайтага кир учлари қизариб, урик жонивор ботаётган офтоб нурида бошига заррумол ташлаган жувонгами, кимга ухшаб қолибди.

Субҳаналлоҳ! Ёлгиз Худованди каримнинг ишимасми бу? Мана шуни айтадилар-да, хоҳласа, яшнатади, хоҳласа, ер билан битта этади деб!..

Битталаб териб олиб, упгудек нозик-адо барглар гиламини айланиб утаётиб, тухтаб қолдим. Қушни қизми, кимдир уша ер билан битта суқсурдек баргларни бир чеккадан супира бошлабдию яна нимани уйлаб, супургисини ташлаб кетган эди...

Туриб-туриб, ичкарига юравердим. Аммо ҳамиша кенгга ёпиқ туродиган эшигимиз нимагадир бугун ичкаридан берк эди. Тавба, уйдагилар қаёққа кетишибди?

Эшикнинг кишибилмас сири бор эди: тепа панжарадан қул суқиб, дарвозахона фанерининг гул-тахтаси сал кутарилсаёқ, у уз-узидан очилиб кетар эди. Чақириб утирмаса ҳам булаверарди. Мен ҳам ушандай қилиб, очиб кириб бораверсам... қай куз билан курайки, пастки айвон остонасида биров — нега биров булсин! — кеннойим юзларини билакларига бостанча

тулиб-туликиб йиғлаб ўтирибдилар. Тиззаларида бир нарса оқаришиб кўринади.

Ичим шиғ-ғ этди: хатми?!

Шунгамикан, беркиниб олиб, куз ёшларига эрк берганлари?.. Қайдан кела қолибди у бир парча хат?

Мен қайтиб чиқиб кетаримни ҳам, кириб бораверишимни ҳам билмасдим. Қаердан ҳам бемаҳал кириб қолибман?!.

— Вой, Максудхўжа, сизму?

У киши ёноқларини апил-тапил артганча ўринларидан қўзғолар эканлар, тиззаларидаги ҳалиги нарса — иккига ажраб, бири сирғалиб, бири оқ укпардек учиб тўша бошладию кеннойим шошиб қолдилар.

Кейин бир ҳаракат билан икковиниям тутиб олиб, енгларига яширмоққа уринар эканлар, мен бир нарсаларни англагандек бўлар эдим. Назаримда у кимдандир келган муждахатми, нимадир эдию кеннойим уни еру кўкка ишонмай яширадир эдилар...

Йиғлатгани учун яширадирлармн, уялганларидан-ми, ажрата олмас эдим.

Қолаверса, у боякишгинани бунчалар йиғлатган нарса кимдан экану нима ҳақда экан?

Фақат бояги ўтиришлари — юзларини билакларига босганча туликиб йиғлашлари... ҳеч кўз олдимдан кетмасди.

— Нима бўлди, нима бўла қолди, кеннойижон?! деб югургилаб бораётган жойимда у киши менга бир олам хижолат аралаш... шундай суюнч, шундай илтижо билан боқдиларки, тўхтаб қолаёздим. Уни қаранг-а! Ҳали булар ҳаммаси севинч ёшлари эканми, одам суюнчдан ҳам ўзини шунчалар йўқотиб қўймоғи, тулиб-туликиб йиғламоғи мумкин эканми?!.

У қандай хат-хабар эдики, одамни бундай йиғлатса? Мен қолиб, энди у кишининг ўзлари талпиниб кела бошлаган эдилар.

— Ох, билсангиз эду, Максудхўжа, кимдан қандайун хабарлар етганун?! У кишининг ўзлару ниму ишлар қилуб кетганларун?!. — дея оққушдайин талпиниб келиб, икки кифтимдан тутганча елкамга ёпишиб олсалар, эсхонам чиқаёзган эди.

— Ким-ким, акамми, ўзларини айтасизми? Янами? — дердиму охиригача англаб етолмасдим.

У киши, у мушфиққа бўлса, ўксиларини тутолмай, тўлиқиб-тўлиқиб йиғлар, камига елкамга осилиб, қайнок кўзёшлари билан кифтимни хўл этиб борар, орарада тил-забон битиб:

— Оҳ, Мақсудхўжа, ўзлару эканлар-а! Бир оғуз сездируб қуймабдулар-а... Менман демабдулар-а, дердилару йиғидан чиқолмасдилар.

Мен эсам барибир тушуниб етолмаяпман. Хурсандликларинниям, армонда қолганларинниям билолмаяпман.

Ҳалеб:

— Ким-ким? Кимни айтмоқдасиз? Яна қаёқдан кун чиқди? — дердим.

Ахийри кеннойим бир титраниб, кифтимдан бошларини уздилару бу йиғи, бу суюнчиликларнинг боисини маълум этдилар:

— Оҳ, Мақсудхўжа-Мақсудхўжа, қаёқдан чиқар эду, биз кутган тарафдан чиқду! Аллоҳ азиз қилган тарафлардан чиқду! — дедилар тўлиқиб, — Биласизму, ким ола келду, Олум акангиз ола келдулар дарақларину...

— Ие, у кишими?!. Мени хаёлим нималарга кетибди! Ўзлари қанилар, ойимгилар, булар қани? — деб суриштира кетдим.

Қаранг-а, Тўрамнинг илтимослари билан кетган одам Олтинхон тўрамни зурриётлари билан дийдорлаштириб, камига яна қандай хабарлар билан келибди-ку!

Шундан ўзларига келолмаяптилар, тўлиқиб боряптилар эканми, кеннойим?!. Шу давада менинг гина халтам очилиб кета қолган эди:

— Битта қўнғироқ одамни ўлдирибдими? Билдириб ҳам қўймабдилар, учиб келардим-ку...

Аммо у киши бу гинамни гина санамай Олим акани ёқлай кетдилар:

— Йўқ-йўқ, у киши сизни кўп сўраб-истадилар. Кейин кичигойимларну, буларну олиб кетдулар. Тайунлаб-тайунлаб кетишду, борар экансиз.

Шу гаплардан кейин ҳам қани ҳовуримдан туша олсам!..

— Элбурутдан уйларига чопмасалар... борардилар уша «полковниклардан қолган жойлари»га. Холаю тоғаларимизни шу ерда ҳам кута олардик.

Оҳ, кеннойим-а, сабрлари тоғча бор, кеннойим-а! Шунча гиналардан кейин ҳам Олим акамнинг тарафини олгандек, румолларининг учини мижжаларига бога-боса... менга жилмайинқираб қараб турар эдилар.

— Йуқ, Мақсудхужа, у киши бир нимуларну уйлаб шундай қилдулар шекиллу. Дамини чиқармайлук дедуларму...

— Балки, — дедим мен ҳам бу фикрга қушилиб. Биз Султон акамизнинг дараги чиққанини ҳали байрам қила олмаймиз. Юртга ош бериб, кейин жавобини ҳам бериб юролмаймиз. Қавча гаплар очилиб кетиши, суриштир-суриштирлар бошланиб қолиши мумкин. Олим акамнинг ҳам билгани-билган... Кейин жанр-жавр — кимга жавр булади?! Шу кеннойимгами?! Ундан кура, бу нарсани сал нари қилгани маъқул-ку. Аслида ҳам Олим акам кимнинг илтимоси билан кетибди? У сафарнинг узи ҳам сал ими-жимидароқ эмасмиди, ахир?

— Узингиз-чи, узингиз нега бора қолмадингиз? Ёлғиздан-ёлғиз ултирибсиз, шундай кунда? — дегандек қарадим.

Бу орада узларини ҳийла тутиб олган кеннойим енгларининг ичидаги нарсага энди ийманиб хижолат аралаш қараб куйдилар:

— Биз бояқишларга шу ҳам етарлу... Оламну олуб берганлару ила баробар.

— Шунинг узига куниб қолавердингизми? — Шунча ердан мозор босиб келган одам шугина билан келибдиларми, демоқчи булардим. Кеннойим ҳам шу бир оғиз суздан узларига келиб, шошиб қолдилар:

— Чиндан ҳам... Сиз шошманг, мен ҳозир, — деганча у киши пастдаги уйларига қараб юравердилар. Ё шу баҳонада ҳалиги бировга курсатиб булмайдиган — узларини эса, йиғлатган хатни ташлаб чиқмоқчи булар, ё менга аталган бирон нарсани эслаб қолгандек эдилар. Мен эса, ҳамма нарсадан ҳам бурун, уша енг ичидаги хатга иштиқ эдим. У акамдан булак кимдан ҳам булиши мумкин?! Мен ҳозир ундан айрилиб қолаётгандек, қайтиб сураб ҳам ололмай-

дигандек эдим, назаримда. Бу ҳам бўлса, акамнинг сарҳад ошиб келган (Чаман акам топиб, бериб юборган) анув хатларини ҳалига довур кўрсатмаганимнинг жазоси, қайтимидек эди. Ўзимга ҳам жиндек алам қилаётгани шундан эди.

Бу орада кеннойим негадир пахта гулли чойнакпиёла кўтариб чиқа бошладилару пиёлада топ-тоза булоқ сувини кўриб, ҳайрон қолдим. У нима бўлса экан?

Ҳамиша синиқ жилмаядиган кеннойим бу гал тамоми бошқача эдилар.

— Мана, Мақсудхўжа, ўша мозор босуб келган нарусаларнинг биттасу. Оллоҳ азиз қилган ўша диёрну суви. Ният қилуб ичулгайкан, — дедилар у киши мени таажжубларда қолдириб.

Мен хам уни энди эслаган эдим:

— Ия, бу ўша Тўрам тақсир буюрганларими? У киши атай ола кептиларми? — дея олдим.

— Йўқ, акангуз совға тарукасида беруб юборубдилар...

Бу хабардан мен чиндан ҳам лол қолган эдим:

— Қандай, ким айтибди у кишига? — деб юборибман, ўзимга келганимда кеч бўлган эди: дилимдаги тилимдан учиб чиқиб кетган, эндиги пушмонимдан ер ёрилмасди...

Кеннойим ерга қараб синиқ жилмайдилар. Лекин бу жилмайишнинг тагида ғамдан кўра қувонч кўпроққа ўхшар, кўзлари ҳам чақнар эди:

— Йўқ-йўқ, бу муқаддас совға тарукасидамуш, ким ниму ниятда ичса, ўшанга давомуш.

Валлоҳ-валлоҳ, мен нима хаёлларга бориб юрибман!

Ана сенга Султон аканг, мужоҳид аканг! — дерди ичимдаги митти чол тилга кириб. — Келиб кетгани, кўриб кетгани рост эканми? Ўша ёқда туриб буларга нималарни илинмабди! Худойим кўнглига солмаса, юборармиди, илинармиди! Ана, улар қандоқ ҳам бирбирларига меҳрибонлар, еру кўкка ишонмаслар, дерди. Мен бу сўз-бу ҳислардан ичим аллақандай тўлиб-тошиб, йиғлагим келиб борар, ўзимни қўярга жой тополмасдим. Вужудимга ҳам титроқ кирганми, қўлимдаги пиёла омонатга ўхшаб, ичидаги сув мавжланган-

дан-мавжланиб чайқалаётгандек, хозир ўзимни тутмасам, бир ёнга оғиб тўкила кетадигандек эди.

Кеннойим эса қистар эдилар:

— Олинг, Максудхўжа, фақат ният қилиб ичинг. Ўша Хожар онамиз булоқларига бизларнуда Ўзи етказсун.

Мен:

— Илоҳим, илоҳим, айтганиз келсин, — деб туриб, ичиб юбора қолдим. Оҳ, сув дегани ҳам ютуми шунчалар юмшоқ, ўзи томоққа текканданоқ чанқоқни оладиган бўладими экан?! Ўзимизнинг Иззани булоқ сувларига ўхшаб, ичган сарим ичгим келаверарди, тавба. Ер остидан чиққан сув бунчалар ютумли, юмшоқ бўлмаса?! Одам боласига аталгани, Аллоҳнинг марҳамати экани. Ўзи чиқариб қўйгани учун ҳам шундаймикан?.. Мен биринчи марта шундай хаёлларга бормоқда эдим. Назаримда бу марҳаматнинг ҳикматини ҳам топгандек эдим.

Кеннойим эса, юзимга қараб, илтифот қилардилар:

— Яна бир пиёлагина ичинг, Мақсудхўжа?

— Раҳмат, — дедим-у... ўзим яна бўлса йўқ демасдим. Аммо айтолмадим. Ростини айтсам, шу бир пиёла сув болалигимиз билан бирга йўқликка кўчган у Изза булоқларини, акам билан бу диёрда кечган кунларимизни ёдга солиб, соғинчимни янгилаб юборган, ўша кунларни қўмсатишга тушган эди! Қолаверса, Олим акам у тарафдан ола келган ҳар битта нарса менга азиз кўриниб кетмоқда, ичим қуриб бормоқда эди-ю, сўрай олмасдим. Айникса, бояги кўрганим мактубга — акамнинг қўллари теккан, ҳар сўзидан унинг нафаси уфуриб турғувчи хатига шунчалар муштоқманки, қани энди сўрай олсам, етиша қолсам... Кейин кимсасиз бир уйга кириб олиб, биқиниб ўқий кетсам.. Аммо уни бу мушфиқадан қандай сўрайман? Қолаверса, замзам баҳонасида ичкаригами, қаерга ташлаб чиққан бўлсалар?.

У киши пиёлани қайтариб олар эканлар, юзимданми, кўзимданми, бир нарсаларни сезгандайин бир қараб қўйдилару қайрила туриб, тўхтадилар:

— Мақсудхўжа, айтумоқчи анув наруса ҳам эсунгиздами? — дедилар минг бир истиҳола ила.

— Қайси? — дедим гарангсиб.

— Курпача катудан чиққан-чу?

Э-ха, у марваридни айтяптиларми? Уни унитиб булар эканми?!.

Бир куни ишдан келсам, ойим чақиряптилар:

— Хой, Максудхужа, одам деган хам шунака иш қиладими? Курпача катига нима қуйгансан? — деб турибдилар.

Нима қуйибман, хеч эслай олмасдим.

Кейин эшитсам, йиғиб қуйилган курпачаларни коқиб-сукишаётса, ичидан шилдираб бир шода марварид тушиб келаётганмиш. Шодаки, шлари зар, боғичлари тиллодан, курган одамнинг оғзи очилиб қолади эмиш.

Куриб узим хам хайрону лол қолдим.

Қаердан келиши, ким қуйиши мумкин, ақл бовар қилмасди. Канча бош котириб хам тагига етолмагандик. Кейин ахир бир кун иси чиқиб қолар-ку, деб, мен уни хеч ким тополмайдиган бир ерга — анув парда ортидаги биров билиб, биров билмас токча-тортмачамиз тагига яшириб қуя қолган эдим. Шу вақтгача миқ этмай юрган кеннойим... хозир уша осмондан тушгандай пайдо булиб қолган марварид хақида оғиз очмоқда эдилар. Уни қаранг-а!..

— Хуш-хуш? — дедим ич-ичимдан бир хаприкиш босиб келиб.

— Ушану хам... бу киши қолдурган эканлар.

— Йуғ-е... — Бу энди ақлга сиғдириб булмайдиган нарса эди. — Қанақасига?

— Шунақасуга... — дедилар кеннойим турган жойларида тулиқа бошлаб, бояқишгинанинг қароқларига яна ёш қуйилиб келиб, овози титрай бошлаган эди, — уша занжулар билан келганларуда...

— Уша қора-қуралар билан-а?! — Менинг бошимдан олов чиқиб кетгандек эди, куксимга хавони нимадир етмасди. — Уша гап, уша миш-мишлар рост экан денг-а?!

Шу давада мен икки қадам ташлаб, ушлаб қолдимми ё у киши қулларида чойнак-пиёла, бушашиб елкамга узларини ташладиларми, узимга келганимда юзларини елкамга босиб, айтиб-айтиб сиқтар эдилар:

— Рост экан, Максудхужа! Биз бояқишлар хеч нарусанинг фарқуга бормабмуз!.. Фахмуга етмабмуз...

У кишу сувратларга тушуриб кетубдилар. Тукоб-тукоб куриб кетубдилар. Биз хеч нарусану билмабмуз. Бир ишора, бир белгу беруб қуймабдулар хатто, — дердилар.

Мен эсам, у мушфиқани қандай юпатиб, қандай тинчлантираримни билмайман, ичимдан эса бир олам нарсалар ўтиб бормоқда: «Белги дейсиз, мана шу марварид-чи, у қайси белгидан кам?!» дегим келяпти-ку, тушов тушган тилим ечила қолмайди, ўзимга овоз бита қолмайди. Аммо бу воқеа рост чиққанидан бошим осмонда: вох, мана буни акам деса бўлади! Хаммасини довда қолдириб кетибди! Хатто сайёх қиёфасида келган анув ватанжудодан ўтиб тушибди! Чинакам Ботур деб шуни айтадилар-да, дердим. Дердиму миқ этолмасдим. Негаки яқин олиб, ўзиники хисоблаб елкамга бош урганча бўзлаётган кеннойим мендан ўтиб тушмоқда эдилар:

— Эшитяпсизму, Мақсудхўжа,— дердилар куйиб-пишиб, — ўша «мехмон» ўзлару эканлар. Келубам билдурмабдулар. Бизну аяб миқ этмабдулар. Аллох розу бўлсун, — деб бир ерга етардилар.

Мен эсам:

— «Дуою илтижоларингиз Худога етгани шу, кеннойижон. Хали қараб турасиз, хаммаси яхши бўлиб кетади! Йўллар очилиб, кўрмагандек бўлиб кетасизлар. Шукр қилинг, Аллох дараклари чиқарганига. Олим акам бориб кўриб келганига. Мана бундай мужделар келтирганига, — деб таскин-тасаллулар бергим келади-ю, ич-ичимдан босиб келаётган севинч, хўрлик, соғинч аралаш бир хисларни жиловлай олмайман: Хадемай Аллохнинг ўзи чегараларни очворса, бордикелдилар мумкин бўлиб қолса, нима дейсиз?! Акам ўғринча эмас, аллақандай қора-қуралар билан эмас, руй-рост кириб келса, нима дейсиз?! Ахир Аллохга осон экан-ку», — дея хонамга югуриб киргим, пардаларни очиб ташлаб, ўша биров билиб, биров билмас жойдаги омонатни олиб чиққим келади-ю, жойимдан жилолмайман, кўзғололмайман. Фақат бир нарсага хайронман! У кишининг ўзи-чи, нега таниб туриб хам... билиб туриб хам миқ этмабдилар, хокисорлик шунчалик буларми?

Шу давада:

— Шошманг, мен ҳозир, — дея бир қадам чекилиб, уйимиз томон бурилмоқчи бўлган жойимда у киши бош тўлғаб:

— Йўқ-йўқ, Мақсудхўжа, қўйинг, тура турсун. Кичигойум келгунларича турсун,— деб илтижо қила кетдилар. У киши овоза қилмайлик деб ўтинар эдилар.

— Хат-чи, замзам-чи, уларни ҳамми? Энди бу нарсаларни яшириб бўлади эканми? — дедим ҳайронлар қолиб.

— Яшируб-ку бўлмас, лекин овоза қилиш ҳам хайрлумикан? — дедилар.

Дарвоқе, нима ҳайрли — ўша Аллоҳ рози бўладиган нарсадир. Чиндан ҳам, ҳозир сабрдан яхшироқ, хайрлироқ нарса йўқдек эди.

Шу тоб... ҳали жойимдан жилмай туриб... эшикка енгил машина келиб тўхтаб, ажабтовур мусиқа чалиб, чақира бошлади. Бунақаси Олим акамнинг «Волва»сида ҳам йўқ эди. Тавба, ким бўлди экан, деб чиқиб борсам, кай кўз билан кўрайки, таниш яшил «Жигули»дан... бошида оқ кепка, эгнида оқ ҳошиялари бирам чиройли, бирам ярашган зангори спортчилар кийимида... Чаман акам тушиб келяпти:

— Хелло, Мақсуд мирзо! Ҳалиям шуттамисан? Олим кепти-ку, зиёратга ўтмаймизми, ахир?

— Ассалому алайкум. Нега ўтмас эканмиз! Ўтамиз. Акамни зиёрат қилиб келган одамни зиёрат қилмаслик мумкинми?! — дедим мен кучоқ очиб бора бошлаб.

— Уни қара-я! — деди Чаман акам ўша-ўша ҳазилкашлиги тутиб, — Султонга кимлар интиқ-интизор, кимларнинг кўзи тешилиб ётибди, Олим аканг кўриб кепти! Дунёнинг тескарилигини кўр!

— Насиб-да, насиб! — дедим мен.

— Энди бориб ермиз хасип, — деди у.

Кулишиб, қучоқлаша кетдик. Орқадан чиқиб кела бошлаган кеннойим қай аҳволга тушдилар, мен кўролмадим.

Бир кунда шунча хурсандчилик, шунча муждa! Бу яхши бир замон, масрур кунлар келаётганидан, анави бояқишлар кўкрагига ҳам офтобу шамол тегажаги-

дан яхши бир дарак эмасмикан? Қолаверса, акамнинг манави жаҳонгашта дўсти яна қандай хабарлар билан келди экан? Бекорга қадам ранжида этмагандир?!

Шу тобда мен ундан бир нарсани жуда-жуда сўрагим, билгим келиб кетаётир эди. Секин қулоғига шивирладим:

— Айтинг-чи, акажонимиз қўним топган диёрга бормоқ осонми, у ердан келмоқми?..

Бу шунчалар сирли эдики, Чаман акам афтимга «Ҳа, қув», дегандек қарадию у ҳам секин бағрига тортиб, қулоғимга пичирлади:

— Худо хоҳласа, ҳар иккиси ҳам осон. Ахир аканг кеб кетипти-ку. Энди кимнинг гали экан? Навбат сизларга-да.

— Йўғ-е, ростдан-а? Ҳазил гапизми? — дея афтига тикилиб қолибман. Шу темирқўрғондан бирон ёққа чиқиб бўларканми, демоқчи бўлардим.

У ҳам бир қарашда мени тушуна қолдию елкамга қоқиб, жилмайди:

— Аканг йўлини топганда сен тополмайсанми? Сенга осонроқ-ку? — деди атай менинг жиғимгами-ғуруримгами тегмоқчи бўлиб. Ростдан ҳам бу гап нафсониятимга тегиб кетган, ўзим тумсая бошлаган жойимда унинг бу гапи ҳазил эканини фаҳмлаб қолиб, бўшашдим:

— Ҳамма ҳам акам бўлаверибдими! Ундай бўлолсак, жон-жон дердик-ку.

Чаман акамга бу гап наша қилиб, сидқидил бағрига тортдию, қулоғимга ўзимдан бўлакка айтмайдиган гапларини қуя кетди:

— Эҳ, пакана пари, пакана пари. Газетда ишлайвериб, тунгиб қопсан. Кўзингни оч, сен ишонган толлар аллақачон қирқилишга келган, ич-ичидан чириб ётибди...

Йўғ-е, наҳотки, дегандек афтига ялт этиб қарасам, ҳар балога ақли етадиган Чаман акам... уша-уша сўйиб, жилмайиб турибди.

— Бир кун эрталаб туриб қарасакки, у қари толлар йўқ, ...шундайми?

— Йўқ, — деди у маъноли боқиб, — ортидан эса, чиройли бир тонг отиб келяпти — боқиб тўймайсан. Тушундинг?! — дедию шошириша тушди. — Кетдик,

кетдик, акангдек одамни кўрган сафарчи келадию биз, оёқни қулга олиб етиб бормаймизми? Уят бўлар, ахир. Бордир бизга ҳам аталганлари...

Шунча қистасак-да, кеннойим унмадилар. Уйни ёлғиз қолдиришга кўзлари киймади:

— Борарман-борарман, менга боягилар ҳам етади, — дедилар мунгли жилмайиб.

Чиндан ҳам энди нима ҳам акам бериб юборган нарсалардан ута оларди?!

Алқисса, уша Бузсув буйидаги «полковниклардан қолган боғ»га етиб, таниш ҳовли-жойга кирар эканмиз, пешвоз чиққан сафарчини кўриб, гангиб қолган эдик.

Қай куз билан курайликки, қаршимизда Султон акамиздек жуссадор, куз қарашларию буй-басти билан, ҳатто юришлари билан акамга тортиб кетган бир одам — Олим акам қучоқ очиб келар эди. Валлоҳ, валлоҳ, Султон акамнинг ўзини кўргандек қучоқлашиб, ялашиб-юлқашиб кетдик. Хурсандликда бизга етадиган одам йуқ эди. Ундан акамнинг ҳиди, буйларини туйиб, бир ерларга етар эдик.

Аммо ҳаммасидан Олим акам қуйин чунтагидан чиқариб, менга узатган «мозорбосди ҳадя» утиб тушди.

У ҳов бир вақтлар — болалигимда тоғам ҳадя қилган нарсага жуда-жуда ўхшаб кетмоқда эди. Бу ҳам ўшанга ўхшаб, тиғи жимжилоқдек, ўзи бир қаричча келадиган — садаф бандли пичоқча эди. Балки ўшанинг ўзидир, ўша пичоқчадир, деган хаёлларга-да бормоқда эдим.

Фарқи — бунинг муъжазгина қинчаси, йилтироқ қора кундан тикилган ғилофчасию бежиримдан-бежирим шокилачаси ҳам бор эди. Қинмисан-қин. Ёнга тақадиган белбоғчасини айтмайсизми, ўшани-да унутишмаган эди. Фил суягиданми, нимадан қилинган оппоқ садаф банди эса, ўша қиндан чиқиб турибди.

Воҳ, нима бу? Қандай муъжиза? Йуқолган нарсалар осмондан тушгандек пайдо булиб турса? Ё акам бериб юбордимикан?!

Кўзларим ўйнаб кетганини кўрган Олим акам майин жилмайиб, елкамга қоқди:

— Сен аввал ичини оч, қиндан чиқар. Кимданлигини бил.

Қулим титранқираб қиндан чиқарсам, учига қалар шилдироқ қоғозга уралган жажжи пичоқча.

— Оч, оч, — деди Олим акам қистаб.

Қоғозини олсам, пичоқмисан пичоқча. Нақ, ўша, ҳов болалигимизда тушиб қолмасин деб, китоб муқоваси ортига яшириб юрадиганимдек, садаф бандли митти пичоқча. Фақат бир юзига уч кунлик нозик ҳилолу бир юлдуз зарб этилиб, тепасидан зарҳал билан нимадир ёздирилган эди. Унақасига ҳам, бунақасига ҳам ўқий олмадим.

— Ие, «Анвар мирзо», ўзларнинг ҳам тишлари ўтмадими? Унда куфий хатга ҳам тиши ўтадиганларга беринг. Ана, Чаман акангизга беринг, — деди Олим акам тегишиб.

Шундагина чумоли изидек бу майда ёзув арабий имлода, устига устак, зер-забарсиз эканини англаб, қимтинганча қолдим.

Чаман акам ўқиди. Қарангки, битик араб имлосида бўлса ҳам, ўзи туркий тилда эди: «Ҳаммамиза суюклув, ҳаммамиздан ўзгуклув[1] пакана парига».

Танидим! У Султон акамдан эди! Ундан бўлак ҳеч ким бундоқ ёзмасди ҳам, эркаламасди ҳам!.. Танидиму вужудимга ширин бир туйғу — бир жимирлон югуриб, кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди!

Ростини айтсам, бундоқ ёш, бундай ҳислар кўпдан меҳмон бўлмаган эдилар. У яна узоқроқ давом этаверса, тўхтамаса, дердим. Соғинч ёшлари шунчалар ширин бўладими экан?!.

Мен пичоқ юзига термулар эканман, акам атай ёздириб юборган ҳалиги икки оғиз сўз тилимдан тушмас, гўё дилимга муҳрланиб қолгандек эди: «Ҳаммамиза суюклув, ҳаммамиздан ўзгуклув...» Ўзиш тугул, укаси деган номга муносиб бўлолсак-чи аввал!..

Шу билан бирга, яна аллақандай ширин ҳислар қамраб келиб, бу сўзлардан тотли бир ғурур ҳам туймоқда эдимки... ўзим билан ўзим бўлиб, ҳамроҳларимдан ортда қолиб кетибман.

---

[1] Бу сўзнинг маъносини излай-излай бир кўҳна китобдан шундай тушунтириш топдим. Унда ҳаммадан ўзиб кетгучи, узоққа боргучи, деб башорат берилибди. Аллоҳ Ўзи рост этсин! *(Муаллиф)*.

Бир маҳал қарасам, улар ҳийла нарида тўхтаб турибдилар. Тўхтаганлари майли, туришлари ғалати эди, қурққулик эди!..

Валлоҳ-валлоҳ, ўрталарида қандай сир ўтибдики, Чаман акам сафарчини икки кифтидан тутиб, ўзига қаратганча... юзларидан кўз узмасди. Ҳеч кимга бўй бермайдиган, қолаверса, дуркун тортиб кетган Олим акам эса, шу ҳолига акажонисининг минг йиллик ошнаси олдида бўйин эгиб, ер сузиб қопти. Бир қур бўлса-да, унинг кўзларига қараб қўймайди. Тўғрироғи, қарай олмаётир. Юрагим шиғ-ғ этди: «Нима рўй бера қоптики, бундай турищибди? Мендан нимани яширишган экан?!.»

Менга қолса, югуриб бориб, ижикилаб суриштиришдан ҳам тоймасдим, аммо улгурмадим. Олим акам бир нима дедию Чаман акам бўшашиб, туша қолди.

У нимани қистаб қўймаган эдию нимадан бундай бўшашиб туша қолди? Қолаверса, акамдан бўлак кимни ҳам суриштирарди?! Бу уйдан юрагим тўкилгудек бир ҳолга тушиб, секин бора бошладим.

Чаман акам сўрарди:

— Хабарчилари-чи, улардан ҳам дарак бўлмадими?

— Икки ҳафта кутдик,— деди Олим акам,— дарак тугул, жавоб бўлмади...

Ана холос! Нега ундай бўлибди? Умрида лафзининг устидан чиқмай қолмайдиган акамга нима бўлибди? Бу уйдан курагимдан бошимга довур бир жимирлов югуриб, пешонамдан муздек тер чиқиб кетган эди.

Худди шу лаҳзада нима бўлиб, Чаман акамнинг нигоҳи менга тушдию бирдан ўзгарди-қолди. Кутилмаганда Олим акамни ярим кучганича ичкари бошлайверди. Ғалати ҳол: мезбон киму меҳмон ким, ажратолмай қолган эдим. Камига Чаман акам овозини баралла қўйиб, унга таскин берарди:

— Шунга шунча ташвишми? Муҳими, ўзини кўрибсан, дийдорига тўйибсан, совғаю саломларини ола кепсан. Ортиқ нима керак? Қайта кўришолмаган бўлсангиз, эшини қилолмагандир-да. Муҳожир одамга осон тутма. Қайтага узулган ришталарни улаб кепсан, қай ўлка, қай диёрлардан сўраримизни билиб кепсан! Шун-

га ҳам шукр, дуппини осмонга отсанг-чи! — дерди шанғиллаб. Қаранг-а, бир ўгирилиб кимга айланиб улгурган эди у.

Аммо улар мендан ниманидир яширишаётганга ҳам ухшар эдилар.

У нима экан, суюклув ҳам узгуклув укалари — мен ҳеч нарса билмасдим.

Учинчи китоб битди

Жиндек изоҳ: Ва ниҳоят, уп саккиз йиллик айриликдан сунг ота уз фарзанди-аржуманди рухсорига етишиб, мушфиқ онаизорининг келинлик сепи тарикасидаги тақинчоғи — омонат ҳам ўз эгасини топган ва шариат заммага юкламиш вазифаларни ўташга уриниб қилинган сирли сафар уддаланиб, ватан соғинчи, якин жигарлар соғинчи жиндек қондирилган бир палладa «Жудолик диёри»нинг учала китобига нукта қуймоқ ҳам мумкин эди.

Аммо тақдирнинг уйинларию ёзмишларига тараф йўқ!

Олтинхон турамдек зотнинг дилбандлари билан дийдорлашув кунларида Аллоҳнинг изни билан яна бир воқеа содир булдики, ундан ҳаммамизнинг бошимиз осмонда эди! Гап шундаки, Олим билан Султонмуродлар ҳам уша куни топишиб, юз куришдилар-у, лекин соғинчлар қонмай туриб, ҳеч ким кутмаган ишлар булиб кетди. Улар кайта кўришишга шартлашган жойларида... сафарнинг охирги кунига қадар ҳам акадан дарак булмади.

Ҳамиша сузи — лафзининг устидан чиқиб юрган Ботурга нима булди? Ватандан келган азиз жигаргушасини кузатгани нега чиқа олмади, нима монелик қилди? Ҳеч ким билмасди. Шу сабабдан бу тарихни яна ҳам аниқлаштиришга туғри келди.

Азиз китобхон. Дастлабки уринишларимиздан шу нарса маълум булдики, жудолик тарихи ҳали поёнига етмаган куринади. Шу боис Султонмурод тақдирига доир ҳозирча муаллифга аён тарихлардан бир қисмини тўртинчи китобнинг илк боби сифатида тақдим этиб туришга журъат қилдик. Аллоҳ хайрли қилсин.

Узр, дийдор навбатдаги китобга қолди.

Муаллиф.

С о ғ и н ч   д и ё р и

4-китобдан илк боб

Садағанг кетай Қора дарвеш ёхуд бемаврид чақирилган азон

(Ёлғиз муаллифга аён тарихлардан)

Кун тиғга келган, ўша лахчага айланган куннинг ўзи ҳам осмон тоқига михланиб қолгандек эди. Унинг заволга оғиши, олов тафтининг қайтишидан бир белги, бир сас бериб, бирон нарса қилт этса-чи қани!.. Ҳатто вақт тўхтаб қолгандек. Соялар-ку кичрайиб бориб, дов-дарахтларнинг, қўрғонларининг ортига яшириниб олгандек, тош-кесаклар тагига кириб кетгандек. Гўё олам Маҳшаргоҳга айланиб, қуёш ҳам насая бошлагандек бир паллада бу муаззам шаҳар аҳли барча юмушларини ташлаб, ким соя-салқин қўрғонларига, ким қоронғилатилган ичкари уйларига кириб кетганлару бутун шаҳар кимсасиз Мадина-кентга айланиб қолгандек эди.

Яхши ҳам Аллоҳ қайлулани чиқарган, шаҳар аҳли неча замонлардан бери куннинг мана шу палласида боягидек салқин жойларига кириб кетиб, бир муддат мизғий кетадилару яна асрга яқин «тирилиб чиқиб», ўз тоат-ибодатларигаю тирикчиликларига киришадилар. Аср намози ана ўша қайлула шукронасига ўхшаб кетади. Ана шундан кейингина Мадина кўчаларида баҳри дилни очадиган шабадалар юриб қолади...

Унгача ҳали пича бор. Бизга аввалги китоблардан таниш, қолаверса, шу асарларнинг битилишига маълум маънода сабабчи бўлган Баҳриддин биродаримиз ҳам ҳозир тижорат ишларини бир четга суриб, ичкари уйда қайлулага берилган, шу тоңда тонг-саҳарлардагидек тиниқдан-тиниқ туш кўриб ётар, қаранғки, яна ўша ўксик болалигию иқбол этагидан тутдим де-

ганда ажраб қолган диёрининг далаю қирларида кезиб юрар эди. Кезиш нимаси, ўша диёр шамолларига, қушларига қўшилиб, шаббохун урар эди.

Умрининг сўнгги куни, сўнгги нафасига қадар тушларига кираверса керак ўша диёр, ўша ўнгида етиб бўлмас гўша. Балки сўнгги нафаслари билан бирга у бу вужудни, бу қувғинди кўнгилнинг қаърини тарк этса, жон қуши билан қўшилиб чиқиб кетса ҳам эҳтимол... Унгача меҳмон бўлиб келаверса, ўртайверса, жон қушини ўша азиз гўшаларга етаклайвериб қўймаса, не ажаб? Тилимиз нега ёлғонлаб келадир, уни жудолик диёри деб атаб? У ахир дил қаърида ётмаса, жон қуши ила бирга бўлмаса, нега миэғидн дегунча кўринаверади, ўша гўша, ўша диёрга етаклайверади?!

Балки адоқсиз сирларидан воқиф қилмак лозим бўлган чоқларида у яна тушларига оралаб кириб келавериб, уни яна нималардандир огоҳ этмоқчи булаверар?.. Ишқилиб, у ўшал азиз диёрнинг кўм-кўк бедапоя қир-адирларида югургилаб юрар, гоҳ кайбир тепаларда, гоҳ қайбир адирларда юрагини ҳовучлаб туриб қолар эди.

Бу ёқда эса, бир гала от овловчи чавандозлар ҳар бирларининг қўлларида битталан арқон-сиртмоқ, ҳаммалари бир кўркамдан-кўркам, учқур отни, ҳали ҳеч минилмаган салт бир отни ҳар тарафдан ўраб келишарди. Пайт пойлаб туриб, ҳуркак отнинг бўйнига сиртмоқ отиб илинтириб олишгаю кейин қўйиб юборишмаса. Аммо иш ҳали бунга етганича йўқ. Яқинлашдилар деганда у шарт қайриладию узун, кўҳликдан-кўҳлик бўйнини бир ёнга эгиб, ёлларини ҳилпираттанча чап бериб, қочиб қолади. Кейин биронтаси унга ета олсинчи, чангида қолиб кетадилар! У эса, нариги қирга ўтиб бориб, секинлайдию атроф-жавонибни жангиллатиб — шундай кишнаб берадики, бу кишновдан юраклар симиллаб оқишга тушади. Симиллаган сари ғурурми, нимадир қанотга айланиб, икки куракдан ўсиб чиқа бошлайдию у отни яна қувсалар борми, унга қўшилишиб учгиси, тутқич бермагиси келаверади.

От ҳам отмисан от эди ўзи! Қирга етиб олиб, тепада туришини кўрсангиз! Бунақаси илгари ҳам туғилганмикан ҳеч? Гўзаллигию кўркамлигини кўринг. Тўрттала оёқлари тиззасига довур оқ-оппоқ, цешона-

сида юлдуз-кашқаси бор бундай от ҳар юз йилда битта туғилса ҳам, мингтадан битта чиқса ҳам ажабмас. У чиндан ҳам мингта от ўртасига тушса, ажралиб турадиган отлардан эди, тануклидан тануқли, кўҳликдан кўҳлик жийронқашқа эди.

От ўғриларими, ишқибозларими, ишқилиб сиртмоқ тутган абжир чавандозлар галаси шунчалар харислик билан уни қувар, уровга олар, сиртмоқ ташлар эдиларки, бири бўлмаса, бири муддаосига етиб қоладигандек, Баҳриддиннинг нафаси ичларига тушиб-тушиб кетарди.

Аммо ҳар гал «ўлди!» дея ичлари зимиллаб, кўзларини чирт юмиб олган маҳал... яна очсаки, жийронқашқа Аллоҳнинг қайбир иногяти билан «қув-қув»лардан қутилиб чиқиб, кетаётган бўлар эди!..

Валлоҳ-валлоҳ! Бу не ҳол, бу не синоат? Қачонгача довур бўй бермай, қочиб юра олади экан?! Бу «қув-қув»ларда не ҳикмат яширин ўзи?..

Сўнгги дамда... биров худди Каъбатуллоҳдагидек тиниқдан-тиниқ, чўзиқдан-чўзиқ азон чақириб юборди-ю... Баҳриддин («Ия, аср бўлиб кетибдими» дея!) сапчиб туриб кетди.

Кейин ўша ичкарида, ўзларининг алоҳида таҳоратхоналарида таҳорат олиб, ювиниб-тараниб, бирату̀ла намозга отланиб, хожи кўйлакларини кийиб чиқиб келди-ю аёлининг ҳали ҳам тикув машинаси ёнидан турмай, ўша бир вақтлар диёрдан кийиб келган қарғашойи атлас кўйлагининг этагини сўкиб-чоклаб ўтирганини кўриб... ҳайратланди:

– Ха, онаси, мунча ихтимат қуйиб йўрмамасанг? Қизларингга бошқа жуфтини тополмай ўтирмайлик, ҳали?

Марғубону эрига ширин жилмайди:

– Улариз ўзлари аввалдан танлаб бўлишган. Бу Фотимамизга. Зуҳрангиз сариқ атлас кияди эмиш.

– Унда ишим осон экан. Мен бунақа кухна атласни яна қаердан топарканмиз, деб юрибман, – деб кетидан қўшди. – Яна битта эгизак туққанингда борми, онаси, биздан бадавлати бўлмасди бу Мадинаи мунаввара[да].

Олинг-а, – деди аёли ёноқлари келин пайтидагидек дув қизариб. – Шу давлатиз камми, адаси?

Худога шукр, хеч кимдан кам эмасмиз. Бахриддин бадавлат номингиз бор.

— Шукр, шукр, мингдан-минг шукр, гап келганда айтдим-да. Кизларинг анув янги каравотимизга жой кила колишсин, — деб юра бошлаган жойида аёли шошкич ўрнидан туриб, этакларига илашган кийким-ларни кокишга тутинган куйи уни тўхтатди.

— Шошманг, аласи, элбурутдан каёкка отланиб олдингиз? Асрга эрта-ку хали?

— Эрта?.. — деб хайратланди Бахриддин. «Унда... азонни каердан эшитдим? Ўша ховфимда эканми у хам?..»

— Эрта-эрта. Ана, соатга хам каранг, — деди аёли.

Чиндан хам девордаги зархал кафтгири тўхтовсиз бориб-келаётган соат миллари аср вактига етишига анча бор, бу муддат ичида бир ухлаб турса ёки дунё-ни ишини адо этиб улгурса буларди.

Бахриддин хеч нарсага тушунмай каловланди: «Уни кара-я... Унда бемахал янграган азон — нимадан им-дод экан? Шайтоний деса, харамдагидек жаранглади: бу калималардан шайтоннинг ўзи тиркираб кочмоғи лозим эди. Ховфида — ўша кўркам жийронкашка югуриб юрган кир-адирларда янгради эканми? Унда хатарданми, нимадан дарак бермокда?..»

Ғалати, тушунуксиз хол эди. Бахриддин кайтари-ни хам, чикаверишини хам билмай тўхтаган бир кезда аёли ниманидир эслаб, токча томон юрди:

— Дарвоке, аласи, Жиддаданми, каердан дилиг-рам келган эди. Уйғотишга кўзимиз киймай, олиб кир-маган эдик, кўринг, — деб хабарномани олиб узатар экан, кистади, — бирпасгина ўтира туринг, жиндек толмачой тайёрлай, майлими?

Шошкич азон-ла турғазилув, ундан аввал мана бу телеграмманинг келиши... Колаверса, дунёда энг та-нукли, кўркам бир отнинг хеч кимга тутқич бермай кирдан кирга ошиб юриши... Буларнинг хаммаси ни-маландир имдод берару Бахриддин уларни кандай таъ-бир килмокни билмас эди?

Ғалати, жуда хам ғалати эди. У бир четдаги ором-курсига бориб ўтиришга сабри етмай, турган жойида телеграммага кўз ташлади.

«Бахриддин бадавлат биродаримизга: Мозийдаги **«Буюк мухожир»дан зўррок бир кахрамон** *топган декман. Елгиз ўзингга бир олам гапларим бор. Анув*

хизматкоринг — биз билан юртга бориб қайтган **гунг муробитни** *топтириб қуйсанг. Осмонимизга зигирча булут оралашини-да раво курмасман. Кордовадан қайтган биродаринг.* **Қора дарвеш».**

— Ана холос, — деб юборди Бахриддин.

Қизиқ. У Султонмуроднинг кимлигини билмасдику? Жунаб кетгач қаердан хабар топибди? Нега, қаердан муробит деб атамоқда? Яна топдириб қуй дегани қизиқ!.. Ёлғиз узингга бир олам гапларим бор, дегани-чи? Хавотирли бир гап ўтмаган булса, телеграмма бериб юрмай — туғри келаверса, буларди-ку?!

Демак, ўртада бир гап бор! Бехуда чопиб келаётгани йуқ.

Уни ростакам ваҳм босиб келиб, турган ерида «қул аъузу»ни такрорлаб, Аллоҳдан паноҳ сураган булдию телеграммани дераза ёнида қолдириб, телефон дафтарчасига ёпишди. Унда Султонмурод холаваччасининг хос телефонларидан тортиб, барча шаҳарлардаги жамият телефонларигача булиши керак. Аввал узига уланиб куришга ҳаракат этдию бир ваҳимасига ун ваҳима қушиб олди. Ҳар гал станциядан бир хил жавоб булар эди: «Жаноб телефон рақамларини учириб қуйганлар, ё чегарадан ташқарида булишлари мумкин».

— Қаерда бўлиши мумкин? — Бахриддин у билан бир ҳафта олдин гаплашганини, ундан кейин ҳеч уланмаганини эслади.

Ўшанда «Олимни курдим. Турамнинг зурриётларини дийдорлаштиргани ола кетти. Сенга, хонадон аҳлларингга хешу ақраболаримиздан бир олам салом келтирибди. Қайтишда албатта, кириб ўтаман. Унгача ичикиб қолма, деб сим қоқдим. Аллоҳ куриштиргунча», деб эди. Мана энди уланмай ўтирса...

Балки бирон шошқич иши чиқиб, жунаб кетдими, дея Бомбейдаги идорасига боғланди.

— Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокотуҳу, — деб саломлашди котиб жаноб.

Бахриддин алик олиб, узини таништирдию биродарини суради:

— Мумкин булса, улаб юборсангиз, — деди умидла. Аммо котиб боягидан ҳам тавозу билан:

— Жаноб ўша тарафларда сафардалар. Биз сизга осон уланиш рақамини айта оламиз. Марҳамат, ёзиб

олииг, — дедию Бахриддин биладиган рақамни қайтарди. Бу ўша — қўл телефони эди.

Бахриддин бир кўнгли уланолмаётганини айтмоқчи бўлди-ю, ҳали йўқ нарсага уларни ҳам хапотирга қўйгиси келмади. Энди ёлғиз умид — Олтинхон Турамдан эди. Ҳеч ким билмаган тақдирда ҳам у киши билсалар керак. Ахир сафарда бирга бўлишган-ку.

Бахриддин шу умидда Турамнинг мадрасадаги олий даргоҳларига сим қоқдию у зот сафардан қайта туриб, қаричилик — жиндек уриниб қолганларини эшитиб, ўзларига уланишга журъат эта олмади.

Энди ёлғиз йўл — Турамнинг зиёратларига ўтиш эди. Шу баҳона сўраш мумкин, ундан берига беловта этиш адаб доирасига сиғмаса керак.

Бахриддиннинг қувваи ҳофизаси ҳам, ақли ҳам ўқдек ишласа-да, бундан тўғрироқ йўл кўрмаётган эди. Ахийри ичкарида ўтира олмай ташқарига чиқиб кетди. У хурмозор оралаб кезишар экан, Қора дарвешни ўйлаб:

— Келса, кела қолмайдими? Жиддадан чиққан одам аллақачон Мадинага кириб келиши керак эди-ку, — деб ташвишланиб борар, бунақа вақтда зикрга берилиш лозимлиги ёдига кела қолмас эди.

Шу асно Зуҳра қизи:

— Адажон, аяжоним чойга чақиряптилар, — деб чиқиб қолдию у қизларининг тошканчасига «оҳ, мумоч қизларим, пупоч қизларим, барака топинглар, она қизларим», дея эркалаб кириб бораверди, аммо ичида ғўрмишлаган нарсани ҳеч унутолмасди, ҳатто каравотга қилинган бир чиройли жойлар ҳам, шакароб бериб сув сепилган, салқин уфураётган ичкари ҳовлининг ўзи ҳам унинг кўзига кўринмаётган эди...

Ҳайрият, бир пиёла чой ичар-ичмасларидан хабар кирди:

— Хожам, ҳабашистонлик биродариз ҳузурингизга киришга изн сўрайдир. Ўша боши муштдек, ўзи гунгурсдек одам...

— Дарвоқе, Қора дарвеш... — деб ўрнидан тура бошлади Бахриддин бадавлат. — ёлғиз ўзи бўлса, шу ёққа ола қолинглар, — деб изн берган жойида «йўқ, улар икки киши» деган жавобни эшитиб, фикридан қайтди. — Майли, мен чиқиб боряпман. Азиз биродарларимизни ўша меҳмонсуфага чорлай қолинглар.

Йул босиб келишган, муздек сувлар тутинглар, — деб туриб, аёлига угирилди, — Балки толмачойнинг маставасини ҳам ўша ерга чиқарарсизлар. Қаранглара, кимларнинг насибаси қушилган экан, — деб алқаб қуйди.

У ташқари ҳовлига чиқиб борганида меҳмонларнинг чувакроғи қуш хурмо тагидаги меҳмонсупага чўккан, Қора дарвеш эса, хурмо тагида гурибоқ ютоққан қорапордек сунга ёпишган, музлатгичдан чиққан сувни идиши билан кўтариб ичмоқда эди.

У Баҳриддинни кўриб қолиб, сув идишини-да ташлаб, икки оёқда турган улкан миттибоши динозаврдек қучоғини очиб лапанглаб кела бошладию, хизматчилар турган жойларида анг-танг қолдилар. Баҳриддин эса: «О, бизни жонажон юртни тавоф этиб келган азиз биродаримиз-ку!» дея талпиндию бир-бирларининг бағриларига сингиб кетдилар. Туғрироғи, Баҳриддин Қора дарвешдек, «она сутига туймай қолган динозавр» бағрида оқ бутадек булиб қолган эди.

Улар шу куйи бир муддат бир-бирларини искаланиб, буйларига туймай курипишар экан, ниҳоят, Қора дарвешга забон битди:

— Оҳ, менинг Хотамтой биродарим, эҳсонлари, сочганлари Абдураҳмон ибн Авфча бор оғайгинам, курар кун бор экан-ку, — дея чин муминлардек ҳали у елкасига, ҳали бу елкасига бош қуйиб, сурашаркан, бу ҳам унинг курақларини силаб, алқашини қуймас эди:

— Соғинтириб қуйган Аллоҳимга шукр, курмаса туролмайдиган этиб қуйган ёлғиз Тангри субҳонаҳу ва таолога шукр, — дерди.

Ниҳоят, қувилишиб келган ҳамсояси билан-да курипиб, супанинг уч тарафини эгалладилар-да:

— Қадам етди, бало етмасин, Аллоҳ Ўзи раҳматидан бенасиб этмасин, — қавлида дуолар қилишиб, сурашиб-исташга тушдилар.

Бу орада олма гулли чойнакларда чой чиқиб, толмачойнинг маставаси ҳам кела қолди. Аёли барака топсин, қизларига бош булиб, шу қисқа вақтда хушхургина мастава тайёрлаб улгурибди. Яна устига жиндек қатиқ, жиндек мурч, қуруқ райҳонлар солиб чиқаришибди. Алқаб-алқаб ичиб олишдию шу тафтбосдидан сунг икки биродар бир-бирларига ёлғиз ўзлари

тушунадиган тарзда нигоҳ ташлаб, «сурашиб-исташа кетди»лар: «Нечук, зарур ишларингни ҳам ташлаб, биз томон чопиб копсан? Тинчликми?», дерди Бахриддин.

«Биласан-ку, биродарларимга тегишли гап чикса, ичимга сиғдиролмай қоламан. Айникса, сизларга! Телеграммани олгандирсан?» демокчи буларди у.

«Олдим», деди Баҳриддин бош силкиб. Кора дарвеш эса, пиёладаги чойини бир хуплашдаёқ бушатиб, урнидан тураверди. Сунг гап-сузсиз унинг тарафига утиб, култиғидан олдию хурмозор томон бошлади. Хурмолар тагига етишганда эса, қуйиб юбориб, узи фил оёғидан-да йуғон бир дарахт танасига суянди:

— Соғинч ўз йулига. Лекин мен атай сизларни деб, уни деб келдим, — деди қорасидан оқи купроқ митти кузларини бунинг юзига кадаб: — Тополдингми узини? Шу соат, шу дақиқада кўрса буладими? — деди баттар хайратга солиб.

— Йўқ, — деди Баҳриддин ростига кучиб. — Бир хафтадирки, ҳеч ерда йуқмиш. Телеграммани олганимдан бери уринаман, қани изини тополсам. Хеч ким хеч нарса билмайди. Бомбейга ҳам қайтмаган...

— Қайтмаган?!. — Кутилмаганда у Баҳриддиннинг елкаларига човут солгандек қул ташлаб, силкишга тушдию... Баҳриддин демаганлар суяклари шикирлаб узи бориб-келяптими ё рупарасидаги хурмолар чайқаляптими, ажрата олмай колди. Қолаверса, у Қора динозаврнинг чангалидан қандай кутулишини билмас эди. — Сен узингни менинг урнимга қуйиб кўр. Биласанми, у йуқолса, мен кимга айланаман? Аллоҳнинг олдида субутсиз одамга айланаман-ку! Тушунасанми шуни? — деди аввалгисидан ҳам каттикроқ силкилаб.

— Тушунганим билан... илож қанча? — деди Баҳриддин.

— Йук, сен айт. Уни шу бугунок, шу соатдаёқ топа оламизми?

Бахриддин энди узини тортиб, уйланиб колган эди:

— Шошма, сен уни билмасдинг-ку? Қаердан била қолдинг? Ким айтди, сенга уни муробит деб? — деди дилидагини тилига чиқариб.

Кора дарвешнинг митти кўзлари оқ золдирдек айланди:

— Ким эмас, ўша сафардан хабар топган идора чақирди, тушундинг? Уларга етказишган кўринади. Мен эсам... — У юз буриб ғудранди, — хеч нарсадан бехабарман!

— Демак, Сен биздан қаттиқ хафасан. Ранжигансан. Шундайми? — деди Бахриддин, ичи аллақандай хувиллаб: «Наҳотки шундай одам синиб ўтирса?»

Мен-а? Нега энди хафа бўлишим керак? Нимадан ранжишим керак?! — кутилмаганда у боягидек икки кифтидан чангаллаб силкиланга, хансирашга тушдию бирдан қаҳ-қаҳ уриб юборди. — Вой, сени қараю!.. Қайтага у гунг-соқовинг кимлигини билиб, қай холга тушганимни сўрасанг-чи! Биласанми у ким?!

— Ким? — деди Бахриддин ҳам унинг жазавасидан ҳайратга тушиб.

— Унинг олдида ўша Андалусияга кўчиб борган «Буюк муҳожир» ким бўпти?! Ёнимда шундай одам туриб, ватанини деб, аҳли аёли, жигарпораларини деб, зиммасидаги шаръий бурчи — омонатини деб «гунгсоқов бўлиб» бўлса-да, «қора юкчи бўлиб» бўлса-да, ватанга боришга журъат этган муҳожир туриб, мен кимни кино қилмоқчи бўлиб юрибман?! У чинакамига диёридан, аҳли-ёридан, хешу ақраболаридан жудо бўлган одам-ку! Унинг диёрга сафари — зулм салтанати чоклари муваққат, ўзи муваққат эканидан далолат-ку. Аллоҳ хоҳласа, ёлғиз мужоҳидига қандай нусратлар ато эта олишидан бир нишона-ку бу сафар! Тушунасанми шуни?! Мен ўша идорадаёқ билганман. Унинг кимлигини эшитганимдаёқ тушунганман. Мен наинки эркин фикрли, хар нарсага Аллоҳ нурила нигоҳ ташлай оладиган бир мўмин, бир оламман, ижодкорман, ахир! Шу биродарингни оламан дедимми, шуни оламан! Сен уни топишимга ёрдам бер. У ёғини ўзимга қўйиб бер. Кўндириш менинг ишим. Мен унинг кимлигини билиб қолдим! Оналар бундай мужоҳидни юз йилда битта туғадилармикан, валлоҳи аълам. Ростингни айт, топамизми уни? — дерди нечанчидир марта уни силкилаб.

Рости, Бахриддин унга нима деярини ҳам, қандай тушунтирарини ҳам билмай қолган, аммо ҳаққа кўчмаса ҳам бўлмас эди. Чиқмаган жондан умид:

— Хўп десанг, асрдан кейиноқ Маккага, Олтинхон

турамиинг ҳузурларига жунаймиз. Бундан бошқа йул йук, — деди ахийри.

— Яхши. Набий соллаллоху алайҳи васаллам масжидларида намозни ўқиймизу ушанақаси жунаймиз, — деди Қора дарвеш ҳам бу фикрга қушилиб...

Улар супага қайтишаркан, уша улуғ масжид томондан асрга чақириб, азон янграй кетдию Баҳриддин беихтиёр кундузги туши, қир-адирлар оша дупир-дупир чопишган чавандозлару жийронқашқани эслаб, беҳол тортди: «Астағфируллоҳил аъзим, ховфида янграган азон... шулардан дарак беряпти эканми?» деб уйлади. Чиндан-да, илгарилари ҳам шундай булмасмиди? Намозга туролмай қолган кезлари... ҳовлида ё жом тушиб, жангиллаб кетар, ё биров шошқич деразани тақиллатиб қолар эди-ку. Ҳатто бир гал Султонмурод аниқ-тапиқ чақириб келган эди! Чиқса, ҳеч ким йуқ: фақат бомдодга кетаётганларнинг қоралари куринади, холос. Демак, овоз берган ҳам уша, намозга уйғотувчи фаришта эканми? Қолаверса, илгариги замонда кишилар зулм устидан чиқиб, ёрдамга ожиз қолсалар, азон чақириб булса-да, мазлумни қутқарар эканлар. Бу ҳам жиндек ушанга ухшаб кетмаяптими?..

Йулда уша тушини Қора дарвешга айтиб эди:

— Ана-ана, бундан ортиқ яна қандай белги берсин?! Қани эди ҳозир ҳам уша тартиб амалда булса, — дея ҳовлиқди.

— Яхшиликка яхши-я, лекин у азонни ким эшитиб, ким адолат қиларди? — деди Баҳриддин.

Аммо Қора дарвеш унга қушилмай, елкасига қоқди:

— Эҳ, бадавлат, бадавлат! Ҳеч ким эшитмаса ҳам жилла қурса Аллоҳ эшитади-ку! Аллоҳ эшитгани камми? — деди бош сараклатиб.

— Дарвоқе-дарвоқе, чиндан ҳам унинг адолати олдида бу дунёнинг адолати нима булибди?! — дея олди тан бериб Баҳриддин ҳам. — Аввало, уша адолатдан ҳеч ким бенасиб қолмасин! Шу жумладан, Султонмурод ошнамиз ҳам... — дедию бу диёрларда орттирган ошнасини енгил қучиб қуйди.

У эса, уз навбатида:

— Илоҳим, уни биз учун ҳам Ўз паноҳингда асрагил, — деб илтижо этаркан, бу самимий илтижога ҳар

иккалалари-да, фариштаталарга қўшилиб, омин дейишга тайёр эдилар.

* * *

Улар ярим тунда Маккаи мукаррамадан, Турам зиёратларидан қайтишар экан, орқаларидан биринчи хабар ҳам етиб кела қолди. У зотнинг Туркиядаги муридлари телефонда хабар қилишар эди:

— Турамнинг илтимосларига биноан, маълум қиламиз: Сиз излаётган жаноб тўрт кун муқаддам жамиятнинг шуъбасига қайтиб келганлар. Юртдан келган сайёҳлар ила кўришишлари лозим бўлган. Шу орада икки занжи меҳмон шуъбага ташриф буюриб, жаноб уларни ҳавокентга кузатиб чиққанлар. Охирги кўрганимиз шудир. Жаноб шуъбага ҳам қайтиб келмадилар, юртдан келиб, кутиб ётган сайёҳлар билан учрашувга-да бормадилар. Барча излашларимиз бесамар кетмакда. Аллоҳ Ўзи ҳифзу ҳимоясида асраган бўлсин у жанобни.

Сўнгги маълумотни қўшамиз: ўша кунги меҳмонлар Найробига учганлар. Самолётда биронта ҳам оқ танли бўлмаган...

Баҳриддин ялт этиб ҳамроҳига қаради. Баралла овоздаги бу телефонаграммадан тош ҳайкалдек қотган Қора дарвешга ниҳоят жон битиб, таскинга муҳтож биродарига эланиб тикилди:

— Узр, жиндек кечикибмиз. Биз ўнгарилгунча улар буюк муҳожирни умариб кетибдилар. Аммо қотирибдилар, тушмагурлар! — деди тиззасига уриб.

Уларинг ким? — дея олди Баҳриддин.

— Бу ёғи сир, ошна, — деди у кутилмаганда тилини тақиллатиб. Кетидан эса қўшди: — Агар улардан бошқа биров бу ишга журъат этган бўлса, билиб қўй, ернинг тагидан бўлса-да, муҳожирни топдираман, сен бехавотир бўл, — дедию ўриндиққа тоғ ағдарган одамдек ястанди. Нимқоронғи йўлда унинг кўзлари оқ ёғдудек ярқираб-ярқираб кетар эди.

Баҳриддин беихтиёр кундузги тушини эслаб, неча-нчидир марта ҳайратга тушди. Қарангки, ўша жийронқашқани қувиб юрган чавандозлар ичида биронта ҳам қора танли чавандоз йўқ эди. Улар қайдан пайдо бўлиб қолдилар? Тушуниксиз эди.

ТАҚДИРНИНГ АЧЧИҚ СИНОВЛАРИ

(«Жудолик диёри»нинг аввалги икки китобига чизгилар).

Истиқлол даври ўзбек насрида, айниқса, роман жанрининг уфқлари кенгайди. Нисбатан қисқа муддатда ўнлаб романлар яратилди. Уларнинг аксарияти ўзбек халқининг ўтган XX асрдаги ҳаёти манзараларини тасвирлашга бағишланган. Ёзувчи Мурод Мансур «Жудолик диёри» трилогиясининг биринчи (1998) ва иккинчи (2003) китобларини («Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида) нашр этди. Роман адабий жамоатчилик ва китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди.

«Жудолик диёри» — рамзий ном. Ўзбек халқининг XX асрдаги ҳаётида, айниқса, асрнинг биринчи ярмида айриликлару жудоликлар кўп бўлди. Минглаб хонадонларнинг баъзи аъзолари Ватанда қолган бўлсалар, баъзилари ғурбатда ғариб бўлдилар. Ҳатто Ватанда қолганлар ҳам қамоқ, сургун, қатл, уруш каби мусибатлар туфайли такрор-такрор яқинларидан айрилдилар. «Жудолик диёри»да халқимиз бошига тушган ана шу оғир синовларнинг кенг манзараси чизилган. Асарда ўзбек халқининг буюк бардоши, энг оғир даврларда ҳам номига муносиб тарзда ўзлигини сақлаб қола олгани, йўқотишу айриликлардан янада тобланиб чиққани бадиий маҳорат билан акс эттирилган.

«Жудолик диёри»нинг биринчи китоби воқеалари ёш бола Мақсудхўжа тилидан ҳикоя қилинади. Шоирона қалб эгаси эканлиги, табиатни, ҳаётни, одамларнинг турфа хислатларини теран англаши ва ёрқин бўёқларда тасвирлашидан ҳикоячи бола муаллифнинг ўзи эканлиги сезилади. Адиб аждодлари кечмишини, ўзи кўрган-эшитган воқеаларини қаламга олган, туғилиб ўсган, болалиги кечган манзил-маконларни тасвирлаган. Шунинг учун ҳам асар жонли, табиий ва самимий чиққан. Лекин бу самимият қатида қанча дард, қанча алам бор. Айниқса, поймол этилган қадриятлар, ғорат қилинган табиат манзаралари айрича бир ўртаниш, чексиз алам-изтироб ва иложсиз соғинч билан тасвирланади: «Киндик қонимиз тўкилган, неча пушт ота-

римиз ўтган у диёрдан ҳеч вако колмади. Тупроқ ўша-ўша, макон ўша эди-ю, лекин энди диёр йўқ эди. Уни ёдга соладиган бир ўр ё қир, бир сой ё жилға, бир кўрғон ё ҳовли колмаганди».

Дастлабки боблар мутолааси пайтида ўқувчи китоб Мақсудхўжанинг болалигига бағишланган ва у воқеалар марказида туради, деган хаёлга ҳам боради. Аммо бобдан-бобга ўтгани сайин асарнинг бош қаҳрамони Султонмурод экани англашила боради. Муаллиф бош қаҳрамонни кўпам таъриф-тавсиф қилмайди. Уни бошқалардан ажратиб турадиган айрим хислатлари Султонмуроднинг хатти-ҳаракатлари ва бошқа персонажларнинг у ҳақдаги гап-сўзлари воситасида ёритилади. Унинг ўз насл-насабини унутмагани, қувғинга учраган аждодларини ҳам фахр билан эслаб юришидан манқуртлик авж олган бир даврда Султонмуроддек одамлар туфайли халқнинг тарихий хотираси бутунлай емирилмай, давр буронларидан кўп нарсани омон сақлаб қололганига амин бўламиз. Романнинг фақат бир ўрнидагина Султонмуроднинг Оқсарой ва Гўри Амирни зиёрат қилгани, Олой маликаси Қурбонжон Додхоҳ тарихи билан қизиққанига ишора бор. Бундан кўринадики, Султонмурод фақат ўз насл-насабидангина эмас, балки жонажон халқи тарихидан ҳам яхши хабардордир ва унинг баъзи кескин, ҳатто зоҳирий жиҳатдан ўша давр сиёсати жиноят деб баҳолайдиган хатти-ҳаракатлари шунчаки аламзадалик оқибатида, кўр-кўрона бўлмай, балки мустаҳкам маънавий асосга, чуқур мазмун-моҳиятга эгадир.

Ёзувчи Раҳимжон Отаев «Ўтаётган кунлар нафаси» мақоласида: «Султонмурод, назаримда, «Устюрт воқеаси» қиссасидаги Отамуроддан кейин Мурод Мансур яратган энг жозибали қаҳрамон», деб тўғри таъкидлайди. Султонмурод ва унинг йигитлари ҳақидаги ҳикоялар ҳақиқатан ўз вақтида шундай бир гуруҳ бўлган-бўлмаганидан қатъи назар, ишонтирарли, реал заминдан сира узилган эмас. Бу гуруҳ амалга оширган тадбирлар ўша даврдаги мустабид тузумга қарши умумхалқ норозилигининг натижаси сифатида намоён бўлади. Октябр тўнтаришидан кейин бир қанча йиллар давом этган Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракати, гарчанд бостирилган бўлса-да, истиқлол ғояси халқ-

нинг энг яхши фарзандлари қалбини хеч қачон тарк этмаган. Мустабид ҳокимият зулми энг авж олган даврларда унга турли воситалар билан қаршилик кўрсатиш, ҳатто қуролли кураш бошлаш каби режалар фикру хаёлини банд этган одамлар бўлган, албатта.

«Жудолик диёри» романининг фазилатларидан бири — унда қахрамонларнинг мақсад-интилишлари ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва Ислом дини нуқтаи назаридан ёритилганидир. Ҳатто ёвузликка қаршилик кўрсатилганда ҳам адолат мезонлари бузилмасин, бирор кимса ноҳақ жабр кўрмасин, деган ғоя илгари сурилади. Бу ҳол, айниқса, оғир-вазмин, мулоҳазакор ва тақводор Нусратилла почча билан довюрак, жувонмард, аммо қизиққон ва аламзада Султонмурод ўртасидаги мунозарада яққол кўринади. Нусратилла почча зулмкор тузумни ёқламайди, билъакс, ундан нафратланади. Аммо зулм ва адолатсизликка қарши курашга азм қилганлар ҳам ҳар бир тадбири Оллоҳга қанчалик хуш келишини мулоҳаза этишлари, салла ўрнига каллани олмасликлари лозим, деб билади.

Султонмурод ва Нусратилла почча мунозараси асарнинг энг таъсирчан саҳифаларидандир...

Ёзувчи романда бир қанча ўзбекона образлар яратади. Нусратилла почча, Ҳайбат, Соли, Акмал, Чаман, Саломхон, Марғуба — ҳар бири ўз қиёфасига эга. Оқила, мулоҳазакор, қаноатли, меҳрибон Саломхон фалакнинг гардиши билан тариқдек сочилиб кетган Улуғхўжабой авлодларининг омон қолган вакиллари бир-бирлари билан аҳил бўлишлари, аждодларига хос диёнат, инсонийлик, ғурур каби фазилатларни сақлаб қолишларида катта ўрин тутади. Йўқотишлару жудоликлар унинг қалбида ўчмас жароҳатлар қолдирса-да, аёлнинг мустаҳкам иродасини синдиролмайди. «Инсон ҳар йўқотганига аза очаверса, бир умр азадор ўтиб кетади-ку», дея у яқинларини сабр-тоқатга, бор нарсаларни асраб-авайлашга чақиради. Шунинг баробарида, Саломхон ёвузлик ва адолатсизлик қаршисида бош эгиб туриш тарафдори эмас. У Султонмуроднинг муайян хавф-хатарлар билан боғлиқ ишларига хайрихоҳ. Бошига мушкул иш тушиб, кайвони сифатида ундан далда ва чора истаб келганлардан ширин сўзи, жўяли маслаҳатлари, қўлдан келган

ёрдамини дариғ тутмайдиган аёл пайти келганда нобакор кимсаларга нисбатан ғоят муросасиз бўла олади. Саломхон ўзбек оналарининг Ўзбек ойим даражасидаги ёркин адабий образларидан бири десак, муболаға бўлмаса керак.

«Ҳамманинг яшагиси келади» («Устюрт воқеаси») каби тилга тушган саргузашт қиссанинг муаллифи бўлган Муроджон ака «Жудолик диёри»да ҳам саргузашт унсурларини қўллагани асарнинг янада қизиқарли ва ўқишли бўлишини таъминлаган. Саргузашт воқеаларининг бир туркуми соҳибжамол Марғубанинг ачинарли тақдири билан боғлиқ тарзда кечади. Никоҳ кечаси Марғуба бахту висол эвазига мусибат оғусини татийди. Куёв Баҳриддин гўшангага киришга улгурмасдан, таъқибчилардан қочади. Кийимларини алмаштирганлари туфайли, унинг ўрнига жўрасини ўлдиришади, аммо қотиллар жасадни танимай «Баҳриддин» деб кўмиб юборишади. Ўзи никоҳида бўлган одамнинг тириклигидан бехабар Марғуба муайян вақт ўтгач, Султонмуродга кўнгил қўяди. Ошиқи беқарор Султонмурод ҳам висол хаёли билан масрур. Таъқиблар кучайгач, у иккинчи бор ўз ихтиёрига қарши Ҳайбатга узатилаётган Марғубани олиб қочиб, Ватанни тарк этади. Хорижда бўлса-да, улар бир-бирларига етишиб, бахтли турмуш қурсалар керак, деб ўйлаган китобхоннинг хаёлларини биринчи китоб охирида Мақсудхўжага чет элдан етган хабарлар остин-устун қилиб юборади. «Султонмурод Марғубани биринчи никоҳидаги кишига етказишга жазм этибди ва Оллоҳ бу ишни ўзига тақдир қилганига шукроналар айтибди»...

«Жудолик диёри»нинг иккинчи китоби ҳажми каттароқ ва мутолааси ҳам бир мунча мураккаб. Биринчи китобда воқеаларни асосан ровий Мақсудхўжа ҳикоя қилса, иккинчида айрим боблар муаллиф нутқи воситаси, битик, мактуб ва кундаликлар тариқасида баён этилади. Замон ҳам ўзгариб, тасвир жуғрофияси анча кенгаяди.

Яна бир ўзгариш шуки, асарнинг бош қаҳрамони Султонмурод воқеаларда кам қатнашади. Замон тақозосига кўра, у яқинларидан узоқда яшириниб юришга маҳкум. Аммо муаллиф маҳоратига таҳсин айтиш лозимки, Султонмуроднинг бош қаҳрамонлигига зарра

шикаст етмаган. Зоҳиран у кам кўринса-да, ботинан Султонмурод номи асарни ўз атрофида айлантирувчи ўқдир. Асар воқеалари бош қаҳрамон тақдирига чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Унинг номи ва довруғига ҳеч ким бефарқ эмас. Бу ном одамларда ҳаяжон, соғинч, изтироб, ифтихор, ғурур, хайрат, муҳаббат, меҳр, умид, баъзи кимсаларда эса, хавотир, қўрқув, ваҳима каби хилма-хил ҳис-туйғулар уйғотади. Унинг қаердалиги ҳеч кимга маълум эмас, аммо пайдо бўлиб қолишини интиқлик билан кутадилар ва бу ҳиссиёт китобхонга ҳам юқади. Нуроний Ҳозиқ туранинг «Қадрдонимиз, бизнинг Ботур», дея эслаши Султонмуродга берилган юксак баҳодир.

Китобхон учун кутилмаган, таъбир жоиз бўлса, уни «ранжитадиган» ҳоллардан бири шуки, биринчи китобда бекиёс меҳр-муҳаббат билан тасвирланган Марғуба (суюкли Марғу кеннойи) китобда деярли кўринмайди. Унга икки томчи сувдек ўхшаш Султонмуроднинг иккинчи вафодор ёри Маҳфуза сиймоси китобхон учун бу «йўқотиш»нинг ўрнини босади. Хуллас, Марғуба образи биринчи китобга чуқур лиризм бағишлаган бўлса, иккинчи китобнинг маликаси Маҳфузадир.

Саргузашт унсурлари романнинг навбатдаги китобида ҳам етарли. Ёдгорнинг ўрнига Акбаралининг ўғирланиши, Тангритоғ диёридаги кечмишлар, Султонмурод ва йигитларининг Ҳозиқ турани олиб кетиш учун чегара оша келишлари шулар жумласидандир. Асарга янги олиб кирилган Ҳозиқ тўра образи унинг салмоғи, тарихий ва фалсафий жиҳатларини чандон оширган. Муаллиф ўзининг тасвир услубига содиқ қолиб, муътабар инсон Ҳозиқ туранинг ўтмиши ҳақида батафсил маълумотлар келтирмайди. Аммо баъзи ишоралар, масалан, бир персонажнинг уни Имом Шомилга менгзашидан, Ҳозиқ тўранинг прототипи Алихон Тўра Соғуний эканлиги китобхонга аён бўлади. Муаллиф китобхон Соғунийнинг ҳаёт йўли ва асарларидан хабардорлигини ҳисобга олган.

Муаллиф қаҳрамонларнинг йирик тарихий воқеалардаги иштирокини батафсил тасвирлашни мақсад қилиб қўймайди. Кўпроқ уларнинг руҳияти таҳлили, тарихий воқеаларнинг улар хотирасида қолдирган ўчмас излари, онгида ясаган ўзгаришларга эътибор

каратади. Бу, албатта, адабиётимизда инсоннинг ички дунёси тасвири бирламчи аҳамият касб этаётгани билан боғлиқдир.

Романнинг энг изтиробли саҳифаларидан бири Ҳозиқ тўранинг «хумдек боши устарада қирилган норғул» раҳбар билан суҳбатидир. Норғул раҳбар ўзининг мустабид тузумга садоқатли хизматини оқлашга уринади: «Биз Унинг олдида киммиз? Хоҳласа, чивиндай эзғилаб ташлайди, хоҳласа, кафтида кўтаради. Иложимиз, қанча?». «Сен кичкина одамман десанг, мен кимманки десам, қачон одам бўламиз ўзи?» — дейди унга жавобан Ҳозиқ тўра қалби сидирилиб оқиб. — Борми ўзи бу юртда эл учун бошини тика оладиган бир инсон?!».

Асарнинг асосий фалсафий ғояларидан бири шуки, ҳар бир киши яратилишидан эзгуликка мойил. Одамлар орасида адашганлари бор, аммо инсонлик қиёфасини бутунлай йўқотган тузалмас нобакорлар бўлиши мумкин эмас. Оллоҳнинг изни билан бундайларнинг ҳам мудроқ виждонлари уйғонмоғи, улар тавба-тазарруъ қилиб, эзгулик томон юзланиб, яхши амаллари билан ўзларининг аввалги гуноҳларини, қисман бўлса-да ювмоқлари мумкин ва лозим. Инсоннинг залолатдан халос топишга интилиши ва, алал-оқибат, бунга эришиши «Жудолик диёри»да бир неча киши тақдири орқали кўрсатилган. Машҳур ўғрибоши Парпи тўғрибошига айланиб, бир пайтлар ўзини шармандали жазога маҳкум этган Султонмурод изидан кетади ва шу туфайли элу юртнинг дуосини олади. «Ўғри қариса сўфи бўлади» тарзида хўжакўрсинга эмас, балки чин дилдан тавба қилиб, имон келтириб қилади бу ишларни.

Асардаги бу хил руҳий эврилишлар кам учрайдиган ҳодиса бўлиб туюлиши мумкин. Аммо мутлақо имконсиз ҳам эмас. Бошқача шароитда ҳеч кимга озор бермай рисоладагидек ҳаёт кечириши мумкин бўлган киши, тақдир тақозосига кўра, беихтиёр равишда ёвуз тузум хизматига тортилиб, гуноҳсиз одамларга жабр қилиши, ҳатто қўли қонга бўялиши мумкин...

Шарқона қадриятлар – қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳру оқибат, расм-русумлар, урф-одатлар, анъаналар асарда жуда гўзал ифодаланган. Меҳмон кутиш ва дийдор кўришгандаги сўрашишу мулозамат-

лар маромига етказиб тасвирланган: «Уйимизни тўлдириб ўтирибсизлар», «Бирам ярашиб ўтирибсизлар» ёки узоқ вақт кўрмаган жияни билан учрашган аёл: «Бормисан, болам?! Бир ярашиб турибсан, қара, ота юртларга. Кўкқарғани кўриб, одам бунчалар қувонмайди, келганинг рост бўлсин, илоҳим, болам. Шу азиз ерларда униб-ўсгин. Руҳлар шод бўлсин. Кел, болам, кел, — деб бағрига тортиб, куракларини силаб кўриша кетди».

Романнинг тили мароқли, оҳорли тасвир-ташбеҳларга бой, услуби равон, содда. Тошкент шеваси бойликлари, халқ тили ва болалар нутқидан самарали фойдаланилган. Адиб ҳамма нарсани ўзига мос сифат, ўзига хос образлар орқали тасвирлайди. Унинг ташбеҳли тасвирида олмазорлар усмаранг-у, ёнғоқзорлар сурмаранг; беҳилар букри кампирни эсга солади; қийғос гуллаган шафтоли бошига гулли рўмол ташлаб, саломга чиққан келинчакка ўхшайди...

Адабиётшунос олим Наим Каримов Ойбекнинг «Болалик» қиссасига ёзган сўнгсўзида: «Биз ва, айниқса, кейинги авлодлар XX асрнинг 10-йилларидаги Тошкентни ва, умуман, ўзбек халқининг ҳаётини бундан кейин Ойбек хотиралари орқали кўз олдимизга келтирамиз», деб ёзади. «Жудолик диёри» романида эса, зилзиладан олдинги Тошкентнинг Яккабоғ, Қатортол, Новза, Чўпонота, Изза сойи, Аччи қирлари каби сўлим гўшаларининг ёрқин тасвирлари берилган.

Асарда кўп ҳикматли сўзларга ҳам дуч келамиз. Бу ҳикматларнинг баъзисини муаллиф халқдан олган бўлса, баъзиларини ўзи кашф этган. Булар муаллифнинг ҳаётни, одамларни кўп йиллар давомида кузатиши натижасида келган хулосалари, умумлашма фикрлари: «Кекдан ҳеч ким кўкармаган», «Мадор йиғаман деган киши муроса қилади», «Ўзи эмас, тақдири кўҳлик бўлсин», «Урган қўл эмас, силаган қўл кучли дунёда», «Юртда токи битта йигит ор-номус учун курашар экан, демак, ҳали юрт бой берилмаган»...

Табиийки, роман баъзи қусурлар, мавҳумотлардан ҳам холи эмас. Биринчи китоб воқеалари асосан уруш пайтида кечган бўлса-да, ўша давр машаққатлари, бевосита уруш билан боғлиқ тарзда халқ кечирган фо-

жиалар тасвирига етарли ўрин ажратилмаган. Эхтимол, бу ҳолнинг сабабини воқеалар ёш Мақсудхўжа тилидан ҳикоя қилиниши билан изоҳлаш мумкиндир. Чунки ҳар бир киши ўз болалик пайтларини эслар экан, ундаги ёркин, жозибали томонлар кўпроқ хотирада қайта жонланади, ўша пайтда бошдан ўтган қийинчиликлар бир қадар унутилган бўлади.

Асарда пайҳон қилинган боғу бўстонлар, болалик билан боғлиқ табиат гўшалари тасвирларида баъзи қайтариқлар ҳам мавжуд.

Ўзбекликка хос қадриятларни тасвирлашда баъзан меъёр унутилиб, идеаллаштириш даражасига борилган, назаримизда. Муаллиф наздида, ўзбекнинг маиший ҳаёти ҳам ер юзида энг зўр бўлиб, қиёсини фақат жаннатдан топиш мумкин: «Яхшиям ўзбекнинг тўй-ҳашами, ақиқаю эҳсони бор... шу баҳона йиғиладилар, дийдор кўришадилар, ҳол-аҳвол сўрашадилар. Келолмаган қарияларнинг омонат саломлари, дуою тилакларини етказадилар. Чиндан шу халққа мансублигингдан, оқибатни, қариндош-уруғдан хабар олишни унутиб қўймаганингдан ичингдан бир ғурур туйиб кетасан. Оллоҳ сени шу тоифадан этганига (анув ота-онасини ташлаб, бегона юртларга тентираб кетавурадиганлар тоифасидан қилмаганига!) шукроналар айтасан»...

Айрим жузъий камчиликлардан қатъи назар, «Жудолик диёри» бир неча қисса ва романлар муаллифи Мурод Мансурнинг бош асари ва мустақиллик даври ўзбек адабиётининг салмоқли ютуқларидан биридир, деб айтишга ҳақлимиз. Романда мустамлака даврида ҳам озодлик ғояси халқ дилида яшагани, садафда дур етилганидек, халқ бағридан муқаррар равишда шижоатли, имонли, ватанпарвар, мустақил одамлар етишиб чиқиши бадиий тарзда акс эттирилган.

Романнинг икки китоби нашр этилган бўлса-да, у ҳали тугалланган асар эмас. Икки китоб мутолааси жараёнида амин бўлдикки, «Жудолик диёри» таъсирчан мулоқотлар ҳаяжонли ва унутилмас учрашувлардан холи эмас. Энг гўзал дийдорлар, соғинчли суҳбатлар айни учинчи китобда бўлса ажаб эмас!

Ғулом КАРИМ.
«Ўзбекистан адабиёти ва санъати» газетаси
2005 й. 5 август сони.

М У Н Д А Р И Ж А

Мукаддима. «Иброҳим мақоми»даги ватанжудо 3

Биринчи бўлим
Сарҳад ошган мактублар

1. Қиёматли биродарим Чаманга 9
2. Умидим навдаси, жон укам, пакана парига 17
3. Биз киммиз, Чаман, на шаҳид ўлмаган, на ғозий бўлмаган 20
4. Сайраб учган Уларқуш қай балолардан хабар берар, Чаман? 22
5. Нусрат сўраб дуо эт, Маҳфузам 25
6. Аччиқ бир қамчи ёхуд у қамчида не ҳикмат кўрмоқдасан, Чаман? 27
7. Ким кимга илҳақ бу жаҳон айвонида? 34
8. Чироғбоғига зор гуша ёхуд булбуллар чаҳчаҳлаган бир чорбоғ 41
9. Осмон никоҳини ким ҳам буза олгай? 53
10. Фатво ёхуд кимки нажот ҳалқасини тутибди 59
11. Тутқун 66
12. Хуш қол энди, жамилам 78
13. Чин соқчим, қиёматли биродарим — Чарли Чаманимга 82
14. Яна бир умрли асрордошим Чаманга 86
15. Тушларимга киргувчи ул азизам, Маҳфузага... 88
16. Жигарбандим, сўнгсиз дардим Олимга 91
17. Умидим эртаси, бир бўлса, ушалмаган муродмақсудларга етгувчи укам Мақсудга 97
18. Турам чорловлари 101
19. Ҳидоят йўли кимга насиб этгай, билармисан, Мақсуд? 104

Иккинчи бўлим
Элчига ўлим йўқ, мужоҳидга тараф

1. Узоқиб кетган элчи 108
2. Улар кимнинг аҳли аёлию тирноғин излашар? 121
3. Ўзи пок, дарди-дунёси қора бир инсон 127

4. Ниятга қараб ажр берилса, агар... 133
5. Узоқиб кетмиш орқадошимизга соғинчли хат 138
6. Мангу жавҳар ёхуд иймон кўчасидан ўтмаганлар хийласи 142
7. Яхшилик соғинган яна бир киши ёхуд Тўрам тадбир излайдилар 152
8. Қора дарвешнинг илтифоти 162
9. Тақсирлар жиндек узрлидурлармй? 170
10. Гунг тасвирчи қароқларидаги ёш 180
11. Йиғласим келадир, эй ёронлар! 187
12. Сим-сим калиди ёхуд ҳамма рози бўладирган кушиш 192
13. Доғи ватан ёхуд ғариб диёр сувратлари нималардан сўзлар? 199
14. Рози бўл, Чаман 206

Учинчи бўлим
Жудолик зори ёхуд дийдор қиёматга қолгайми?

1. Таваккалчини Худо асрар 213
2. Осмон йироқ, ер қаттиқ бир кунда 221
3. Садағанг кетай қариялар 228
4. Юсуфбек хожининг чеварасидан кўрилган мурувват . 231
5. Аллоҳдан чеварроқ ким бор, қори ака? 236
6. Астрабод этилмиш улуғлардан бири 242
7. Қамчингизга салламно, қози жаноблари 247
8. Дунё тургунча турадирган бир иш 249
9. Қиёматга қолмаган дийдор ёхуд Аллоҳ рози бўладирган бир зиёрат 258
10. Осмондан тушган марварид ёхуд омонат эгаси 269

Соғинч диёри
(4-китобдан илк боб)

Садағанг кетай Қора дарвеш ёхуд бемаврид чақирилган азон... 283
Ғулом Карим. «Тақдирнинг аччиқ синовлари». («Жудолик диёри»нинг аввалги икки китобига чизгилар) 294

МУРОД МАНСУР

ЖУДОЛИК ДИЁРИ

Р о м а н

Учинчи китоб

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2006

Муҳаррир *Эркин Малик*
Бадиий муҳаррир *А. Мусахўжаев*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова*
Саҳифаловчи *М. Атхамова*

Босишга рухсат этилди 06.02.2006. Бичими 84x108$^{1}/_{32}$. Петербу гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 15,96. Нашриёт-хис табоғи 15,93. Адади 5000 нусха. Буюртма № 2137. Баҳоси келишилг нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.

3000c